

# СИРЛИ МУЪЖИЗАЛАР

*Ажойиботлар, муаммолар*

---




Тошкент  
Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти  
1984

72.3  
С 60

4803020000 — 183  
С М 352(04) — 84 139 — 84

© Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1984 й. (Гарж.)



В. ВЛАСОВ,

*ВАГОнинг ҳақиқий аззоси*

## ФАЭТОННИНГ ОЛОВЛИ ИУЛЛАРИ

### *Хронологиясиз афсоналар*

...Қуёш маъбуди Гелиос ўгли Фаэтоннинг истаган илтимосини бажаришга қасам ичиб қўйганди. Ваногоҳ Фаэтон шахсан ўзи Қуёш аравасини осмони фалакда чоптиришни хоҳлаб қолди! Гелиос ҳайратга тушди: ҳатто Зевс ҳам бундай қилолмайди-ку ахир. Ота нодон фарзандига насиҳат қила бошлади. Отлар овсар, самода хатар кўп: йўлда Савр мўғизи, Кентавр камони, даҳшатли Асад, Ақрабларга дуч келиш мумкин! Қайт бу ниятингдан!

Қайсар Фаэтон тўрт нафар ғиркўкни бошқаролмай, тамом ўзини йўқотиб қўйди. Қуёш араваси пастлаб, тўғри олға интилаётгани учун Ерни олов чулғаб, шаҳарлар, бутун-бутун қабилалар жизганак бўлар, ўрмонлар ёниб, дарёлар қайнар, денгизлар қуриб қола бошлаганди. Қалин тутун орасида кетаётган Фаэтон йўлни умуман кўрмасди.

Буюк маъбуда Гея-Ер Зевс қаршисида илтижо қила бошлади. Қара, Атлас осмон оғирлигини базўр кўтариб турибди, маъбудлар қасри вайрон бўлиши мумкин, жами жонзот қирилиб кетади, азали-аввалги Бўшлиқ ҳосил бўлади.

Шундан сўнг Зевс қудратли чақмоқни чақнатиб, бевош аравани шиқастлантирди. Ғиркўкларнинг ёлқинли ёллари орасидаги Фаэтон учар юлдуз янглиғ елиб ўтиб, Эридан дарёси тўлқинлари устига ағдарилди. Мотамсаро Гелиос кун бўйи самода кўринмади. Ерни фақат ёнгин шуълаларигина ёритарди.

Маъбудлар кўзёши гирён опа-сингил гелиадаларни теракларга айлантирган, уларнинг дона-дона елимлари Эриданнинг музлаган сувига томиб, шаффоф қаҳрабога ўхшаб қолганди...

Самода рўй бермиш мазкур фожиа ҳақидаги қадимий юнон афсонаси ажойиб ва шоиронадир. Скандинавларнинг Рагнарок ёки маъбудлар ҳалокати тўғрисидаги афсона-воқеаси мазкур афсонага ўхшаб кетади.

...Дунёни офатлар мухорабаси қамраб олди. Ииртқич бўри Фендир Қуёшни еб қўйди, бошқа бир азозил Ой юзини тўсди, юлдузлар қулаб, ғойиб бўла бошлади, Ер шундай ҳам титтрадики, ҳатто тоғлар чайқалаётганини кўриш мумкин эди. Емон

очиб юборганди, шаҳарларни тўфон босди. Маъбудлар билан уларнинг душманлари ҳалок бўлишди, аммо маъдан маъбуди Сутр Ерни тўфон суви билангина ўчирилган аланга денгизига ағдарганди. Маъбудлар билан одамларнинг камдан-камигина тирик қолганди. Ҳозирги одамлар ўшалардан тарқашган...

Икки ярим минг йил муқаддам Платоннинг бобокалони Солонга афсонавий Атлантида тўғрисида ахборот берган мисрлик қоҳин Фаэтон тўғрисидаги афсонани қуйидагича мароқли талқин этади:

«Бу афсона йўсинда ҳикоя қилинади албатта, лекин ушбу афсона заминда ҳақиқат яширинган бўлиб, осмон бўйлаб ва Ер теварагида кезмиш ёритқичлар ўз йўлидан оғади-да, кўп замонлардан кейин кучли олови билан Ердаги жами нарсаларни қуйдириб юборади».

Мисрлик қоҳин айтмиш «оғган ёритқичлар» нима ўзи асти? Эҳтимол бу баҳайбат метеоритларнинг ҳалокатли қулашигина бўлиб қолмай, айти пайтда қометаларнинг мунтазам пайдо бўлиши ва балким энг янги юлдузлар чақнаши ҳам дейиш мумкин.

Яна бир афсона.

Африкалик моҳир механик, ҳайкалтарош ва меъмор Дедал ўзининг шогирди ҳамда жияни Талнинг ундан ўзиб кетишига бахиллиги келади. Дедал истеъдодли йиғитни хиёнаткорона ўлдиради-да, Крит оролининг подшоси Минос ҳузурига қочиб боради. Бу ерда у подшо учун машҳур Лабиринт қасри қуради. Минос бу қасрга танаси одамники ва боши новвосникидан иборат ўзининг даҳшатли фарзанди махлуқ Минотаврни яшириб қўяди. Минотаврни жиноятчиларни едириб боқиларди. Бечора жиноятчилар Лабиринтдан ҳеч қаёққа қочиб кетишолмасди. Афикаликлар ҳар тўққиз йилда Миносга унинг ўша қонхўр махлуқи ейиши учун қурбонликка етти йиғит билан етти қиз элтиб беришлари мажбур эди. Кейинчалик Минотаврни Тесей исмли бир бой кимса ўлдиради-да, Ариаднанинг чилвирлари кўмагида Лабиринтдан чиқиб олади.

Дедал Миносдан қочиб кетиш пайига тушиб қолади. Аммо Миноснинг кучли флоти бор эди. Шунинг учун Дедал ўзи билан ўғли Икарга қанотлар ясайди. «Осмонда қувиб етишолмайди!» — деган мақсадда қилади у бун. Маълумки, ўзбошимча Икар худди Фаэтон каби денгизга ағдарилиб тушади. (Қадимги юнонлар фазода қаҳратон совуқ бўлиши, Қуёшгача қанча масофа борлигидан беҳабар эдилар...)

Минос катта ҳийла ишлатиб, Дедал Сицилияга яширингани тўғрисида воқиф бўлгач, унинг изидан катта қўшин тортиб боради. Сицилия подшоси қўли гул устадан маҳрум бўлишни хоҳламасди албатта! Сицилиядаги саройда Миносни зўр меҳмонна-



возлик билан кутиб олишади. Бироқ Крит ҳукмдори оғир сарфдан сўнг мурчада истироҳат қилаётган пайтида мезбонлар унинг бошидан қайноқ сув қуйиб юборишади.

Афсоналар ажойиб! Емони шуки, уларнинг хронологияси йўқ, маъбудлар бўлса «боқий» яшашган, шундан кейин афсоналар қайси ҳақиқий воқелик асосида туғилганини аниқлаш қийин албатта!

XIX аср бошида Марс билан Юпитер орбиталари оралиғидаги думли юлдуз туркумлари кашф этила бошланди. Бу кашфиётлар ҳозиргача ҳам давом этапти. Астрономлар ҳисобкитобига кўра, ўша оралиқда битта ерсимон сайёра бўлиши керак эди, аслида эса у майда жисмлар массаси бўлиб чиқди. 1802 йили Фридрих Ольберс юқорида айтилган, Фаэтон номли сайёра ўз орбитасида бўлгану аммо қандайдир тортиш кучи уни майда бўлақларга парчалаб ташлаган, деган гипотеза билан чиққанди. Айрим совет тадқиқотчиларининг фикрича, Ольберсинг гипотезаси гарчи муаммони тугал тушунтириб беришга қодир бўлмаса-да, ҳозиргача ҳақиқатга яқинлигича қоляпти. Зеро, думли юлдуз туркумларининг айрим астероидлар орбитаси ҳаддан ташқари «инжиқ»дир. Бошқа мутахассисларнинг айтишларига кўра, мазкур гипотеза тасдиқланмаган.

### *Сааремаа оролининг жумбоқлари*

1827 йили Эстониядаги Сааремаа оролида жойлашган Каали кўлининг сирлари илк бор тавсиф этиб берилди. Мазкур кўл ёнверидаги бошқа кўлларга сира ўхшамасди. Каалининг географик жумбоғи юзасидан роппа-роса юз йил баҳс олиб борилса-да, тугал қарорга келинмаган. 1922 йили И. Калкун геология дарслигида Каали кўли учар юлдуз кратеридир деган тахминни илк бор ўртага ташлади.

Беш йил кейин хизмат вазифаси билан (туз қатлами излаб) бу кўлга тоғ инженери Иван Александрович Рейнвальд ташриф бурди. Таллин оқсуяғи ва смоленсклик деҳқон аёлнинг фарзанди бўлмиш Иван Петербургда туғилди. У 1907 йили тугатган Тоғ институтидан студентлар «тартибсизлиги»да қатнашганлиги учун тўрт марта қайдалган эди. Иван Александрович Рейнвальд 1921 йили Эстония фуқаролигини қабул қилиб, Таллинга жўнаб кетди.

Инженер Каалида туз қатлами тополмади, лекин мазкур кўлнинг асрий жумбоқлари уни умрбод банд этиб қўйди. Рейнвальд Каали кўли учар юлдуз тушиб портлаши натижасидагина ҳосил бўлган деган хулосага келди. Узоқ ўн йил изланиш олиб борган инженер ниҳоят ашёвий далиллар топишга муваффақ бўлди. Бу майда-майда фазовий темир парчалари

эди. Рейнвальднинг тадқиқоти дунёдаги барча метеоритшуносларни қизиқтириб қолди. Инженер Каали кўлини машҳур Альфред Вегенерга кўрсатди. Рейнвальддан фарқли ўлароқ Вегенер метеоритни темир эмас, тош деб ҳисоблади. Тадқиқотчи Нью-Йорк планетарийсининг директори Фишер билан ҳам маслаҳатлашди. Таниқли олимлар: америкалик Найнижер, инглиз Спенсерга хатлар йўллаб кўрди. Аммо буржуазия Эстонияси раҳбарлари Иван Александровичнинг изланишларига парво ҳам қилишмади. 1940 йили ёзида Эстония совет республикасига айлангач, мазкур лоқайдликка барҳам берилди: СССР Фанлар Академияси истеъдодли тадқиқотчини дарҳол қўллаб-қувватлади.

Сааремаа кратерлари Европадаги метеоритдан пайдо бўлган ягона кратерлар эканлиги тўла-тўқис исботланган. 8 кратернинг ҳаммаси (диаметри 10 метрдан 110 метргачан) бошқа қитъалардаги, чунончи, Америкадаги (Аризона), Австралиядagi (Хенберн) худди шунга ўхшаш бошқа айрим кратерлардан асло фарқи йўқ.

Кичик кратерлардан бир килограммга яқин метеорит жинслар: чоғроқ темир парчалари ва метеорит кукунлари йиғиб олинган. Болтиқ бўйида шундайин из қолдирган фазо меҳмони нимадан иборат бўлиши мумкин? Унинг массаси минг тонна ҳисобланади. Тезлиги (атмосферага киргунга қадар) — 25 км с, қулаш бурчаги — 40°, қулаш йўналиши — шарқдан ғарбга ёки жануб-жануб-шарқдан шимол-шимол-ғарбга. Тахминан 20 км баландликда парчаланиш бошланган, бўлақлар тезлиги 15 км с гача камайган.

1938 йили Эстониянинг жанубида (аҳамият беринг, яна Эстонияда!) иккита жудаям ўзига хос ўр топилди. Рейнвальднинг ҳамкасби — геология фанлари доктори А. Луха мазкур ўрларни кўздан кечириб, бу ерга ҳам метеорит тушганлигини тахмин қилган. 1957 йили маҳаллий ўрмончи ўша ўрларга яқин жойда кратерсимон учинчи чўкма устидан чиқиб қолди. Тадқиқотчилар Илуметса кратерлари шимолдан ғарб сари қулаган метеорит портлашидан ҳосил бўлганини тахмин қилишмоқда.

### *Подшо Минос ва Каали кратерлари*

Инглиз географи Эжертон Сайкс мўъжазгина «Ўтмиш янгликлари» журнали нашр этади. Олим 1969 йили ўз журнал-хонларига Каали кратерлари билан Фэтон афсонаси ўртасидаги боғлиқлик борлигини хабар қилар экан, метеоритнинг қулаш вақти эрадан олдинги 2000 ва 1100 йиллар оралигига тўғри келади деб тахмин қилишга журъат этган. Унинг фикри-

букик қиямаликларини ҳосил қилган ниҳоят улкан метеоритнинг нисбатан кичик бўлаги экан. Бу қиямаликлар Гданьск билан Клайпеда ўртасида жойлашган.

Э. Сайкс рақамларда янглишган эди, эстон олимлари радиоуглерод методи қўллаб, метеорит 2600 йил муқаддам қулаганини аниқ тасдиқладилар. Бу ҳақда хабар топган Э. Сайкс бир неча йил олдин ўз журналида шов-шувли «Жаалнинг метеорит кратерлари подшо Минос санасини аниқламоқда» сарлавҳаси билан янги мақола чиқарди. Олим келтирган фактлар ниҳоятда мароқли бўлиб, улар устида қисқача тўхталиб ўтиш фойдадан холи эмас.

Қадимги Юнонистон тарихи хронологиясини аниқлаш қийин, чунки у замонларда вақт санаш бўйича бир меъёрдаги ўлчов бўлмаган. Афсоналардаги воқеалар ривожини етарли муфассал баён этилмаган, бу воқеалар айнан қачон рўй бергани умуман айтилмайди.

Эндиликда эстон олими А. Аалоз тадқиқотлари асосида шу нарса аниқландики, Сааремаа кратерлари эрадан олдинги 2600 йилнинг нари-берисида ҳосил бўлган. Олдингироқ сана (эрадан олдинги 2800 йил) аниқроқ, чунки мазкур сана бошқа воқеалар вақтига тўғри келади.

Гап шундаки, эрадан олдинги 2600 йилга яқин замонларда икки мисрлик котиб муҳим фазовий ҳодиса тўғрисида ёзиб қолдирганлар. Бу ўтмишда ҳаммадан кўп ҳукмронлик қилган Миср муғлоқи ҳокими Пепи Иккинчи даврига тўғри келади. У олти яшар болалик пайти тахтга ўтириб, 101 ёшида вафот этган. Умрининг сўнгги ўттиз йили мобайнида кексалик дарди-подшолигини давом эттираверган. Мамлакатни идора қилиш бўшашиб кетиб, эрадан олдинги 2600 йил «икки юз йиллик бош-бошдоқлик дебочаси» деган ном олган. Мамлакатга шимоний-шарқ томондан (қадимги орийлар бўлишса керак) ва жанубдан (негр қабилалари) бостириб кирадилар. Охир-пиравардида катта фалокат юз беради. Мазкур фожиани Илувер қуйидагича баён этган: «Бутун мамлакатда фалокат... Ҳамма ерда қон... Замин кулол дастгоҳидай чир айланади... Ер гумбур-гумбур ва ваҳшатдан йўқ бўлиб кетмоқчи-ю, сўнгра фалокат бам-ҳам ейдигандай».

Неферохонинг маълумоти ҳам шунга ўхшаш: «Ер буткул қуриб кетди, ҳеч нарса қолмади... Қуёш юзини тутун қоплаб, у одамларга нур сочмай қўйди... Мамлакат ағдар-тўнтар бўлиб кетди... Қуёш тутун остидан чиқолмай қолди... қачон пешин бўлишини ҳеч ким билмайди...»

Узоқ Шарқдаги қандайдир катта фалокат ҳақидаги икки афсона ҳам эстон метеоритига алоқадор бўлиши мумкин. Эра-



дан олдинги 2800 йилларда Хитой императричаси Ну Куа Ша мислсиз табиий офатдан сўнг мамлакатни қайта тиклашга мажбур бўлган. Тахминан шу йилларда япониялик Қуёш қоҳинаси Ама Терасу ёзишича, унинг ҳукмронлиги даврида қуёш анча вақт кўзга кўринмаган экан.

Фазтон афсонасида Гелиоснинг нодон ўғли Ливияни қуруқшатиб, тақирга айлантиргани ҳақида ҳикоя қилинади. Ҳозир мазкур мамлакатда учта метеорит кратерлари борлиги маълум. Булар Ауллоил (Ливия шиша тектитларининг манбаи), эл-Роҳат ва нефть изловчилар бир неча йил муқаддам кашф этишган, ҳозирча номсиз яна битта кратердир. Мазкур кратерлар тахминан бир вақтнинг ўзида ҳосил бўлган бўлса ҳам ажаб эмас. Хўш, борди-ю, бу ердаги метеорит эстон метеорити каби шарқдан ғарбга қараб қулаган бўлса-чи? Унда тахминни яна ҳам давом эттириш мумкин: булар битта фазовий жисмнинг ўзи бўлмаганмикин? У парчаланиб, ер курраси атрофида бир неча бор айлангач, Болтиқ денгизига ағдарилган бўлиши мумкин. Гарчи ҳозирги денгиз хариталарида метеорит ағдарилган жой кўрсатилмаган бўлса-да, ўша жой вақти келиб кашф этилса ҳам ажаб эмас.

Шундай қилиб, Сааремаа кратерлари миной маданияти барқ урган эрадан олдинги 2600 йилда ҳосил бўлганини тўлатқис тахмин қилиш мумкин. Бинобарин, тарихий хронологияга тузатиш киритмоқ даркор.

Мазкур тузатишларнинг биттаси қуйидагичадир: чамаси, Минос ва Парсифай, Дедал ва Икар маданиятлари Колхида маданияти билан замондош бўлган. Дарҳақиқат афсоналарга кўра, нақ ҳозирги Ботуми ўрнашган жойда Парсифайнинг опа-си Медея аргонавтларга олтин баррани қўлга киритишларида ёрдамлашиб юборган. Бу Ғарбга маданият Яқин Шарқдан кириб келганини мутлақо рад этиб, гўё Урта ер денгизидан тахминан 700 йил олдин Ғарбнинг шаҳар эмас марказларида гуллаган «бир оний маданият»ни тарғиб этувчи археологларнинг нуқтаи назарларига кескин зиддир.

*«Юнонларники ҳам эмас бу,  
Румоликларники ҳам эмас...»*

Э. Сайкснинг мақоласига баъзи қўшимчалар киритиш мумкин. Грузияда тош асри: дастлабки ва кейинги палеолит, неолитдаги аждодларимиз ҳаётига доир ёдномалар топилди. Эрадан олдинги 5-4 мингинчи йиллар Яқин Шарқнинг ушбу ва бошқа жойларида кенг ривожланган маданият тарқалган эди. Кўриниб турибдики, Э. Сайкс тилга олган археологлар Закавказье ва Яқин Шарқ маданияти Қадимги Юнононистон

аслида хато қилишган.

Афсонавий подшо Минос шарафига Миной маданияти деб аталмиш Крит маданияти гоътада юксак бўлиб, унинг кўп жиҳатлари ҳанузгача жумбоқ бўлиб қолмоқда. Худди шунингдек, Крит ороли тарихи ҳам сирларга бой. Мазкур маданият бир ярим минг йил ичи, яъни то эрадан олдинги 1150 йилгача давом этиб келди.

1900 йили Артур Эванс бошчилигидаги инглиз археология экспедицияси Критда тадқиқот ишлари олиб бора бошлади. Топилмалар қайратангиз бўлди. Дунё ҳали бундай маданиятни кўрмаганди. «Юнонларники ҳам эмас бу, румоликларники ҳам эмас...» деб ёзганди экспедиция бошлиғи. Топилмаларнинг мукамаллиги ҳаммани ҳанг-манг қилиб қўйганди.

Гомер, Гесиод, Фукидидларнинг айтишларича, Крит ороли гўзал ва бой мамлакат, Минос эса биринчи флот асосчиси, денгизлар ҳукмдори, Киклон болалари ороллариининг султони, «жами бандаи подшолар подшоси» бўлган.

Критга олис Пиреней оролларида қалайи, Европанинг шимолий жойларидан ойкуменларнинг мазкур ўлкаси ҳақидаги ахборотлар билан бирга қаҳрабо ҳам келтирилган.

Эрадан олдинги 1425 йили Кносс вайрон этилиб, Крит куч-қуввати ва маданиятининг қарийб уч юз йил давом этган инқироzi бошланган.

### *Сайкснинг иккинчи хатоси*

Китобхонлар, эҳтимол, инглиз олими ўзининг мароқли баёнларида эрадан олдинги 2500 йилни икки марта тилга олганига эътибор берган бўлсалар керак. Аслида эса Каали кратерлари 2600 йил муқаддам ҳосил бўлган эди! Тафовут каттагина — икки минг йилга яқин. Инглиз географини нима янглиштирганни ҳақида фол очиб ўтирмаймиз. Шуниси аниқки, Фазтон афсонасининг Каали метеоритига алоқаси йўқ, зеро, эрадан олдинги VI асрадаёқ мазкур афсона қадимий ривоят ҳисобланарди. Метеоритнинг қулаш бурчаги 40° деб топилганди, бинобарин, метеорит Юнонистон устидан учиб ўтганида ердаги одамлар уни кўролмаган бўлардилар. Бироқ гелинадларнинг «қаҳрабо кўз ёшлари» ҳақидаги мавжуд афсонанинг сўнгги ваариантларидан бирига қўшимча қилиниб, бу Европа шимолига қулаган қандайдир йирик метеорит даракчиси бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас дейиш мумкин. Юнонлар бу ҳодисани навбатдаги қаҳрабо карвони келганида билган бўлсалар керак. Шимолий Европадаги Эридан дарёси ҳозирча аниқ маълум эмас, у Ғарбий Двина (латишча Даугава), Неман, Висла ва ҳоказолар бўлиши мумкин.

Э. Сайкс гарчи хронологияда янглишган бўлса ҳам, лекнининг бошқа бир фазовий ҳодиса ҳақидаги далолати ҳақиқатдан узоққа ўхшамайди. Биз Эстониянинг жанубидаги Илуме-тао кратерлари Каали кратерларидан икки баробар кўхна-лиги — 4500-6000 ёшда эканлиги тўғрисида гапириб ўтган эдик.


### *Баҳайбат кратерлар*

Сайкснинг Вислян ва Курш қияликлари метеорит тушиши оқибати бўлиши ҳам мумкин деган фикрига қайтамиз. Буларга Рига кўрфази тепалиги, унинг шимолӣ-гарбий бурни Колка ва эҳтимол кўрфазнинг бошдан-оёқ ўзини ҳам қўшиш мумкин.

Ҳозиргачан 1200 метр диаметрли Аризон метеорит кратери куррадаги энг йирик кратер ҳисобланиб келарди. Кейинги пайтларда бундан ҳам улкан, юзлаб километр ҳажмдаги кратерлар топилди! Шундай баҳайбат кратерлардан бири Жанубий Африкада жойлашган. Ҳисоб-китоблар кўрсатишича, бундай кратерлардан бири Жанубий Африкада жойлашган. Ҳисоб-китоб кўрсатишича, бундай кратерни 30000000000 тонна ҳажмли сферик астероид ҳосил қилган бўлиши керак! Мана яна учта баҳайбат кратерлар: Антарктидадаги Уилкс, Авлиё Лаврентий ва Гудзон кўрфазлари тубидаги кратерлар. Уларнинг диаметрлари 240, 290 ва 440 километрдир. Мазкур масштабларни била туриб, Висля ва Курш қияликлари метеорит қулаши натижаси бўлиши мумкин деган тахминни инкор этишга ҳожат бормикин? Биринчи қияликнинг узунлиги 60 км. иккинчисиники 98 км. Уларда ҳаддан зиёд кўп қум массаси жамланган (Курш қиялигида 2 млрд, м<sup>3</sup> қум мавжуд).

Ун йилдан кўпроқ муқаддам В. Зенковичнинг «Денгиз соҳиллари тараққиётига доир таълимот асослари» китоби нашр этилди. Уша китобдан биргина парча келтирамиз: «...Афтидан мавжуд улкан массали қум барханлари сув тубидан ҳозиргидай миқдорда улоқтирилган бўлмай, сув ўшиши чизиги олдида соҳил томон аста-секин силжиган». Олимларнинг айтишларича, тахминан 4500-5000 йил муқаддам Колка бурни бўлмаганлиги узил-кесил исботланган.

Юз йил давомида Сааремаа кратерларининг келиб чиқиши ҳақида баҳслашиб келдилар, эллик йилдирки уларни метеорит маҳсули сифатида тадқиқ этмоқдалар, ўтмишнинг яна қанчадан-қанча жумбоқлари мазкур кратерлар ҳамда уларнинг ёнгиналаридаги Рига кўрфази билан боғлиқдир!



**А. ГРЕЧИХИН,**  
*тарих фанлари кандидати*

## **УЛЖАН ХАРСАНГЛАРНИНГ КЎЗЕШИ**

*Мўмиё: афсоналар ва ҳақиқат*

Қадим-қадим замонлардан бери бизгача «ҳаёт малҳами», «узоқ умр дориси» ҳақидаги афсоналар етиб келган. Мазкур малҳамнинг номи кўп, энг кенг тарқалган атамаси мўмиёдир. Буюк Ибн Сино даврида — эрамизнинг I ва II минг йилликлари сарҳадида ушбу моддадан шифокорлар ҳамма касалликларни даволашда фойдаланганлар. Ибн Сино ўзининг машҳур «Тиб қонунлари» китобида бундай дейди: «Мўмиё бир-бирига ара-лаштирилган зифт ва кафр қуввати ва табиатидадир. Бироқ мўмиё етилганроқ бўлиб, бунинг фойдаси кўпроқдир. Чиққан, синган, йиқилган ва урилгандаги оғриқларга, фалажга ва юз фалажига қарши ичирилса ва суртилса фойдалидир».

Мўмиёнинг самарадорлигига қадимги ва ўрта асрдаги кўплаб олимлар билан шифокорлар ҳам қойил қолишган. Мазкур шифобахш модданинг шон-шухрати халқ афсоналари, илмий рисоалардан шеъриятга ҳам кўчган; Ғарбий Европа шеъриятида ҳам мўмиё «боқий» шоирона образ, ташбеҳ сифатида фойдаланилган. Араб шоирларидан бири: бошига фалокат тушмаган кимса дўст қадрини билмайди; аммо инсоннинг синган қўли доимо мўмиё қадрига етади, деб ёзган. Буюк Шекспир асарларида мўмиё кўп марта тилга олинган. Фальстаф «Виндзорлик нозанинлар» асарида қўйидагича киноя қилади: «Сув одамни ютиб юборади, агар мени ютиб юборса нима истеъмол қилишим керак? Бир дунё мўмиё ютишимга тўғри келади».

Бора-бора бу шифобахш модда тиббиётда фойдаланилмай қўйилганди. Эндиликда фан мўмиёнинг самарали хусусиятлари ҳақида баралла бонг урмоқда. Нима бу, гоҳо ҳаддан ташқари оширилиб юборилувчи шов-шувми? Шов-шувлар ривоятлар каби умуман йўқ бўлиб кетиши мумкин, лекин мўмиё тўғрисидаги афсоналар олимларга янгидан-янги маълумотлар бераверади...

Қадимги замонлар Эронда яшаган подшо Фаридун биринчи бўлиб мўмиёга эга бўлган экан. Ривоятларда айтилишича, шу подшонинг саркардаларидан бири шикорда жайрон изига тушиб, унга қарата камондан ўқ узади-да, ўқи дарранданинг умуртқасини тешиб ўтади. Аммо жайрон қуламай қоча бошлайди. Сўнгра у қояли тоғ горидида кўздан ғойиб бўлади.

Бир ҳафтадан сўнг ов бароридан келмаган жойга яна қайта ташриф буюрган шикорчилар беҳад ҳайратга тушадилар. Чунки умуртқасида камон ўқи сақланаётган жайрон гўё ҳеч нарса бўлмагандай гор ёнида кўкат чимдир юрарди. Овчилар пистирма қўйиб, даррандани ушлаб оладилар. Жайрон жароҳатининг ичи ва сиртига қандайдир мумсимон қора малҳам суртилганди. Горда ҳам шундай модда топиб, уни йиғадилар-да, подшо Фаридун ҳузурига элтадилар. Подшо донишмандларга мазкур модда хусусиятларини аниқлашни буюради.

Донишмандлар бу суюқ қора малҳам қоялар орасидан сизиб чиқишини хабар қиладилар. Шу моддадан ялаган ҳайвонлар, чўқиган қушлар дардларидан фориг бўлишар, жароҳатлари тузалиб, синган суяклари битиб кетарди. Подшо дарҳол гор ёнига соқчи қўйиб, оғзини харсанглар билан бекитишни амр-фармойиш қилади. Шундан сўнг горни бир йилда бир мартагина очиладиган бўлинади. Чунки йил бўйи йиғилган мўмиё олиниб, ишлов берилгач, подшо хазинасига жўнатиладди.

Эроннинг шимолидаги жойнинг номи Дороб бўлиб, Эрон мўмиёсини «мўмиёий доробий» дейилишининг боиси шундир. Эндиликда Дороб тоғларидан ҳар йили 600-1200 гр. шифобахш мўмиё олинади.

Доривор восита сифатида унутиб юборилгандай туюлган мўмиё бизнинг кунларда, аниқлашларича, деярли ҳамма жойга тарқалган. Совет геологи Г. Коновалов мўмиёни ҳатто Антарктидадан ҳам олиб келган. Тошкент шифокорлари, аввало медицина фанлари доктори О. Шокировнинг саъйи ҳаракати билан кишиларни мўмиё билан даволаш эксперимент босқичидан амалиёт сари дадил одим отди. Мамалякатидаги Урта Осиё тоғларининг ўзидан 60 дан зиёд мўмиё конлари топилган.

Шундай қилиб, шов-шув кетидан шов-шув туғилмоқда. Лекин мўмиёнинг пайдо бўлиши сири ҳануз жумбоқлигича қолаётир.

### «Сақланаётган жасад»

Араблар VII асрда Мисрни босиб олишди. Қадимий даҳмалар талон-торож қилинаётган пайтда марҳумларнинг малҳамланган жасадлари чиқиб қолди. «Боқий сақланувчи жасад»га суркалган модда мўмиёлиги маълум бўлди.

Миср мўмиёси мўмай пул ишлаш воситасига айлана бошла-

идинига мўминни шунчаки малҳамланган жасаддан сидириб олиб, чет элларга элтардилар-да, уни «қабр мўминиси» номи билан баланд нарҳда пуллашарди. XII асрдаги араб сайёҳи Абу ал-Латиф «елим билан ширанинг омухтаси — мўмиё»ни Мисрдагина арзон харид қилиш мумкин, деб ёзганди. Кейинчалик малҳамланган жасадларнинг ўзини сота бошлашди. «Ҳақиқий» Миср мўмиёси тахчиллашган вақтларда сунъий мўмиё тайёрланарди.

Наварра қиролининг врачлари Гий де ля Фонтен мўмиё ҳақида маълумот тўплаш учун 1564 йили Мисрга саёҳат қилди. Александриялик савдогарлардан бири унга асосан марҳум қуллар жасадидан қиртишлаб олинган мўмиёнинг 40 та навини таклиф этди. Битум билан ишлов берилган жасадлар офтобда қуритилгач, Миср мўмиёсига ўхшаб қоларди. Бу ўринда ҳам тагин Шекспирни гувоҳликка чақириш мумкин. Эдингизда бўлса, Отелло Дездемонага тилсим сифатида берган рўмолчага «асл мўмиё суюқлиги» шимдирилган эди. Иккинчи бир машҳур инглиз шоири Шеллининг «Қафасдаги қуш» асаридаги сатрлар айтиш ҳужжат янглиғ янграйди: «Жасадимдан мўмиё тайёрлаб, уни табибга сот».

Сунъий мўмиё ҳайвонлар жасадидан ҳам тайёрланарди, чунончи ит жасадидан тайёрланган мўмиёнинг тавсифлаб берилгани маълум. Табиийки бундай қаллобликлар натижасида одамларда ҳақиқий мўмиёга нисбатан шубҳа туғила бошлаган. Ўз замонида шарқ тиббиёти табобатига салмоқли тартиб берган Муҳаммад Мўмин «Мусулмонларга туҳфа» китобида ёзади: «Қадим замонларда марҳумлар жасадини увоқ-увоқ сақламоқ мақсадинда аларни малҳамлаш удум эрди. Жасадга мўмиё, асал, елим, дурда билан ишлов бергучийдилар. Жасад қотур ва бир неча аср сақланур эрди. Жоҳил бандалар ушбу жасадларни ростмана мўмиё янглиқ қабул айлаганлар».

Машҳур француз врачлари Амбруаз Парэ (1509-1580) одамлар мўминни яхши билмаганлари асосида уларга маъжур моддадан кўп миқдорда фойдаланишни таъқиқлаганди. Ҳарқалай аста-секин сунъий мўмиёларга ~~тегинин~~ барҳам еб, эндиликда шифобахш мўмиё ўзининг ҳақиқий ўрнини ~~танди~~.

### *Олимлар айри йўлда*

Кўҳна эртақлардаги каби айри йўлда дуч келган олимлар қаёққа қараб юришларини билмай қолдилар. Хўш, мўмиё қандай пайдо бўлди? Ҳозирги тушунчага кўра минерал, ҳайвон, ўсимлик, нефть мўмиёлари мавжуд. Уларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятга эга, асосий фарқлари шифолашдаги самарадорликларидадир.

Медицина фанлари доктори О. Шокиров ўз шифокорлик фаолиятида мўмиёдан кенг фойдаланишга киришар экан, аввало Шарқ олимларининг кўплаб тадқиқотларини муфассал ўрганиб чиқди, анчагина лаборатория тадқиқотлари ва тажрибалар ўтказди. У Урта Осиё тоғларидан ўнлаб мўмиё маконларини ўрганиб чиқди. Шокировнинг фикрича, мўмиё тоғ жинсларининг минералидир. Уни қадимдаёқ чуқур унгурлар, ҳайвону қушлар чиқа олмовчи ўсимликлар, ҳатто кўп мутахассислар мўмиё манбаи ҳисоблашмиш лишайник ҳам ўсишига шароит йўқ қарийб 3 км баландликдаги ғорлардан олинган. Шокиров мўмиёни турли рангдаги сарғиш — тўқ жигарранг, сирти сайқалланган янглиқ ялтироқ қаттиқ модда сифатида тавсифлайди. Таъми тахир. Ҳаво қизиган ва совуганда юмшайди. Сувда, бензолда, ацетонда, хлороформда, метил ва этил спиртида эрийди.

Шокиров билан овчи Ҳайитов базўр кира олишган, мўмиё макони бўлмиш бир ғор тасвирига эътибор беринг. Шам ёруғида шифту деворлардаги тўқ жигарранг томчилар кўринар, қуюқ суюқлик харсанглар каъридан сизиб чиқиб, ўша ернинг ўзида тўниб қоларди. Бошқа бир мўмиё манбаи Қирғизистоннинг Кичкина Комилсой тоғи чўққисидagi ғорда мўмиё гўё шам ёғи каби оҳак шифтдан сизиб томарди. Шифт бошдан-оёқ деярли 2 см ҳажмдаги тўқ ранг, конус шаклли сумалакчалар билан қопланган, мўмиёниқига ўхшаш ҳид тарқалганди. Ним жигарранг тусда сизиб чиққан модда совиған сайин қораё бoрарди. Хуллас, мўмиё кўп йиллар, кўп асрлар мобайнида ҳосил бўлади. Қора рангдаги қотган мўмиё энг асл мўмиё ҳисобланади.

Қадимги Шарқ олимлари қайд этишларича, мўмиё ҳосил бўлишида кўкатхўр турли ҳайвонларнинг нажослари иштирок этади ёки мўмиё ёввойи асалариларнинг маҳсулоти натижасидир. Чунончи, Беруний «Минералогия» китобида қуйидагича ёзади: «...асаларилар ўз ширалари ва аричаларини мумлаб, ўша мумланган жойни қандайдир ўткир ҳидли, мумга ўхшаш қора модда билан қоплайдилар. Натижада яра-чақа, жароҳатларни даволувчи энг шифобахш малҳам ҳосил бўлади. Мазкур дори қимматли ва ноёбликим, у форсчасига мўмийа деб аталади!» Дарҳақиқат, аришуносларнинг кузатишларига қараганда, кўклам ва ёз бошлари асаларилар гул асали, ёзда қандалот эссенцияси, ҳидли асал, кузда гўнг бўйли асал ташлайдилар. Чамаси, Беруний эслатган қора парда гўнг ачитқисининг экстракти бўлса керак.

Беруний тагин бир мўмиё тўғрисида шохидлик беради. Бу ёввойи ва уй ҳайвонларининг тезағи офтобда ачиб, бактериялар қайта ишлов бериши натижасида ҳосил бўлган, табиий биостимулятор (қовуқ, пешоб кислотаси, тузлар)га бой

экстрактдир. Мазкур экстракт узоқ вақтлар мобайнида харсанг деворларида заранглашиб қуриydi.

Қадимги ҳинд ва тибетлик шифокорларнинг даволаш дастурамали бўлмиш «Жуд-Ши»га ёзилган изоҳларнинг бирида топилган маълумотга кўра, ноёб металллар мўл тоғларда алоҳида сичқонлар бўлиб, уларнинг тезагидан мўмиё ҳосил бўларкан. Эндиликда чиқиш қийин қояларда бракшун деб аталмиш Забайкалье мўмиёси излаб топилган. Бракшун шаклсиз бўртма, кўпинча доғ-дуғли, тўқ қўнғирранг елимли масса-дир. Унинг 50 граммдан 15 килограммгача бўлаклари топилиб туради. Радий-карбон методи ёрдами билан бракшуннинг ўртача муддати 50-75 йил эканлиги аниқланди. Забайкалье мўмиёси бактерияларнинг олмахонлар нажосига таъсири натижасидир деб ҳисобланади. Чунки бракшаун бор жойда ё олмахонларнинг ини қолдиги ёки ўзи бўлади одатда.

Яқинда норвег олими Т. Виснес Антарктида мўмиёсининг келиб чиқиши шимол бўрон қушларига боғлиқлигини исботлашга муваффақ бўлди. Олим бу йирик қушларнинг инини кузатди. У безовта қилган қуш ўзини ҳимоялаш мақсадида алоҳида ҳидли қизғишранг шилимшиқ модда тўплади. Олим инлар ёнидаги қояларда бўрон қушининг шунга ўхшаш тошга айлана бошлаган темир зарралари аралаш чиқиндисини топиб олди. Бундай чиқиндилар ўнлаб йиллар мобайнида қандайдир мураккаб ички реакциялар таъсири билан аста-секин Антарктида мўмиёсига айланарди.

Нафсиламр, одамлар қанча бўлишса, фикр-мулоҳазалар ҳам шунчадир. Геолог С. Попенконинг маълумотларига кўра, мўмиё тут дарахтлари ёки арчаларнинг шарбат кристали эмиш. Бир неча дарахтларни кузатиш натижасида ўша дарахтлар бир кеча-кундуз ичи бир литрга яқин табиий шарбат чиқариши аниқланди.

Олимлар мўмиёнинг «авра-астарини ағдариш» йўлида қилмаган ишлари қолмади. Уни эритиб кўришди, маълум қисми 200° иссиқликда эриди, эримовчи қисми 300° қизитилганда ҳам ўзгармади. Кислоталардек парчалашганди, қандайдир нефтсимон маҳсулот ҳосил бўлди. Аммо нефтнинг ўзи жумбоқ бўлиб турибди ҳозир. Олимларнинг кўпчилиги нефтни мўмиёнинг пайдо бўлиши ва унинг шифобахш хусусиятларида тўғридан-тўғри бирламчи сабаб деб ҳисобламоқдалар. Дарҳақиқат нефтнинг ўзи ва у табиий парчаланганда ҳосил бўлган маҳсулот ҳам қадим-қадимдан дори-дармон ҳисобланиб келинади.

Барча нефтли ва табиий асфальтларда мўмиёдаги каби турли нисбат ҳамда миқдордаги 25-27 тагача ҳар хил унсурлар кўриш мумкин. Ибн Синонинг эътироф этишича, мўмиё ҳам тоғ муми, зифт, кафр ва кир, яъни қаттиқ ҳамда суяқ битум, асфальт каби табиийдир. Мутафаккир ўз асарларида мўмиё



билан бирга «иудей битуми» (Ўлик денгиздан қазиб олинувчи кафраль йахуду — асфальт), кир асфальтининг тури зифт ширасини ҳам тилга олади. XVIII асргача ҳар қандай табиий асфальт дори ҳисобланарди. Ҳатто 1921 йили француз вақчи Эйрини д'Эйринис Парижда «мўъжизакор малҳам» — Швейцарияда қазиб олинувчи асфальт ҳақида диссертациясини эълон қилди. Биринчи рус иқтисодчиси Иван Посошков 1924 йили чоп этилган ўзининг машҳур «Камбағаллик ва бойлик китоби» асарида Волга соҳилларида излаб топган «сфалтум дея аталмиш доривор модда» топганини фахрланиб ёзганди. Сфалтум асфальт елими демакдир.

Ўрта аср бошларида табиий асфальт билан бошқа битумсимон қазилмаларнинг номларидан бири «мўмиё» эди. Малҳамланган инсон жасади ҳам «мумия» аталардиким, бу сўз арабчадан таржима қилинганда «асфальт» демакдир. Мазкур ибора араблардан византиялик ёзувчиларга ўтиб, оммалашиб кетган.

Шундай қилиб, мўмиё микро унсурларнинг ҳақиқий хази-насидир. Аммо унинг пайдо бўлиши, «хаётий кучи» самарадорлиги учун бошқа муҳим жиҳат бор: мўмиё — минераллар, ҳайвонлар ва ўсимликлар моддасининг ўзига хос табиий омухтасидир. Эҳтимол мўмиё сирларини минг йиллардирки турлича талқин этилишининг сабаби шунда эмасмикин?!

### *Саломатлик хизматида*

Замонавий техника билан қуролланган олимлар ўнлаб лабораторияларда мўмиёнинг турли навлари устида бош қотирмоқдалар. Уларнинг кўз олдидан турнақатор янглиқ афгон, тибет, ҳинд, бирма, непаль, мўғул, араб ҳамда ўзимизнинг Ўрта Осиёга мансуб зарафшон, чотқол мўмиёлари ўтаётир. Маълум бўлишича, турли-туман мўмиёларнинг барчаси кимёвий сифат таркиби жиҳатидан ўхшаш, фақат айрим таркибий қисмларнинг миқдор нисбатидагина тафовут бор экан.

О. Шокиров кўп изланишлардан сўнг мўмиёда кальций, фосфор, калий, шунингдек, стронция билан бериллийнинг оксиди борлиги учун ҳам синган суякни даволаш пайтида битиш тезлашади деган хулосага келди. Суякларни бутловчи «қурилиш ускуналари» мўмиёнинг ўзида мавжуддир.

Иккинчи бир совет тадқиқотчиси Д. Шокиров (О. Шокировнинг фамилия ядоши) аниқлашига кўра, мўмиё ҳатто пенциллин ҳам зарарсизлантиролмаган микробларни қириб ташлайди. Мўмиё суртилса ҳайвонларнинг йиринглаган юқумли яралари бир ярим баравар тез битади. Тўғри, турли мўмиёларда микробга қаршилик кўрсатиш даражаси турлича бўлади.

Мўмиёни қаердан топишу унинг аслигини қандай билиш мумкин, деган савол туғилиши табиий. Олимлар баҳслашгунларича эҳтимол яна қадимгилар тажрибасига мурожаат этган маъқул эмасмикин? Мана ўша тажриба. Янги сўйилган бузоқни иссиққина жигари олинади-да, уни бамбук ёки қамиш нилчўпи билан нимталаниб, кесилган жойларга мўмиё суртилади. Агар мўмиё ҳақиқий мўмиё бўлса, жигар нимталари дарҳол бир-бирига ёпишади.

Кўриниб турибдики, даволашда кам миқдордаги мўмиё ҳам кифоя қилади. О. Шокировнинг фикрича, мамлакатимиздаги барча тиббий муассасаларнинг мўмиёга бўлган бир йилги эҳтиёжларини қондириш учун атиги 2 тоннагина мўмиё етарлидир. Мўмиё манбаларимиз эса етарли: Урта Осиё, Сибирь, Олтой ва бошқа жойларни кўрсатиш мумкин.

Мўмиё жумбоғи кўп изланишлар талаб қилади. Изланишлар давом этмоқда ҳали...



В. ГЛАДИЛИН

биолог

---

## ГИПОТЕЗА ҚУЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНМОҚДА

Мен тоғларда топилган мўмиёлар ҳақидаги тасаввурларим билан ўртоқлашиб, Москвадаги Жданов райони клубига қарашли тоғ туристлари группамизнинг дастлабки натижалари тўғрисида сўзлаб бермоқчиман.

Бизнинг ажойибот ва сирлар сари саёҳатимиз мўмиё излаш ташаббускорлари — Воробьёв ва унинг қизи, мўмиёнинг келиб чиқишини биологик жараёнга боғловчи гипотезалардан бирининг муаллифаси Ануш билан учрашув ҳамда уларнинг мароқли ҳикояларидан бошланди.

Уч минг метрга яқин баландликда, тоғ даралари ва ўнгурларда дам қуюқ тўқ жигарранг модда томчилари, дам қўзиқоқнинг алоҳида ўткир ҳидли қандайдир модданинг доғлари учраб турарди. Бу мўмиё эди. Одатда бундай мўмиёни пишчухларнинг эски, ташландик, шунингдек, янги маконларидан ҳам топиларди. Мўмиёнинг биологик келиб чиқишида айрим пишчухлар гўнгийнинг алоқаси борлиги ҳақидаги гипотеза пайдо бўлишининг сабаби ҳам мана шундадир. Пишчухлар азалдан шифобахш ҳисобланмиш арча, қора арча арглари билан ҳам озукланади. Чамаси, бактерияларнинг оф-

тобда ачиган пишчух гўнгига таъсири натижаси ўлароқ кўп миқдордаги микроунсурлар (20 тагача) мавжуд ва табиий биос-тимулянтларга бой экстракт пайдо бўлса керак.

Н. Воробьев билан Ануш кўп қийинчиликлардан сўнг турли муддатли мўмиёлар топишибди. Биз ўша мўмиёлар хусусияти-ни қиёслаб кўрмоқчи бўлдик.

Шундай қилиб, бизнинг ихтиёримизга Помирнинг қуйидаги жойларига мансуб мўмиё намуналари берилди. Булар Фан тоғлари (Помир-Олой), Хисор тизмалари, Бойсунтоғ, Айний райони (Зарафшоннинг юқориси), шунингдек, Туркменистон билан Афғонистон мўмиёлари эди. Кейинги намуна ҳисобга олинмаса, қолган ҳамма мўмиёлар тасодифан топилганди. Уларнинг кўриниши деярли бир хил, асосан тўқ жигаррангга ўхшаш тусда, қўлга қаттиқ ботади. Фан мўмиёсидан ташқари барча намуналар кам миқдордалиги (1 гр) учун уларни яхши-лаб тозалаш имконияти бўлмади.

Намуналарда мўмиё кам миқдордадир. Булар қора-жигар-ранг елим каби моддалар ҳолос. Асосий масса турли ўсимлик-лар қолдиғи ва кемирувчилар чиқиндисидан иборат. Эҳтимол гоҳо табиий шароитларда елимсимон моддалар сувда эриб буғлангач, тозаланган мўмиё қолса керак.

Қуруқ ва сувга бўктирилган намуналарни микроскоп остида тадқиқ этдик. Ўсимлик толалари, майда, сувда эримовчи неор-ганик қоришмалар кўзга ташланди. Мўмиё ишқор билан кис-лоталарда деярли эрмай, фақат оғир сув ва трифторуксус кис-лотасидагина эриди.


В. Андронов протон магнит резонанс методи (ПМР) кўмаги-да оғир сувда эритилган турли намуналарни анализ қилиб кўрди. Фан, хисор ва афғон намуналарининг спектрлари анча ўхшаш эди. ПМР — спектрларнинг ўхшашлигидан номаълум намуналарни идентификациялаш, турли ишлов беришлар (масалан, тозалаш жараёнида) мўмиёнинг хусу-сиятига таъсирини анализ қилишда фойдаланилган бўлин-са керак.

80° температурада давомли қиздириш спектрларни бирмун-ча ўзгартирадики, бу чамаси, мавжуд маҳсулотларнинг гидро-лизи оқибатидир. Мазкур жиҳатни мўмиёни тозалаш усулини танлашда ҳисобга олмоқ зарур. Қайнаш дорининг биологик фаоллигини ўзгартириб юбориши мумкин.

Гиппура кислотаси ёки тузининг мавжудлиги (биологик яралишнинг маҳсули бўлмиш гиппура тузи ҳайвонларнинг пе-шоби билан бирга ажралиб чиқади) мўмиёнинг биологик келиб чиқишини исботловчи муҳим фактордир.

Тожикистон балең тоғларидаги мўмиёнинг биологик яралиши масаласини узил-кесил ҳал қилиш борасидаги даст-лабки натижаларни текширувдан ўтказмоқ мақсадга мувофиқ-

дир. Дарҳақиқат, мўмиё пишчух ёки бошқа кемирувчилар маҳсулоти дейилса, қидирув ишларини янада фаоллаштириш, шунингдек, мўмиёни назорат остидаги шароитларда олишни ташкил этиш масаласини қўйиш керак бўлади. Мўмиёнинг табиий намуналаридан иборат турли кимёвий бирикмаларнинг биологик фаоллигини аниқлаш энг фаол компонентларни ажратиб, дори-дармонларни янада самарадор қилиш имконини беради.



В. ХРУСТАЛЕВ

этнограф

## КАЛАВАНИНГ УЧИ

Юксак тоғларда баҳайбат харсанглар кўзёши тўкади. Бу кўзёшлар қотиб, инсоннинг барча дард-касалликларини даволоччи малҳам дори ҳосил бўлади. Мазкур малҳамни топиш ҳаммага ҳам насиб этавермайди, аммо уни кимки топса, энг соғлом, энг бақувват одамга айланади.

Кўп халқларда асрлар оша мана шундай ривоятлар айтилиб келинади. Хўш, ўша сирли малҳамнинг ўзи нима? Бирмада уни «чао-туи» — тоғ қони, Мўғулистон билан Тибетда — «баррагшун» — қоя шарбати, бизда, Сибирда бўлса «харсанг мойи» деб аташади.

Биз ана шундай харсанг мой маконларидан бири сари отландик. Тик қояли дарага кириб боришимиздан олдин 3000 метрли доvon ошишимизга тўғри келди. Қоялар дарзида сарғиш-кўк сумалакчалар яққол кўзга ташланарди. Бу харсанг мойи эди.

Яқинроқ борилса, мазкур сумалакчалар турли тусда: тўқ кўк, оқиш рангда товланаётганини кўриш мумкин. Уларнинг аксари жудаям юпқа, пичоқ билан қириб олишга тўғри келади. Сумалакчалар таъмини татиб кўрдик. Кўп соатли мана шундай татиб кўришлардан сўнг дудоқларимиз куяётгандай туюлди. Икки кундан кейин эса иштаҳамиз бениҳоя очилиб, ўзимизни чунонам тетик-бардам сеза бошладик.

Шуниси диққатга сазоворки, ёввойи ҳайвонлар мазкур моддаларни тез-тез ялаб туради. Харсанг мойининг шифобахш хусусияти азал-азалдан маълум. Унинг халқ орасида кенг шуҳ-

рат қозонганини россиялик академик Иоганн Гмелин ҳам ўз вақтида таъкидлаганди. Олим ўзининг «1733-1743 йиллардаги Сибирь саёҳати» китобида бундай ёзади: «Одамлар харсанг мойини олис-олисларга олиб кетишади, чунки халқ орасида унга ихлос катта, бошқа дори-дармондан фойдаланишни хошлашмайди». Тибет ламалари харсанг мойидан ошқозонни даволашда фойдаланганлар.

Харсанг мойи — «бальсам»ни М. Ломоносов ва бошқа кўплаб олимлар ҳам билишган. Тўғри, улар мазкур модданинг табиати хусусида яқдил фикрда эмасдилар. Айримлар харсанг мойини «кварц маъдани» ҳисоблашса, бошқалар уни ҳашарот ва ҳатто зараркунандаларга ҳам элтиб боғлашди.

Сибирь харсанг мойи билан қизиқишган С. Миронов, М. Соколова, Л. Никитиналар 1956-1957 йилларда экспедиция уюштириб, Минусин чўкмаси ва Енисей соҳилларини кезиб чиқишди. Уларнинг фикрича, Сибирь харсанг мойи озокеристимон битумлар бўлиб, шамга ўхшаш нефтлар билан генетик алоқададир. Қадимги геологик даврларда ер қаъридаги нефть ҳаво билан учрашиб, аста-секин занглаш ва буғланиш натижасида олдин шамсимон битумларга, сўнгра озокерит сифат битумларга айланади. Бу харсанг мойидир.

Ибн Сино ҳам ўз давридаёқ мазкур моддани «тоғ муми» деб атаганди. Кўҳна терминологияга кўра, озокерит тоғ муми навларидан биридир. Қадимги Шарқнинг бошқа олимлари ҳам мўмиёни ер қаъридан тоғ қоялари дарзи орқали кўтарилган буғланиш натижасидир деб ҳисоблашган.

Шунга қарамай, ҳануз нефтнинг юзадаги, қайси маҳсулоти чириши натижасида мўмиё пайдо бўлгани яқдил исботланмаган. Мазкур маҳсулотлар эса 20-30 бирикма: асфальтен, альгорит ва бошқалардир. Ленинградлик геолог Н. Бескровний харсанг мойини альгоритларга нисбат беради. Унинг кузатишича, Туркманистоннинг оҳақли жарликларида мўмиёнинг яна бир нави — мумногахни учратиш мумкин эмиш. Мумногах пайдо бўлиши хусусияти ва рангига кўра Забайкальдедаги харсанг мойига ўхшар экан. Аммо худди шундай тектоник дарзларда ялтироқ ҳамда шафақ ранг увоқлар ҳам учраб туради. Бундан ташқари, Туркманистонда ширасимон қизғиш-жигаранг модда ҳам топилган. Халқ ривоятларига кўра, бу ҳамон қояларда қонга беланиб ётган баҳодирларнинг қонидир. Мазкур модда мўмиё навларидан бири ҳисобланиб, кимё деб аталади.

Гўё калаванинг учи топилгандай: мўмиё ҳам, харсанг мойи ҳам охир-пиравардида нефть маҳсулотларидир. Эҳтимол ўша калава учини охиригача тортишгина қолган эмасмикин?



Ф. ЗИГЕЛЬ,

МАН доценти

## ТУНГУСКА УЗРА МАНЕВР БУЛГАНМИ?

1959 йил ёзида Тунгус фалокати эпицентрига яқин жойда биринчи ҳаваскор ёшлар экспедициялари пайдо бўлди. Уша пайтлар Сибирь тайгаси узра ядро портлагани деярли инкор этиларди. Шунга қарамай, ёш тадқиқотчилар ядро портлови гипотезасини текшириб кўришни асосий мақсадлардан бири қилиб олишди. Аста-секин икки гуруҳ изловчилар таркиб топди. Улардан бирига географик разведка методлари илмий-текшириш институтининг (Октябрь шаҳридаги филиал) ходими А. Золотов раҳбарлик қилди. Иккинчи гуруҳни сибирликлар, Томск ва Новосибирск ташаббускорлари (раҳбарлар: Г. Плеханов билан Н. Васильев) ташкил этишди. Кейинчалик иккинчи гуруҳ асосида Сибирь ва Узоқ Шарқ территориясидаги кесмик жисмни ўрганиш бўйича проблема лабораторияси таркиб топди.

Эндиликда ўн йиллик фаолиятга яқун ясамоқ жоиздир. Шу нарса қатъий аниқландики, Тунгус фалокатининг рўй беришида 10 километрча баланд осмонда 10 мегатоннали водород бомбаси янглиғ фазовий жисм портлаши сабабкор бўлган. Портлашнинг сабабкори қайси тип ядро парчаланиши-ю, Тунгус жисмининг ўзи нимадан иборат эди?

Қуйида келтирилаётган материаллар тадқиқотчиларнинг хулосалари хусусида ҳикоя қилади.

### *Икки траектория ҳақида баҳс*

1964 йилгача маълум бўлган жами материалларга кўра, Тунгус жисми анча қия траектория бўйича қарийб жанубдан шимол томон ҳаракат қилган (жанубий вариант). Аммо қулаган дарахтлар зонасини ўрганган А. Золотов, сўнгра бошқа тадқиқотчилар ҳам ўзга хулосага келишди. Ер сатҳидаги траектория проекцияси ётиб қолган ўрмон симметриясига мос бўлиб, шарқдан ғарб томон йўналганди (шарқий вариант).

Профессор И. Астапович жанубий вариант бўйича ишонарли асослар келтиради. У учувчи жисмнинг визуаль кузатиш-

лар, гувоҳларнинг учишга оид товуш ва электрик ҳодисалар бўйича шохидлик беришлари, шунингдек замин титраши бобидаги маълумотларга таянган. Олим ҳар бир ҳодиса траекториясини чизиб, мазкур траекторияларнинг сўнгги нуқтаси сифатида фалокатнинг эпицентрини кўрсатади. Бир-бирига боғлиқ барча ҳисоб-китоблар ўзаро мустаҳкам мосдир. Маълумотлар мажмуасидан келиб чиқадиган хулоса шуки, траекториянинг жанубий вариант азимути меридиандан ғарб томон  $10^\circ$  дан ошмаган. Бу хулоса А. Вознесенский билан Л. Куликлар томонидан 1908 йилдаги фалокатнинг «янги излари» асосида олдинроқ билдирилган фикрларга айна мос келади.

Тунгус жисми портлашига сабаб бўлган физик жараёнларни аниқлашда уфқ текислигига нисбатан траектория оғиши бурчагини билмоқ муҳим аҳамиятга эгадир. Буни турли усулларда амалга ошириш мумкин.

Жисм нур сочилишини эпицентрдан тахминан 800 км наридаги Малишовкада кузатишган. Жисм 100—150 километрдан зиёд баландликда нур сочиши мумкин эмасди. Шунинг учун И. А. Астапович портлаш баландлигини 10 км ҳисоблаб, траекториянинг уфққа нисбатан оғиш бурчаги —  $7-10^\circ$  деган хулосага келган. Мазкур бурчакни I ҳарфи билан атаймиз. Ангарадаги аҳоли гуруҳи томонидан пайқалган илк баллистик тўлқинлар одатда метеорит 50-80 км гача пасайганда рўй беради. Юқори сарҳадни назарда тутиб,  $1-7^\circ$  га эга бўламиз.

Эпицентрдан 460 км масофадаги Илинскда бўлган Н. Полюжинский Тунгус жисми портлашидан ҳосил бўлган овозни эшитган. Бу овоз — кўли билан 80 км баландликдагина эшитилиши мумкин холос. Демак,  $1-9^\circ$  га эга бўламиз. Эпицентрдан 620 км нари Канскдаги кузатув ҳам акустик, ҳам визуаль бўлган. Биринчи ҳолатда 1 учун  $7^\circ$  миқдор, иккинчи ҳолатда  $9^\circ$  миқдор беради. Турли хулосаларга кўра, уфққа нисбатан жанубий траекториянинг оғиш бурчаги катта эмас,  $10^\circ$  дан ошмайди.

Ўрмон дарахтлари қандай қулагани ҳақида ҳозирча аниқ умумий тасаввур йўқ, жанубий вариантни анча аниқроқ деб ҳисоблаб келишган. Аммо кейинги йилларда фалокат рўй берган жойлардаги ҳар бир гектар синчковлик билан ўрганилиб, баён этилди. Дарахт таналарининг ердаги ҳолатлари портлаш ва баллистик тўлқинлар ҳаракати билан боғлиқдир. Йўналиш ўқи симметрияси зоналарининг анализи қуйидагичадир: йўналиш ўқи учиш траекторияси азимутига мос келади. Аммо энди меридиандан ғарб томон  $10^\circ$  эмас, балки ундан шарқ томон  $115^\circ$  дир. Устига-устак баногоҳ Тунгус жисмини эпицентрдан анча олис шарқ томонда ҳам кузатилгани маълум

бўлиб қолди. Мазкур янги маълумотларни ишлаш орқали ўша-ўша траектория азимути —  $115^\circ$ га эришилди. Уфқ текислигига нисбатан шарқ траекторияси оғиш бурчагини ҳам баҳолашга муваффақ бўлинди. Фазовий жисм эпицентрдан 350 км шарқдаги Преображенск узра учиб ўтгани ҳисобга олинса  $1-16^\circ$  ҳосил бўлади. Агар одамлар нур сочишни кундузи кўрганлари назарда тутилса, мазкур миқдор ҳатто оширилиб юборилгандир.

Эпицентрдан шарқроқда кўплар учиб ўтган жисм шовқинини эшитишган. Чунончи, эпицентрдан 410 км масофадаги Непа қишлоғида С. Зарукин олдин овоз эшитган, сўнгра тўғри ер сари йўналиб, уфқ ортида кўздан йўқолган олов бўлагини кўрган. Бу  $1-10^\circ$  демакдир. И. Воложин Преображенскда осмон бўйлаб олов шуълаланувчи тутун оқими елиб ўтганига кўзи тушган. Мазкур ҳодиса 60 км баландликда рўй бергани эътиборга олинса  $1-8^\circ$  ҳосил бўлади.

Бошқа шарқий пунктлар учун ҳам натижа худди шундай. Демак, умумий хулоса аниқ: шарқий траектория оғиши жанубийси каби  $10^\circ$  дан ошмаган.

Бир вариантни тан олиб, иккинчисидан воз кечиш мумкинми? Айтайлик, фақат шарқий траектория бўлган бўлсин. У ҳолда жанубдаги кузатувчиларнинг энг дастлабки ва ишончли кўплаб гувоҳликларини рад этмоққа тўғри келади. Фақат жанубий траекториянигина қабул қилиш билан нафақат янги гувоҳлар кўрсатмасини, балки қулаган дарахт таналарини ўрганиш орқали азимут ҳақида эришилган айни муҳим маълумотларни ҳам йўққа чиқарган бўламиз.

Яқинда И. Зоткин билан М. Цикулин Тунгус жисмининг учини ва портлаши юзасидан бир туркум модель тажрибалари ўтказишди. Мазкур тажрибаларни исботли дейиш қийин. Чунки зарарланган ўрмон зонаси контурларидаги баъзи ўхшашликлар оғиш бурчагида  $30^\circ$ га яқин миқдор ҳосил қилади. Ҳолбуки жанубий траектория учун ҳам, шарқий траектория учун ҳам бу бурчак аввал кўрганимиздек  $10^\circ$  дан ошмаганди. Агар Тунгус жисми моделининг портлатувчи симини ўша  $10^\circ$  оғишда тортилса, бу ҳақиқатга тўғри келмайди. Тажриба ҳатто  $30^\circ$  оғишдагидай ўхшаш контур касб этса-да, аммо аслидаги каби дарахтлар ориентацияси ҳосил бўлмайди.

Ҳарқалай қатъий аниқланган жанубий ва шарқий иккала траектория бир-бирини инкор этмайди. Чамаси, Тунгус жисми иккала траектория бўйлаб ҳаракатда бўлгану қаердадир манёвр қилган. Биз яна гувоҳлар кўрсатмасига мурожаат этамиз. Фазовий жисм Кежмагача жанубий траектория бўйича ҳаракатда бўлган, сўнгра Преображенск райониغا етгач, шарқий траекторияга ўтган. Вановарда ҳам, бошқа жойларда ҳам эпицентр билан Кежма оралигида ҳеч ким бирор учаётган



жисмни кўрмаган, фақат охириги портлаш овозини эшитганлар холос.

Айрим фактлар тунгус жисмини фақат азимут бўйича манёвр қилмай, баландликда ҳам йўналишини ўзгартгани, ҳаракати бир хилда пасаявермасдан мураккаб, ўзгарувчан тезлиги бўлганини тасдиқлайди. Табиий объект бу каби манёвр қилолмайди албатта. Шунинг учун мабодо бир траекториядан иккинчисига ўтиш фаразияси тасдиқланса, бу Тунгус ажойиботининг сунъийлигини исботловчи муҳим аргументга айланажак.

## КУЗАТИШЛАР, МУЛОҲАЗАЛАР, ХУЛОСАЛАР

«Ҳамон илмий-оммабоп матбуот саҳифаларида гўё ядро портлови рўй бергани, бинобарин, қандайдир учиб келган космик кема ёки антиматериядан иборат комета ҳақидаги ривоятлар ўрин олиб турибдики, бу хориждаги айрим тадқиқотчилар томонидан ижобий баҳоланаётир.

Тунгус жисми антиматериядан иборат деган тахминни дастлаб Ла-Паз (1941 й), сўнгра Британия астрономик жамият мажлисида Бонди (1958) кўтариб чиқдилар. Яқин-яқинларда Либби ва бошқалар ҳам шундай мулоҳаза айтишди. Тунгусдаги фалокат муносабати билан билдирилган бу фикрлар муаллифларнинг шунчаки етарли маълумотга эга эмасликларини кўрсатади.

Бироқ Б. П. Константинов, А. М. Бредов, А. И. Белявский ва И. А. Соколовлар айрим мулоҳазалар асосида микрометеоритлар табиатининг аксил моддий бўлиши мумкинлигини фараз қиларканлар, шунингдек, умуман кометалар ва улар билан боғлиқ метеорит оқимлар аксил моддадан иборатдир деган фикрни ҳам билдиришди. Тунгус ҳодисасини ўрганиб чиқиш оқибатида эришилган барча маълумотлар комета Ер билан учрашганини исботладиким, бу юқордаги бир томонлама хулосани буткул рад этади».

*Академик В. Г. Фесенков,  
«Метеоритика», вып. 28.  
М., издательство «Наука», 1968.*

«Бутуниттифоқ геофизика илмий-текшириш институти Волга-Уральск филиали радиоактив методлар лабораториясида 1959-1965 йиллар мобайнида Тунгус дарахтларининг 100 дан зиёд кесмалари қатлами тадқиқ этилди. Ҳар бир дарахт кесимидан 7-10 ва 15 тадан қатлами,

яъни зонанинг жами 1000 дан зиёд намунаси олинди. Мазкур ўлчашлар натижаси шуни кўрсатдики, Тунгус дарахтлари намуналарининг аксари бевосита 1908 йилдан кейинги дарахт қатламларига хос мўл-кўл радиоактивликка эга. Дарахтларнинг сиртқи 10-15 қатламида радиоактивликнинг иккинчи хуружи сезиладиким, бу кейинги йиллардаги радиоактив ёғилмалар натижасидир. Дарахтларнинг 1908 йилдан кейинги қатламларида радиоактивликнинг ортиши сунъий радиоактив изотоп унсурлар мавжудлигидан дарак беради.

Шунингдек Тунгус дарахтлари намунасининг кулидаги гамма-нурланиш спектри ҳам кўп каналли спектрометрда тадқиқ этилди. Дарахтларнинг 1908 йилдан кейинги қатламларида радиоактив изотоп цезий — 137 топилаётир.

Шундай қилиб, Тунгус дарахтлари намунасида радиоактив аномалия дарахтларнинг 1908 йилдан кейинги қатламларидаги юқори радиоактивлик таъсири кам бўлса-да, лекин мавжуд».

*А. В. Золотов,  
«Тунгус метеорити проблемаси»  
тўпламидаги мақоладан, вып. 2.  
Томск, 1967*



**ЗЛАТКА СТАМАТОВА**

*Болгария*

---

## АСАД ЮЛДУЗЛАР ТУРКУМИДАН ДАРАКЛАР

...Бир куни «Орбита» редакциясига айти қуйидаги сўзлар битикли мактуб келди:

«Цивилизациямиз Дзета юлдузи сайёралар системасида (Асад юлдузлар туркуми) жойлашган. Бизнинг юлдузимиз кўшалокдир. Бирининг атрофида учта сайёра, иккинчисининг теварагида иккита сайёра айланади.

Биз учирган звездолёт табиий йўлдошимизга яқин орбитада — ундан 85 минг километрли масофада парвоз қилмоқда.

Звездолётнинг тасвири ва координатларини илова қиламиз».

Мактуб гуё бошқа сайёраликлар жўнатишган дараклар калитини топган коллектив раҳбари, ҳаваскор астроном Илия Илиев томонидан имзоланганди.

Мазкур фикрлар шунчаки сохта бўлиши ҳам мумкин деган гумонга борган редакция оқоридаги мактуб бўйича ўз муҳбирини йўллашни лозим топди. Тўғри ҳам қилинган экан.

Қуйида баён этилажак гипотезанинг баҳсли томонлари борлигига қарамай, унда озми-кўпми ҳақиқат бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Шундай қилиб...

1928 йил октябрида радио тўлқинлар тарқалишини ўрганиш бўйича мароқли тажриба ўтказилди. Голландиядаги «Филипс» фирмасининг ходими Ван дер Поль Эндховен шахридалигида ҳар 20 секунд 31,4 тўлқин узунлигидаги импульслар жўнатиб турди. Буни Ослодаги К. Штермер қабул қилиб олиши керак эди. Аммо акс этган сигнал туркумлари 20 секунд ичида эмас, бутунлай назарда тutilмаган муддатда қайтиб кела бошлади. Бир неча ой ўтгач, Ван дер Поль мазкур янги сигналлар туркумини инглиз журнали «Нейчур»да эълон қилди. Қуйида ана шу сигнал туркумлари келтирилади.

Биринчиси: 15,9,4,13,8,12,10,9,5,8,7,6.

Иккинчиси: 8,11,15,8,13,8,8,12,15,13,8,8.

Учинчиси: 12,14,14,12,8.

Тўртинчиси: 12,5,8.

Бешинчиси: 12,8,14,15,7,5,5,13,8,8,13,9,10,7,14,6,9,5,9.

Олдинига бу сигналлар номаълум қандайдир фазовий жисмдан акс этаётган бўлса керак, дея тахмин қилинди. Аммо ўлчовлар ўша сирли жисмнинг тезлиги фантастик тарзда бўлиши мумкинлигини кўрсатди.

Жаҳонга машҳур олим Никола Тесла биринчи бўлиб сигналларнинг ўзига хос кечиккуви ўзга сайёра цивилизациясининг фаолияти эканлигини фараз қилди. Табиийки, истеъдодли, аммо ғоятда эксцентрик қарашга эга мазкур физикнинг бу тахминига ҳеч ким ишонмади. 1960 йили Стэнфорд университетини (АҚШ)нинг профессори Р. Брейсуэлл яна Тесланинг гипотезасига қайтди. Унинг тахминига кўра, қачонлардир (чамаси, минглаб йиллар муқаддам) қайси бир ўзга сайёра цивилизацияси ҳаёт бор бўлиши мумкин барча юлдузлар системасига кибернетик радиозондлар жўнатган. Ушбу автоматик юлдуз сайёралари бегона радиосигналларни ушлаб, бу ҳақда ўз сайёраларига хабар бериши керак эди. Айни вақтда, мазкур сайёҳлар Ер томон қайтарилмиш импульслар оралигидаги муддатни ўзгартириб турганким, бу ўзгаришлар биз учун кодли ахборот вазифасини ўтаган. Хўш, қандай қилиб ва нима учун шундай бўлган? Жумбоқ жумбоқлигича қолаверган.

1972 йили шотландиялик Лункан Леннан сигналларни ўқиш воситасини таклиф этди. Муфассалликка берилиб кетмай, шуни айтиш лозимки, Леннан «ўзга сайёраликлар масаласи»ни ечиши жудаям оригинал ва бутунича геометрияга тааллуқлидир. Унинг фикрича, инсонлар янглиг онгли мавжудотлар Ер куррасидан 104 нур йили олисдаги Ҳўкизбоқар юлдузлар туркумига мансуб Эпсилон юлдузининг олтинчи сайёрасида яшайдилар. Уларнинг қуёши қўшалок бўлиб, радиозонд Ой орбитаси бўйича айланади. Мазкур фараз профессор Рональд Брейсуэллнинг хулоса ва аргументларига мосдир.

Деярли ўша пайтнинг ўзида болгар архитектори Станислав Стойков юқоридаги муаммо бўйича яна бир географик таклиф билан чиқди. У фазовий радиозонд ва скафандрли космонавт тасвирини олганди. Аммо кимки Стойковнинг қўлидаги тасвирларни кўрса, ўзга сайёра одамлари ёки уларнинг фикрлай олувчи роботлари Ер сари бунчалар мураккаб ва чалкаш масалалар жўнатган бўлишларига ишонмайди. Бизнинг назаримизда дастлабки фазовий алоқа боғлаш учун уриниш аввало содда, яққол ва мантиқли бўлиши лозим.


Масалани ечишда (агар бу сигналлар дарҳақиқат ахборот элтувчи сигналлар бўлса албатта) қандайдир мустақкам мантиқли принципларга таяниш керак бўлади. Цивилизация нечоғли тараққий этган бўлса, у онгли мавжудотлар билан мулоқотда шу қадар соддалик ва яққолликка интилади. Ўзга сайёраликлар биз томон қиёфа тасвирларини жўнатаётган бўлишлари ҳам аҳтимолдан холи эмас. Ким билсин, жўнатилаётган ахборотлар биз барча зарур маълумотларни узатишимиз учун имконият беражак геометрик характердаги координатлар, ўлчов мезонлари, интерваллардир балки.

Илия Илиев раҳбарлигидаги ташаббускорлар коллективи топган ечимни ҳали ечим деб бўлмайди. Бу масалага ёндашишда янги усул топишга уриниш Штермер сигналлари сирини англамоқ учун борилажак йўлни белгилашдир.

Шундай килиб, олдимизда масала бор экан, «ечим» сўзини ёзиб қўялик-да, икки принципини белгилайлик. Биринчиси — ҳар бир рақамлар туркумига алоҳида қараш. Иккинчиси — ўша туркумларнинг изчил жуфт-жуфтга бўлиб, мазкур жуфтларни Декарти координатларидаги тўғри бурчакли система нуқталарининг координатлари деб ҳисоблаш.

### *биринчи сатр*

Биз дарҳол фақат абциссагина берилган Дзета юлдузи йўқ Асад юлдузлар туркумига эга бўламиз. (Расмга қаранг). Штермер ё сўнгги интервални қабул қилолмаган ёки бу шунчаки



«этибор бериш» белгисидир. Юлдузлар туркуми унча аниқ тасвирланмаган, лекин шуни ҳам унутмаслик керакки, кечижув секундлардангина иборат. Хатога йўл қўйилиши ҳам шундан.

«Улар, ўзга сайёраликлар Асад юлдузлар туркуми Ердан қай қиёфада кўринишини қаёқдан била қолганлар?» — деган эътироз бўлиши табиий. Айтайлик, учиб келган зонд-автомат Ой атрофида айланаётган бўлсин. Зонд-автомат ўз «ватани»га қараган бўлгани учун уни «кўриб», кўрганларини хотирасига ёзиб олади. Шундай бўлиши мумкинми? Жудаям мумкин.

Агар сигналлар ораллиғидаги тафовут бўлмиш 20 сонидан биринчи сатр сонлари чигириб ташланса, янги 7 та нуқталар ҳосил бўлади. Мазкур нуқталар координатлар системасига ки-

ритилиши натижасида аэродинамик шакллари билан учувчи аппаратга ўхшаш тасвир ҳосил бўлади (Расмга қаранг). Эҳтимол бу шунчаки янги танишимиз бўлмиш радиозонддир?

### *иккинчи сатр*

Шундай қилиб, Асад юлдузлар туркумининг сайёраси Дзета («Радиозонд» координатларидан аксинча йўл билан мазкур юлдузнинг ординатига ҳам эга бўлиш мумкин). Иккинчи сатр Дзетанинг «оиласи» тўғрисида сўзлаб бериши керак, дея фараз қилиш маъنيқлидир. Сонларни жуфт-жуфт бўлсак, тўртинчи ва еттинчи нуқталар бир хил координат (8,8) га эгаллигини кўрамиз. Бу қўшалок юлдузга ишора эмасмикин? (Леннан ҳам шундай хулосага келганди).

### *учинчи сатр*

Нуқталар АШВ бурчагини билдиради. Мазкур сатрда радиозонт аҳволи ҳақидаги график хабарлар шифрланган. Агар О нуқтаси — Ер, 8 нуқтаси — Ой бўлса, А нуқтаси улар учирган вакил эмасмикин? Ҳатто ВА масофасини ҳам аниқлаш мумкин. Бу тахминан 80 минг километрни ташкил этади. (Расмга қаранг) Узга сайёралик даракчи ўша жойда айланаётган эмасмикин?

### *тўртинчи сатр*

ОС кесими бизга йўналишни кўрсатади. Қандай йўналиш? Нимани билдиради бу? Нима учун мазкур чизик фараздаги жисм «орбитасига» тааллуқли-ю, нега С билан А бир абсциссада ётибди?

### *бешинчи сатр*

Энг узун, энг жумбоқли сатр. Бордию бу ҳам қандайдир график образ бўлса-чи? У ҳолда мазкур сатрга нисбатан ҳам худди биринчи сатрга нисбатан қилгандай муносабат қиламиз. Шунда яна учувчи снаряд контури ҳосил бўлади. Бу сафаргиси трапеция шаклида. Мазкур снаряд Ой атрофида айлана туриб, тадқиқот мақсадида ўз зондларини жўнатаётган асосий кема бўлиши мумкинми?

Илия Илиев билан унинг коллективи атиги ҳаваскор астрономдирлар холос. Уларнинг билим ва имкониятлари шундангина иборат. Энди сўз мутахассислар — радиоастроном, математик, физикларга. Бекорчи шов-шувлар кўтариб, аюҳаннос солмайлик. Китобхон асосий нарсани аниқласа бас: лоақал жичча бўлса ҳам ҳақиқат уруғи топиш йўлида ҳатто «демонаворлик» бўлиб кўринувчи гоълар маконига дадил кириб бормоқ зарур.

Биз еҳтимолий ўзга сайёралар цивилизацияси билан алоқа ўрнатишга шай бўлиб турмоғимиз лозим. Савиямиз ҳам улар савияси даражасида бўлсин.



Ф. СИГЕЛЬ

---

## АЙТМОҚҚА ОСОН

Болгариялик ёш ҳаваскор астрономлар бундан ўн йилча муқаддам «Штермер парадокси» деб ном олган сирли радио акс-садо юзасидан ўз мулоҳазаларини таклиф этишди. Машҳур швед геофизиги К. Штермер дарҳақиқат 1927-1929 йиллар мобайнида Эндховен (Голландия) шаҳридаги ўша давр учун кучли ҳисобланмиш станциядан тарқалаётган радиосигналларнинг ғалати акс-садосини кузатганди. Сигналлар жўнатилиб, акс-садо қабул қилинган муддат оралиғидаги интервал турлича, 4 секунддан 30 секундгача эди. Агар мазкур радио акс-садони Ердан ташқаридаги қандайдир табиий объектларга мансуб радио тўлқинларнинг акс этиши дейиладиган бўлинса, ўша объектлар билан Ер оралиғидаги масофа минглаб ва миллионлаб километрни ташкил қилади. Шуниси характерлики, сигналлар жўнатилиши билан акс-садо қабул қилиб олинishi оралиғидаги вақт интервали ҳатто бир туркум тажрибанинг ўзида ҳам турличадир. Акс эттирувчи фўақат биттагина дейишга асос йўқ. Чунки радио тўлқинларни акс эттирувчининг жой ўзгартиришдаги тезлиги нур тезлигидан ҳам ортиқ. Акс эттирувчилар анча-мунча, турли олисларда деган фараз ҳам ҳақиқатга тўғри келмайди. Қуёш системасида қайтарғичлик вазифасини ўтай олувчи табиий космик жисмлар борлиги бизга номаълум. Сирли фактларни топган Штермер уларнинг ҳаққонийлигини тушунтириб бера олмаган. Винобарин, Р. Брейсуэллнинг ўзга сайёралар системасидаги онгли мав-

жудотлар қуёш системамига жўнатаётган зонд ёки зондларнинг сунъийлиги ҳақидаги гипотезаси жиддий музокарага моликдир.

Аввало шунини айтиш керакки, «Штермер парадокси»ни Брейсуэлл гипотезаси позициясидан туриб шарҳлашлар бир хил бўлмапти. Сирли радио акс-садони кўплаб вариантларда изоҳланаётир. «Асад юлдузлар туркумидан дараклар» мақоласи асосидаги фараз ҳам ана шулардан бири холос. Бахтга қарши, таклиф этилган ечимлардан ҳозирча мақсадга мувофиқи йўқ. Уларнинг барчаси асос қилиб олган гипотезаларнинг ўзлари мутлақо исботталаб ҳали. Чунончи, И. Илиевнинг фаразча, радио акс-садоларни қабул қилиш оралигидаги интервалларни жуфт-жуфт уйғунлаштириб, мазкур жуфтларни текисликдаги Декарт координатлари нуқтаси сифатида ҳисоблаш керак. Ҳолбуки Штермернинг ўзи акс-садони вақт нуқтайи назаридан тартибсиз кузатиш пайтларидагина қабул қилган. Агар Штермер ҳисобга олмаган айтайлик, у ухлаган вақтлардаги акс-садоларни назарда тутиш имкони бўлса, тасвирда бирор юлдузлар туркумига ўхшамовчи ниманингдир тасвири ҳосил бўларди.

Боз устига, Асад юлдузлар туркумига ўхшатиш ҳам ниҳоятда тахминларнинг тахминидир. Тасвирда Асад туркумининг Дзета юлдузи йўқ. Унда зонд айна мазкур юлдуз мансуб сайёралар системасидан келган бўлади-да? Асло. Ахир тасвирда худди ўша Асад туркумидаги кучли ёриқликка эга бошқа кўплаб юлдузлар ҳам йўқ-ку. Нега энди у жойдан ҳам Ер сари зондлар юборилган деб фараз қилинмапти? Мазкур метод неандерталлар симсиз телеграфни кашф этганлари ҳақидаги латифага айнан ўхшаб кетади. Бу латифа археологлар неандерталлар ғоридан сим тополмаганликлари сабабли пайдо бўлганди.

Болгариялик ҳаваскор астрономлар: «Улар ўз туркумлари Ердан қай қиёфада кўринишини қаёқдан билишсин?» — қабилда савол беришларининг ўзи хатодир. Ҳаммага аёнки, юлдузлар туркуми шунчаки Ер осмонида кўринувчи юлдузларнинг шартли равишда тўдалашиб алоҳида кўринишигина холосдир. Улар асло жисмларнинг физик системаси эмас. Қандай қилиб буни юлдузлар туркуми дейиш мумкин?

Иккинчи сатр зонд юборган юлдузнинг «оиласи», учинчи сатр эса ўша зонднинг вазияти тўғрисида ҳикоя қилади деган фараз ҳам худди шундай пучдир. Хўш, нега юқоридаги ҳолат аксинча эмас? Бу ўринда «бордию агар» методи асосида иш тутилган, аммо муаллифларнинг тўртинчи ва бешинчи сатрлари у ёки бу даражада талқин этишга фантазиялари етишмаган.



Илия Илиев ва унинг ҳамкасблари шов-шув кўтаришни хоҳламай, лоақал жичча ҳақиқат уруғини топиш учун «девонавор» гоёлар макони сари дадил кириб боришни таклиф этишлари яхши албатта. Лекин афсусланадигани шуки, ташаббускорларнинг юлдузлар алоқаси тўғрисидаги ечимлари ишонарли даражада «девонавор» бўлмай қолган. Мазкур ечимларда ўзга сайёраликлар ҳақида фикр юритишдаги энг асосий заифлик — антропоморфизм таъсири бор. Бошқа сайёралардагиларнинг тафаккури бизники каби, уларнинг ташқи кўринишлари бизга ўхшайдими? Афсуски, ҳозирги фан мазкур саволларга муайян жавоб қайтаришдан ожиз. Ўзга сайёралардаги цивилизация борасидаги бошқа саволлар тўғрисида ҳам худди шундай дейиш мумкин.

Эҳтимол, айрим сайёралар системасида сайёралар бисофера-си эволюцияси Ерникига ўхшаб бораётган бўлиши мумкин. Агар у жойларда ҳам Ердаги каби конвергенция принципи амалда бўлса, онгли мавжудотларнинг ташқи кўриниши одамларникига ўхшаб кетарди. Аммо табиатнинг ҳадсиз ижодий яратувчилигини ҳисобга олиб, Ердаги органик эволюция кўпда универсаль эмасдир деган фикрга бориш мумкин. Аниқроғи, аксари ҳолларда ўзга сайёраликлар зоҳиран ҳам, ботинан ҳам бизга жуда кам ўхшашдирлар. Ибтидоий заиф фикрловчи ҳайвонлар билан «сўзлашмоқ» йўлидаги уринишлар ҳозиргача ижодий натижа бермагани бизни шу хулосага олиб келади. Ҳолбуки биз — сайёрадош ҳайвонлару инсонлар органик эволюциянинг яхлит дарахт бутоқларидан иборатдирмиз!

Ун йилдан зиёд муқаддам Совет Иттифоқида физика-математика фанлари доктори Н. С. Кардашев ва бошқалар томонидан фазовий сигналларнинг сунъийлиги борасида дастлабки критерийлар ишлаб чиқилганди. Кейинчалик маълум бўлишича, кўплаб сирли объектлар квазарлар, «мистериум манбалари» деб аталмиш пульсарларнинг радио нурланишлари юқоридаги критерийларга мос келиши аниқланди. Бу ўзга сайёралар цивилизацияси кашф этилди, фазо онгли мавжудотларга тўла деганими ёки таклиф қилинган сунъийлик критерийлари ниҳоятда заиф бўлиб, шунчаки табиий объектлар ҳам сунъий деб ҳисобланганми? Аксари астрономлар кейинги фараз тарафдорларидирлар.

Эндиликда ўзга сайёралар цивилизацияси муаммолари борасида фазовий радиосигналларни ўрганиш бўйича «табиийлик презумпциялари» принципи қабул қилинган. Бунинг моҳияти шуки, кашф этилган ҳар бир жумбоқли фазовий радио нурланиш манбалари нечоғли ғаройиб бўлмасин, олдинда у табиий деб ҳисобланади. Кейингина, агар «табиийлик» дейиш яроқсизга чиқса, сунъийлик жиҳатлар излана бошланади.

Иккинчи томондан, қуёш системасига юборилган ўзга сайёраларнинг зондлари ҳақидаги гипотезалар асло енгил-елпи рад этилмаслиги лозим. Биз қанча ўзга сайёралар цивилизацияси мавжудлиги ва айниқса уларнинг техник тараққиёт савияларидан воқиф эмасмиз. Шундайин мажхул вазиятда ҳар нарса бўлиши мумкин, фазо биз кутмаган улкан тасодифлардан холи дейишга ҳаққимиз йўқ. Бу ўринда Н. С. Кардашёвнинг атроф-фазомиздаги «алоҳида нуқталар» ҳақидаги гипотезасини мисол тарзида келтириш мумкинки, қайсиким, ўша «нуқталар» олиё сайёралар сари сафарга йўл очмоғи керак. Чунончи, машҳур «қора тирқишлар» шундайин «ўтиш жойи» вазифасини ўташи мумкин. Ким билсин, «ўша», қайсидир сайёраларда бизнинг системамизга кира олишга қодир онгли мавжудотлар бор бўлиб, уларнинг айримлари биз билан қизиқишаётгандир балки?

Тасдиқлашга ҳам, рад этишга ҳам шошилманг. Фазовий онгли мавжудотлар муаммоси ҳозир ўн йил олдингига қараганда беқиёс мураккабдир. Узил-кесил хулоса чиқаришдан сақланаётганимизга сабаб биз, Ердагилар шунчаки камолга етганимиз, жўн антропоморфизмдан узоқлашиб, инсонлар ечажак муаммо нақадар мураккаблигини тушуна бошлаганимиздадир.



**В. ШЧЕРБАКОВ,**

*техника фанлари кандидати*

## **АМАЛГА ОШМАГАН ПАРАДОКС**

«Штермер парадокси» мутахассислар диққатини тортган, ҳозир ҳам тортмоқда. Унинг аралашувини ҳамон «кичкина яшил инсончалар» — ўзга юлдузликлар аралашуви дея тушунтиришга интилишлар бўлиб турибди. Шунинг учун ҳам мазкур ҳодисани нечоғли табиий баён этилишига алоҳида эътибор бермоқ керак. Мабодо бунинг уддасидан чиқилмаса, «яшил инсончалар» гипотезасига ҳам мурожаат этишга тўғри келади.

Асрининг бошидаёқ Атлантика орқали илк бор радиогарма узатишга муваффақ бўлинганда, бу шунчаки тасодиф, Ер сатҳи бўйлаб мунтазам радио тўлқинлар узатиш мумкин эмас, дегувчилар ҳам топилганди. Илож қанча, бунга асос бор эди:

ўша даврнинг аксари физиклари нур ва радио тўлқинлар бир хил абсолют хусусиятга эга бўлмоғи лозим дея ҳисоблардилар. Ҳақиқат кейинроқ очила бошланди. Антланitik океан орқали муваффақиятли радио алоқа сеанси ўтказилгандан атиги олти ой кейин Оливер Хэвисайд атмосфера тузилиши борасидаги ўз нуқтаи назарини ўртага ташлади: «Юқори атмосферада яхши ўтказгичли қатлам бўлиши ҳам мумкин. Бунда радио тўлқинлар ўша қатламлар томонидан озми-кўпми даражада ушланиб қолинади. Шундан сўнг, бир томонда денгиз тарафдан, иккинчи томонда атмосферанинг юқори қатлами ёқдан акс этиш рўй беражак».

Шундай қилиб, узун тўлқинлар дифракция сабабли, қисқа-роқ тўлқинлар Эса Хэвисайд қатлампидан акс этгани оқибатида ер курраси сатҳини айланиб ўтиши мумкин. Мазкур қатлам мавжудлигини Эплтон билан Барнет 1925 йили бевосита эксперимент орқали исботлашганди. Акс этиш тахминан 100 километр баландликда рўй берганди. Тадқиқотчилар бевосита ва акс этган тўлқинлар антерференцион максимумлари билан минимумларини кузатишган. Хэвисайд қатлами билан бирга бошқа ионосфера «уфқлари» ҳам кашф этилган. Мазкур ионосфера қатлами пирог янглиғ бўлиб, ионизацияланиш даражаси қуёш фаолиятига боғлиқ эди. Қуёш ёруғлигининг кучлилиги доимийдир, бироқ қуёш спектри ультра бинафшаранг жойда юлдуз ўзгаришига боғлиқ. Айни ана шу ультра бинафшаранг нурлар ионосфера қатламларининг аҳволига «масъулдир».

Бундай фактлар К. Штермер натижаларини тушунтиришда асос бўлиб хизмат қилиши мумкин. Ҳарқалай уларни эътиборга олмасликнинг иложи йўқ.

К. Штермер тажрибаларида фойдаланилган айни мазкур қисқа тўлқинлар ер шари барабар кенг масофаларда алоқа учун катта аҳамият касб этади. Улар ионосфера қатламлари томонидан нисбатан суст ютилади, лекин бир, гоҳо эса икки қатламдан анча яхши акс этади. Шу ўринда қисқа тўлқинли сигналларнинг олдинлари приёмник бузуқлигига йўйилган таққа тўхтаб қолиш ҳолларини эслатиб ўтмоқ жоиздир. Америка физиги Делленжер кейинроқ уларни қуёш жунбуши билан қиёслаб кўрди. Асосий сабаб мана шу жунбушда эди. Тўлқинлар ҳаракатининг тўхташи фақат кундузи, курра ярим шари миқёсидагина рўй беради, баъзи кунлари буни беш-ўн марта такрорланганини кўриш мумкин. Бир неча минут ва ҳатто бир неча ўн минутлар давомидаги тўхташлар радио алоқа чизикларида анча тез-тез такрорланади.

Энди Карл Фредрик Штермернинг тажрибалари хусусида батафсилроқ тўхталиб ўтса ҳам бўлади. К. Штермернинг тадқиқоти ўз теранлиги ва оригиналлиги билан муносиб ҳурматга лойиқдир. Ажойиб норвег олими қутб ёғдуларининг

изчил назариясини ишлаб чиқиб, Ер магнит майдонидаги зарядланган зарралар траекториясини ўлчаш методини таклиф этганким, бу нафақат Ер ҳақидаги фанни, айти вақтда физика ва математикани ҳам бойитди.

Бир куни (яъни, декабрь 1927 йил) К. Штермернинг ҳамсоясин, инженер ва радио ҳаваскор Йорген Халльс олимга ўзи эшитган кучли акс-садо тўғрисида сўзлаб беради. Унинг гап-ларига кўра, Эндховен — (Голландия)даги қисқа тўлқинли станциянинг сигналларидан бир неча секунд ўтгач, қаттиқ акс-садо эшитилган. «Мазкур ажойиб ҳодисани билганим заҳоти, — деб ёзганди кейинроқ К. Штермер, — миямга симсиз телеграф тўлқинлари ўша токлар ва электронлар сатҳидан акс этган бўлса керак, деган фикр келдиким, 1904 йилдан 1907 йилгача шимолий ёғдуларни назарий тадқиқ этганимда ҳам худди шундай хулоса чиқарганим».

К. Штермер 1927 йил декабрида Эдховендагилар билан радио эшитириш сеанслари ҳақида келишиб олади. Дастлабки тажрибалар январда бошланади. Қабул қилиб олишни Форнебо билан Бигдаги икки станция амалга оширади. Иккала станция ҳам Ослога яқин ерда жойлашганди. Бигдаги станция бизгата ниш Халльснинг станцияси эди. Эндховендаги радиопередатчик ҳар беш секундда сигналлар узатиб турди. Улар осциллограф ёрдамида қайд этиб бориларди. Эндховенъ импульсларни аниқ қайд этарди. Ушандаёқ бир неча бошқа сигналлар ҳам пайқалгандиким, «улар атмосфера алғов-далғови ёки акс-садо натижаси эди». Тажрибалар пайтида Йорген Халльс ўз кузатишларини хабар қилиш учун телефон орқали К.Штермер билан тез-тез боғланиб турди. У Форнебодаги станция белгилагандан кўра кўпроқ кечиккан сигналларни эшитди. Бу чамаси радиоприёмникнинг ниҳоятда сезгирлиги натижаси эди. Халльс сигналларни овозкучайтиргичи орқали қабул қилиб олаётганди.

Ўша йили ёзда К.Штермер Эндховенда ишловчи Ван дер Пол билан учрашди. Улар стандарт телеграф дараклари жўнатишга келишиб олишди (учта импульс, учта тире). Бундай учёклама дараклар жўнатишни такрорланиш вақти 20 секунд эди. Осциллографдан воз кечишга қарор қилинди (мазкур қарорда Халльснинг тажрибаси муҳим роль ўйнади).

11 октябрь, соат ўн бешу ўттиз минутда К.Штермер аниқ акс-садо эшитди. Бир неча минутдан сўнг Халльс телефон қилгач, Штермер дарҳол унинг ҳузурига жўнади. Халльснинг овозкучайтиргичи акс-садони тиниқ қайта эшиттирди.

«Одатда ҳар бир сигнал битта, гоҳо эса ҳатто бир нечта акс-садо қайтарарди, — деб ёзганди К.Штермер ўзининг «Қутб ёғдулари муаммоси» китобида. — Акс-садо ҳам сигнал каби учта тирега эга бўлиб, бироқ улар қўшилишиб кетар, ҳатто

шундай бўлардики, акс-садо сигналга қараганда анча узун товушга айланарди. Товушнинг баландлиги сигнал барабарлигида эди».

К.Штермер Халльснинг аини Бигдадаги квартирасида сигналлар билан акс-садо ораллигидаги вақтни ёзиб олганди. Бу К.Штермернинг кейинчалик турли газета ва журналларда кўп марта босилган ўша туркумлари эди. Олим қуйидагича гувоҳлик беради: «Мен белгилаган вақт даврлари аниқлик даъво қилмайди, чунки мен етарли тайёр эмасдим, аммо улар лоақал мазкур ҳодиса ҳақида сифатли тасаввур ҳосил қилади. Халльснинг айтишича, у мен келгунга қадар ҳам уч секунд тафовутда бир нечта акс-садони ёзиб олган экан».

Норвегиялик олимнинг мазкур гапларидаги сигналлар «ювилиб кетиши»га доир (чунки сигналлар ионлашган ерда узоқ кезган), Халльс К.Штермер қайд этмаган бошқа акс-садоларни қабул қилиб олгани ҳақидаги эслатмалар (Штермернинг машҳур туркумлари тўлиқ эмас экан) айниқса муҳим аҳамиятга эга.

К.Штермер қайта-қайта тилга олган яна бир муҳим шарт-шароит акс-садоларнинг турли кучга эгаллигидир. Буларнинг айримлари осциллограф лентада базур пайқарли бўлиб, овоз-кучайтиргичда қайта эшитиб кўрилганида яна ҳам заиф янграган.

К.Штермернинг тажрибалари натижаси устида мулоҳаза юритиб кўрилгач, беихтиёр қуйидаги хулосага келмай илож йўқ: сигналларнинг турли тўхтаб қолишлари уларнинг турли кучдалиги ва турли даража «ювилиб кетиши»га мосдир. Агар сигналлар фазонинг бирор нуқтасидан, чунончи, гипотетик учар аппарат бортидан ёки зонддан жўнатилса бундай бўлмасди (гарчи зонднинг тезлиги ва унинг тахминий ҳаракат йўналиши баъзи аниқликлар талаб қилса ҳам).

25 октябрда К.Штермер анчагина кечиккан (25 секундгача) бир неча сигналлар қабул қилган. Сўнгра акс-садо ғойиб бўлган. Аммо 1929 йил февралида яна бу ҳодиса такрорланган. Май ойида эса француз тадқиқотчилари Галле билан Талон 2000 тача акс-садолар қайд этишган, мазкур акс-садолар тўхтаб қолиши 30 секундгача эди. Галле билан Талон ҳам заиф ва кучли сигналлар эшитишган. Уларнинг кузатув натижалари анча мураккаб жадвал тарзида эълон қилинганким, унга қараб кучли ва заиф импульслар тақсимоли қонуниятини илғаб олиш мушкул.

К. Штермер тажрибаларига изоҳ берганида Ернинг магнит майдонидаги зарядланган корпускуллар ҳаракати тўғрисидаги ўз назариясига таянди. Бу умуман айтганда, акс-садо ионосферадан қайтиш натижасидир деган гапнинг айнан ўзи эмасдир.

1947 йили радио тўлқинларни қутб ёғдуларидан аксланиши илк бор қайд этилганди. Аммо ёғдуларнинг пайдо бўлиши айнан қуёш корпускуллари оқими билан боғлиқдир. Мазкур ҳол норвег олими томонидан 30-йиллар бошидаёқ баён этилган қарашларни бутун теранлиги билан баҳолашга имкон беради. К.Штермер ўзи ишлаб чиққан зарядланган зарралар ҳаракати тўғрисидаги назарияси асосида 1928 йилнинг бошидаёқ аксадо февраль охирларигача пайдо бўлмаслиги тайинлигини башорат қилган эди. Шундай бўлди ҳам. Башорат тўппа-тўғри чиқди.

К. Штермер 1929 йил, 5 январь куни «Нейчур» журналида эълон қилинган мақоласида қуёш корпускуллари оқимининг кучайишига доир ҳисоб-китоблар келтираркан, «октябрь охирларидан февраль ўрталаригача уфқ тепасидаги ёритқич баландлиги зарралари ёмғири ҳосил бўлиши учун етарли эмас. Аск-садо айрим қулай шарт-шароитлар мавжудлигидагина пайдо бўлади» деб кўрсатганди. Хўш, қандай шарт-шароитлар бўлди бу?

«Математик назария шуни кўрсатадики, мазкур қулай шарт-шароитлар корпускуллар магнитли экваториаль сиртга яқин Қуёшдан тарқасагина ҳосил бўлади». Олим ўзининг мақолаларида зарралар Ернинг магнит майдонига киргач, мазкур зонадан чиқиб кетолмаслигини таъкидлайди. Зарралар ер куррасини қуршаган улкан доирага жамланади. Доира деворлари радио тўлқинлар учун ўзига хос кўзгулик, оддий кўзгугина эмас, жамловчилик вазифасини ҳам ўтайдиким, ушбу кўзгу жамловчи зарраларни тўплаб, уларни саноклигини йўналишларга жўнатади. Худди шунинг учун ҳам радио тўлқинлар узоқ вақт табиий тўлқин янглиғ сайр этгану кўп марта аксланишлардан сўнг уларни К.Штермер Ерда қабул қилиб олган.

Қуёш корпускуллари ҳаракати ва мазкур ҳаракат натижаси ўлароқ қутб ёғдулари пайдо бўлиши борасидаги фаннинг дастлабки қадамларини эслаш мароқлидир. Кўриниб турибдики, бошқа айрим таъсир ва ҳодисалар ҳам шу жумлага киради.

1716 йили Галлей «Қироллик жамияти фалсафий асарлари» китобида қуйидаги гипотезани ўртага ташлаган. Уша фаразга кўра, «фазовий аломатлар» Ернинг магнитли куч чизиқлари бўйлаб қандайдир субстанция ҳаракат қилишидан иборатким, бунинг олим «магнитли буғлар» деб атаган. Бунга қадар ёғдуни замин қаъридан қиқувчи олтингугурт буғларининг нурланиши деб келардилар. Галлейнинг фикри замонасидан шу даражада илғорлаб кетгандики (айниқса агар «магнитли буғлар»ни ҳозирги «электр разрядлари» термини билан алмаштирилса), бунинг лоақал Галлей доклади билан бир вақтда эълон қилинган

мароқли брошюра сарлавҳасидан ҳам билса бўлади. Иорфью исмли муаллиф қаламига мансуб мазкур брошюра қуйидагича аталганди: «Осмони фалақда олтинчи март куни кўринган сўнги аломатга доир очерк. Математика, мантиқ ва маънавият шунинг исботладиги, мазкур аломат шунчаки одатдаги табиат ҳодисаси эмас, балки амалга ошиш зарурати бўлган мўъжизадир. Эҳтиром билан қироллик жамияти ҳукмига тақдим этилади».

Кўп вақтлар ўтгандан кейингина фан қутб ёғдуларининг частотаси билан кучи қуёш фаоллигига боғлиқлигини аниқлай олди. Кейинги икки юз йил ичи қутб ёғдуларини ҳисоб-китоб қилиш қуёш цикллариининг турли давомийлигини кашф этишга имкон берди. Ун бир йиллик давомийлик ҳам шу жумлага киради. Жунбушлар билан доғларга алоқадор қуёш корпускуллари оқими ҳам циклдир. 1928 йил айни қуёш фаоллиги кучайган, аниқроғи, офтобимизнинг максимум фаоллашган йили бўлди. Бу ўринда Қуёш доғлари 1923 йилга нисбатан 13 марта кўпайгани қайд этилганини айтиш кифоядир.

К.Штермер қутб ёғдусининг энг юқори «деталлари» — бу қуёш ёритган (катта баландлик туфайли) нурлар эканини кашф этди. Мазкур нурлар ер кўланкаси сарҳадидан баланд, минг километрли юксакликда бўлади.

Қуёш зарралари оқими ионосферага таъсир кўрсатади. Ушбу таъсирга мисоли безак тариқасида Р.Брэйсуэлл топган 10-15 километр баландликдаги ионосфера қатламларидан бири «электрон кўзгу»нинг пасайишини элаш мумкин.

Қуёш жунбуши ва бир оз кейинроқ (корпускуллар Ерга кечикиб келганида) рўй берган ҳодисанинг умумий манзараси анча мураккаб бўлиши мумкин. Аммо Штермернинг ўзи берган изоҳдан кўра оддийроқ ва табиийроқ бошқа изоқ топилганида юқоридаги манзарани муфассал таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Шундай қилиб, радио тўлқинлар тарқалишидан хабардор радио мутахассисни «жумбоқли акс-садолар» пайдо бўлиши ҳар доим ҳам ҳайратга солавермаслиги мумкин. К.Штермер тадқиқ этган ҳодисани парадокслар сирасига киритиб бўлмайди. Бутунлай аксинча, агар космик зонд ва «яшил инсончалар» борлиги тахминини амалий гипотеза сифатида қабул қилинса, «ювилиб кетиш», сигналлар бузилиши ҳамда уларнинг қуввати устида анча бош қотиришга тўғри келади.

Албатта бу айтилганларни мазкур сатрлар муаллифи олис сайёралардаги онгли мавжудотлар зондлар ёрдамида юлдузлараро алоқа ўрнатишлари мумкинлигини тамоман рад этипти деб тушунмаслик лозим.



## ЛЕВ СКРЯГИН

СССР География жамиятининг ҳақиқий аъзоси

---

### «ҚОРА ШАҲЗОДА»НИНГ ОЛТИНЛАРИ ҚАЕРДА?

...Ихтирочи Балаклавия яқинида 200000 фунт стерлинг баравар юк элтаётиб чўкиб кетган Англия кемаси хусусида нимадир қилиш нияти борлигини айтди.

*«Русское судоходство», 1896 й.*

Инглиз флотининг улкан кемаси «Шаҳзода-валиахд» Англиядан Қримдаги инглиз ҳарбийлари учун маош сифатида тўланажак анчагина кумуш таңгалар билан 200000 фунт стерлинг олтин олиб, сафарга отланди... Мазкур кемада жўнатилган пуллар бочкаларга жойлашгани учун даҳлсиз сақланмоғи лозим...

*«Наше судоходство», 1897 й.*

«Шаҳзода ортган юклар орасида 36700 жуфт жун пайпоқ, 53000 нафар жун кўйлак, 2500 нафар соқчилар пўстини, 16000 нафар чойшаб, 3750 нафар адёл ҳам бор эди. Булардан ташқари, яна санаб ўтиш мумкин бўлган: 150.000 нафар тўшак, 100000 дона жун кўйлак, 90000 нафар ич кийим, 40000 га яқин адёл, 40000 нафар сув ўтказмовчи бош кийим; 40000 нафар мўйна пальто ва 120 000 жуфт этик ҳам бор эди.

*«Иллюстрейд Лондон ньюз»,  
16 декабрь 1854 йил.*

«Қора шаҳзода»нинг афсонавий сояси ватан адабиёти сахифаларидан бир неча бор ўрин олган. «Қора шаҳзода» ҳақида А. И. Куприн, С. Н. Сергеев-Ценский, М. Зощенко, Е. В. Тарле, Т. Бобрицкий ва бошқа кўплаб адиблар ёзишган. Ҳалигача ҳорижий саргузашт адабиётда олтин жойланган бочкалар-





нинг жумбоқли ғойиб бўлиши тўғрисида мақола ёки ахборот пайдо бўлиб қолади.

...Қрим уруши бошларида Англия ҳукумати хусусий компанияларга мансуб 200 дан зиёд савдо кемаларини Қримга қўшин ва ҳарбий-сафар анжомлари элтиш учун сафарга ҳозирлади. Улар орасида елканли-парракли фрегат ҳам бор эди. 1854 йил 8 ноябрда бошқа инглиз кемалари билан бирга мазкур фрегат ҳам Балаклавада сафарга шай бўлди. Беш кундан сўнг Қрим ярим ороли узра жанубий шарқдан мисли кўрилмаган даҳшатли довул кўтарилди. Балаклавия кўрфазидида 34 кема соҳил қояларига урилиб, парча-парча бўлиб кетди. «Шаҳзода»-нинг бошига ҳам шу қисмат тушди.

Ҳали уруш тугаганича йўқ эди. Лекин бутун жаҳонга Қрим соҳилларида қўшинларга тўланажак маош — олтин ортилган «Қора шаҳзода» — Англиянинг буғ фрегати ҳалок бўлгани ҳақида миш-миш тарқади. Сўз бораётган мазкур кема шу вақтгачан «Қора шаҳзода» деб аталмаганди. У 1853 йили Темзадаги Блэкуоллда сувга туширилган кезлари «Шаҳзода» номида эди. Кейинчалик мазкур кема «Қора шаҳзода» дея атала бошлагани сабабини айтиш қийин. Эҳтимол фрегатдаги олтинлар пайига тушиб қолишган ишқибозлар романтик тарзда «қора» сифатлашини қўшишган ёки маош ололмаган инглиз аскарлари алам билан уни шундай атаган бўлишлари ҳам мумкин.

Қарийб сулҳдан кейиноқ «Қора шаҳзода» қолдиқлари излана бошланди. Уни ахтариб топишга киришган итальянлар ҳам, америкаликлар ҳам, норвегиялигу немислар ҳам бирор натижага эриша олмадилар. Уша даврдаги ибтидоий ғоввослик техникаси етарли чуқурликка тушиш учун имкон бермасди.

1875 йили ғоввос скафандри яратилиб, Францияда катта капиталга эга йирик акционерлар жамияти таъсис этилди. Француз ғоввослари Балаклава кўрфази туби ва унинг атрофларини бошдан-оёқ титкилаб чиқишди. Ундан зиёд чўккан кемалар топилса ҳам улар орасида «Қора шаҳзода» йўқ эди. Утган аср учун катта чуқурлик ҳисобланган сув тубига тушиб кўрилди. Аммо энг кучли ва чаққон ғоввослар ҳам сув остида бир неча минутгина бўла олишди холос...

Аста-секин «Қора шаҳзода» атрофида афсоналар тарқала бошлади. Кема билан чўккан олтиннинг қиммати 60 миллион франкка кўтарилди. 1896 йилда рус ихтирочиси Пластунов қидирув ишига киришди-ю, бироқ унинг ҳам омади юришмади.

Сабру тоқат борасида итальянлар ғолиб чиқишди. Чуқур сув ости скафандри ихтирочиси Жузеппо Рестуччи 1901 йилда экспедицияга бошчилик қилди. Иш бошланганидан кейин бир

неча ҳафта ўтгач, катта бир кеманинг темир корпусини топишга муваффақ бўлинди. Италиялик ғоввослар сув тубидан кўр-гошин ўқлар солинган пўлат қути, милтиқлар, дурбин, темир парчаларини топиб чиқишди. Лекин ҳеч қандай олтиндан дарак йўқ эди. 1903 йил баҳорида итальянлар Балаклавадан ҳеч ким бу кема «Қора шаҳзода»ми, бошқами, ҳам билмасди. чиқиб кетишди. Шу билан бирга улар икки йилдан сўнг яна қайтиб келишни мақсад қилгандилар. Бу сафар бутунлай бошқа яна битта темир кема чўкканлигини билиб қолишди. Албатта, Олтинлар яна топилмади. Бироқ афсонавий олтинлар кўплаб ғоввос, инженерларга тинчлик бермасди. Россия савдо ва саноат министрига «Қора шаҳзода» олтинларини топиш ҳақида фикр ва мулоҳазалар битилган мактублар кела бошлади. Сўнг яна италиялик ғоввослар Балаклавия тубига шўнғиди. Яна натижа бўлмади. Ниҳоят, тоқати тоқ бўлган чор Россия ҳукумати фойда ўрнига зиён етказётган ўзининг ҳамда хорижий олтин қидирувчиларига кўрфаздаги изланишлар Қора денгиз эскадрасининг фаолиятига халал бераётир деган далилга ёпишиб олиб, расмиятчилик билан норозилик билдира бошлади. Баногоҳ биринчи жаҳон уруши бошланиб қолиб, «Қора шаҳзода» атрофидаги шов-шувларни тўхтатиб қўйди.

1922 йил балаклавалик бир иштиёқманд ғоввос кўрфаз бўсағасида денгиз тубидан бир нечта олтин тангалар топиб чиқди. Шу-шу, дунё яна «Қора шаҳзода»га қизиқиб қолди. Бир-биридан ҳайратангиз таклифлар туша бошлади. Феодосиялик бир ихтирочи «Қора шаҳзода» нақ кўрфаз тубида бўлиши керак деб тасдиқлади. У кўрфазга сув қуйилишини дарҳол тўғон билан тўсиб, сувни чиқазиб ташлаш керак. Шунда олтинни кемага белкураклаб ташийвериш мумкин бўлади деган таклиф билан чиқди.

1923 йил флот инженери В.С.Язиков ОГПУ га келади-да, 1908 йилдан бери 1854 йил 14 ноябрда ҳалокатга учраган инглиз эскадраси ҳақида изланиб, уни тўла ўрганиб чиққанлигини айтаркан, ана шу бебаҳо бойликни топишга тайёр эканлигини билдиради. В.Язиков ўз ташаббусини далиллар тўла семиз папкаси билан қўллаб-қувватлайди. Уша йили март ойида экспедиция ташкил этишга келишилади. Бу экспедиция ЭПРОН, яъни Махсус сув ости ишлари экспедицияси деб аталди.

Бир неча ҳафта ўтгач, ЭПРОН тайёргарлик ишларига киришди. Совет инженери Е.Г.Даниленко чуқур сув ости аппаратини лойиҳалаб чиқди. Мазкур аппарат денгиз тубини 80 сажел чуқурликкача кўриш имконини берарди. Аппарат «механик қўлларга» эга бўлиб, прожектор, телефон, авария юз берганда юқорига тортажак йўғон сим каби асбоблар билан қуролланган

эди. Аппарат экипажи уч кишидан иборат бўлиб, ҳаво юмшоқ резина ичак орқали юбориларди.

Е. Г. Даниленконинг чуқур сув ости аппарати қурилиб бит-гунча ЭПРОН мутахассислари балаклавалик кексалардан 1854 йил 14 ноябрь довули ҳақида сўраб-суриштиришди. Бироқ улардан ҳеч ким «Шаҳзода» ҳалокати юз берган жойни аниқ кўрсатиб беролмади.

Ниҳоят, қидирувчилар «Шаҳзода» ҳалокатига тегишли бутун районнинг чуқурлигини ўлчаб, ҳар квадратга қозик қоқиб чиқдилар. 1923 йил сентябрининг бошларида кўрфаз бўсағасидаги сув ости қояларини текшира бошлашди. Даниленконинг «болиндер» типидagi мўъжазгина аппарати ҳар куни навбатдаги квадратни кузатишга киришарди. Ёгоч кемаларнинг кўпгина бўлаклари, мачталар, шпангаут парчалари, денгиз қуртлари-ю, чиғаноқларга беланган бимс, бортлар топилди. Булар ичидан «Шаҳзода»ни топиш унча қийин эмас, деган фикрга келишди. Инженер Язиковнинг кузатишича, чўкканлар орасида «Шаҳзода» ягона темир кема эди. 1924 йилнинг баҳор, ёз, кузи ўтди. «Шаҳзода»нинг топилишидан эса ҳанузгача дарак йўқ эди.

1924 йил октябрида ЭПРОН врач К.А.Павловский ёш говвослар билан кўҳна Генуя минораси яқинидаги шарқий кўрфазда тажриба машқлари ўткази бошлади. Ёш эпрончилар машғулоти давомида саккиз саженли чуқурдан тошлар, чиғаноқлар, даракт бўлакларини топишди.

17 октябрь эрталаб Павловскийнинг шогирдларидан бири соҳилга яқин денгиз тубидан чиқиб турган ғаройиб тузилишдаги темир қутини кўриб қолди. Топилма билан қизиққан Павловский тажрибали говвосларни таклиф қилди. У буткул занглаб кетган, ёниб бўлган кубик шаклидаги буғ қозон бўлиб, чўян эшик ва бўғзи бор эди. Бу фавқулоддаги топилма эпрончиларни шу районни синчиклаб кузатишга мажбур этди. Говвослар соҳилдаги қулаган қоя харсанглари остидан ярмигачан қум кўмиб юборган темир кема топиб олишди.

Икки ой ичида говвослар денгиз тубидан турли шакл ва катталиқдаги темир бўлаклари, учта иллюминаторли девор парчалари, қўл гранатаси, оқ чиннидан ясалган тиббий ҳовонча ва бир неча портламаган бомбалар, бочканинг мис чамбараклари, буғ машина қисмлари, чирий бошлаган госпитал туфлилари, қўрғошин ўқлар олиб чиқишди-ю, аммо яна заррача ҳам олтин тополмадилар.

Янги йил арафасида Балаклава районида қаттиқ довул туриб, ишни тўхтатишга тўғри келди.

Бу вақтга қадар «тутқич бермас кема» ЭПРОНга юз минг сўмга яқин зарар етказди. Бундан буён нима қилиш керак? Ишни давом эттиришга арзирмикин? Ходимлар фикри бўлин-

ди. ЭПРОН «Шаҳзода»га қарашли олтинлар ҳақида ишончли ҳужжатлар тополмади. Лондондан совет вакиллари, шунингдек, Британия ҳарбий денгиз флоти олий қўмондонлиги ҳодисага бош қўшди. Чет элликларнинг архивлари титкиланди. Бироқ ҳеч қандай маълумот олинмади. ЭПРОН энди келгусида ишлашни маъқулламади. Худди шу пайтда Совет ҳукуматига япон говвослик фирмаси «Синкай Когиоссио лимитед»дан «Шаҳзода» олтинларини олиб чиқиш ҳақида, таклиф келди.

Бу йилларда ана шу фирма энг машҳур ва омадли ҳисобланарди. Унинг сўнгги «хизмат рўйхати»да Уртаер денгизида чўккан бир инглиз кемаси турарди. Шунда япон говвослари 40 метрли чуқурдан 2 миллион сўмлик хазина олиб чиқишганди.

«Синкай Когиоссио лимитед» ЭПРОН га «Шаҳзода»ни қидирув ва кузатув бўйича дастлабки ишлари учун 110 000 сўм таклиф қилди ва шу билан бирга келгуси харажатларни ҳам ўз бўйнига олди. Шартнома тузилди. Топилган олтинлар ЭПРОН ва фирманинг 60 ёки 40 фоиз иштирокчилигини кўзда тутиб тақсимланиши керак эди. Бундан ташқари, японлар совет говвослари ўзларининг чуқур сув ости техникаси билан таништириш ва иш тугагач, ЭПРОН га техника асбоб-анжомларидан бир нусхадан беришга келишилди.

1927 йил ёзида японлар (улар осонгина 800 000 сўм олтин пул оламиз деб ҳисоблардилар) ишга киришишди. Ҳар куни япон говвослари 20 га яқин 500 пудли тошларни чиқаришарди. 1000 пудли қоя бўлақларини чиғир ёрдамида катта қайиққа тортиб чиқаришарди. Етти говвос ва беци шўнғувчи навбат билан ишларди. 5 сентябрда говвос Ямомато тошга ёпишиб ётган олтин танга топиб олди. Тангага 1821 йил инглиз муҳри босилган эди. Ундан икки ой ўтгач, говвослар катта қийинчиликлар билан бор-йўғи тўртта — инглиз, француз ва иккита турк олтин тангаларини топишга муяссар бўлдилар.

1927 йил ноябрь ўрталарига келиб, Балаклава парчаланган кемаларга тўлиб кетди. «Шаҳзода» хусусида олиб борилган ишлар мана шундай ажиб натижа берди: иккита темир қошиқ, санчқи белкурак бўлаги, гилдирак ўқи, тақа, от суяклари, офицер қиличи, пирожний кесадиған пичоқ, қулф, 1848 йил санаси қайд этилган калиш ва бир неча тагчарм, бир талай кўрғошин ўқлар ва ҳоказо нарсалар эди.

Балаклавани тарк этиш олдидан вакиллар улар иш олиб борган кема ҳақиқатан ҳам «Шаҳзода» деб эълон қилишди. Бироқ қанча қаттиқ уринишмасин, кеманинг ўрта қисмини барибир топа олмадилар. Корпуснинг қолган қисмлари «жароҳатланган» эди.

Бу вазият уларни қуйидаги фикрга олиб келди: кема ҳало-

катидан сўнг Балаклавада қолган инглизлар саккиз ой давомида, Қрим уруши тугагунча олтин жойланган бочкаларни олиб чиқишган.

Ниҳоят, ҳеч нарсага эришолмаган хазина қидирувчилар В.С.Язиковнинг 1854 йилги довулда ҳалокатга учраган кемалар орасида ягона темир кема «Шаҳзода» эди, деган фикрига қўшилишди.

Бироқ асли шундаймикин? Шунинг учун ҳам қуйидаги илк манбаъларга мурожаат қиламиз.

Мана, инглиз тарихчиси Вудз ўзининг «Сўнгги кампания» (Лондон, 1860) китобида шундай ёзади:

«Буг кемаси «Шаҳзода» 8 ноябрь эрталаб Балаклавага кириб келди. У ташлаган битта лангар арқон-парқонлари билан сув естига чўкиб кетди. Иккинчи лангар ҳам худди шундай бўлди. Иккала лангар чўккан чуқурлик 35 сажен эди. Бунга сабаб арқонлардан бири лозим даражада пишиқ боғланмаганлиги бўлиши керак... То бошқа лангар ва арқон тайёрлангунча «Шаҳзода» денгизнинг анча ичкарасида тўхтаб туришига тўғри келди. Сўнгра яқинлашиб, «Язон» кемаси ортидан жой олди».

Қанақа кема бўлди бу «Язон»?

1854 йилги инглиз журнали «Практикл мэкеникс джорнель»да Зиковга ҳам, эпрончилар, японларга ҳам маълум бўлмаган шундай фактларга дуч келамиз:

«...Блэкуоллда... У ч т а б и р х и л д а г и к е м а қ у р и л д и. Номлари: « Г о л д е н Ф л и с », « Я з о н », « Шаҳзода » (разрядка — меники — Л.С.)» Кейин ҳар бир кеманинг ҳажми ва характеристикаси муфассал келтирилганди.

Бу ўринда шундай хулосага келиш мумкин. Биринчидан, Балаклавада пўртана олдидан иккита бир хил типдаги «Язон» ва «Шаҳзода» кемалари турган бўлган. Иккинчидан, агар «Практикл мэкеникс джорнел» журнали маълумотидан эпрончилар ва японлар хабардор бўлганларида ориқча уринишсиз ҳам текширилмиш кеманинг корпус қисмлари кўтарилаётган пайтда мазкур қисмлар «Шаҳзода»ми ёки бошқа кемага мансублигини аниқ билган бўлардилар. Афсуски ҳеч ким юқорида зикр этилган журнал маълумотидан хабардор эмасди.

Шу ўринда «Шаҳзода ва «Язон» Балаклавада ҳалокатга учраган ягона кема эдими, деган савол туғилади. Бир неча цитаталар келтираман.

«Инглизлар Балаклавада катта зарар кўришди. Бу уларнинг армияси учун ҳам ёмон путур етказди: тўққиз нафар ажабтовур транспорт кемаларидан маҳрум бўлинди. Булардан бир нечтаси бугли ке-

малар эдиким, ўшалар орасида Англия флотининг энг яхши кемаларидан бири — «Шаҳзода» ҳам бор эди».

*(Француз журнали «Иллюстрасьон  
журналь универсал»,  
1854 й. 23 декабрь).*

«Қояга урилган кемаларнинг биринчиси Америка транспорти — «Прогресс», иккинчиси — инглиз транспорти «Резолют», учинчиси — Американинг «Вандерер»и (бўлак-бўлак бўлиб кетган); тўртинчиси — «Кенильворт», бешинчиси — «Шаҳзода», олтинчиси — «Рип-Ван-Винкль», еттинчиси — «Панола» дир».

*(«Курьер де Лион» газетаси, 1854,  
декабрь).*

«Икки зарбадан кейин «Резолют» парча-парча бўлиб кетди. Ундан сўнг Америка кемаси «Вандерер» ҳам мажақланди. «Кенильворт» кемаси «Резолют» ва «Вандерер» билан бир жойда чўкиб кетди».

*(В.М.Аничков, Военно-исторические очерки)*

Агар японларга довул пайти Балаклавада бўлган инглиз кемаларидан бирига командирнинг мактуби маълум бўлганида, улар айнан «Шаҳзода» устида иш олиб борганларини қатъий ишонч билан гапирмасдилар. Мана, ўша мактубдан бир парча:

«Довул бўлишини олдиндан сезган адмирал Лайонс бошчилигидаги «Агамемнон» ўн учинчида кечқурун денгиз ичкараси сари йўл олди. «Мельбурн», «Язон», «Сити оф Лондон», «Шаҳзода», «Хоуп» кемалари ва «Уайлд Уэйв», «Мерция» ва «Рип-Ван-Винкель» транспортлари лангарда қолди».

Кўрамизки, эпрончилар топиб, японлар текширишган кема «Шаҳзода» ҳам ва у билан бир типдаги «Язон» ҳам, «Хоуп» ҳам, «Сити оф Лондон» ҳам, «Резолют» ҳам бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Ўша давр маълумотларига кўра «Мельбурн» кемаси довул олдиндан очиқ денгизга чиққан. «Язон» кемасининг

ҳалок бўлган жойи номаълум. Балки у ҳам Балаклава кўрфази бўсағасидаги шарқий бурунда чўкиб кетгандир. «Қора шаҳзода» билан боғлиқ барча саволларга жавоб қайтариш мушкул. Шунинг учун ҳам мазкур муаммо юзасидан бу қадар кўп қарама-қарши фикрлар айтилгани бежиз эмас. Бироқ, ажабланирлиси шуки, тадқиқотчилардан ҳеч кимнинг ҳаёлига умуман «Шаҳзода»да олтин бормиди ўзи деган фикр келмаган.



И. С. ИСАКОВ,

*Совет Иттифоқи флотининг адмирали,  
СССР фанлар Академияси мухбир аъзоси.*

## МИЛЛИОН СЎМ ОЛТИН АФСОНАСИ

«Шаҳзода», «Шаҳзода-валиаҳд», «Қора шаҳзода». 200 минг... 500 минг франк, бир миллион фунт стерлинг, 60 миллион франк, миллион сўм олтин... Тарихий манбаъларда турли номдаги кемалар, турли суммалар ва ҳалокат юз берган турлича жойлар кўрсатилган.

Ҳа, дарҳақиқат эпрончилар сув остидан топишган кема «Шаҳзода» ҳам, «Язон» ҳам, «Хоуп» ҳам, «Резолют» ҳам бўлиши мумкин. Японлар денгиз тубидан олиб чиқишган бешта олтин танга «Шаҳзода» аскарларига маош сифатида тўлаш учун элтаётган олтин жойлоқли бочкаларга тааллуқлиги ҳанузгачан ишонарли маълумотлар билан исботланмаган.

«Шаҳзода» ҳалокатининг асл манзарасини аниқлаш иштиёқидаги тарихчилар аҳамиятли бир фактни унутишган ёки унга диққат беришни лозим кўрмаганлар.

Вирорта шинель, телогрейка, бирон жуфт этик Қримдаги Британия экспедицион кучлари суперинтендантининг рухсатсиз Балаклавага келиб қолиши мумкин эмасди. Супериндент бевосита Лондондаги Уайт холл молиявий органларга бўйсуниб, Уайтхоллнинг Қрим уруши давридаги маҳкамаси Константинополда жойлашганди.

«Шаҳзода» Истамбул портига олиб келган кийим-бош, анжомлар, эҳтиёт озиқ-овқатлар ва олтин Қримдаги бош қўмондоннинг рўйхати бўйича Балаклавага жўнатилиши керак эди. Жангларда, касаллик ва вабодан ҳалок бўлганлар рўйхати ҳар куни аслидаги талафотлар билан мунтазам солиштирилар,



«тафовут» эса клерклар қўлида қоларди. Бунда суперинтендентнинг рухсати бўларди албатта.

Олтин ва анжомлар борасидаги бундай найранглар фойда келтириши турган гап. Шунинг учун ҳам олтин жойланган бочкалар Истамбул портида бошқа қандайдир кемага ўтқазилгач, «шаҳзода» Балаклавага томон йўл олган, қабилдаги тахминни ишонарлироқ ҳисобламоқ маъқулдир.

Қуйидаги жиддий маълумотлар «Шаҳзода» да олтин бўлмаганини кўрсатади. «Шаҳзода» дастидан Англиядан ташқари ҳам кўп мамлакатларга зарар етган. Чунончи, Франция ўша олтинларни қидириш йўлида ярим миллион, Италия 200 минг, Япония қарийб чорак миллион сўм тилла пул сарфлаган. Англия бўлса қирол олий ҳазратларининг флотига мансуб, ҳалок бўлган кемани излаш ишлари учун ҳатто бир марта ҳам лицензия олишга уриниб кўрмаган. Яна бир факт яққол кўзга ташланади. Қрим уруши даврига доир қарийб жаъми мавжуд тарихий маълумотлар «Шаҳзода» Балаклавага кириб келган пайти унда олтин бўлганини тасдиқламайди. Олтин жойланган бочкалар ҳақидаги миш-мишлар кейинроқ, «Шаҳзода» одамлар орасида «Қора шаҳзода» номини олгандан сўнггина тарқалган.

ЭПРОН «Шаҳзода»ни излашнинг борасидаги фаолияти самарасиз қолиб кетмади. У анъанавий тажриба ва обрўга эга ғоввосчилигимизни янги, қўшимча тажрибалар билан бойитдиким ЭПРОН Совет Республикаси учун машаққатли бўлган вайронгарчилик йилларида, граждандар уруши пайти оқ гвардиячилар билан интервентлар томонидан чўктирилган кемалар ва юкларни чиқариб олишга киришди. ЭПРОН ташкил этилганинги ўн йили ичида 110 кема қутқариб олинди, ўша кемаларнинг 76 нафари қайта тикланди. Мазкур кемалар пулга чақилса 50 миллион сўмдан зиёд маблағни ташкил этади. Бундан ташқари, ЭПРОН ғаввослари денгиз тубидан 13 минг тонна қора металл, 4700 тонна брон, 1200 тонна рангли металл, 2500 тонна механизмни олиб чиқдилар. Буларнинг ҳаммаси реализация қилинган.

Қўринадиким, Совет флотининг хизмат кўрсатган ветерани И. С. Исаковнинг фикрлари тўла-тўқис асосланди. «Қора шаҳзода» борасидаги изланишлар ҳали охирига етди деб бўлмайди. Ким билади, замонлар ўтиб, Балаклава кўрфази ўзининг энг романтик сирларини очиб қолар балки...



## А. КИФИШИН,

*шумершунос*

---

### МЕСКАЛАМДУГ ШОҲНИНГ ОЛТИН ДУБУЛҒАСИ

У малика Шубаднинг ҳусни ва бойликлари, шунингдек жасурлиги учун олтин дубулга эгаси бўлган «Доруломон салтанатининг қаҳрамони» Маскаламдугнинг жасоратлари ҳақида гапириб бериши мумкин эди.

*В.Гуляев.*

#### *Ботирми ёки...*

Кўҳна Шумер тарихи билан қизиқувчилар олтин барглар, гуллар, хивичлар, тангалар билан безатиқли антиқа бош кийими кийган ҳурлиқонинг тасвирини кўп кўришган. Буни малика Шубаднинг тасвири деб ҳисоблашади. Аслида эса бундай эмас. Маликанинг ҳайкалини сэр Леонард Вулли... ўз хотинига ўхшатиб ўзгартирган. Таъмир этилган портрет у қадар чиройли аёлнинг қиёфаси бўлиб чиқмади: кенг пешона, танқайган камбар бурун, чўкик кўзлар, калта бўйин. Бўйи бир ярим метрча, бесўнақай гавдали, чамаси кампир ёшидаги ҳукмдор аёл қандай ҳам жозибали бўлсин?

Иккинчи қаҳрамонимиз, малика Шубаднинг ўғай ўғли, ўттиз яшар шаҳзода Мескаламдугдир. Унинг Москва ва Ленинграддаги Ироқ кўрғазмаларига қўйилган ялтироқ олтин дубулғаси билан заррин идишини ким эсламайди дейсиз? Мескаламдуг елкадор, давангирдай бақувват бўлиб, тор пешона, қирғийбурун паҳлавон эди. Унинг чапақайлиги душманлари билан жанг қилишда ҳар доим қўл келарди.

Учинчи қаҳрамонимиз, шоҳ Мессаннападданинг (милоддан аввалги 2485-2473 йиллар) сиймоси эса бизлар учун ханузгача муаммо бўлиб келяпти. Тош ҳайкали қолдигига қараб, унинг ёшини аниқлаш қийин. Аммо Шумерларнинг Шоҳ рўйхатида Мессаннападданинг 80 ёшлиқдаги фаолияти қайд этилгани назарда тутилса, у вафоти куни 90 ёшдан ошган эди.

Жуда эрта ўлиб кетган жангчи — шоҳ Мескаламдуг (у миллоддан аввалги 2490-2485 йилларда яшаб, ҳокимлик қилган, отаси шоҳ Намтар 2505-2495 йил) нинг даҳмасига дафн этилган.

Л. Вулли мазкур дахма ҳақида шундай ҳикоя қилади: «Тобутни тупроқдан тозалаб бўлишгач, ҳайратда бармоғимизни тишлаб қолдик. Жасада худди ухлаётган одамдек ўнг ёнига ёнбошлаб ётарди. Белидаги сербар кумуш камар ечиқ эди. Бир вақтлар бу камарнинг тилла ҳалқасига тилла ханжар ва зумрад кўзли қайроқтош осиглиқ бўлган бўлса керак. Жасаднинг ёнида қорни баравар олтин ва зумрад мунчоқлар уюлган. Қўллар орасида оғир тилла коса топдик, ёнида эса ундан ҳам йирикроқ ва чўзинчоқ шаклдаги бошқа бир коса бор эди. Тирсаги ёнида чиганоқ шаклида олтин шамдон, боши орқасида учинчи олтин коса турарди. Ўнг елкасига электрондан ясалган қўш тиғли болта, чап елкасига одатдаги тилла болта суяб қўйилганди. Орқа томонида заррин пешонабоғлар, билагозуқлар, мунчоқлар, туморлар, ярим ой шаклидаги балдоқлар ҳамда пружинали тилла сим ўрамчалари аралаш-қуралаш бир уюм бўлиб ётарди. Аммо топилдиқлар орасида ҳаммадан кўра Мескаламдугнинг олтин дубулғаси кўпроқ ялтирарди. Дубулға соф олтиндан ниқоб шаклида ясалган бўлиб, бошга бостириб кийдирилгани учун юзи ҳам тўсилиб қолганди».

Мана энди Мескаламдуг ўлими олдидан оғир ярадор бўлгани маълум бизга. Унинг синглиси Нинтур (Салтур) эъзозли акасини ўлимдан сақлаб қолмоқчи бўлиб, маъбудларга илтижо қилган: у жон бераётган акаси ўрнига бошқа бир аскарни қурбон қилишга ҳам тайёр эди. Аммо Нинтурнинг илтижоси ижобатга ўтмаган. Малика марҳумнинг қабрини соф олтин «қамишзор» билан безагач, оёғи тагига ўз имзоси чекилган идиш кўмиб, алвидо айтишга мажбур бўлган. Кўп ўтмай тахтга Нинтурнинг эри, мункиллаб қолган Месаннападда (2485—2473 йиллар) ўтирди. Месаннападдага Мескаламдугнинг ўлимида қўли бор деган айб тақалган.

Хўш, ростдан ҳам шундай бўлганми? Халқ ичида донғи чиққан навқирон шоҳ қандай фожиага гирифтор бўлган?

Мескаламдуг шоҳ Намтарнинг биринчи хотинидан турилган тўнғич ўғил эди. Аммо тахтга у эмас, ҳали норасида ўғай укаси, Шубаднинг фарзанди Абарагги чиқди. Тўғри, уч йил ўтиб, бола нобуд бўлди, аммо яна икки йилгача ҳокимиятга ўч Шубад ўғай ўғлининг тахтга чиқишига монелик қилиб келди. Ниҳоят, Шубад ҳам сирли равишда ўлиб кетади-ю, Мескаламдуг тахтга ўтиради!

Шоҳликнинг дастлабки беш йиллик даври тинч ўтди. Кунлардан бир кун аёнлар орасида шоҳ бундан олдин талон-торож қилинган Абарагги дахмасидаги олтин дубулға ва буюмларни ўзлаштириб олган деган мишмишлар тарқалди. Гувоҳ ҳам топила қолди, бу бир мусофир бўлиб, малика Шубаднинг собиқ хизматчиси экан. Мишмишлар, шубҳалар, бўҳтонлар...

Турган гапки, қаттиқ ғазаби қўзиб ўз кучига астойдил ишонган шоҳ туҳматчи билан яккама-якка олишишни талаб қилади. Коҳинлар ҳаками рақибларни тақдир тақозосига қўйиб берди. Лекин шоҳнинг рақибни чапақай душмани билан бўлажак жангга пухта тайёргарлик кўриб, уни мағлуб этди.

Халқ ҳалок бўлган шоҳ номига ёғилган, устига-устак аллақандай бир ярамас мусофир тарқатган бўҳтонларни янги шоҳнинг сиёсий найранглари деб билди. Месаннападда тахтга ўтириш орзусида юрар эди, мана, ниятига етди у! Лекин энг таажжубланарлиги шундаки, шоҳларнинг ўн та дахмасидан фақат Мескаламдугнинг қабригина талон-торож қилинмаганди. Бу замондошларнинг Мескаламдугга хайрихоҳликлари белгиси эди.

### *...Шоҳ жиноятчими?*

Еки Месаннападдага қилинган туҳматлар ҳақиқатан ҳам асослимиди? Мана ўша машъум ёдгорликлар — дубулға, косалару қадаҳ ва шамдонлар. Дарвоқе, уларнинг ҳар бирига Мескаламдугнинг номи ўйиб ёзилган. Аммо Шумер салтанатида бундай буюмларга эгасининг номи чекилмас эди-ку? Еш шоҳга ўз номини бундай ғайриодат йўл билан абадийлаштириш нимага керак бўлиб қолди экан? Бу ёзувларда Мескаламдугнинг шоҳлик унвони йўқлиги ҳам таажжубланарлидир. Демак, бу ёзувлар ҳали Мескаламдуг тахтга ўтирмасдан олдин чекилган экан-да! Аммо асосий муаммо бу ҳам эмас. Энг қизиғи шундаки, дубулға... шоҳнинг бош чаноғидан анча кичик эди. Дубулғанинг ҳақиқий эгаси ким бўлди экан унда? Мартабаси чамаси Мескаламдугдан баланд ва Мескаламдугни ҳасад ўтида куйдирган болакай ким бўлдикин? Шоҳмиди? Шуниси аниққи, бу дубулғанинг Намтарга ҳам, бевалик азиятини чекаётган маликаи Шубадга ҳам алоқаси йўқ эди. Зеро, улар катта ёшда бўлишиб, бундай дубулға кийишлари мумкин эмасди. Демак, гап фақат шоҳ Абарাগгага келиб тақалади. Аммо Абарাগга қаерда дафн этилган экан?

Олимлар ўн талаб қурбон қилинган аскарлару жориялар, созандаю сайислар, бебаҳо буюмлар, машъум маросим идишлари, кескир шамшир ва ханжарлар орасида шоҳнинг жасадини сира топа олмадилар. Тўғри, ҳашамли шоҳ сандиғи ёнида босилиб ерга кириб кетган Абарагганинг тамгаси топилди. Аммо бу тамга одатда, жасаднинг қўлида бўлиши керак эди. Тамга бу ерга қаердан келиб қолган? Археологлар сандиқни суриб, унинг тагида махфий дахмага олиб тушувчи лаҳим топишди. Балки Абарагганинг хоки бир вақтлари айнан шу ерда ётгандир? Аммо сағана бўм-бўш эди. Хўш, бу ерда нима рўй берган бўлиши мумкин? Сағана ичи қимматбаҳо буюмлар

билан тўла бўлиб, афтидан, марҳумлар жасади безовта қилинмаган эди. Аммо нима бўлганда ҳам талон-торож юз берган ва бу пайтда сағана ҳали эскимаган бўлган. Чарс-чурс ёнаётган машғалалар нури ажал ёқасидаги аскарлар ҳамда парирўларнинг юзига ваҳимали шуълалар сочиб турган бир пайтда қайси довюррак одам сағанани талон-торож қилишга ботинди экан?

Археологлар бир амаллаб сағана ичига киришганда, улар қандайдир номаълум ҳужрага олиб кирувчи дарчага дуч келишди. Бу Абарагга дафн қилинган ҳужра эди. Одатда бундай ҳужрага шоҳни дафнга олиб келганларнинг жасади қўйилгучийди. Мис дубулғали олти нафар лашкар икки қатор бўлиб бўй чўзиб туришибди. Уларнинг ёнида ҳар бирига учтадан ҳўкиз қўшилган икки арава. Сайислару аравакашлар ҳам шу ерда. Рўпарада олтин япроқлардан ясалган бош кийимли, ой ўроғи шаклида балдоқлар таққан, сочига садаф гулбаргли, зумрад кўзли гуллар билан безалган тароқлар қадалган тўққиз нафар сарой канизаклари. Канизаклар ва аравалар орасида йигит ва қизларнинг жасадлари устма-уст қалаштириб қўйилган. Энг тепада эса ҳўкизнинг олтин боши билан безатилган соз.

Ҳайратангиз манзара! Фақат бир нарса ноаниқ: шоҳнинг жасади сағанадан қаерга ғойиб бўлдийкин? Юқори қаватдаги сағана кимга тааллуқли экан?

Олимлар яна қазиларни давом эттиришга қарор қилишди. Ниҳоят, Абарагга сағанасининг тош деворлари ортида малика Шубаднинг дахмаси топилди. Қизиғи шундаки, бу дахма сағанадан кўра кўпроқ ўрага ўхшар, унинг тубида эса маликанинг тобути бор эди.

Гўё Шубад ўғлининг дахмаси ортига бекиниб олгану шу билан мақбарасининг талон-торож бўлишдан омон сақлаб қолгандек эди. Малика бир бурчакда, мурда ташиладиган ёғоч аравада ётар эди. Қўлида — олтин қадаҳ. Танасининг юқори қисми олтин, кумуш, зумрад, ақиқлардан ясалган мунчоқларга кўмилган. Шода-шоода маржонлар бўйнидан осилиб белигача тушган... Бир вақтлари ажиб таралган сочлари гарданида олтин тароқ билан турмакланган.

Маликанинг биқинида минг-минг зумрад ва тилла мунчоқлар билан безалган, теридан ясалган тиллақош. Ҳаммаёқда олтин идишлар, шамдонлар, кўк рангга бўялган чиғаноқлар. Мана энди ҳаммаси аён. Абарагганинг дахмаси, унинг ёнида барча хизматкорлари дафн этилган хона, сал нарироқда малика Шубаднинг мақбараси, юқорида эса маликани дорилбақога кузатиш шарафига муяссар бўлганлар дафн этилган.

Малика Шубаднинг дафн маросими куни йигирма уч нафар фуқаронинг ёстиғи қуриди. Олтмиш беш нафар фуқаро унинг

ўгли билан бирга қўшиб дафн этилди! Аммо ўлим чангалидан якка-ягона одам жон сақлаб қолган. Тагин ким денг? Маликанинг энг ишонган одами, шахсий соқчиларининг сардори! Қандай қилиб у тирик қолган экан? Балки соқчилар сардорига бирон-бир нарса эвазига ҳаёт инъом этилгани бежиз эмасдир? Абаррагганинг дахмасини талон-торож қилишда ёрдам бергани учун эмасмикин? Шунинг учун ҳам шоҳ унга ўзининг қариндоши бўлмиш қизни никоҳлаб бермаганмикин? Шумер салтанатида бундай воқеалар сира юз бермас эди-ку? Соқчилар сардорини ўша машғум кунда ким ўлимдан сақлаб қола олди экан? Демак, қазилмалар пайтида топилган цилиндр шаклидаги тамга эгаси, малика Шубаднинг хизматчиси йўқ одам эмас, бор одам экан-да? Тамга соҳиби унда қуйидаги манзарани тасвирлаган: шаҳзодаи валиаҳд, ўз маслакдоши (унинг маслакдоши Малика Шубад соқчиларининг сардори бўлса ажаб эмас) билан биргаликда Абаррагганинг дахмасидан шоҳнинг жасадини олиб чиқиб кетишмоқда. Муғомбир хизматчи ўз юртдошларига ўхшаб ҳар тешикка тумшуқ тиқиб, ҳар нарсадан хабардор бўлган, бўлгану ўзига керак пайтгача сукут сақлаган.

Мескаламдугнинг орзуси ушалиб, дубулгани қўлга олгач, қанчалар суюнганини тасаввур қилиш мумкин. Аммо, ҳайҳот, бу ноёб ёдгорликнинг бошига сиғмас эди! Мана шундан кейин бу қадаҳ ҳам, шамдон ҳам, идишлар ҳам уники эканлигига ҳеч кимда шубҳа туғилмасин учун уларда ўзининг исмини ўйиб ёзишни буюрган эди.

Нима учун Мескаламдуг ўгай укасини кўргани кўзи йўқ эди?

Дарҳақиқат, шоҳ Намтарнинг Шубадга уйланиши одобдан бўлмади. Ёш Мескаламдугнинг қасос олиши учун асосли сабаблар бор эди. Шоҳ Намтар янги маъшуқа деб унинг онаси Салкамладугни ташлаб кетади. Бу ҳам етмагандек, тез орада Урда тахт вориси деб Мескаламдуг эмас, Абаррагга эълон қилинди. Мескаламдуг ўзининг жонидан ортиқ кўрган укасини қатл этганини ёдда тутсак, ҳокимиятпараст аёл бўлмиш малика Шубад ҳам ўглининг ўлимидан сўнг кўп ўтмай ўшанинг амри билан заҳарланган деган гумон тўғри бўлиб чиқади. Абаррагганинг олтин дубулгаси Мескаламдугнинг ўзи учун ҳам қимматга тушди.

Азиз китобхон, қиссамизнинг бошига қайтайлик. Таниқли археолог В. Гуляевнинг сўзларини эпиграф қилиб олишимиз бежиз эмас. Чиндан ҳам қадимий афсоналарни ҳозирги замон кишиларига тушунарли қилиб тасвирлаб бериш қийин. Малика Шубат ҳусни жамоли ҳақидаги муҳтарам сэр Буллнинг гапларига ишонган В. Гуляевнинг аҳволини тушуниш керак. Ҳар кимнинг диди ҳар хил. Мескаламдугнинг ҳарбий жасоратларига келганда, бу борада унинг тўғрисида мишмишлар тарқат-

ган халқнинг хизмати кўпроқ. Ахир, ота-боболари кўрсатган қаҳрамонликлар ҳамда тахт вориси бўлишдан ҳам маҳрум этилган шаҳзодани халқ баҳодир сифатида кўришга интилади-да.

Тарих фанлари кандидати В.Гуляев бир нарсада ҳақ: нима бўлганда ҳам Мескаламдугнинг довураклигини тан олмай илож йўқ. Ахир олтин дубулға деб зим-зиё тунда лаҳадга кириб чиқишга ҳар қандай одам ҳам журъат этавермайди...



**В. СКУРЛАТОВ,**

*тарих фанлари кандидати*

---

### «ЕТТИ ИҚЛИМНИ КЎРИБ КЕЛГАНЛАР...»

Сўнгги бир неча ўн йил ичи Шумер ҳақида чунонам кўп китоблар ёзилдики, бу китобларни ғишт янглиқ тахлаб чиқилса қатлам-қатламли эҳром-зиккурот ҳосил бўлиши мумкин. Асри-миз бошларида Шумерга синфсиз даврлардаги зулмат ичра нуруланувчи яккаю ёлғиз цивилизация машғали сифатида қаралар, инсоният тарихи Шумерлардан, бир синф иккинчисини эзиш учун барпо этилган илк ибтидоий кулдорчилик давлатлардан бошланган деб ҳисобланарди. Эндиликда, билимларимиз «Зиккурот»и қад кўтаргач, Месопотамия кенгликлари ортида бошқа маконлар, Шумер ўчоғига ўт қалаб, алангалатган, бу ўт ўчмаслигини таъминлаб турган бошқа халқлар ҳам яшаганига амин бўлаётирмиз. Шумерлар ўз бобо юртарини машриқнинг қаеридадир жойлашган дейишгучийди. Аммо Машриқда Месопотамиядан бошлаб Эрон тоғлиқлари, ундан нарида эса евраосиё кенгликлари, ҳиндевропа халқларининг бобюртлари ястанганди.

Мескаламдуг замонида шумерларнинг шарқ ва жануби-шарққа, хусусан Дилмунга (Форс қўлтиғидаги Баҳрайн ороллари), Махон ва Мелухху (ҳозирги Белужистон)га ва Ҳинд водийсига, қадимги ҳинд (харапп) маданияти гуллаб-яшнаган шаҳарларга камдан-камгина саёҳат қилингучийди. Америкалик археолог Жоффри Бибби юзлаб Дилмун қўрғонларини кашф этди. У ерда олиб борилган қазилма ишлари эрампдан аввалги IV ва III минг йилликларда Шумер аждодларига мансуб босқинчиларнинг Форс қўлтиғига тажовузлари ҳақидаги фаразларни тасдиқлайди.

Дилмун билан Шумер аждодлари, афтидан, Эрон орқали ўтганлар. Зикр этилмиш ўша жойларда нималар рўй бераётгани ўша пайт?

Жанубий Эронда Шумер билан азалдан мустаҳкам алоқа қилиб келган Аратта шаҳри бўлиб, у «етти тоғ орти» бўлмиш ҳозирги Луристон ерларидаги Эламдан шарқ томонгача чўзилиб кетган тоғлар орасида жойлашганди. Шумер қаҳрамонлик жангномаларида шумерларнинг дохийлари билан «пок расмуслар мамлакати» деб ном олган Аратта ҳукмдорлари ўртасидаги рақобат қайта-қайта ёдга олинади. Масалан, «Энмеркар ва Араттанинг бош қоҳини» номли ажойиб дostonда ҳикоя қилинишича, фалак маъбудаси ҳокима Инона «Араттанинг бош қоҳинига гулчамбар ҳадя қилади», бироқ пировардида шумерлар шаҳри Урук барпо этилгач, у Араттадан кўра Урукка меҳрибонроқ бўлиб қолади. Урукнинг ҳоқими Энмеркар Аратта ҳокимлари билан можаролашиб, ночор шаҳарни ўз тасарруфига ўтказиб олмоқчи бўлади. Урукнинг бўйсунмиш ва қурилаётган шумер ибодатхоналари харажати учун олтин кумушларни отларга ортиш ҳақидаги талабига Араттанинг бош қоҳини кескин рад жавоби қайтаради. Боз устига, у қайсар Энмеркарни яккама-якка олишувга чақиради. Ўша пайтдаги можаролар аксари қадимий удумга кўра яккама-якка олишув билан ҳал этилар эди, бунга Мескаламдуг қисмати ҳам яққол мисол бўла олади.

Ниҳоят муросага келишилади. Урук Араттага дон ортилган эшакларни юборади. Аратта эса Энмеркарни ўз даргоҳида қабул қилиб, унга олтин, кумуш, забаржадлар инъом қилади, шу билан бирга ўзининг олдинги «барча мамлакатлар маликаси бўлиш» даъвосидан ҳам воз кечмайди.

Шу нарса аёнки, от, сигир ва оқ деворли қалъалари кўп, оқсоқоллари билан ҳарбийларининг кенгашлари ошкора ўтадиган тоғли Шарқни Шумерлар ўзларининг маъбудлари ва ҳокимлари ватани деб билганлар. Шарқ тоғларидаги зодагон хонадонида таваллуд топган Энмеркарнинг ўзи тобелигига ўтган Урукни пойтахтга айлантиришга қарор қилади, ибодатхона ва қадамжолар мавжуд тоғли юртини қўмсайди. (Бундай ҳол юз йиллар, минг йиллар ўтгач ҳам кўп марта такрорланиб турган. Масалан, эрамиздан аввалги ХУШ асрнинг иккинчи ярмида кассийлар йўлбошчиси Гандаш — у Қора денгиз бўйидаги Ҳинд-Европа паҳлавонлари авлодидан эди — сомиёлаштирилган қадимги Бобил салтанатини босиб олади. Бобилнинг кассий ҳокимлари худди шумер бош қоҳинлари ва йўлбошчилари сингари бир неча асрлар мобайнида тоғли шарқдаги ўз юртларига эҳтиром билан қараб келгандилар).

Энмеркар Араттанинг бош қоҳини билан бирлашгач, тоғли ҳақимларга маълум ёзув белгиларини қўллай бошлайди. Сопол жадвални олган қоҳин дарҳол мактубнинг маъносини тушу-



нардн чоги. Шунга асосланиб биз Ғарбий Осиёнинг поён-сиз ерларидаги ҳукмрон табақа учун нафақат ягона тил ва умумий даҳма, балки ягона ёзув тартиби ҳам хос бўлган деб таҳмин қила оламиз.

Шумердан жанубга томон Араб ярим ороли кенгликларида камида эрамиздан аввалги икки минг йилликнинг охирлари-гача «гувала бошлилар» деб номланган негроид қабилалар яшаган. «Бахтли Арабистон»нинг дароз ва Шамшод қомад аждодлари ҳозирги Африканинг негроид авлодлари келиб чиқишига асос бўлганлиги ҳам аҳтимолдан холи эмас. Эрамиздан аввалги тўрт минг йилликдаги шимолдан бўлмиш катта босқинларгача негроид қабилалари нафақат Арабистонда, балки Эронда, Урта Осиёда ва Ҳиндистонда ҳам истиқомат қилишган деган фикрлар ҳам баён этилган. «Ригведанинг» гувоҳлик беришча, орилларнинг йўлбошчиси Индра ўз йўлида учраган қора танли халқни қириб ташлаганлиги бежиз эмас. Археолог Э. Анатининг илмий тадқиқотларига кўра, Шарқлик дилмун-бобоколон шумерлар «гувала бошлилар»ни Форс кўр-фази соҳилларидан эрамиздан аввалги уч минг йилликнинг бошларида узил-кесил сиқиб чиқарганлар.

Шумерлар босқинига қадар серҳосил Месопотамия водий-сини ўтроқ ва анча кўп миқдорли семитлар аждоди банд қилиб турган бўлишлари керак. Шумерлар туб аҳолини қириб юбор-масдан ўзларининг вассалларига, кулларига айлантирганлар.

Ғарб шумершунослари Қадимги Моварауннаҳрдаги жангу жадаллар сомиёлар билан шумерларнинг ирқий зиддиятлари натижаси холос дея тасдиқламоқчи бўлишди. Бироқ совет академиклари В.Струве ва А.Тюменевларнинг тадқиқотлари можаролар ирқий-қабилавий заминда эмас, балки ижтимоий-иқтисодий асосда келиб чиққанини кўрсатди. Шумер ва семит шаҳар-давлатларнинг ҳукмрон тоифалари муштарак насл-на-сабга эга бўлиб, биргаликда бўйсундириб олган қабилаларини эксплуатация қилишар ва охир-пировард ўша қабилалар билан аралашиб кетардилар. Масалан, шумерларнинг биринчи суло-ласига асос солган Ура Месаннападданинг хотини собиқ ҳарам фоҳишаси, Кишлик маккора ва ишвагар сомиё аёли Нугиг-эн эди.

Сомийлар истилочиларнинг диний расм-русмлари ва иж-тимоий тариқатларини ўзлаштириб олиб, ўз навбатида шумер-ларга ҳам маҳаллий деҳқончилик ва тужжорлик сирларини ўргатар эдилар. Шумер ҳокимлари охир-пировард жорий этил-миш қадимги сомиё-аккад тилини қабул қилганлар. Тоғли Шарқ томондан шумерларга қариндош қабилаларнинг бости-риб киришига қарамай, янги эрамизгача икки минг йиллик-нинг бошларида шумер шаҳар-давлатлари анчагина сомиёла-шиб кетадилар, шумер тили эса фақатгина коҳинлар, ҳакамлар

ва ҳукмдорлар тушунадиган қадимги шарқнинг «ўрта аср лотин» тилига айланиб қолади. Сомийлар билан мутлақо чатишиб кетган шумерлар шундан кейин юзага келган Месопотамия ва Яқин Шарқ, даставвал Бобил маданиятининг барқ уриб, равнақ топишига сабабчи бўлишган. Уларнинг Фрот, Дажла соҳиллари ва Форс кўрфазида кечирган минг йиллик даврларининг натижасидир бу. Таниқли америкалик шумершунос олим С. Крамернинг таъкидлашича, «шумерлар асосан иудаизм, христианлик ва мусулмон эътиқоди орқали ҳозирги замон дунёсида ўчмас из қолдирган диний ғоялар ва спиритуалистик ақидаларни ишлаб чиққанлар».

Бу сирли шумерларнинг ўзлари аслида ким бўлган ва улар қаердан келганлар?

«Энмеркар ва Араттанинг бош қоҳини» достонида қайд этилишича, шумерларнинг Шарқдаги қавмдошлари хонакилаштирилган отлардан фойдаланганлар. Қадим-қадим замонларда йилқичилик тор доирадаги қабилаларгагина хос бўлиб, суворийлик сирларини асрлар оша қаттиқ пинҳон тутганлар. Америкадаги конкистадорларга қадароқ барча ҳинд-европа қабилалари ҳали от кашф этилмаган тарихга от устида кириб келганлар.

Отни хонакилаштириш янги эрамизгача беш минг йилликнинг охири ва тўрт минг йилликнинг бошларида Украина чўлларида расм бўлгани фан томонидан тасдиқланган. Афтидан, хонакилаштирилган отлар у ердан чўл аҳолиси билан биргаликда Дунай сари Бавариягача (Поллинг шаҳарчаси, янги эрамизгача 3670 йил) ёйилиб келган, кейинчалик Марказий Эронда (эрамизгача 3000 йилдан сал олдинроқ) ва ниҳоят, Месопотамияда пайдо бўлган. Суворий қабилаларнинг истилочилик йўллари кундай равшан — Евроосиё чўлларидан Евроосиё четигаги ойкумен ерларигача ёйилиб кетган.

Худди шу йўллар бўйлаб ва худди ўша хронологик саналар бўйича қуроля-яроғлар ҳам тарқалган. Дарвоқе, аравага қўшилган ёки эгарлоқли от ўша замонлар учун худди ҳозирги қирувчи самолётлардек хатарли қурол ўрнини ўтаган. Отлар масофани кескин тарзда қисқартириб юборган, лозим бўлган тақдирда Россия ерларидан Тинч океани, Атлантика ва Ҳинд океанларигача бир ёки икки йилда етиб бориш мумкин бўлиб қолган эди.

Лингвистик жумбоқларни ҳал этиш анча мураккабдир. Сомий тилларига кучли таъсир ўтказган шумерлар тилини биз яхши биламиз, аммо мазкур тилнинг на ибтидоний аҳволи ва на унинг бошқа тиллар билан қариндошлиги ҳақида тасаввурга эга эмасмиз.

Шумерларнинг дини, ёзуви ҳақида нима дейиш мумкин? Оламнинг пайдо бўлиши тўғрисидаги диний таълимотлар

(ёлғиз иудей таълимотигина эмас) даставвал Шумерда тузилган ва у ердан бошқа жойларга ёйилган (афсонавий Иброҳим Шумер Уридан Фаластинга янги эрамизгача икки минг йилликнинг бошида қочган). Жумладан, гўёки, ҳатто фалакдаги Уран сайёрасидан Зуҳалгача ва ундан Зевс-Муштарийгача ҳукм сурган «ҳокимият пойгаси» тўғрисидаги қадимги юнон афсонаси ҳам худди шундай энг қадимги шумер ривоятларидан олинган деган фикрлар баён этилган. Бироқ яқинда москвалик ёш олим Н. Лисовойнинг мақоласида «Риг-Веда» ва қадимги кельт афсонаси тадқиқотига асосланиб, юқоридаги воқеа мутлақо умумевропа, умумҳиндевропа хусусиятига эга эканлиги узил-кесил исбот этилади. Демак, бобоқолон Шумерлар бобоқолон евроосиёликлар билан гарчи қариндош-уруғ тутинмаган бўлсалар-да, бироқ улар узлуксиз алоқа қилиб турган бўлишлари мумкин.

Бош қоҳин ёки йўлбошчи билан эркин фуқаролар ўртасидаги ўзаро норасмий муносабатлар, шумер ҳокимларининг оқсоқоллар ва ҳарбий шериклари билан олиб борган йиғин-кенгашлари ҳиндевропа қабилаларининг ижтимоий қонун-қоидаларида, «Риг-Веда» давридан тортиб шимолий рус шаҳар-давлатлари замониғача, яъни Стенька Разин ва Запорожье Сечи эркин ватағасида ҳам ўз аксини топган.

Шахсий эрк, номус-ор, қадр-қимматга эга бўлиш сингари ёзувга эга бўлиш ҳам фақат шумерларнинггина кашфиёти эмас. 1963 йилда румин археолоғи Н. Власса Дунай яқинидаги Тэртерия қўрғонини қазиш чоғида илк шумер хатини аниқ эслатувчи белгили сополларни топди. Радиоуглерод таҳлил бу сополларнинг санасини аниқлаш имконини берди — тахминан эрамизгача 4000 йил экан. Бошқача қилиб айтганда, сополларнинг ёши ўзларининг шумер эгизакларидан бир неча аср катта экан. «Тэртерия жумбоғи» берган яғона далил шундан иборатки, мазкур ёзув минг йиллар давомида Евроосиё чўлларида диний-хурофий рамзийликнинг ва сирли хатларнинг яғона системаси тарзида кенг тарқалган бўлиб, кейинчалик шу ёзув ва тил эгаларининг ўзи билан Хуанхэ, Ҳинд, Мовароуннаҳр ва Нилга қадар кириб келган.


Ҳа, ҳатто Нилга қадар кириб келган! Ҳинд олими Айясвадий Калианарамаан ҳисоблашчи, хараппа шумер ва Қадимги Миср — учала маданий тараққиёт ҳам илк ҳиндевропа ҳарбийлари томонидан тақрибан бир вақтнинг ўзида бунёд этилган. Улар маровчи ва муровчи ҳайвонлардан кўра «гапирувчи ҳайвонлар»ни «боқиш» ва ишлатишни афзал билганлар.

Дарҳақиқат, баъзи маданий ашёлар (қурол-яроғ, тақинчоқлар, муҳрлар, нақшлар, воқеа тасвирлари ва ҳоказолар) ҳамда энг қадимги учала маданий тараққиётнинг маънавий ҳаётидан қолган асарлар аксари ҳайратангиз бир-бирига жуда ўхшаб

кетадики, бундан ўша маданиятлар ё бири-биридан келиб чиққан ёки бири-бирига бевосита боғлиқ деган хулосага келиш мумкин.

Қадимги шумер қаҳрамони Гилгамеш жуда кўп мамлакатларда бўлган. Унинг сиймоси тасвирлари Мисрда ҳам, Ҳиндистонда ҳам учрайди...

Гилгамеш — бу Шумернинг рамзий ифодасидир. Уч минг йил мобайнида Месопотамия шоҳлари ва афсунгарлари ундан ибрат олдилар, ҳиндевропа Хётлари ва сомиёлашган ассирияликлар унга сажда қилдилар. Қадимги Шарқ қаҳрамонлари ва ҳакамлари Гилгамешга тақлид қилдилар. Беш минг йил беридан туриб биз шу нарсага ишонч билан амин бўламизки, шумерлар бизни бутун инсониятнинг сирли оламига чуқурроқ, шу жумладан, олис ҳиндевропалик аждоди-бобоқолонларимизнинг сирли дунёсига ҳам олиб кирадилар.



В. РУБЦОВ,  
*инженер*

---

## АСТРАВИДЬЯ: АФСОНАМИ ЕКИ ҲАҚИҚАТМИ?

Халқ хотирасида, кўҳна ёзмаларда, гоҳо минг-минглаб йиллар оша шундай маълумотлар сақланиб келадики, улар баъзан ҳатто «фантастиклиги» учунгина эмас, балки тарихий тасаввуримизга сиғмаслиги боисидан ҳам бир қарашда уйдирмадек туюлади.

Афсонафий Троя ва Микен қазилмалари кашф этилмагунча олимлар Периклдан минг йил муқаддам Греция тупроғида бирон-бир ривожланган цивилизация бўлганлигини қатъий рад қилардилар. Генрих Шлиман Гомернинг мутлақ ҳақлиги ва тарихчилар ҳато қилганларини ишонарли исботлагач, мазкур кашфиётлар таъсирида эраминзгача бўлган XV-XII асрлар Грецияси ҳақидаги умумий тасаввурлар ҳам ўзгариб кетди.

Фольклордаги воқеалар, образлар, фактларни шунчаки ҳаётдаги бирор нарсага қиёслаб бўлмагани учун ҳам улар кўпинча диққат-этибордан четда қоларди. Авиация даври бошлангач, учувчи аппаратларга ҳам шундайин «афсонавий» тус бериш барҳам еди. Юқорида зикр этилгандек, тасаввурга сиғмаслик оқибатида «арши аъло», «осмони фалак» қуроли ҳақидаги ҳаёлотлар ҳам нақ асримиз ўрталаригача «фойдаланилмай» қолиб келаверди. Чамаси, ядро синовларини кўриб,

ҳайратга тушгач, «Махабхарата»<sup>1</sup> даги «мингта қуёшдан ўткир нур» тасвирланган сатрларни овоз чиқариб ўқиган профессор Оппенгеймер илк бор ўша афсонавий қуролларни атом бомбаси билан қиёслаган бўлса керак.

Баъзи археологик топилмалар олис аждодларимиз қилич ва ўқ-ёйдан бошқа қуроллар билан ҳам жанг қилганларидан далолат беради.

Хэтт давлатининг маркази Хаттусас ёнгиндан ҳам кучлироқ нимадандир эриб кетганини нима деб изоҳлаш мумкин? Ирландиядаги Дундалк ва Экосс қалъаларининг гранит деворларидаги аллақандай ғалати қотишма тўғрисида нима дейиш мумкин?

1867 йилдаёқ Яқин Шарқ бўйлаб саёҳат қилган Марк Твен Бобил минораси харобасини шундай тасвирлаган эди:

«... Аввал саккиз қаватли минора бўлиб, икки қавати ҳозиргача мавжуд, бу улкан ғиштин иншоотнинг ўртаси зилзилалардан чўккан ва ғазоби кўзиган тангрининг чақмоғидан куйиб, ярни эриб кетган».

Бобил минораси деб одатда пойдеворининг периметри 300 метр, баландлиги 90 метр етти қаватли баҳайбат Бобил зиккуратини аташади. Зиккурат қолдиқлари биринчи жаҳон уруши арафасидагина қазиб топилган эди. Бу ерда Марк Твен Бобил яқинидаги Борсипп ибодатхонаси минорасининг харобаларини кўзда тутаётган бўлса керак. Чунки бу харобалар (баландлиги 46 метр)нинг фақатгина ташқариси эмас, балки ички томонлари ҳам куйиб-эриб кетган. Бу хусусда тадқиқотчи Э. Церин шундай дейди: «Юзлаб пишиқ ғиштларни ёндириб, эритган, миноранинг буткул пойдеворини худди ойнадек эритгач, уни бениҳоя қаттиқ қотишмага айлантириб юборган бундай кучли, ғалати ҳарорат қандайин ҳарорат бўлганини изоҳлаб бериш қийин».

Бу ҳодисани «электр кучи» («улкан чақмоқ») билан боғлашга уринишлар асосли эмас, жумбоқ жумбоқлигича қолмоқда. Балки жаҳон халқлари оғзаки ижодиётида кўплаб тилга олинувчи «гаройиб», «фазовий», «ҳадсиз қудратли» қуролга аҳамият бериш керак эмасмикин? Қадимги ҳинд адабиётида шу тақлиддаги анча мароқли ва системалашган маълумотлар топиш мумкин. Чунончи, «Махабхарата»да «браҳмаширас» деган қуролнинг ишлатилиши қуйидагича тасвирланади:

---

<sup>1</sup>«Махабхарата» («Бхаратларнинг улкан жангги ҳақидаги афсона») — ҳинд халқининг қадимги буюк қаҳрамонлик жангномаси ёдгорлиги «Махабхарата» 18 китобдан иборат бўлиб, ҳажми «Илиада» билан «Одиссея» қўшилганидан ҳам саккиз баробар каттадир. «Махабхарата»нинг муаллифи афсонавий донишманд «Вьяс» деб ҳисобланади.

...Ана шунда Рама енгилмас куча эга бўлган  
Улим элтувчи даҳшатли ўқни отди...  
Раманинг тез ва узоққа отган ўқи  
Қудратли рақшасани буюк олов гирдибодига солди...  
Бутун от-улови билан олов ичида қолиб кетди...  
Ва бешта бўлак жинсга айланиб кетди.  
Суюк, гўшт, қон қаерда? Ҳатто кули ҳам қолмади.  
Ҳаммасини ўша ўқ ёндирди...<sup>1</sup>

Бу тасвирда «атом» қиёслашсиз ҳам сезилиб турибди. Напальм таъсири билан таниш (ҳайҳот, кўрсатмасин!) одамлар учун мазкур тасвир сираям фантастик бўлиб туюлмайти. Лекин Кўҳна Ҳиндистонда напальм нима қилиб юрибди?

### *Астрavidьяни қўлга киритиш мумкинми?*

«Махабхарата» қахрамонлари «илоҳий қурол»ни қўлга киритиш учун бениҳоя кўп ҳаракат қиладилар. Бу энг аввало Аржунага тегишликим, у маъбудларни ҳузурига келиб, само қурол-яроқларидан таклиф этишларига мажбур қилганди.

Маъбудлардан биринчи бўлиб Шива пайдо бўлди-да, Аржуна билан яккама-якка олиша бошлади. Маъбудлар билан жанг қилмоқ бениҳоя оғир синов, аммо бу жангда Аржуна ютиб чиқди. Хурсанд бўлган Шива унга «боқийликдан бўлак» ҳамма нарсани таклиф этди. Аржуна кейинроқ, акалари билан учрашганида ўз ҳолатини қуйидагича тасвирлаб берди:

Мен хаёлан ружу этиб улуг Шивага,  
Шундай истак билан ёниб муножот этдим:  
«Марҳаматинг аямагил, эй, қодир қудрат,  
Сазовор эт мени шундай бир армуғонга:  
Тангриларнинг продаси қўлида бўлган  
Қуролларга мен ҳам эга бўлмоқ истайман.

Шива илтимосни бажо келтиради, бироқ «илоҳий қурол»ни қўллашда эҳтиёткорлик билан иш юритиш лозимлигини огоҳлантиради:

Бас, ҳеч қачон ҳеч бир одам бу қурол билан  
Урушмоқни хаёлига ола кўрмасин.  
Беқарор ҳукм эгасининг қўлига тушса,  
Иўқ этмоғи мумкин жумла фоний дунёни.  
Бу қуролни фақат бошқа қурол зарбидан  
Сақланмоқлик учунгина ишлатиш мумкин.  
Ундаги зўр, мўъжизакор қудрат шундаки,  
Ўз кучига ҳеч бир тўсиқ чегара бўлмас,  
Лекин бошқа қуролларнинг зарбин даф этар.

<sup>1</sup> Омон Матжон таржимаси.

Шундан кейин осмону фалакдан бошқа маъбудлар (Варуна, Агни ва бошқалар) ҳам тушиб келишиб Аржунага даҳшатли совгаларни топширишади. Ниҳоят, осмон элчиси Индра «ажойиб само извоши» да пайдо бўлиб, Аржунани осмоннинг «учинчи қавати»га биргаликда саёҳат қилишга таклиф этади.

Аржуна осмонда беш йил қолиб кетди. Бу вақт ичида у астравидья, яъни илоҳий қуролнинг ҳар хил турларини ўргатувчи фанни кунт билан эгаллади.

Шу ўринда баъзи тушунтиришлар бериб ўтишга тўғри келади. Едда бўлса, ҳинд фольклоридаги астравидья системагина эмас, балки ўша системанинг аке садолари, унинг афсонавий вариантидир. Бир хил қуроллар борки, уларнинг кўриниши бир-бирига ўхшаса-да, номи бошқа ёки аксинча, номи бир хил бўлса ҳам, лекин кўриниши турли хил.

Қуролларни шартли равишда икки гуруҳга ажратиш мумкин — «табийий» ва «нотабийий» қуроллар. Биринчи гуруҳдаги қуролнинг ҳаракат принципи унинг эгаси бўлмиш тангрининг «таъсир доираси»га мосдир. Шамоллар маъбуди Ваюнинг ваявьяси, «шамоллар ҳукмдори» Варунанинг варуни, момақалди роқ маъбуди Индранинг ваяв — «момақалди роқли ўқи» ҳам шундайдир.

Бу ўринда инсон томонидан мифологик идрок орқали илоҳийлаштирилган табиат кучлари ўзаро мухорабага киришади (ваявья — шамол, варуна — ёмғир, ваяв — чақмоқ).

Иккинчи — «нотабийий» — гуруҳда бундай муайян мослик йўқ. Масалан, Брахма — заиф гавдалантирилган яратувчи маъбуддир. У дабурустан «брахмаширас» деб аталган. Брахмаширас сўма-сўз Брахманинг калласи дегани. Юкорида зикр этилган тасвирга кўра, брахмаширас олов-ўқ, иккинчи бир тушунтириш бўйича океан тубидан олиниб, Шива дунёни қутқариш учун ичган кучли заҳар, учинчи таъкидга биноан эса кўкат танасидаги алангадир. Шунингдек, Брахма «брахмаданда» деб аталувчи (данда — найза, гурзи) қуролга эгаким, мазкур қурол ҳатто Индранинг ўқидан ҳам қудратли, умуман қудрати чексиздир. Индра ўқи бир мартагина куйдириб ёндирса, брахмаданда мамлакат ва халқларнинг бир неча авлодини маҳв эта олади. Инглиз тадқиқотчиси У. Р. Дрейк фикрига кўра, бир неча ўн йиллар муқаддам ҳам бундай ҳодисалар бадийий бўрттириш деб ҳисобланарди, эндиликда эса фан радиацион мутация борлигини аниқлаган. «Махабхарата»нинг ўнинчи китобида «осмон қуроли»нинг ишлатилиши авлодлар ирсиятига таъсир кўрсатиши аниқ-равшан айтилган. Тун қоронғисидан фойдаланиб, Аржунанинг деярли барча аскарлари ва ака-укаларини қириб ташлаган хунрез Ашваттхаман интиқомдан қўрқиб, «брахмаширас»ни қўллайди. Аржуна ҳам шун-

дай қилса-да, лекин Ашваттахаманнинг қуролини йўқ қилиб юбормай, фақат уни «тўхтатади». Чунки «қаердакин «брах-маширас» қуроли бошқа олий қурол томонидан яксон этилса, ўша мамлакатда 12 йил ичи ёмғир ёғмайди». Фожиа рўй берган жойга дарҳол етиб келишган икки нафар фалак дониш-мандлари «брахмаширас» қуроли ишлатилиши тўхтатилиб, асли жойига қайтарилишини талаб қиладилар.

Рақиблар талабга бўйсундилар, аммо Аржунадан фарқли ўлароқ, Ашват тхаман мушкул аҳволга тушиб қолгани учун донишмандлардан бирига қарата шундай дейди:

Ҳаётни сақлаш учун, жонимни хавфга қўйиб,  
Ишга солиб юбордим, ана шу қуролни мен...  
Энди кучим етмайди ўқни қайтиб олишга!  
Аммо, шохим, мен ижро қилажакман сўзингни.

Бу дурдона, бу — менман, аммо хас яшовчандир!  
У ўлдирар аёллар қорнида ҳомиласин!  
Ахир кучли қуроллар асоратсиз бўлмайди.  
Ўқим қайтиб олишга қодир эмасман, шохим,  
Энди, шохим, қуролни суқарман ҳомилага  
Аммо сенинг ҳукмингни тўқис адо этарман...!

Бу ерда гап авлод ирсиятига таъсир тўғрисида кетаётганини тушуниш қийин эмас.

«Фалак қуроли»нинг бошқа хил турлари (В. Р. Дикшитар-нинг «Қадимги Ҳиндистондаги уруш» китобида улар рўйхати-нинг ўзигина бир неча саҳифани эгаллаган!) тўсқинлик қилган ҳар қандай нарсаларни ғойиб бўлишга мажбур этади, одамлар-ни бутунлай саросимага солиб қўяди, уларнинг психикасига бамисоли замонавий газли бомбалардек таъсир кўрсатади.

Турган гапки, бундайин ҳар бир даҳшатли қуролни замона-вий қуролга қиёслашдан маъни йўқ. Чамаси, «Махабхарата» нинг тўпловчиларига астравидья рамзи тушунарсиз бўлган, ҳозирги тадқиқотчи гоҳо теранроқ қараш, номаълум машина-нинг ҳаракат принципини пайқай олиш имконияти бўлгани учун бу борада анча устунликка эгадир. Аммо шуниси борки, *ўша машина қандайин машина бўлиши мумкинлигини* умуман тасаввур этиш қийин. Шиванинг қуроли, мислсиз қудратли ва бошқарувга эга пашупата ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Аржуна Ерга қайтиб тушгач, пашупата қандай ишлашини ака-укалари олдида намойиш этишга қарор қилади:

<sup>1</sup>Миразиз Аъзам таржимаси.





Мана энди бу ажиб қурол ишга тушганда  
Дарахлари силкиниб, қимирлаб кетди замин.  
Тўлқинларди дарёлар, ҳатто буюк денгизлар,  
Тоғлар ёрилиб кетди, шамоллар тўзди ҳар ён,  
Чироқлар заифланди, қорайди заррин қуёш...  
Бу ажойиб қуролни ишга солма, Аржуна,  
Мақсадсиз ишга солиш мумкин эмас ҳеч қачон,  
Зарурият бўлмаса нишонга урма ҳеч вақт...  
Башарти бу қуролни сунистеъмом қилсанг,  
Юз бериши мумкиндир буюк, оғир кулфатлар!

«Махабхарата»да олий қуролдан фойдаланишни чеклаб қўйиш йўллари борлиги қайта-қайта таъкидланади. Ўша Аржуна «брахмаширас» ни олар экан, унга қуйидагича кўрсатмалар ҳам берилади:

«...Бу ғайри одатдаги мутлақо даф этиб бўлмайдиган қурол... сен томондан ҳеч қачон одамларга қарши қўлланилиши керак эмас, чунки бу қуролнинг кам қуввати ҳам бутун дунёни ёндириб юбориши мумкин... Нобашар душман ҳужум қилсагина қўлла мазкур қуролни, о, қахрамон...».

### *ниватакавачалар билан жанг*

Агар астравидья этикаси инсонлар ўртасидаги жангда «оммавий қирғин воситаси»дан фойдаланишни таъқиқласа, бу таъқиқлаш асуралар<sup>1</sup> билан бўладиган урушга тааллуқли эмас. Бу худди ўша «нобашар душман» ким, унга қарши жангда ҳамма воситалардан фойдаланиш мумкин. Маъбуд Индра Аржунага таълим бериб бўлгач, шундай дейди:

Ун беш турли қуролга эгалик қилмоқдасан...  
Беш усудда ишлатсанг, сенинг тенгинг топилмас...  
Сен қилолмас иш энди йўқдир уч оламда ҳам  
Ниватакавача-данавлар — душманларим,  
Уларга етиш қийин, уммон ичра яшарлар,  
Уч миллион нафардирлар, бари бир хил, қудратли  
Ушаларни енгиб кел! Шогирдлик тўловинг — шу...

Маъбудлар билан асуралар адовати — бу улкан ва мураккаб мавзудир. Буни таҳлил этиш анча мушкул, лекин энг асосийси, яъни бир хил одамларни фақат яхшилар деб атаб, бошқаларни умуман ёмонларга чиқариш одати йўқ «махабхарата»да. Биз кўп учраётадиган «демон» (иблис) иборасини олайлик. Ҳаётда

<sup>1</sup> Асура — луғавий маъноси «нур сочувчи»: суралар ёки маъбудлар билан адоватдаги данавлар, дайтълар ва шунга ўхшаш мавжудотлар.  
www.ziyouz.com kutubxonasi

мазкур сўз шайтоннинг синонимидир, луғавий таржимаси эса «билимдон» деган маънони билдиради. Ҳинд фалсафасида умуман «ҳақиқатдан юксак дин йўқ» бўлгани каби Ҳиндистдаги мифологияси ҳам маъбудлар билан асурларни конкрет вазиятга қараб оқлайди ёки айблайди. «Браманизмда, — деб ёзган эди Б. Л. Смирнов, — яхшилик билан ёмонлик, масалан... христианликдаги каби зиддиятли қарама-қаршилиikka эга эмас. Сурлар билан асурлар ўзаро адоватдалар, лекин шу асосда инсонлар асурларни инкор этишмайди».

«Махабхарата»нинг қаҳрамонлари — ака-ука Пандавалар — маъбудлар: Индра, Дхарма, Вая ва Ашвинларнинг зурёдларидир ҳамда табиийки, улар шуларга суянган ҳолда ўз навбатида дайтьлар билан данавларга қарши турадилар. Ўз-ўзидан тушунарлики, Аржуна Индранинг таклифини бажонудил қабул қилиб, кўп ўтмаёқ Индранинг самовий аравасига чиқиб ўтиради. Араванинг шовқинидан безовталанган маъбудлар югуриб келиб: «Нималар қиляпсан у ерда?» деб сўраб-суриштира бошлайдилар. Аммо қониқарли жавоб олишгач, Аржунани жасорат сари йўллайдилар.

Ниватакавачамларни даф этиш кўп вақт олмайди. Маъбудлар учун енгилмас баҳайбат азозиллар тор-мор этилади. Лекин шу билан Аржунанинг самовий саргузаштлари тугамайди.

Қайтишимда бир буюк нарсага кўзим тушди:  
Ғаройиб катта шаҳар ўз-ўзидан қўзғалар,  
Оловгами, қуёшга ўхшаб ялтирар эди...  
Касалдан, ғамдан холи; кўрк-фазилатга тўла...

Аржунанинг жанговарлик ғайрати ва «илоҳий қурол»ни эгаллашдаги маҳорати ана шу шаҳарга ҳам етиб келди. Тушунарсиз нимаики бўлса тамоми йўқ қилиш — даҳшатли одат, лекин бу фақат афсонавий қаҳрамонлар учунгина характерлимикин?

Хоҳишга кўра учган бу заррин кундай шаҳар  
Дайтьлар совғасин тутиб, қаршилик кўрсатарди.  
Гоҳ кетиб ер остига, гоҳ сингиб кўк қаърига,  
Бирда қушдай учарди, бирда сувга чўмарди...  
Ахир темир ўқларим тешиб йиқитди уни  
Асурлар шаҳри вайрон бўлиб ерга кулади...

Ниҳоят, Аржуна тирик қолган душманларни ҳам узил-кесил маҳв этиш учун Шиванинг қуролини ишга солади. Шу билан жанг тугайди. Қаҳрамон асравидья соҳасидаги бор билимини моҳирона намойиш қилади.

Аржуна Ерга қайтгач ҳам кауравлар билан жанг қилди. Жангдан сўнг ҳар иккала томонда ўнтадан тирик жангчилар қолишганди. Мазкур мухораба чамаси тарихий воқеа бўлиб, ҳинд анъанаси уни тахминан эрадан олдинги XV минг йилликка алоқадор ҳисоблайди. Ушандан бери Ҳиндистон яхлит, марказлашган давлат бўлиб келган. Дарҳақиқат мамлакатни бирлаштириш йўлидаги курашларда астравидьядан фойдаланилганмикин? Ёинки қадим замонларга мансуб афсоналар («самовий қурол» ишлатилиши) билан яқин кунлардаги ҳақиқат («Мажабхарата» яратувчилари) ўртасида ўзига хос маълум боғланиш бормикин? Бу саволга ҳозирча жавоб топиш қийин. Негаки, Бобил минораларининг эриб кетган харобазорларига ўхшаш вайроналар шу пайтгача Ҳиндистондан топилмади. Ягона ишончли ғувоҳ — асрлар ҳукмига бўйсунмаган улуғвор «Мажабхарата» дир.

### *Мифни ким «қонунлаштиради»?*

Ҳурматли китобхонлар, энди ҳужумкор қаҳрамонларимиз билан хайрлашамиз. Биз уларнинг, шу жумладан, астравидьяларнинг ҳам сирларини топишимиз мушкул. Сабаби: «Мажабхарата» қаҳрамонлари биздан жуда ҳам олис замонларда яшашган. Бизнинг қўлимиздан фақат-фараз қилиш, тахминлаш келади холос.

Мана ўша тахминлардан тўрттаси:

1. «Бало-қазо қуроли» ҳақидаги афсоналар шоирона тўқима, қўрқинчли эртаклардир.
  2. Мазкур афсоналар қадимги қуролларнинг ноаниқ мавҳум турларига бориб («юнонлар оташи», порохли ракеталар ва бошқалар каби) тақалади. Уларни ишлаб чиқариш усуллари сирлигича қолиб кетган. Лекин улар қўлланилганидаги манзара боболаримизни, бизни Хиросима фожiasi қанчалик даҳшатга солган бўлса, уларни ҳам шунчалик даҳшатга солган.
  3. Қадимги Ҳиндистон тупроғида биз билган тарихдан ҳам аввалги замонда гуркираб яшнаган маданий ҳаёт кечган ва у қандайдир фалокат оқибатида йўқ бўлиб кетган бўлса эҳтимол. Ана шу замондан «Мажабхарата»нинг яратувчиларига астравидьялар ҳақидаги афсоналар етиб келган бўлиши мумкин.
  4. Эҳтимол, қачонлардир Ер билан бошқа оламлар ўртасида алоқалар мавжуд бўлиб, уларнинг техника намуналари Ерга ҳам келиб қолгандир.
- Хўш, бу фаразлардан қайси бири ҳақиқатга яқинроқ бўлиши мумкин? Айтиш мумкинки, ҳозирча дастлабки икки фикр

ишонарли бўлиб, улар исбот талаб қилмайди. Лекин қолган учинчи ва тўртинчи фаразни тасдиқлаш учун Генрих Шлиман Гомерни «қонунлаштирган»га ўхшаш жасорат зарур. «Махабхарата» борасида ҳам шундай бўлармикин? Оптимист бўлаверайлик. Шунга имонимиз комил бўлсинки, мазкур сатрларни мутолаа этганлардан бирор кимса вақти билан Ҳиндистонга археологик экспедиция уюштириб, астравидья мифми ёки ҳақиқат эканлигини аниқлаяжак.



**В. АВИНСКИЙ,**

*геология-минералогия фанлари кандидати*

---

## **БААЛЬБЕКНИ КИМ, ҚАЧОН ВА НИМА УЧУН ҚУРГАН?**

«Биз бу шаҳарнинг муҳимлиги ва қадим-қадимда бунёд этилганлигини тасдиқловчи етарли маълумотларга эгамиз. Ибтидоий мазкур иншоотнинг улкан блоклари ҳеч қандай архитектура услубига эга эмас ва у асрлар оша вайрон бўлмай сақлана олади... таълим беришларича, бу ерда Қуёш маъбудига тобинувчи баҳайбатлар ирқи яшаган».

*Бу парча М. Элауфнинг «Баальбек тарихи» (Байрут, 1944)да келтирилган ва ҳазрат Маргиннинг қаламига мансубдир.*

Биринчи ўринда деворларни ва айни Баальбек дахмаси субструкцияларининг ўзини қуриш санаси масаласи туради албатта... Ҳаммага маълумки, унинг маҳобатли деворлари ва айниқса улкан субструкцияларнинг ер ости йўлаклари кўплар томонидан Кўҳна Финикия даврларига олиб бориб боғланган. Баҳайбат тошлар орасида яна бошқа финикия харсанглари ҳам борким, Рим архитектори уларни тагин қайта ишлашга юрган.

*(Н. П. Кондаков. Сурия ва Фаластин бўйлаб археологик саёҳатлар. Санкт-Петербург, 1904).*

1961 йили физика-математика фанлари доктори, қадимий тиллар билимдони М. Агрестнинг асарлари эълон қилингандан сўнг Баальбекдаги улкан қадимий ҳарамлар комплексига умумий қизиқиш бошланди. М. М. Агрестнинг фикрига кўра тавротнинг қатор афсоналари, қадимгиларнинг астрономия со-

ҳасидаги беадад юксак билимлари, шунишдек, ўтмишнинг бигр қанча осори атиқалари Ерда маданияти юксак тараққий этган қандайдир ўзга сайёра вакиллари бўлганлигига алоқадор бўлиши мумкин. «Чунончи, Баальбекдаги пешайвон ўшандай осори атиқаларга... тааллуқли эмасмикин?», «Ушбу «циклопик» плиталар КИМ ТОМОНИДАН ҚАЧОН ва НИМА МАҚСАДДА кесилган?» Агрест томонидан берилган мазкур саволлар ўз вақтида катта шов-шув бўлди ва айни вақтда кўпларни ўйлантириб қўйди.

Ўшандан бери илмий-оммабоп адабиётда «сир» «жумбоқ», «Баальбек феномени» каби тушунчалар мустаҳкам ўрнашиб қолди.

Мазкур мақола муаллифининг бир неча йил муқаддам «Техника молодёжи» журналининг махсус мухбири сифатида Ливан сафари пайти ноёб осори атиқаларни кўрганидан кейинги ўзига хос ижодий ҳисоботидир.

### *Ағдарилган устунлар*

Баальбек зиёратгоҳи... Бу улкан осори атиқа беқиёс улғурвордир. Ушбу ибодатхонанинг архитектуроникасида бир жиҳат айниқса яққол ифодаланган, у ҳам бўлса маъбудларнинг инсонлар устидан ҳукмронлигини, тошдаги тасвирлар орқали ғайриинсоний куч-қудратни намоён этишидир. Ҳозир ўша усти очик циклопик музей билан танишиб чиқамиз.

Мана, дарвозахона — пропилейлар. Қачонлардир пропилейларнинг тўртбурчакли икки гумбази ўртасида кенг пешина зина бўлган. Бу зина асримиз бошида немис археология экспедицияси томонидан таъмир этилган.

Қўшгумбазли улкан меҳроб қолдиғига эга, қурбон этилажак юлаб буқалар сиғмиш Катта ҳовли ёки Дахмада устун бўлаклари, тарашланган тошлар қалашиб ётибди. Салгина нарироқда сўйилажак буқалар ювиладиган тўғри бурчакли ҳовузлар ўрни.

Дахма 4-5 қаватли уй баравар, сернақш, ярим доира-ярим доира токчалар билан безатиқли деворлар қуршовида. Дахманинг бошдан-оёғигачан тизилган 84 нафар устунлардан ҳозирда фақат бир нечтасигина бут қолган холос. Қурилиш ускуналарининг нафислиги гарчи орадан минг йиллаб вақт ўтиб, ранглар хиралашган, ўнгиган бўлса ҳам ҳануз иншоотни маҳобатли, шинам кўрсатиб турибди.

Катта ҳовлидан Юпитер ибодатхонаси томон улкан зина орқали кўтарилиш мумкин. Мазкур зинани архитектор А.Буров «глетчер ҳаракати каби тоабaddir», дея баҳолаган. Зинадан кўтарилиб (унинг эни 40 метрга яқин, бутун иншоат манзараси кўзга ташланувчи майдончага чиқилади. Эндиликда туристлар

оқими узилмовчи ушбу масканда минг йиллар муқаддам Рим империясининг фуқаролари маъбудларга тобинганлар.

Юпитер ибодатхонасининг ғарб томонидаги пойдеворда учта ўзгача йирик кошнлар кўзга ташланади. Энг юқоридагилари 8 метр баландликдадир. Ушбу машҳур трилитонлар ривоятларга кўра мазкур жойда азал-азалдан бор экан. Катталиги 19, 1×4, 3×3, 6 метр, қажми 300 куб метрли ва оғирлиги 750 тоннага яқин маҳобатли тошни тасаввур этилса трилитон нималигини билиш мумкин.

Водий узра тоғ тизмалари билан рақобатлашувчи, сайёра-миздаги энг улкан 6 нафар йўзма устунлар қад кўтариб турибди. Бу устунлар мўъжиза билангина зилзилалардан омон қолган. Ибодатхона бунёдкорларининг улкан мақсадлари, гранит устунларнинг тамоми қудратию ажойиботини теран ҳис этмоқ учун мазкур устунларни ўз кўзингиз билан кўриб, ёнма-ён турганингиз маъқул.

Бу устунлар силсиласини яратганларнинг кўлами, истеъдоди ҳайратангиз, ақл бовар қилмайдиган даражададир. Устунлар қаердадир Асуандами улкан дастгоҳларда тарашлангач, денгиз орқали солларда Ливан соҳилларига элтилган. Сўнгра соҳилдан сўқимлар қўшнқли аравада 35 километрли тоғ йўли билан қурилиш жойига олиб борилган. Агар устунлар уч бўлакдан иборатлиги, ҳар бир бўлак диаметри 2,05 метр, узунлиги 6-7 метрданлиги ҳисобга олинса, умумий оғирлик 45 тонналарни ташкил қилади! Шундай оғир юкни кўтаришга қодир араваларни кўз олдингизга келтириб кўринг! Ҳозирги замон техникасидан ҳам қолишмайдиган улов зарур бўлади-ку ахир.

Уч нафар сайқалланган цилиндрлар олди-кечи беқусур текис тарзда устма-уст қўйилган. Устунлар баҳайбат антиблемент билан мустаҳкамланиб, кўндалангига қўйилган бақувват устунларни пана қилмиш тўсинларда қарийб икки метрли фриз бор. Ниҳоят энг юқорида ўймакорли зил-замбил карниз кўзга ташланади. Хўш, бундайин кўп тоннали оғир юкни йигирма беш метрли баландликка қайси куч ёрдами билан кўтарилган?

Ушандан бери неча-неча асрлар силсиласи ўтиб кетди. Ибодатхона биноси харобага айланиб, у ер-бу ерда устунларнинг бўлаклари ағанаб ётганини кўриш мумкин. Улар ҳажм жиҳатидан ёнверларидagi трилитонлар билан рақобалашаётганга ўхшайди. Устунларнинг таналаридаги темир ўқлар кийдирилувчи ва қўрошин қуйиладиган (устунлар шу йўл билан қулай тикланилган бўлса керак) чуқурчалар кўзга ташланади.

### *Қадимги сангтарошлар жумбоғи*

Афсонавий Баальбек равонига қадам босилар экан, беихтиёр тўлқинланиб кетиш мумкин. Футбол майдони баравар

(аниқроғи,  $49 \times 89$  метр) саҳннинг асосий қисмини икки-уч куб-метрли оддий лаптаклар ётқизиқли ибодатхона харобалари эгаллаган. Шимолий ва жанубий фасад томонидаги қуёшда ярқировчи, кенглиги 7 метр долонни Баальбек айвони ёки равони деб аташади. У уч қатор тўққизта йирик блоклардан ташкил топган. Мазкур блокларнинг ҳар бирига (уларнинг ҳажми тахминан  $9 \times 3 \times 4$  метрдан) бемалол икки юк машинаси сиғиши мумкин. Блокларнинг қирралари ва туташган жойлари уқаланиб кетмаслиги учун қоплама олиб ташланган. Наполеоннинг сафдоши маршал Мармон 1840 йили Баальбекда бўлиб, йўнилган блоклар ҳеч қандай уланмай бир-бирига шу даража яхши зичланганки, ҳатто уларнинг орасидан пичоқ дами ҳам ўтмайди, деб ёзганди. Дарҳақиқат, блоклар бениҳоя аниқ тарзда ўзаро яқинлаштирилган. Улар орасидан пичоқ дами у ёқда турсин, ҳатто «Спутник» устараси (қалинлиги 0,01 мм) ҳам ўтмайди. Тўғрироғи, блоклар оралиғида очиқликнинг ўзи йўқ. Тошлар бир-бирига зич ёпишгандай гўё. Ҳатто сув томчиси ҳам туташ жойга йўналмай тарновдан пастга қараб оқади. Блокдаги туташув сатҳининг қуйи қисмию ўткир қирраларнинг узунаси қўшиб ҳисобланганда жами 12,27 ва 36 квадрат метрни ташкил этади. Ташқи қатордаги ҳар бир блок бўғинларининг жами майдони 87 квадрат метрга, ичкарида эса 123 квадрат метрга тенг, албатта, бунда бурчаклар билан томонларнинг параллеллиги ниҳоятда аниқ. Трилитонларда эса бундай сатҳлар анча кенгроқ.

Блоклар ўзаро 0,01 мм оралиқда ўрнаштирилган. Шу ўринда бирон-бир сир йўқмикин?

Мармарлашган оҳактош нисбатан қаттиқ бўлмай, агар устига узокроқ муддат озгина юк ортилса ҳам у парчаланиб кетиши мумкин. Бундай блоклар намгарчилик ва ўз оғирлиги таъсирида суюқлашиб, маҳкам жипслашади-да, бир-бирига қотишиб кетади. Лекин буни қарангки, ҳозирги сангтарошлар ўшандай блокларнинг 2-3 квадрат метрдан зиёд бўлмаган сатҳинигина қўл билан кўзгу даражасида сайқаллашлари мумкин. Бунда ғадир-будирлик 0,1 ммдан 1 ммгача бўлади. Кенг саҳнга қўл билан бу қадар мукамал сайқал бериш ниҳоятда мушкул. Аммо Баальбек сангтарошлари махсус асбоблар, абразив кукунларсиз ҳам бунинг урдасидан чиқишган. Хўш, қандай қилиб? Буниси номаълум. Яна бир бошқа жиҳат ҳам кишини ўйлантириб қўяди.

Ҳозирги замон тош кесувчи машиналар кўпи билан 2-3 кубометрли блокларни кеса оладилар, шунда ҳам улар 6-12 миллиметр ҳажмида хатога йўл қўйишлари мумкин. Фақат андозаловчи дастгоҳлар ёрдамидагина бу хато бир неча миллиметр даражасига туширилади. Бундан ташқари, ишлаб чиқаришнинг аниқ методларига эга бўлиш керак, блок сиртига зиён



етказмайдиган, унинг бирор бурчагини учирмай пухталики билан монтаж қилиш учун қудратли, аммо осон бошқариладиган техника талаб этилади. «Ҳозирги замон ва қадимги замон» имкониятларини таққослар экансан, беихтиёр боши берк кўчага кириб қоласан. Ақл бовар этмайдиган иш қилинган. Хўш, бу ишларни ким қилган? Қандай технология асосида?

Баальбек тош блокларининг яна бир сири — улар занжирсимон қилиб ўйилган тўртбурчак уялардир. Уларнинг чуқурлиги 20-40 сантиметр. Бу уялар платформанинг деярли бутун периметрида бор. Кўплаб бундай туйнуклар кичик блокларда ҳам mavjud. Баъзан 1,2-2 метрли биргина блокнинг ўзига 5 тадан 8 тагача шундай туйнук тўғри келади. Бундай туйнуклар устунларнинг пойдеворларида ҳам топилади. Улар қандай вазифани бажаради? Балки, уларга металл қисқичлар ўрнатишгандир? Шундай экан, бундай туйнуклар нима учун ҳамма блокларда қилинмаган? Кўчиришда анча қийинчилик туғдирадиган трилитонларда бундай уялар йўқ. Уялар безак мақсадларида қилинганлиги эҳтимолдан холи эмас. Турли диний маросимлар вақтида бу уяларга машъалалар ёки тахта хоҳлар қўйишарди. Бундан ташқари, бу чуқурлар жасадлар хоки ёки турли оилавий ёдгорликларини кўмиш учун ҳам хизмат қилган.

Айвон блокларининг тик четида уларни ишлаш давридан қолган ва турли томонларга қараб кетган концентрик излар кўзга ташланади. Бундай узун ва тўғри излар қандай асбоб ёрдами билан туширилган экан? Байрутдаги Америка университетининг профессори Аюп Калаян қадимги тош йўнувчи техникани синчиклаб ўрганиб чиққач, бундай изларни тошда фақат «шагоута», яъни болтага ўхшаш, аррасимон тишли асбоб билан бажарилган, деган тахминни айтади. «Шагоута» қадимги даврларда Ўрта Ер денгизи мамлакатларида, Закавказьеда кенг ишлатилган. Ливанда эса бу асбобдан ҳозир ҳам фойдаланишяпти. «Шагоута»нинг кесувчи қисми 15 сантиметрга етади. Бу асбоб тишларининг катта-кичиклигига қараб тошда бир неча сантиметр кенгликда, тартибсиз ҳолдаги тарқоқ ва қисқа чуқурчалар қолдиради. Баальбек ибодатхонаси блоклари сиртида 12-15 сантиметр ва узунлиги 150-200 сантиметр келадиган концентрик излар кўришиб турибди. Бу изларнинг радиуси 4 метргача етади! Шубҳасиз, излар балким қуллар томонидан ҳаракатга келтирилувчи, махсус шилувчи машина орқали ишланган. Ҳатто бундай тахминлар ҳам Баальбек харобалари сирини ўрганаётган археологлар Пьер Белон, Вуд ва Даукинсдан тортиб то ҳозирги замон олимларини қизиқтириб келаётган саволларга етарли жавоб бера олмайди. Дарҳақиқат, қандай воситалар орқали тошларни кесиш, юклаш, уларни ташиб кел-

тириш, улкан блокларни созлаш ва монтаж қилиш амалга оширилган?

Узун ва қоронги туннель орқали чиқиб, Баальбекдан узоқлашар эканман, асосан қадимги халқлар учун характерли бўлган улкан иншоотлар барпо этишга қизиқишларининг асл сабаблари тўғрисида беихтиёр ўйлаб кетдим. Тош асрнинг сўнгги давларида оддий техника билан катта тош блоклардан ибодатхоналар қуришни афзал кўрганлар. Кавказдаги чорқирра мақбаралар, Стоунхентдаги ибодатхона, Мальтадаги «гипогним» ана шулар жумласидандир. Техника жиҳатидан мукамал бўлган греклар, кейинчалик римликлар ҳаммабоп ҳажмдаги қурилиш конструкциялари билан иш кўрганлар. Баальбекнинг улкан блоклари Рим бинокорлик техникасига оид эмас эди. Улар, аниқроғи мегалитик иншоотлар ва қадимги Миср архитектурасининг оғир юкли формаларига мансуб эди.

Машҳур архитектор И. Соболев Баальбекнинг ҳадсиз маҳобати таъсирида 1936 йили: «Ҳақиқий аҳвол улкан архитектура мухлисларининг ўта афсонавий лойиҳаларидан ҳам бир неча бор ортиқдир», — деб ёзган эди.

### *40000 одам битта тошга қарши*

Баальбек шаҳарчасидан Байрутга олиб борувчи шосседан борсангиз, йўл четида, қалъадан беш юз метрча жанубда йўнилган, дунёда ягона, каттакон тошни кўрасиз. У гўё тош конининг ўйдим-чуқур қафтида турган улкан кристаллга ўхшайди. Унинг қадимий номи «Хайяр ал-Қибла» — «Жануб тачи» бўлиб кейинчалик уни араблар «Хайяр ал-Ҳубла» яъни она бағридан тортиб олинган тош деб аташган. Бу гигант тошни нима мақсадда кесишган? Трилитонлар билан ёнма-ён қилиб ибодатхона пойдеворларига қўйиш учунми? Лекин пойдевор таҳида «Жануб тоши» учун атаб қўйилган жой йўққа ўхшайди. Афтидан бу монолит қандайдир бир ҳайкал учун тайёрланган бўлса керак. Бу улкан жисмнинг кўринишининг ўзи кишини ҳайратга солади. Катталиги бўйича  $(21,5 \times 4,8 \times 4,2)$  метрли трилитонлардан ҳам ўтиб тушади. Унинг ҳажми 433 кубометр, оғирлиги 1000 тонна келади! Ҳисобларга кўра, бу тошни ўрнидан силжитиш учун 40 минг одам кучи керак бўлар экан. Лекин тоғ жинслари вайроналари ва тош кони шароитида бунча одамни қаерга сиғдириб бўлади? Бу аҳволда олти ёқли ясси тошни қимирлатиб ва уни ўрнидан силжитгунча одамлар заҳқизлар бир-бирларини босиб, янчиб тайлайдилар.

Бу — тош паҳлавонни тайёрлаш технологияси нимадан иборат бўлган? Ҳа, бу масалада анча бош қотиришга тўғри келади. Габнийки, қадимда бундай тошларни қўлда йўниларди. Бунинг

учун бўлажак блокнинг периметри бўйлаб йўлак очиларди ва поналар ёрдамида асосий яхлитдан тошлар ажратиларди. Бундай ишга, албатта, кўп вақт кетарди. Бошқача усули ҳам қўлланилган: блокнинг тархи белгиланиб, катаклар ўйилган ва бу катакларга ёғоч поналар суқилиб, уларга сув сепаб турилган. Поналар сув ёрдамида шишгач, қоялар қўпориб ташланган. Усул содда эди, лекин бу усул фақат кичик блокларни ажратиш учунгина ишлатилган. Уч юз кубметрли яхлит тошни бу усул билан ажратиш олиш мушкул масала эди.

Қадимда оҳақтош қазиб олинган катта карьер Баальбекдан анча юқорида, Шайх Абдулла тепалигининг устки қисмида жойлашган эди. «Жануб тоши» чуқурликда ўрнатилган бўлиб, уфққа қараб 30 градус оғган, шунинг учун ҳам унинг остки қисми ерга кириб кетган. Айтишларича, Рим бинокорлари бу улкан тошни силжитмоқчи бўлишгану лекин нима сабабдандир иш охирига етказилмаган. Аммо Баальбек тўғрисида машҳур китоб ёзган Дж. Эйвад блок қоядан ажратилмаган, шунинг учун уни умуман ўрнидан силжита олишмаган, деган тахминни айтади. Тошни пастликка тушириб, ўз ҳолига келтиргач, қалъа томон олиб кетиш керак эди.

Минг тоннали бу гигант тош конига ташлаб юборилган яхлит тошларни қурилиш майдонларига ташиб келтириш сирларини тушуниш имконини беради. Аниқроғи, карьерда кесилган ва тарашланган блокларни йўғон гўлалар ёрдами билан ёки гилдиратиб қияликдан тах уриш жойига тушириларди.

### *Нимроддан Искандар Зулқарнайнгача*

Рим ибодатхоналари барпо этилгунча Баальбек майдонида нималар бўлган эди? Жавоб топиш учун Катта Совет Энциклопедиясига мурожаат этамиз. Шундай қилиб: «Баал(Ваал) Финикияда эҳтиром этиладиган қадимги зиёратгоҳдир. Баальбек (қадимги Гелиополь)... император Август даврида Римнинг мустамлакасига айланган... Эрамизнинг I-III асрларида бу ерда бир қанча рим ибодатхоналари қурилган... Рим даврининг улугвор ибодатхоналари ансамбли... «Юпитер, Вакх ва Венера шарафига қурилган». Катта, Кичик ва Юмалоқ ибодатхоналар. Шуниси таажжублики, тасвирларда Баальбек айвонининг улкан трилитонлари ва Юпитер ибодатхонаси акс эттирилмаган. 1948 йилда нашр этилган «Архитектуранинг умумий тарихи»да (ВИА) Катта ибодатхонани Нерон (эрамизнинг 37-68 йиллари) қурдирган деб кўрсатилган. Бу китобнинг энг янги нашрида (1973) эса машҳур блоклар тўғрисида ҳеч қандай маълумот йўқ. Ғойиб бўлдими? Улар нега ғойиб бўлиши керак? Чунки ҳозирги пайтда Юпитер ибодатхонаси пойдево-

рининг ёши тўғрисида гапиришни бемаънилик деб ҳисоблашмоқда. Усиз ҳам ҳаммаси равшан: бутун Баальбек комплекси, унинг охириги тошигача Римга тааллуқли бўлиб, унинг тарихи қайта-қайта ҳисобланиб кўрсатиб берилган. Рим империясининг ҳарбий ва сиёсий қудрати унинг бой мустамлакалари билан кўп мингли қуллар армияси, фан ва инженерлик санъатининг гуллаб-яшнаши фақат I-III асрлардагина дунёдаги энг йирик ибодатхоналар комплексини барпо этиш имконияти мумкин бўлганлигининг анъанавий исботидир.

Баальбек архитектурасининг бутун тарихи римликлар томонидан Урта Шарқнинг забт этилиши ва Баальбекка Гелиполис номи берилгандан сўнг бошланади. Кейинчалик рўй берган воқеалар ҳаммага аён: Рим империяси қулади, византияликлар эса Рим қуллари томонидан аъло даражада ишланиб, мослаштирилган тошлардан ўзларининг базиликаларини қуришди. Улардан кейин араблар, салб юриши қатнашчилари, турклар ва Темур лашкарлари истехком деворлари, қасрлар, масжидлар қурилиши учун бу тош таҳмонларни бир неча бор бўлишиб олишган. Буларнинг устига қадимий қурилмалар, зилзилабар натижасида тўрт марта шикастланди. Кўҳна Қуёш шаҳри. Баальбек — Гелиополиснинг тарихи ҳаяжонли воқеаларга бойдир. Буларнинг барчаси ҳашаматли, лекин бесўнақай ибодатхоналар қурган римликлардан кейин юз берган эди. Антонио Пия (унинг даврида Юпитер ибодатхонаси қурилиши бошланган) императорлигигача ва Неронгача бу ерларда нималар бўлган? Тарихчи М. Элауф ўз китобида келтиришича, қадимги араб қўлэмаларининг бирида шундай дейилади: «Ливанда Нимрод подшоҳлиги даврида, у баҳайбат одамларни Баальбек истехкомини бузиш учун юборган» Нега? Вавилон подшоҳлигининг афсонавий асосчиси Нимрод осмонга кўтарилишни орзу қилганмиш. Гўё у ўйлаган режасини Баальбекда баланд минора қуриб, амалга оширмакчи бўлганмиш. Баланд минора учун албатта мустаҳкам пойдевор зарур эди. Агарда минора унинг ўтмишдошлари томонидан қурилмаган бўлса, бу иш билан Нимрод фуқаролари шуғулланишганлиги эҳтимолдан холи эмас. Мабудлар даргоҳига етишиш кўйида, тўртта кучли қуш томонидан ҳаракатга келувчи машина қурдирган. Машина осмонга кўтарилиб, фазода узоқ вақт сарсон бўлгандан сўнг, Хермон тоғига қулаб тушган, у ерда довярак подшоҳнинг шикастланган жасади дафн этилганди. Ривоятлардан ҳақиқат маъзини излаб топиш мумкин эмасмикан? Дарвоқе, Хермон Баальбекдан унчалик олис эмас-ку...

Баальбек тилга олинган дастлабки тарихий ҳужжат Мисрнинг Вавило, Сурия ва Шарқнинг бошқа мамлакатлари билан дипломатик ёзишмаларни акс эттирган «Тел-ал-Амарин ёзишмалари»дир. Бу асар милoddан олдинги XIV асрга, исёнкор

фиръавн Эхнатон подшоҳлиги даврига мансубдир. Миср томонидан истило этилган халқлар Қуёш маъбудларига эътиқод қилиши керак эди. Эхнатон аввалги одамсимон маъбудларни янги, абстракт маъбудлар олий ғояси билан алмаштирди, уни Атон «Қуёш гардиши» деб атади. Эски маъбуд Амон-Ра ҳам ағдарилиб ташланган эди. Эхнатон янги динни мустақкамлаш мақсадида Баальбекда Қуёш ибодатхонасини қуришга уришиб кўрган, деган хулосага келиш мумкин эмасми? Биз бу фикрнинг ягона эканлигига даъвогарлик қилмаймиз. Аксинча, Баальбекда Римгача бўлган даврда ибодатхона қурилишини тасдиқлашнинг ўзи олам каби кўхнадир. Уша М. Элауфнинг ўзи, Баал-Ҳаддаги (Баальбекнинг қадимий номи) миср ибодатхонаси қурилишини мисрлик коҳинлар бошлашмаган, аксинча, улар Суриянинг Миср томонидан асоратга солинган даврида қайта тикланган деб тахмин қиладилар. Миср коҳинлари ер силкинишидан вайрон бўлган Баал ибодатхонасини «қайта тиклашган». Қуёш ибодатхонаси мисрлик коҳинлар томонидан қурилган деган фикрни Рим ёзувчиси Макробиус (эрамизнинг V асри) ҳам тасдиқлаган. У Баальбекдаги Қуёш маъбуди ҳайкали, Миср маъбуди Осирисга ўхшаб кетади, деб айтган. Бундан ташқари, Макробиус, бу ҳайкал денгиз орқали Мисрнинг Гелиополисидан Ливаннинг қуёш шаҳрига зўр ҳурмат-тавозе билан келтирилганлигини тасвирлайди. Эрамизгача бўлган дастлабки минг йиллик — Баал маъбуди ва унинг рафиқаси маъбуда Аторгатис (Астарта)нинг гуллаб-яшнаган даври эди. Шарқда истилочилардан ва ғарбда қароқчилардан тоғ тизмалари орқали ҳимоя этилган қадимги ибодатхоналар йирик диний марказга айлантирилган эди. Искандар Зулқарнайн бошчилигида грек истилолари асида Баальбек уруш асоратларидан омон қолди, денгиз бўйидаги машҳур Тир шаҳри эса, бу урушларда оғир синовларни бошидан кечирган. Плутархнинг айтишича, Антиливан даврида яшаган арабларга қарши юришни Искандар Тир қамали тугамасдан илгари, яъни милoddан 332 йилдан бошлаган эди. Серҳосил водийда яшовчилар қаршилиқ кўрсатмасдан грекларга таслим бўлганлар. Арастунинг шогирди, музаффар ёш саркарда Искандар бу даврда маънавий инқирозга учраганди. Қадимги грек тарихчиси Арриан «Искандар бутун вужуди билан диний хурфотларга берилиб кетди» деб таъкидлаган эди. Баальбекдаги қадимги ибодатхонасини бориб кўриш Искандардаги диний мутаассибликнинг хотимаси эди. Курций Квинтнинг гувоҳлик беришича, «Искандар маъбуд Юпитерни ўз отаси деб ҳисоблаган, чунки у инсон буюклигининг олий даражасида дунёга келганлигидан қаноат ҳосил қилмай қўйган эди». Юпитернинг бу ўғли, маъбудга ўхшамоқчи бўлиб, эҳтимол, римликлар томонидан уч юз йил ўтгач, барпо этилган бўлажак ибодатхонанинг

кәсмик масштабларини чизиб кўрсатгандир. Аммо греклар бу ерларда нималар барпо этишгани номаълум. Умуман улар қуришганмиди? Гигант формаларга берилиб кетиш қадимги грек меъморчилигига хос эмас эди. Яхлитлиги ва геометрик формалари жиҳатидан Баальбек устунлари, аниқроғи, ўтмишдаги мегалитик иншоотлар ва Миср ибодатхоналарига ўхшаб кетарди.

Анъанавий коллонадаги Рим ибодатхоналари билан ўзининг ерости йўлаклари бўлган, анча қадимги конструкцияли пойдеворнинг фарқини биринчи бўлиб машҳур француз тарихчиси ва археологи Сольси аниқлаган эди. У бу конструкциялар «гулдор тошли ва эгилган равоқли» Рим қурилмаларидан фарқ қилади, деб ҳисоблаган эди. Аммо Сольси ўта қайсар, латифачи ва хаёлпараст одам бўлганлигидан фикрининг тўғрилигига ҳеч ким ишонмасди. Сольси тахминларининг фанда тантана қилиши учун ўнлаб йиллар керак бўлди. 1936 йилда архитектор П. Соболев одатий фикрга ўхшаб, бамайлихотирлик билан шундай деб ёзган эди: «Қуёш ибодатхонасининг пойдевори Финикия даврининг маҳсулидир. Харсангларни бўлақларга ажратиш ўша вақтларда бошланган эди».

Ҳа, Баальбек кўп марта қурилган ва қайта қурилган. Аммо асосий ишни, яъни Катта ибодатхона пойдеворига тошларни ким кесиб ва зичлаб ўрнатган — афсонавий Нимродми, мисрликларми, финикияликларми ёки Искандар Зулқарнайинми? Олдиндан каромат қилмайлик. Муҳим нарсани ўзимиз учун аниқлаб олайлик: Рим қурувчилари бу соҳада унчалик олдинда эмас эдилар, айтишларича, улар шўнчаки араванинг, яъни Баальбек тарихи аравасининг еттинчи кегайи эдилар. Сир эмас, аммо Яқин Шарқда римликлар ҳукмронлигигачан — техник жиҳатдан мукаммал таъминланган давлатлар йўқ эди. Бу ўлканинг тарихи ўзгача шарҳларга ўрин бермайди. Финикияликлар моҳир денгизчи ва уста савдогар, қадимги Масис (Альб-Бекаа) водийсида яшовчи бу халқ деҳқончилик ва чорвачилик булан шуғулланар эдилар. Баальбекдаги сингари иншоотларни барпо этиш учун бу денгизчилар ўзларининг асрий меъморчилик анъаналарига эга бўлишлари керак эди. Бундай иншоотлар эса йўқ. Баальбек айвони ўзига хос, яккаю ягонадир.

Шундай қилиб, Баальбек кўз олдимизда ўтмишнинг улкан диний маркази сифатида гавдаланади. Унинг тарихи яна қанчадан-қанча сирларни яшириб ётибди. Энг муҳим савол кўндаланг бўлиб турибди: қачон ва ким томонидан бу қурилишга асос солинган? Фақат ибодатхоналарнинг қурилишини ишонч билан Рим империяси даврига алоқадор деб айтиш мумкин. Пойдеворнинг улкан блокларини зичлаб териш вақти аниқ эмас, лекин у шубҳасиз, Римгача бўлган даврга мансуб-

дир. Яқин Шарқда римликлар мустамлакасида илгариги замонларда, биронта бир давлат бундай сермеҳнат қурилишини амалга ошира олмаган эди. Унда Баальбекни ким қурган?

*«...Улар ҳозир ҳам ўша ерда бўлишлари керак»*

Қадим ўтмишда Баальбек айвони нега барпо этилган? Улуғвор ибодатхона қурилишининг мустақкам пойдевори бўлиб хизмат қилиш учун деган жавоб келиб чиқади ўз-ўзидан. Бунда пойдевор эҳтимол, Юпитер ибодатхонаси барпо этилгунча қўйилган бўлса керак. Халқ ривоятларида Баальбек кошнларининг бошқа мақсадларда ишлатилганлиги ҳикоя қилинади. Вольней ёзиб қолдирган кўҳна ривоятларда шундай дейлади: «Ушбу бино... Равоқларининг ертўлаларида қимматбаҳо бойликни сақлаш учун барпо этилган, қайсики, улар ҳозир ҳам ўша ерда бўлиши керак». Баальбек қурилмаларига тош асрининг илк даври фазогирларининг алоқадор эканлиги тўғрисидаги тахминлар муаллифи М. Агрест бу афсонани назарда тутмасдан, унга ўхшаб кетадиган фаразни айтган эди: «Космонавтлар бўлажак авлодларга вимпелнинг бешикаст сақланиши ҳақида қайғуришган деб тахмин қилса бўлади... Ва уни тегишли жойга беркитишган... Космонавтлар кўринарли жойларда бир қанча йирик ва тезда емирилиб кетмайдиган қурилмалар қолдиришган... Бу қурилмалар аниқ маълумотларга эга бўлган асосий ҳужжатларни топиш учун ориентир бўлиб хизмат қилиши керак эди».

Шундай экан, Вольней ёзганидек, ер ости равоқларига тушиб, қимматбаҳо хазиналарга эга бўлишни орзу қилган кўпгина хазина изловчиларнинг уринишлари нима сабабдан «албатта беҳуда эканлиги»ни англаш мумкин.

Белкураклар билан эмас, балки ҳозирги замон геофизик асбоблари билан куруланиб, Баальбек айвони ва унинг остидаги тунелларни текшириб, ўрганиб чиқса бўлади. Эҳтимол, биз бу йўл билан бошқа планеталарнинг қимматли маълумотларини топа олмасак керак, аксинча, ким, қандай қилиб ва нима учун гигант блоклардан Баальбек майдонини барпо этганлигини аниқлашнинг реал имконияти туғилади.

Ва охиргиси. Космик келгиндиларининг Баальбекка алоқадорлигини эсдатувчи «ҳа» ва «йўқ» каби ўта ишонарли далиллар фақат бу проблемани чигаллаштириб юборади. Янги тарихий маълумотлар керак, фақат у орқали ана шундай иншоотни барпо этиш мумкин бўлган ўша озгина зарур технологияга инженерлик баҳоси даркор. Хуллас, шунчалик юқори даражадаги ишни қадимги усталар қандай бажара олишганлигини аниқлаш ёки бўлмаса улар бу ишни уддасидан чиқара олмаганлигини исботлаб бериш керак.

## БААЛЬБЕК «ҒОВ ТОШИ»

Аввало китобхонга бир ибратли тарихни айтиб бермоқчиман. Ўз даврида инглиз меъморлари ўрта асрларнинг деярли барча қасрларида айланма зиналар соат мили бўйлаб ўнг томонга буралиши билан қизиққанлар. Буни турли сабаблар билан — қурилиш анъаналари, диний-илоҳий тасаввурлар, ернинг айланиши ва бошқа нарсалар билан изоҳлашган. Тадқиқотчилар бирдан шундай ҳолатга эътибор бериб қолдилар, яъни қадимги Керр уруғига мансуб шотланд қасрларини зиналари қурилиш анъаналарига қарши ўлароқ тескарисига, яъни чапга бураларкан. Гап нимада? Шотланд хроникасидан маълум бўлишича, Керрларнинг кўпчилиги чапақай бўлганлар. Бу эса барча тахмин ва фаразларни чиппакка чиқаради. Қасрларга ҳужум пайтидаги жанглар авжи қизиганда, тор айланма зиналар бекамикўст мудофаа иншоотлари вазифасини бажарган. Бундай зинадан фақат бир жангчигина кўтарила олар, шунинг учун ҳам унинг йўлидаги мудофаачи осонлик билан бутун бир тўданинг ҳужумини қайтариши мумкин эди. Боз устига, зиналарнинг ўнгга айланишида ҳужумчилар ўзларининг «жанговар қўллари»ни осонлик билан ишга тушира олмасдилар — мудофаада турганлар қулай вазиятда бўлардилар. Бу ерда муаммоларни қурилиш анъаналари билан эмас, балки одамнинг антропологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, зиналарнинг мудофаа иншооти вазифасини ўташи билан белгиланади, деб тушунмоқ керак.

Биз бу ҳикояни аҳтимол, Баальбек айвониغا бевосита алоқаси йўқлиги ва китобхонга ҳар бир нарса очиқ-равшан бўлишлиги учун келтирдик, баъзида кичик бир арзимаган тафсилот ҳам қийин ва мураккаб проблемани ҳал этишда номаълум ёки аҳамият берилмаган жумбоқни ечишга йўл очиб беради. Бир неча ўн йиллардан бери қадим ўтмишда, гўёки планетамизга ташриф буюришган ўзга сайёраликлар ҳақидаги шовшувлар назарияси пойдеворларининг энг муҳим жиҳати бўлиб қолаётган «Баальбек айвони муаммоси» ҳам балки шундай осон йўл билан ҳал этилиши мумкиндир.

Баальбек «палеоконтакт назарияси»нинг тарафдорлари эътиборини мустақил платформани ташкил этган учта улкан тош бўлақларига жалб этмоқда. Кейинчалик унинг устига охириги ибодатхоналардан бири қурилган эди. Ҳа, улар чиндан



хам улкан, бу ишга бел боғламаган анча-мунча одамнинг тасаввурларини хайратда қолдиради. Лекин ҳар бир археолог Баальбек айвони қадимги дунё мўъжизалари ичида катта мўъжиза эмаслигини яхши билади. Мисрда улкан қурилмаларни учратиш мумкин, уларнинг олдида Баальбек шухрати ҳам ип эшолмайди. Ўзининг беқиёслиги билан ҳеч бир нарсага тенг келмайдиган Миср пирамидалари ҳақида гапирмасак ҳам бўлади. Масалан, Карнакдаги машҳур колонна залини олайлик. Унда 135 та устун бўлиб (Баальбекда жами 62 та), ҳар бирининг баландлиги 23 метр (Баальбекда эса 20 метр) келади. Буларнинг қурилиш техникаси айнан бир-бирига ўхшайди: кўп тоннали тош бўлаклари устунлар баландлигида кўтарилган, аниқлик билан қирқилган ва жипслаштирилган — у вақтда ҳали цемент ихтиро қилинмаган эди — «улкан қурилмалар»да цементнинг зарурати ҳам йўқ эди, чунки тош бўлакнинг ўзи, унга аниқлик билан ишлов берилиши ва бир-бирига зичланиши цемент вазифасини бажарган.

Кўҳна Мисрда Баальбек тош устунларига ўхшаш устунлар бор эди, лекин улар пойдеворли эмас, ёдгорлик сингари ишлов берилиб, тик қилиб қўйилган. Дастлабки тайёрланган устунлар каттароқ ҳажмда бўлиб, кичкина эмаслиги ҳеч шубҳа туғдирмайди. Гап Асувон гранит тошларининг яхлит бўлакларидан қирқилган баланд тик игнасимон тош ёдгорликлар ҳақида борапти. Бу ҳайкаллар милоддан олдинги XI асрда бунёд этилган. Худди шу даврда Миср ўзининг энг улкан иنشотларини барпо этган эди. Анча илгари, милоддан олдинги XVI асрларда бўлса керак, Баальбек ўша даврнинг қудратли Хетт давлати чегараларида жойлашган кучли миср қалъаларидан бири эди. Сурия ва Фаластинни эгаллаш учун Миср шиддатли жанглар олиб борган эди.

Карнак яқинидаги Қадимги Миср Қуёш маъбуди Амон-Ра ибодатхонаси олдида, Мисрда сақланиб қолган, янги подшоҳликнинг ўша даврида барпо этилган ҳайкаллардан иккита энг каттаси қад кўтариб турибди. Ҳар бири 28 метрли баландликка кўтарилган бўлиб, уларнинг пойдевори чуқур ер остига кириб кетган эди.

Мисршунос олимларнинг фикрича, бу ҳайкалларнинг энг катта қирқими Баальбек тош бўлакларидан қолишмайди, уларнинг оғирлиги икки минг тоннадан ортиқ бўлиши керак! Баальбекдагига ўхшаб уларни кесиб, қайта ишлаб, қурилиш майдонига сув ва қуруқлик орқали бир неча юз метрдан олиб келмаганлар, балки ўнларча километр масофадан — Асувон томонидан келтирилганлигини ҳисобга олишимиз керак. Баальбек ибодатхонасида, унинг платформага қўшилувчи блокларида ўзига хос қандай ноёблик ва ғаройиб томонлари бор? Бу блоklar конструкция ва тайёрлаш техникаси бўйича

Ўзларининг қадимги мисрлик тенгдошларидан қолишмайди. «Қадимги миср иншоотлари»,— деб ёзган эди «Баальбек мўъжизаси»нинг дастлабки шарҳловчиларидан бири Ю. Решетов,— бизнинг маданиятдан ортиқ турувчи, йўқ бўлиб кетган буюк маданиятлар ҳақида тахминлар тузиш, бошқа қламдаги фазогирлар тўғрисида ривоятлар тўқиш учун ҳам ярамайди. Шунинг учун мумкин эмаски, чунки Миср ибодатхоналарининг деворларида ҳамда Қуёш ҳайкали тагларида бу устунларнинг яратилиш тарихи тошга ўйиб чизилган расмларда акс эттирилган».

Материаллар қаршилиги қонунлари, унинг ҳаракатига бўйсунувчи барча нарса ҳозирги замоннинг энг кучли кўтариш кранлари ҳам объектларнинг вазни ва ҳажмига мўлжаллаб қилинган улкан қурилмалар билан ишлашда унинг имкониятларини чегаралаб қўяди. Ўтмишнинг «улкан» қурилмалари ифодаси бўлиб ҳисобланган инженерлик усуллари грек-рим даврдаёқ йўқ бўлиб кетган эди. Қурилиш техникасининг ривожига бошқа йўл билан кетди: улкан иншоотларни қуриш учун айрим «майда» деталлар, блоклар, ғиштлардан фойдалана бошланди. Буларнинг ҳаммаси инсонни жисмоний кучдан нотўғри фойдаланишдан, машаққатли ва оғир меҳнатдан халос этди.

«Космик келгиндилар» тарафдорлари айнан мана шу хулосаларни ҳисобга олмайдилар (гўё улар ўтмишнинг «улкан» қурилмаларини яратганмиш), ота-боболаримизнинг бадиий тасвир иқтидорлари, техник талантларини рад этадилар.



Н. Непомняшчий

журналист

---

## КУҲНА «КАНАР СИРЛАРИ»

...Бу ороллар ботаётган қуёш Атлантиканинг кўм-кўк сувларини қирмизи рангга бўёвчи Зулмат океанида ястаниб ётибди. У ерда осмон гумбази сувга суяниб Зулмат ва Даҳшатни яратади. Марҳумлар арвоҳлар салтанатидан қайтмагани каби бу сувдан сузиб ўтмоқчи бўлган одамга ҳам орқага йўл йўқ...» Икки минг йил муқаддам бу сўзларни айтган греклар, мисрликлардан кейиноқ ғарбни табиий равишда дунёнинг охири деб ҳисоблаганлар, у ерга фақат довурак қаҳрамон-

лар — Геракл, Ясон, Одиссейларгина бора олганлар. Улар кўрсатган жасорат қанчалик қимматга тушганини айтмайсизми! Албатта, бу ерда — Еруғлик ва Зулмат, Ҳаёт ва Улим ёқасида афсонавий Елисей даласи бўлиши керак. Гомер кўкларга кўтарган «тақводорларнинг келиб турадиган жойи», — деб ёзган эди Плутарх бу тўғрида. Узоқ ўтмишда бу оролларга қанча-қанчалаб номлар берилган: Гесперидалар, Мелькарта, Жаннат, Қирмизи, Бахтли ороллар, Бахтиёрлар Ороли ва ниҳоят Канар ороллари деб...

На иссиқ бор, на жазирама  
Бунда инсон бўлмайди бахтсиз.  
Билмайди у кексаликни ҳам,  
Қандай келган бўлса шу ерга  
Шундай бўлиб яшайди одам.

Бизнинг давримизда Канар оролларига бориб келган ва Африка қитъасининг бу бир парча бўлагига ёрқин таассуротларини қолдирган машҳур инглиз ёзувчиси ва сайёҳи Лоуренс Грин ўзининг «Даврлар эътиборидан четда қолган ороллар» китобида шундай сўзларни ҳам ёзган: «Олимлар Канар ороллариини инсониятнинг бирдан-бир улўғвор муаммолари — илк сайёҳлар томонидан мана шу оролларда аниқланган халқ, гуанчилар кимлар эканлиги тўғрисида бош қотиришга мажбур этувчи муҳим давр деб ҳисоблайдилар». Канар ороллариининг асрий жумбоқлари ҳақида гап бошландан аввал, гуанчилар тарихи билан боғлиқ битта фавқуллода ибратли хатонинг эволюциясига тўхталиб ўтамиз.

...1550 йилда испан воқеанависи Тамарра гуанчилар умуман оролда қолмаган, гўё нормандлар ва испанлар истилоси даврида уларни қириб юборишган деб ёзади. 30 йилдан кейин италиялик Бенцони «гуанчилар бутунлай йўқ бўлиб кетган» деб унинг маълумотларини қувватлайди. Уларнинг маълумотларини орадан юз йиллар ўтгач, ўнлаб бошқа олимлар ҳам такрорлашган, бу маълумотлар эътирозсиз ҳақиқат сифатида қабул қилинган. Аммо 1930 йилда ўзининг бутун ҳаётини Канар ороллариини ўрганишга бағишлаган австриялик Вельфель архивдан машҳур италян сайёҳи Кадамостонинг 1450 йилга мансуб бир ҳужжатини топиб олади». «... бу майда оролларнинг аҳолиси, — деб ёзганди Кадамосто, — туб аҳолидан иборат бўлиб, улар турли тилда сўзлашгани учун бир-бирларини яхши тушунмас эдилар». Тамарра маълумотлари билан Кадамосто хабарларини ажратиб турган ўтган юз йил ичида гуанчилар батамом қирилиб кетганлигига унчалик ишонгинг келмайди, унинг устига ороллардаги ўзаро урушлар охишлаб қолган эди.

Дарҳақиқат, антропологик тадқиқотлар шу вақтгача Канар ороллари­нинг туб аҳолиси испанлар томонидан батамом қириб юборилган, деган фикрни рад этади. Уларнинг бир қисми фран­ко-испан келгиндилари билан қўшилиб кетишган эди, бошқа бир қисми эса ҳеч кимга қўшилмади, улар ғалати ирқнинг софлигини сақлаб қолишди, бу ҳол Ўрта асрлардаги орол кашфиётчилари — итальянлар, испанлар ва португалларни чинакам ҳайратда қолдирган. Вельфель ёзганидек, Канар оролларидаги гуанчилар испанлар томонидан қириб ташлан­гани учун эмас, балки испанлар ва бошқа европаликлар билан қўшилиб кетганлигидан ғойиб бўлганлар.

Хўш, дастлабки кашфиётчиларни гуанчилар нима­си билан ҳайратда қолдирди ва нима учун «Канар ороллари муаммо­си» пайдо бўлди? Узингизни бир дақиқа, эҳтимол, ерликларга тамом ўхшамаган олис, табиийки, сиз учун бегона бўлган олам­ни, унинг ҳайвонот дунёсини кашф этмоқ учун Галактика сари йўл олувчи космонавт деб фарз қилинг. Мана сиз «сирли одам­лар» ўлкасига қадам қўйиб, «баҳайбат мавжудотлар» билан учрашувга тайёрланар экансиз, бирдан сизга пешвоз келаётган, зўр табассум ва хурсандлик билан қўлларини чўзиб, ўзга олам либослари кийган, нотаниш тилда сўзлашаётган ўз ерликла­рингизни кўрасиз. Улар шунчаки оддий ерликлар эмас, балки ерликларнинг энг сараси, намунаси, ерлик инсон гўзалли­гининг ажойиб намунаси! Сиз ўз космонавт дўстларингизга разм солиб, уларнинг жисмоний камчиликларини, етук эмас­лигини зийраклик билан пайқаб оласиз... Наҳотки бу сизни ажаблантирмайди, наҳотки бу «номаълум юлдуз» муаммоси бўлиб қолмайди?

Тахминан шундай ҳолат XIV асрда юз берган бўлиб, паст бўйли, қорачадан келган, сочлари қоп-қора ўрта Ер денгизи аҳолиси (генуяликлар, испанлар ва португаллар) Канар орол­ларида (қаерда денг, нақ Қора қитъа соҳилларида!) бўйи икки метрлар чамасидаги, қизил-тўқсариқ тери ёпинган бақувват одамларни бирдан учратиб қолганлар. Ҳаммадан ҳам Бахтиёр­лар оролидаги ерли халқнинг териси, сочи ва кўзларининг ранги келгиндиларни ҳайратда қолдирган. Булар оқ танли, мовий кўз, малласоч гўзаллар эди. Европалик денгизчилар­нинг қорачалиги, паст бўйлиги, танасининг кам қувватлиги ўзларига хос шармандали бўлиб кўринган, деб ёзади мана шу тарихий учрашув тўғрисида Атлантика экспедициясининг францискан монах солномачилари... Канар ороллари­нинг асрий жумбоқлари ана шундан бошланади ва ҳозир ҳам шундай­лигича қолмоқда. Инсониятнинг энг катта жумбоқларидан бирини ўзи билан бирга олиб кетган гуанчилар ғалати тиллари билан бирга ғойиб бўлган эдилар, унга ўхшаш ва қардош тил­лар ҳозиргача ҳам топилмади.

Биринчи бўлиб европалиklar томонидан бу оролларда топилган халқ — гуанчилар кимлар эдилар?

Аммо биз гуанчилар тарихи билан боғлиқ қатор ҳайратли муаммоларни яна давом эттирамиз. Масалан, солномачилар, оролларни забт этганлардан бири нормандиялик Жан де Бетанкур дуч келган айрим «ғаройиблари» ҳақида ёзиб қолдиришган: «Гомера — баланд бўйли одамлар ватани, улар энг ажойиб тилни мукаммал эгаллаганлар. Гўё тили бўлмаган одамлар сингари лаблари билан сўзлашишарди. Улар орасида шундай ривоят тарқалган: яъни шоҳ бу гуноҳсиз одамларни шафқатсиз жазолаш, уларнинг тилларини кесиб ташлашни буюрган. Шунга асосланиб ва уларнинг сўзлашишига қараб бу ривоятга ишонса бўлади. «Ҳайронмиз, ўзи гап нима ҳақида кетяпти? Тўғри, гап фақат тил ҳақидагина кетаётгани йўқ. Денгизчилар Янги Дунёга ва Ҳиндистонга сафарлари давомида бирқанча тил ва шеваларда сўзлашувчи одамларни учратишган, лекин Канар оролларининг биридаги аҳолининг сўзлашув тилига алоҳида эътибор бериб қолганлар. Ажабланишга асос бор эди, чунки Канар, айниқса Гомера оролидаги гуанчилар бир-бирлари билан 14 километр масофада туриб ҳуштак орқали сўзлаша олардилар! Булар аввалдан келишиб олинган қандайдир шартли сигналлар эмас, ҳақиқий жонли сўзлашув тили эди, қайсики унда хоҳлаганча, истаган одам билан ҳатто суҳбатлашиб ўтириш мумкин эди.

Албатта, фақат ўзлари билангина, ороллиklarнинг таъбири билан айтганда «соқовлар», яъни қора танли денгизчилар билан эмас албатта. Гуанчилар йўқ бўлиб кетишди, лекин ҳайратда қолган тилшуносларда «Гомера сильбоси» деб ном олган ва ахборотларни узоқ масофадан туриб етказишнинг ғаройиб усуллари тушуниб етиш истагида бўлганларнинг барча умидсизлигини пучга чиқарган унинг ҳуштак мили (бу тил Гомера оролида яшовчиларда сақланиб қолган) ҳозир ҳам барқарор. Канар ороллари «сильбоси» тўғрисида Лоуренс Грин аниқ ва ишонарли қилиб: «Гуанчилар билан бирга уларнинг сўзлашув тили ҳам ер юзидан ғойиб бўлди. Аммо улар испан истилочиларини бу тилга анча-мунча ўргатиб кетишган эди. Гуанчилар ҳуштак тилини ташкил этувчи асосий принциплар кейинчалик испанча вариантда фойдаланилди, ороллиklar эса жарликлар ва дарёлар устида қаҳқаҳали «суҳбатлашиш»ни давом эттираврадидилар» деб ёзган эди. Шундай экан, Канар оролларидаги ҳуштак тилини иккинчи жумбоқ деб ҳисоблаймиз, биринчи муаммо этиб яқин-атрофдаги минглаб километр жойда ўзига ўхшаши бўлмаган гуанчи антропологик типини қабул этишган.

Шамолсиз, ҳаво очиқ куни, унчалик узоқ бўлмаган Африканинг қирғоқларидан туриб Канар оролларининг ҳаракатдаги

энг баланд вулқони (3718метр) Пик-де Тейде чўққисига илашиб олган тўп-тўп булутларни кўриш мумкин. Геологларнинг фикрича, 13 та катта-кичик ороллардан иборат бу вулқонли архипелаг қачонлардир Африка қитъасининг бир қисми бўлган. Лекин тектоник фаолият ва ер қобиғининг ҳаракати туфайли ороллар ўз қитъасидан узоқлашиб кетган.

Бу нарса учинчи даврнинг охири ва тўртинчи даврнинг бошларида, ҳозирги замон кишиси шаклланаётган бир пайтда ва Буюк Музлик дастлаб жануб сари ғолибона юришини бошлаган даврда юз берган. Ҳша ўтмиш даврларда бизнинг аجدодларимиз — неандерталлар, одамсимон маймунлар каби суза олардилар. Балки улар сузиб бораётган дарах таналарини кузатишаркан, уларга ўтириб саёхат қилмоқчи бўлгандирлар. Минг йиллар ўтгач, уларнинг авлодлари — кроманьонлар дастлабки солларни яшашгач, шох-шаббаларни боғлаб, қайиқларга олов ёрдамида тамға босганлар-да, аста дарё ва кўл бағрига отланганлар.

Денгиз қирғоқлари бўйлаб кемаларнинг эҳтиётлик билан суза бошлаши учун яна бир неча ўн асрлар талаб қилинган ва фақат сўнгги неолитда, бронза асридагина биринчи кемалар Ўрта Ер денгизидан из қолдириб сузиб ўтган. Бу ерда, очик денгизга чиқишдан аввал критлар, карийлар, мисрликлар, финикияликлар, этрусқлар ва греклар, сўнг карфаген ва римликлар сузишни ўрганишган. Айтмоқчи, нега бу ҳақда гап очдик? Чунки Канар ороллари ва унинг аҳолиси ҳақидаги учинчи жумбоқ хусусида гап бошламоқчимиз... У оролдан бу оролга бир неча марта қийинчиликлар билан бориб-келиб, XIV аср бошларида Канар ороллари кашф этишган ўрта аср денгизчиларини нималар шунчалик ҳайратга солган? Гуанчилар кемада юришни умуман билишмасди! Уларда ҳатто энг оддий ва содда ишланган қайиқ ҳам йўқ эди. Улар Генуя галераларини (кўп эшакли катта кема — тарж.) ва испан каравелларини дастлаб улкан қуш деб ҳисоблашган. Чиндан ҳам гуанчилар бир неча километргача қулоч отиб суза олардилар. Лекин Африка қитъасидан ўз оролигача фақат сузиш орқали етиб бориб бўлармикин? Хуллас, гуанчилар дунёдаги оролликлар ичида бирдан-бир денгизчилик малакасига эга бўлмаган ва «денгизда қайиқда сузиш» нималигини билмайдиган халқ эдилар. Оролларда эса эчкилар, қўйлар, итлар ва чўчқалар беҳисоб бўлиб, уларнинг айримлари ёввойилаша бошлаганди (аммо ёввойи эмасди). Канар оролларида одамларни ва уй ҳайвонларини кимлар келтиришган? Нега гуанчилар денгизчиликни билишмаган? Бу савол гуанчиларнинг наслнасабларига «Канар ороллари сири»ни билишдаги яна бир ғовдир. Ниҳоят, бу кўҳна «Канар ороллари сири» туркумига яна битта хотима (майдароқ, кичикроқ муаммоларга ўрин ҳам

қолмаяпти). Оролларнинг дастлабки тадқиқотчилариеъ гуанчиларда ўрта асрларга хос бўлмаган ўзга бир одат — марҳумларнинг жасадини мўмиёлаш одати борлигини қайд қилган эдилар. Гуанчилар жасаднинг барча ички аъзоларини олиб ташлаб, жасаднинг ичига хушбўй ўт-ўланлар солишиб, уни шўр денгиз сувида ювгач, антисептиклик билан машҳур бўлган «аждар дарахти»нинг қирмизи шарбатини сепиб, сўнгра тикардилар. Кейин уни баланд тоғлардаги киши топмас ғорларга, қариндош-уруғларининг мақбаралари жойлашган ерга олиб кетишарди.

1806 йили Александр фон Гумбольтнинг Канад оролларида ёзган хатида, унинг томонидан гуанчиларнинг кўйлаб мўмиёланган ва хушбўй ўтлар билан тўлдирилган жасадларини топганлигини хабар қилган. Утган асрнинг ўрталарида жанубий Америка бўйлаб саёҳат қилган Поль Моркой Титикака кўли яқинидан инка қабилаларининг мўмиёланган жасадларидан худди ўша ўсимликни топган. Бу ерда биз қандайдир афсона билан дуч келиб қоляпмиз шеклли: гуанчилар ҳеч қайёққа сузиб боришмаган, инклар эса Перу ва Эквадор қирғоқларидан нарига ўтишмаган.

Тўғри, испанлар бир пайтлари Тинч океанда олтин юклаб Мексикага кетаётган перуликларнинг солини кўришган эди. Шу холос. Атлантика тўғрисида шу нарса маълумки, инклар умуман ҳеч нарсани билмаганлар.

«Ибтидоий маданият миграцияси» китобининг аътори Элиот Смит гуанчилар билан қадимги мисрликларнинг жасадларини мўмиёлаш усулларида ажойиб ўхшашлик борлигини кўрсатиб ўтади: «Одам ўлгач, унинг танасини шу йўсинда сақлаб қолишади. Уни ғорга олиб бориб, қиррали тош билан узунасига ёриб, ичини очишади, ундаги барча аъзоларни чиқариб ташлаб, тайёрлаб қўйилган шўртақ сувда ювишади, қўй ёғи, ачиган қарағай-сақичи ва ўсимликдан тайёрланган қоришмани суртишади. Сўнг танани офтобга қўйиб, 15 кун қуриштилади. У қуриб, енгил бўлгач, қўй терисига ўралади, чарм камарлар билан қаттиқ боғланиб, махсус ғорларга жойлаштирадилар. Умуман, Ер юзида фақат 3-4 халқ: мисрликлар, Перу инкалари уларнинг қўшнисини — Колумбия чибчамауисклари ва гуанчилар ўз марҳумларини мўмиёлаганлар. Америка индеевлари оддий кемаларда қуруқ тропик шамол қаршилигини сизга-енга Атлантикани кесиб ўтишгач, Канад оролларида эгаллаб олганлар деган тахминнинг ўзи мантиққа тўғри келмайди. Буни қадимги мисрликлар амалга оширишган деган фараз ҳам кўпчилик тарихчиларда шубҳа туғдиради.

Ниҳоят, эътиборни қаратиш зарур бўлган охириги гап. Гуанчилар европаликлар томонидан кашф этилгунча маданиятлари жиҳатидан ривожланишнинг неолитик босқичида эдилар.

Ёзув эса «цивилизациядан олдин»ги даврларда пайдо бўлган, цивилизация ва давлат таркиб топиши даврларида ривожланган. Қадимги Мисрда, Месопотамияда, Ўрта Осиё, Ҳиндистон, Хитой, Марказий ва Жанубий Америкада ҳам шундай бўлган. Буни қарангки, Канар оролларида, аҳоли ривожланишининг «Ўрта неолит» босқичида бўлган пайтда, тадқиқотчилр қоятошларга туширилган ёзув изларини топиб олишди.

Қоятошдаги энг кўп ёзувлар ва расмлар Канар ороллари-нинг чекка ғарбида, Янги Дунё бўсағаси бўлган — Иерро (Ферро)да топилган.

Бу ерда кимлар ва қачон бундай ёзувларни ва белгиларни қолдиришган? Улар дунёнинг қайси бир тилида ёзилган? Ёзувлар нимани ифода этади? Бу саволлар ҳам машҳур «Канар ороллари сири» туркумига мансубдир. Умуман, бу ёзувлар ўзининг шакллари жиҳатидан ғарбий Саҳройи Кабир ёзувларини эслатади, уларнинг бу оролларда пайдо бўлиши муаммоси ҳам олимларнинг фикрича, гуанчиларнинг пайдо бўлиши билан чамбарчас боғлиқдир. Айрим тадқиқотчилар Канар ёзувларини қадимги Ливия, пуник (Финикия ва нумидий ёзувлари билан таққослаб кўрмоқдалар. Сирасини айтганда, барча, тадқиқотлар бу ёзувларни Ўрта Ер денгизи атрофларидан келиб чиққан деган хулосани айтмоқдалар. Француз этнографи Федербнинг фикрича, қоятошдаги кўндаланг белгилар қадимги Ливия ёзувини эслатади, бу ёзувлар Саҳройи Кабир ҳозирги замон туарегларининг ёзуви — тифинакка асос солган. Канар ёзувларининг тифинаг билан ўхшашлигини қайд этган тадқиқотчилар, уларнинг ёшини тахминан икки минг йил деб аниқлаганлар. Бу оролларда қадимги ливияликларнинг ҳам бўлганлиги тўғрисида ўтмиш муаллифларининг маълумотлари худди шу даврга тўғри келади. Катта Плиний, масалан, шундай деб ёзганди: «Қайд этилганки. Юба Автололларнинг қарама-қарши соҳилидан сузиб кетаётиб, қандайдир оролларни кашф этган, у ерда Гегуль қирмизи бўёғи ишлатиладиган бўёқхона ташкил этган...»

Кези келганда шўни айтиш керакки, Тенерифда металл қурол билан ўйиб ёзилган тош — «Анага ёзуви» топилган (гуанчилар эса металлни ҳали билишмасди). Олимлар бу ёзувларни милoddан олдинги III-II асрлардаги финикия ёзувларига ўхшаш томонларини аниқладилар. Бундай ёзувлар Испаниянинг жанубида, Африканинг шимоли — Карфаген атрофида ҳам топилганлигини тан олишимиз керак. Лекин бу ёзувларини ҳозиргача ўқиш имконияти йўқ.



## СИРЛИ ОРОЛЛАР

Афтидан, гапни «Кўҳна «Канар сирлари» мақоласига ўхшаб «Битта фавқулодда, ибратли хато эволюцияси»дан бошламоқ керак. Муаллиф (Д. Вельфель) тезисининг моҳияти шундаки, у қирқ йил муқаддам ёзган китобида Канар оролларидаги гуанчилар испанлар томонидан қириб юборилгани учун йўқолиб кетмаган, балки улар бошқа европаликлар билан қўшилиб кетгандир, деб тасдиқлайди. Олим ўз кўзи билан кўрганларнинг берган ахборотларига ва Канар оролларидаги конкистон даврининг замондошлари — Тамарра воқеанависи италиялик Бенцони ва солномачиларнинг китобларида номлари кўрсатилмаган бошқаларнинг маълумотларига ишонмаслиги яққол кўриниб турибди, Ишонарли далиллар келтирмай туриб, муаллиф уларни тарихий воқеалар мантиқидан излаяпти (маълумки, бунга ҳам аниқ бир эҳтиёткорлик билан ёндашиш керак). «Юз йил ичида... гуанчилар батамом қириб юборилган деб тахмин қилмоқ қийин, ваҳоланки, ороллардаги урушлар охирлаб бораётганди...»

Муаллифга эътироз билдирар эканман, нима сабабдан XV—XVI асрларда испанлар томонидан истило этилган бир неча халқлардан (масалан, Мексика ацтеклари, Перу инкалари ва бошқалардан фарқли ўлароқ фақат гуанчилар йўқолиб кетганлиги ҳақида қисқача сўзлаб беришни истар эдим.

...Маълумки, Бахтли ороллар ерига ўрта асрларда европаликлардан биринчи бўлиб италянлар, «Озод Генуя республикаси» фарзандлари қадам босган эдилар. Машҳур Петрарка қайд этганидек, «У ерга (Бахтли оролларга) ота-боболар ривоятига кўра, генуяликларнинг қуролланган флоти келиб тўхтаган эди». Бу воқеа 1312 йилда рўй берди. Кейинчалик Европада бу ороллар ҳақида гап тарқалганда, 1341 йили португал подшоҳлигининг пулига «қирмизи ғарб» йўлини яхши билган генуя ва испан денгизчиларидан иборат янги денгиз экспедицияси ташкил этилган эди. Канар оролларини кашф этиш ва уни юз йиллик истилоси тарихи шу тариқа бошланганди.

Дарҳақиқат, қизиқ-да: агар кўп миллионли аҳолиси бор Янги Дунё «империяси» испанлар томонидан бир-икки йил ичида босиб олинган бўлса, Канар оролларининг истилоси юз йилларга чўзилиб кетган. Гуанчилар эса фақат тош ва ёғоч

қуроллар билан қуролланган эдилар. Улар совут кийган ва ўт очар қурол-яроғлар билан қуролланган испан конкистадорларига қарши деярли қуролсиз жанг қилишган. 1391 йилдаёқ Папа Урбан VI буйруғи билан христианликни қабул қилдириш учун келган ўн учта орден биродарларининг ўлими туфайли қасд олиш ниятида испанлар гуанчиларга қонли қирғин солишганди.

Л. Грин томонидан ёзиб олинган маҳаллий ривоятларда хабар берилишича, ороллар фожиаси тарихининг ҳар бир саҳифаси, ҳар бир маълумот сирли тил, яъни ҳуштак орқали баланд тоғларга етказилган, у ердан бу овозлар яна қайта Канар ороллари­нинг энг олис кўр­фазларига­ча тезда етиб келган. Оролларда ўз подшоҳлигини жорий этмоқчи бўлган француз Жан де Бетанкурнинг тиш-тирноғига­ча қуролланган отрядларининг хужумини қайтара олган, дастлаб олижаноб бўлган, кейинчалик қутуриб, ғазабга минган кўк кўзли, сариқ сочли бу баҳайбат одамлар худди мана шу ғалати тил орқали ўзаро алоқа қилганлар. Бу фожианинг тафсилотини ҳуштак акс-садолари оролнинг барча бурчакларига тарқатиб, испанларнинг навбатдаги тўдалари (масалан, бискай қароқчилари) келиши ҳақида хабар беришган. Уша тил ёрдамида оролда яшовчи кўзғолончилар босқинчиларга қарши биргаликда хужумлар тўғрисида гуанчилар, уларни Жаннат ороллари­дан қувиб чиқаргандан кейин орадан 15 йил ўтгач, Бетанкур каллакесарларининг оролга келган пайтида юз берган эди...

1494 йили испан маликаси Изабелла Бетанкурнинг хонавайрон бўлган ворисларидан Канар ороллари­га келиш ҳуқуқини сотиб олгач, у ерга қўшин юборади, улар шиддатли жанглардан сўнг Канар ороллари­ни эгаллаб олишади.

Оролликларнинг ўз озодликлари учун олиб борган қатъий курашининг ёрқин, хотирада қолувчи манзараси ва шу вақт­гача Атлант­иканинг Американи истило этиш арафасида бу ерда ўзларининг қонли мактабини ўтаган биринчи конкистадорлари воқеасини ўрганувчиларни ҳайратда қолдирмоқда. Гран-Канария ёки Катта Канар ороли, — деб ёзади Грин, — аслида энг катта орол ҳисобланган Тенерифдан икки баравар кичикдир, лекин у буюк орол деб ном олган эди, чунки гуанчилар бошқа ороллардагига қараганда, бу ерда испан босқинчиларига қарши анча шиддатли қаршилик кўрсатишган. Истилочиларнинг воқеанавислари ҳикоя қилишларича, орол аҳолиси отлардан ҳам тез югурар, чуқур ва кенг жарликлардан бемалол сакраб ўта олар эдилар. Оролдаги аёллар ҳам довюрак жангчилар эди, улар пақанароқ француз ва испан солдатларини пастликларга бемалол ирғитиб ташлар эдилар.

Бетанкурни оролга кузатиб келган монахлар Бонтъе ва Ле

Еерье шундай деб ёзишади: «Одамлар бу ерда унчалик кўп эмасди, лекин улар жуда дароз бўлгани учун тириклай қўлга тушириб бўлмасди. Булар шафқатсиз одамлар эди — агар гуанчилар кимнидир асирга туширадиган бўлса ва у қабиладошларига қарши қўл кўтарса, уни ўлдириб юборишарди... Оролда яшовчилар жасур табиатли халқ эди...» Орадан икки ярим аср ўтгач, аборигенлар йўқ қилиб ташлангандан сўнг, испан шоири Антонио де Виана афсус-надомат билан эсга олади: улар «...саховатли, ҳалол ва довюрак одам эдилар, уларда инсониятнинг барча яхши хислатлари — олижаноблик, матонатлик, мардлик, бақувватлик, жисман ва руҳан бардам — хушмуомалалик, тиришқоқлик, жўшқин ватанпарварлик, озодликка муҳаббат мужассамланган эди...»

Дарҳақиқат, гуанчилар душман билан охиригача, бир томчи қонлари қолгунча жанг қилишган. Улар хотин-қизлар ва болаларни қутқариб қолиш мақсадидагина асирга тушар эдилар. Ўзингиз ўйлаб кўринг-а, кураш шунчалик шиддатли бўлганки, 80 йиллик қиргин урушда «Буюк орол»даги гуанчилар армияси 14 мингдан 600 тага тушиб қолган. Душмanning тенгсиз кучлари қуршовида қолишган кўпчилик гуанчилар сўнгги жангда ўзларини жарликларга ташлаганлар, душманга фақат бир ярим минг хотин-қиз, кексалар ва болаларни ташлаб кетишган. Тенериф тоғларида партизанлар уруши 1495 йилнинг охиригача давом этган. Агар гуанчилар армияси испанлар томонидан оролга олиб келинган вабо эпидемиясига учрамаганида улар бу урушни яна чўзишлари мумкин эди. Натижада оролларни кашф этиш ва босиб олиш даврида маълум бўлган 20 минг гуанчининг кўп қисми XVII асрга келиб қириб юборилган, Испания ва Мағрибнинг қул бозорларида сотилган. Оролда яшовчиларнинг сўнгги бир неча юзи ёки бир-икки мингги испан колониячилари билан қўшилиб кетиб, ўз тилларини ҳам унутиб юборганлар. Улар жуда озчилик бўлганлигидан ўзларининг беғубор ирқий намуналарини, мустақил маданиятини сақлаб қола олмаганлар.

«XVIII аср бошларига келиб, гуанчилар мавжудлигига амалда барҳам берилди: айримлари жангларда ўлдирилди, бошқалари эса қуллик асоратига солинди. Шундай қилиб, тиш-тирногигача қуролланган босқинчиларга қарийб юз йил чамаси муносиб қаршилик кўрсатиб келган ва ўзларининг пайдо бўлиш сирларини бирга олиб кетган неолитик ирқ ер юзидан йўқолиб кетди», — деб ёзган Л. Грин ҳақ эди. Лекин испанларга Қанар оролларининг барча тирик жонларини қириб ташлаш, қолган-қутганларини эса ўзларига тобе қилиб олиш ҳам камлик қилган эди, улар ҳатто юзлаб ва минглаб гуанчиларнинг мўмиёланган жасадлари кўмилган қабрларни бузиб, йўқ қилиб юбордилар.

Хўш, гуанчиларнинг насл-насаблари тўғрисида олимлар қандай фикрдалар? Афеуски, оролда яшовчиларнинг дастлабки, омон қолган ва улар қиёфасида атлант чорвадорларининг авлодларини кўрган афсонавий (гуанчилар «космик келгиндилар»нинг авлодлари ҳисобланади) ва романтик ҳаёт кечирганлари, келиб чиқишлари тўғрисидаги мавжуд тахминларнинг ўзини санаб чиқишнинг иложи йўқ. Чунки улар Атлантида океани гирдобига қулаб тушишганда, ўз чорвалари билан анча балеандликда, тоғ тепасида турган эдилар. Бошқалар эса, ғойиб бўлган гуанчилар палеолитик даврдан сақланиб қолган Европа ва Шимолий Африкадаги қадимги кроманьон аҳолисининг қолдиқлари деб ёзишади, эҳтимол улар халқларни буюк кўчириш даврида шимолликларнинг кучли оқимида келиб қўшилган қандайдир «нордик герман-славян қабила»ларнинг авлодлари бўлиши ҳам мумкин. Уларни қадимда Қирмизи оролларга келган сомий-хомий халқларининг табаррук ёдгорлиги деб ҳам ҳисоблашади. Ва ниҳоят уларда Ўрта Ер денгизининг энг биринчи денгизчиларини — критлар, грек-ахейлар, кичик осийликлар, «денгиз халқлари» бир вақтлар Мисрни босиб олишга уринган, Хетт подшолигини тор-мор этиб, Фаластин территориясида қисман жойлашиб олган ва Ўрта Ер денгизида финикия денгизчилигининг мавқеини бошлаб берганларнинг қолдиқлари бор деб, атамоқдалар.

Шу ерда биз мароқли бир ҳолатга дуч келамиз. Гап шундаки, қадимги мисрликлар «денгиз халқлари»ни (кўпчилик тарихчи ва тилшунослар уларнинг келиб чиқишини Европа индеецларидан деб ҳисоблайдилар) азалдан мовий кўз ва ялтироқ сочли деб тасвирлаб келганлар, олимлар эса улар «шимолдан» келиб чиққан деган фикрни тасдиқлайдилар. Саҳройи Кабир ибодатхоналаридаги расмларнинг машҳур тадқиқотчиси Анри Лот: «Шундай тахмин қилиш керакки, Мисрга қилинган муваффақиятсиз юришлардан сўнг келиб чиқиши критлардан бўлган урушқоқ қабила (улар, бизнингча, анча узоқроқ жойдан, балким Европанинг шимолидан келишган, чунки мисрликлар ўз расмларида уларни Шимол халқларига характерли бўлган кўк кўзли одамлар сифатида тасвирлашган) Саҳройи Кабир томонга йўл олади, кейинчалик ўзларининг Ливия иттифоқчилари билан чатишиб кетишган»,— деб ёзган эди. Бироқ ливияликларнинг орасида ҳам қадимдан келиб чиқишлари ва антропологик намуналари турлича бўлган қабилалар, жумладан, очпигментли, яъни «мовий кўзли маллалар» учраб турарди. Масалан, тарих саҳнасида машҳур «денгиз халқлари» пайдо бўлишидан анча илгари Қадимги Подшоҳликнинг кўҳна миср ёзувларида (милоддан олдинги 2470-2270 йиллар) Шимолий Африкада, Мисрнинг ғарбий чегараларида ялтироқ сочли ва мовий кўзли кўчманчи ливияликларнинг

пайдо бўлганлиги ҳақида хабар берилади. Улардан аввалги қора сочли ливиялик-техеннулардан фарқли равишда мисрликлар келгиндиларни «темеҳу» деб атай бошлаганлар, бу «очсариқ» ёки «малласоч» деган мазмунни билдирарди.

Тўғри, айрим шубҳали антропологларнинг хулосаларига қараганда, бу маълумотларга эҳтиёткорлик билан ишониш керак, модомики, барча қадимги «антропологлар» ёмон мутахассислар бўлган экан, ҳар бир халқнинг ўз жисмоний намунаси — ўша халқнинг ташқи қиёфасини баҳолашнинг бирдан-бир ўлчовидир. Мисрликлар, Ўрта Ер денгизининг бошқа туб аҳолиси каби қора пигментик группаларга мансуб эди, шунинг учун ҳам ирқий рағнинг ўзгаришига оид кичкина бир ғояни ҳам тушунган ҳолда, уларнинг «атропологик маълумотлари» зарур асослардан маҳрум этишини бўрттириб ва таъкидлаб кўрсатишлари мумкин.

Аммо ривожланишнинг неолитик даврида «қотиб қолган» гуанчилар чиндан ҳам мовий кўз ва ялтироқ сочли бўлганлар. У ҳолда қадимги миср ёзувчиларига ва уларнинг расмларга ишониш мумкин бўлар, ахир ҳозирги замон антропологлари қадимги Миср расмларининг ичидан ҳам ливиялик, осиелик ва африкаликларнинг намуналарини осонлик билан топйшяпти. Яқинда нашрдан чиққан И.А. Стучевскийнинг «Қадимги Миср маданияти» китобининг «Тарих ва этнография» бўлимида мисрликларнинг қўшни халқлар билан алоқаси борлиги, таниш эканлигини ёзади: «...бу кузатувларда турли этник группалар ва элатларнинг ташқи қиёфаларини ниҳоятда аниқлик билан берилиши ҳаммани ҳайратда қолдиради, улар хетларми, семитларми, Ўрта Ер денгизи ороллари аҳолиси ёки ливияликларми, кушитларми (африкаликлар), ким бўлишидан қатъи назар, кўп сонли тасвирларда ўзларининг барча ирқий белгилари ва миллий кийимлари билан гавдаланади». Бундан чиқадики, милoddан олдинги III-II минг йилликлардаёқ ўша жойда пайдо бўлган, кейинчалик «денгиз халқлари» билан қўшилиб кетган Шимолий-Ғарбий Африка учун бу «нордик» ирқий типни қайд этганда ҳам мисрликлар адашмаган бўлар эди. Балким улардан бири Канар оролларидаги гуанчилар сулоласини бошланишига бутунлай асос солиш имконига эга бўлгандир...

Афсуски, у на йўқолиб кетган тилнинг арзимас қолдиқлари, на бу тилнинг Бетанкур монахлари ва бошқа вақеанавислар томонидан ёзиб қолдирган айрим сўзлари гуанчилар наслини аниқлашга ёрдам бера оларди. Агарда бир пайтлар тилшунослар Канар ороллари топонимиясидан бош тортиб (Канар оролларидаги Марзаган ва Шимолий Африкадаги Марзаган

ороли, Тенерифе ороли ва Мароккодаги Рифа соҳиллари) гуанчилар тилини қадимги бербер — ливияликларнинг эскирган лаҳжаларидан бири деб қабул қилган бўлсалар, ҳозирда улар ноҳуш бошқа бир хулосага келганлар. Гуанчилар тили берберларнинг 300 шевасининг биронтасига ҳам яқинлиги йўқ эди. Умуман, тилшуносларга маълум бўлган ҳозирги кундаги жаҳон халқлари тилларидан гуанчи тилига яқин «қариндош тил» топилмаган. Эҳтимол йўқолган тил ҳақида етарли маълумотларнинг бўлмаслиги изланишларга ўз таъсирини ўтказаяётгандир, балки бу тилнинг «қариндошлари» аллақачон ер юзидан ғойиб бўлгандир. Улар «лингвистик ворислар» қолдирмасдан, қадим ўтмишдаёқ йўқолиб кетган.


Антропологлар бир замонлар пигментлашган аҳолини ажратиб, муҳофаза қилиб қўйилган группаларини ана шундай туркумга киритадилар (алоҳида ажратиб қўйиш ва қўшнилар билан аралашиб кетишнинг йўқлиги натижасида). Масалан, Эрон нуристонликлари, Помирдаги айрим водийларнинг тожиклари кейинчалик «кўк кўзли малласоч» бўлиб қолган. Бу — шунга ўхшаш Кашмирнинг (хунза) буришки — веришкилари, Кавказнинг баъзи бир тоғлик халқлари, Ғарбий Сибирнинг ўрмон ненецлари, Марокконинг риффа — берберлари ва бошқалар. Биринчи бўлиб бу ҳодисани совет биологи ва сайёҳи Николай Иванович Вавилов, Эски Дунё маданий ўсимликларининг ватандошларини излаб топиш мақсадида Афғонистонга қилган саёҳати мобайнида бу факторнинг таъсири билан тўқнашганда аниқлаган эди.

Фикримизча, қандайдир номаълум сабабларга кўра денгизчилик санъатини унутиб юборган гуанчилар худди шундай эндогамм группаларнинг бирига мансуб экан. Юқоридаги процессларнинг таъсири натижасида улар «мажбуран малласоч» бўлиб қолганлар, шунинг учун ҳам уларни ибтидоий «мовий кўз кроманьон»лар тоифасига киритишнинг ҳожати қолмайди, ваҳоланки, ҳали ҳеч ким кроманьонлар малласоч бўлган деб исботлаганича йўқ. Фақат битта бош чаноқ билан, афсуски, йўқолиб кетган кроманьонлар сочининг рангини аниқлаб бўлмайди.

Гриннинг образли ифодасига кўра, гуанчилар бош чаноғининг тузилиши қадимги кроманьонларнинг антропологик намуналарини тарқатувчилар бўлиб қолар экан, кейинчалик тўқкиментлидан очпигментли «ўтмиши номаълум малласоч» га айланишлари мумкин эди. Улар номаълум ҳолда Канар оролларига узоқ ўтмишда келишган бўлиб, ҳақиқатан одамлардан батамом ажралган ҳолда яшаганлар ва ҳатто ер юзидан ўзларини ягона сдамлар деб ҳисоблаганлар. Демак, улар вақтлар ўтиши билан қайд этилган биологик қонунлар таъсирига

гирифтор бўлиб, Канар ороллариининг машҳур «ажратиб қўйилган» намуналари бўлиб қолишган.

Гуанчилар тарих ва маданиятини ўрганиш бўйича машҳур Канар тадқиқотчиси Перес Нараньо бундай туркумдаги муаммолар ҳақида «ҳозирги вақтда дунёдаги ечилмаган жумбоқлар рўйхатини тузадиган бўлсак, гуанчилар муаммоси бу рўйхатнинг энг бошида бўлади», — деб хотирлайди.



СВЯТОСЛАВ СЛАВЧЕВ

*Болгария*

## ЧЎҒ УСТИДАГИ РАҚСЛАР

Бултурги кузак пайтлари ниҳоят чўғ устида юришни кўришга муяссар бўлдим. Қуёшли соҳил дея аталмиш халқаро курортга яқин тоғда таомлари билан кўпдан бери ном қозониб келаётган мўъжазгина экзотик ресторан бор. Уша ерга дўстим Лука билан тасодифан бориб қолдим. Қош қорая бошлаганди. Өстимиздаги олис пастликлар туман билан чулганган. Қоронғилик қуюқлашган сари ресторан қаршисидаги ўтлоқда ёқилган катта гулхан алангаси яққолроқ ёлқинланарди. Гулханда бир неча қўйнинг нимтаси кавоб қилинаётганди. Мўйсафид чол сихларни бир-бир ағдарган кўйи тамаки чекиш билан банд.

— Шунча кавобни нима қиласиз, отахон? — сўради ундан Лука. — Иккита қишлоқни боқиш мумкин-ку бу кавоблар билан.

— Хоҳлаган кавоб ейди, хоҳлаган афсунгарликни томоша қилади, — бепарво жавоб қайтарди чол.

Мен сирли афсунгарлик, чўғ устида юриш ҳақида нима билардим? Болгариянинг жанубида одам чиқиши қийин Странжа тоғ тизмалари қад кўтарган. Турклар истибдоди замонларида босқинчилар барибир бу ерларга етиб чиқишолмаган — ҳаётлари учун хатарли эди.

Тоғ қишлоқларида қадимдан ҳаяжонли томоша кўрса тиш — афсунгарлик анъанаси бор.

Ҳар йили 3 июнда Константин билан Елена айёми куни қишлоқ майдонида чўғ устида юриш маросими бўлиб ўтади.

Катта ёшлик бир неча афсунгар аёллар кечқуруноқ черковга кириб олиб, тун бўйи ибодат қилиб чиқишди.

Эрталаб барвақт қишлоқда ўзига хос музика янгради — халқ чолғу асбоблари тимпанлар билан гайдо нағма қила бошлади.

Бу орада эркаклар майдонга ўтин тўпладилар. Сўнгра музика садолари остида катта гулхан ёқилди. Кечқурун, қоронғилик чўккач, эркаклар чалаларни шошилмай бир жойга йиғиб, улкан лаққа чўғ ғарами ҳосил қилдилар. Шундан сўнг Черков дарбозалари очилиб, аёллар майдонга чиқишди. Улар ялангоёқ ҳолда гўё лаққа чўғ кўмирлар иссиғини сезмагандай қулоқ битирар даражадаги музика садолари остида чўғ кўмирлар узра қисқа-қисқа сакраб-одимлаб, олов маркази сари интила бошладилар. Аёлларни ибтидоий рақс тушишдан бўлак нарса қизиқтирмасди гўё. Кейин улар лаққа чўғ кўмирларни тарк этишди. Аёлларнинг оёқларида бирор куйганлик аломати сезилмасди.

- Қишлоқда оммавий сайил бошланди. Ҳозиргина чўғ устида рақс тушган аёлларни ҳурматлаб эъзозлашарди. Бу ўринда бош қотиб қолиши табиийдир. Ахир кўмир-чўғларнинг ҳарорати оз эмас-кўп эмас 400—500 даража-я!

Революциядан кейин болгариялик комсомоллар чўғ устида рақс тушиш маросимини диний хурофотлардан тозалашга қарор қилишди. Бир гуруҳ ёш атеистлар 1946 йили ўша, динга алоқадор деб келинаётган маросимни айнан ажойиб тарзда такрорлашди.

Булар йигирма етти нафар йигитлар билан қизлар эди. Улар 10 мүнута вақт пойафзалсиз лаққа чўғ кўмирлар устида рақс тушишди. Кейин аниқланишича ўша ёшлардан атиги уч кишининггина товонлари куйганди холос. Қолганларнинг ҳеч қайсисига зарар тегмаган. Мазкур воқеа Болгария фанлар Академиясининг китобида тасвирлаб берилган.

Дўстим Лука чолдан: «Шунча кавобни ким учун пиширяпсиз, отахон?» — деб сўрагач, мўйсафид: «Хоҳлаган кавоб ейди, хоҳлаган афсунгарликни томоша қилади», — қабилда жавоб қайтарган ўша кезлар мен чўғ узра юриш ҳақида мана шуларни билардим.

Орадан ярим соат ўтар-ўтмас ўтлоққа тумонат одам тўпланди.

Гулханны анвойи ранг ленталар боғлоқли йўғон арқон билан кўрғашди. Чол пишган, иштаҳали бўй таратувчи гўшт нимталарини олиб кетиб, ёғоч кўтарган кўйи қайтиб келди-да, йирик лаққа чўғ кўмирларни майдалашга киришди.





Шу пайт учта эркак билан бир қизни кўриб қолдим. Улар нарироқдаги шапалоқ япроқли болут остида нималарнидир гаплашиб туришарди. Тўрттовлари ҳам оёқяланг. Эркаклар эғнида қадимий хонаки костюм, қиз тизза баробар нақшин кўйлак кийиб олганди.

Лука иккимиз яқинлашиб, улар билан танишиб олдик. Қизнинг исми Невена экан.

— Кўпдан бери чўғ устида юриш одатинг борми? — сўрадим қиздан.

Невена, ўн икки ёшимдан бери, дея жавоб қайтаргач, сукут сақлади-да, кейин умуман илк бор тўққиз ёшида қизиқа бошлагани, аммо товони қаттиқ куйиб қолгани учун бувиси уни эчки сути аралаш гиёҳда уч ҳафта даволагани, сўнгра уч йил кейин яна мазкур машғулотга киришганини қўшиб қўйди.

— Хўш қалай, қийинми бу машғулот? — сўради Лука.

Невена, йўқ, қийин эмас, чўғ-кўмир устида чаққон, сакраб-сакраб юрилса бас, энг асосийси бармоқларни букилса бўлгани, дея жавоб қайтарди. Лука иккаламиз ҳайрон бўлиб қолдик: ҳамон бу ҳунар осон экан, ҳар қандай одам ҳам оловни бўйсундириб, чўғ устида юрса бўларкан-да?!

— Тўппа-тўғри, — деди қора сочли Невена. — Ҳар байрам қишлоғимиздаги ҳамма бир-бир чўғ устидан юриб ўтади.

Волинкалар наво бошлади. Бу куй оғир, ўткир, шикастали бўлиб, ҳар қандай одамни ҳам саромисага солиб қўярди. Бамисоли кимдир катта темирни ойна устида гижирлатиб юргизаётганга ўхшарди.

Оташпарастларнинг Тодор исмли, қирқ ёшлардаги, чарос кўзлари ялтировчи бошлиғи биз томонга: сўраб-суриштиришни бас қилинглар, деган маънода қўл силтаб қўйди. Сўнгра оташпарастлар гулхан томонга йўналишди. Даҳшатли музика ҳамон авжида эди. Оташпарастларни қуршаган жонли девор бир зумда жипслашди. Тодор биринчи бўлиб оловга қадам қўйди. У олов доирасини аста кесиб ўтиб, орқасига қайтиб келгач, шу заҳоти доира бўйлаб одимлай бошлади. Тодор лапанглаб силжир экан, гўё оёғи остидаги жаҳаннамий оловни сезмас, теварақдаги юзлаб ҳайратангиз, даҳшатга тушган, кўзлари ола-кула одамларга лоқайд боқарди. Бунни кўриб хаёлимга: найрангбозлик, кўзбўямачилик, авраш бўлмаянти-мики, деган фикр келди.

Тодор Невенани кўтариб, ўн беш-йигирма қадам олиб боргач, уни лаққа чўғ устига қўйди. Қиз қисқа-қисқа, сакрай-сакрай юриб кетди. У қўлларини керган, кўзлари ярим юмик эди. Ойпарастлар камбар томлар учида шундай юришса керак. Музика тобора тезлашиб, янада ваҳимали тус олар, назаримда мен ҳам пойафзалимни ечиб, анвойи ранг ленталар боғлоқли йўғон арқон остига шартта шўнғисам, лаққа чўғ устида

қўлларимни кертганча ойпараст каби юриб-елиб кетишим мумкиндай туюларди. Эҳтимол Лука ҳам, атрофни куршаган барча томошабинлар ҳам ўзларини шундай сезаётган бўлсалар керак...

Мен учун бир неча ҳайратангиз кутиш соатларидай туюлган маълум вақт ўтгач, маросим тугади. Лука оловга яқинлашмоқчи бўлди-ю, лекин кучли ҳарорат тафти уни дарҳол орқага тисарилишга мажбур этди.

Мен Невенани ахтариб топдим. — У тахта эстрада ёнида ўтирарди.

— Кечирасиз, пошша қиз, оёқчаларингиз панжасини кўриш мумкинми? — сўради Лука.

Таажжубланарлиги шуки, Невена сираям тапт тортмай олдин Лукага, кейин менга ҳам оёқлари панжаси остини кўрсатди. Узунқулоқ гапларга хилоф ўлароқ қизнинг оёқ панжаларида на заррача тирналиш, на зигирдай қадоқ ҳам йўқ эди ҳатто. Саросималаниб қолган Лука ҳатто чарм гилофдан заррабий олиб, Невенанинг нозик оёқчаларини кузатиб ҳам кўрди. Ҳеч қандай куйиш аломати йўқ эди!

— Нечун оёқларинг куймади, Невена? — сўрадим мен.

— Қайдам. Музика чалина бошлаган заҳоти назаримда оёқларим жонсизланганга ўхшаб қолади-да, худди тушимда қип-қизил ер узра тўхтовсиз парвоз қилаётгандай бўлавераман.

— Тез-тез юриб турсанми чўғ устида?

— Май ойдан ноябргача ҳар оқшом юраман. Баъзан икки-уч марта такрорлайман бу машқни.

— Қўрқмайсанми?

— Нега қўрқишим керак экан? Одатдаги машқ-ку ахир. Қишлоқдаги акам Димитрий чўғ устида оёғини осмондан қилиб ҳам юради. Бирор жойини ҳам куйдирмаган у.

Сирли мўъжизаларга тўла оқшом сайли шу зайлда тугади. Невена ҳужрага кирди-да, кўп ўтмаёқ кийимларини ўзгартирган ҳолда яна қаршимизга ялтироқ кўкиш кўйлак билан бежиримгина чарм туфлича кийиб чиқди. Биз қизни Қуёшли соҳилга қатновчи автобус йўлигача кузатиб қўймоқчи бўлдик. Автобус яқингинадаги тоғ йўлида тўхтаб ўтарди. Аммо Невена, аксинча, бизни шахсий машинасида олиб кетиши мумкинлигини айтди.

— Машинангиз ҳам чўғ устида еладими, мадемуазель? — аския қилмоқчи бўлди Лука.

Қиз ҳеч нарса демай, машинаси эшикчасини очиб бизга ўтиришни такиф этди. Шундай қилиб, биз пастга, денгиз томон йўл олдик. Афсунгар қиз ёнида ўтирарканман, қулоғимга тормознинг тўхтовсиз гийқиллаб қўйиши чалинар, машина нақ ярим километрли ўрлардан муҳофаза этувчи тўсиқлар ёқалаб еларкан, мен ҳам ўзимни худди чўғ устида юриб кетаётгандай сеза бошладим.

Г. ДАНИЛОВА

врач

## ЧЎҒ УСТИДА ЮРИШ ҲАҚИҚАТМИ ЕКИ УИДИРМАМИ?

Чўғ устида юриш ҳақидаги Болгарияда тарқалган илк маълумотлар XIX асрнинг ўрталарига мансубдир. Аммо асли чўғда юриш кўз илгамас олис мозийга бориб тақалади. Кўҳна Италияда маъбуд Апполонга бағишлаб ўтказилувчи ҳар йилги сайил тантаналари ёзиб қолдирилган. Ушандай маросимларда қурбонликдан сўнг бутун-бутун оилалар ялангоёқ бўлиб лаққа чўғ кўмир устидан юриб ўтган эканлар. Бундай тантаналарни Вергилий ҳам «Энеида» асарида эслаб ўтган. Шунга ўхшаш маросимларни осиелик маъбуда Пересин-Артемиданинг қоҳинлари ҳам, африкалик азайимхонлар ҳам, ҳинд йоғлари ҳам ўтказишган. Тинч океандаги Фиджи оролларида бир неча асрлардан бери жорий бўлмиш оловда синаш русумлари ҳайратангиздир. Маданият тарихчиларининг фикрига кўра, Тинч океан оролларидагилар, янги зеландияликлар ва ҳатто Канада ҳиндлари ҳам чўғ устида юриш санъатини айна ўша фиджилардан ўрганишган эканлар.

Шундайин маросимларга фиджилар фойдаланувчи тошнинг физик хусусиятлари хусусида мутахассислар билдиришган фикрлар бағоят мароқлидир. Мазкур тош-базальт аксари Тинч океандаги вулқон ҳосил қилган ороллардагина учрайди. У говақ, сувни яхши шимади, ҳарорат ўтиши қийин, бир текис қизмайди. Бир томони оқарар даражада қизиб кетса, иккинчи томони илиқ бўлади холос, демак уни бемалол қўлга олиш мумкин. Бу базальт иссиқлик хусусияти жиҳатидан сўргични эслатади. Сўргич таёқчасини оловда эритиб, қўлда ушлаб туриш мумкин.

Лаққа чўғ кўмир билан тош устида юришни турлича изоҳлайдилар.

Л. Грин, «Кўҳна Африканинг сўнгги сирлари» китобининг муаллифи: «Ҳеч қандай сезгисизлик ва кўз бўяш йўқ. Шунчаки оёқлар тер чиқариб, ҳосил бўлган суюқлик резалари терини куйишдан муҳофаза этади. Худди шунингдек сўлак ҳам олов ютувчилар оғзини чўғдан асрайди».

С. РИПС, техника фанлари доктори: «Ўтган аср охирларида пўлат қуювчи заводларнинг тажрибали ишчилари баъзан янги

ишчиларга найранг кўрсатишган, яъни қўлларини бир лаҳза эриган пўлатга тиқишган. Бугнинг ниҳоятда кўплиги қўл терисини бир он куйишдан сақлаган».

Профессор Арнаудов ва доктор Горвалова (Болгария): «Мазкур ҳодиса академик И. Павловнинг физиологик таълимоти асосидаги олий асаб системасининг фаолияти билан боғлиқдир. Раққосанинг куймасликка қамоли ишончи ва раққс ниҳоятда тез бўлганлиги учун оёқлар кўмирга тегар-тегмас ҳаракат қилиши оқибатидир чўғ устида юришнинг сири».

Е. Сальников, медицина фанлари кандидати: «Ўрта асрлар тарихида бирор ҳодиса қад этилмаганким, қайсики гулханда ёндирилаётган маҳкум лоақал хиёл олов ҳаракатига қаршилиқ кўрсатган бўлсин. Аммо пойафзал — кийимга имконияти йўқ ва ҳатто лаққа чўғ кўмир устида лаҳзали томоша кўрсатишга мажбур одамларнинг оёқларидаги товон териси қуруқ ҳамда зич пай қатламидан иборат бўлганким, бу куйишдан асровчи энг пишиқ қалқондир. Баданимиз терисини организмни душманлардан муҳофаза этувчи олдинги мудофаа чизиғи дейиш мумкин. Бинобарин организмнинг ҳимоя воситалари таркибида биз ҳозиргача новоқиф воситалар борлигини таҳмин қила оламиз».

П. Будников, академик: «Агар одам 500-600 даража қиздирилган жойда лоақал 1-2 дақиқа турса ҳам унинг баданини ихлос орқали куйишдан сақлаб қолиш мумкин эмаслигига ҳеч қандай шубҳа йўқ. Ҳолбуки фиджилар кам ҳарорат ўтказувчи тошлар устида юришади. Бинокорларга ҳароратдан дурустгина сақлаяжак материал ҳизматини ўтовчи қўйма, говак оҳаклар яхши маълум».

А. Савельев, техника фанлари доктори: «Пахта ипли мато 300 даража ҳароратда ёнади. Бироқ матони эриган металлда бўяш усули бор. Бу қуйидагича амалга оширилади: матога бўёқ сурилиб, кейин уни эритилган металл орасидан жадал ўтказилади. Терини у ёнар тарздаги ҳарорат даражасидан анча юқори даража ҳароратли камераларда қуритиш мумкин. Лекин бу жуда қисқа муддатда бажарилмоғи лозим. Шундай экан, товонлари териси 2-4 миллиметрли одамлар чўғ устида қисқа муддат юришлари жудаям мумкин».



ВЛАДИМИР ДРОБИШЕВ

журналист

## ОЛТИН БАРРА УЛКАСИ НЕГРЛАРИ

Кўхна Абхазия... Мазкур ўлка Асосий Кавказ тизмалари билан Қора денгиз соҳиллари оралиғидаги ям-яшил минтақада жойлашган. Ҳайратангиз ривоятлар, маталу афсоналар билан йўғрилган жаннатмакон бу юртнинг тарихи романтик сирларга бой. Буюк Абхаз девори ва сув остида мангу ухламиш Дноскурия шаҳри сирлари, пакана одамлар шаҳри Ацангвар кечмиши ҳамда долменлар маданияти феномени шундай сирлар жумласидандир.

Энг мароқли этнографик ва тарихий жумбоқлардан бири қадим-қадимдан Абхазияда яшаб келувчи негрлар ҳисобланади. Негр-колхозчилар. Негр-врачлар, ўқитувчилар... Ажабо, негрлар бу ўлкада нима қилиб юришибди?

Абхазияда негрлар қачон пайдо бўлишган ўзи? Ўтмишда Африка билан Қора денгиз соҳиллари ўртасида алоқа бўлганми?

Мен шундай саволлар билан машҳур абхаз этнографи, тарих фанлари кандидати Вианор Пачулиага мурожаат этдим. У қуйидагиларни ҳикоя қилиб берди:

«Осмон ҳам, ер ҳам сукутда, — сўзлай бошлади афсунгар, — сен, булутлар галасини ҳайдовчи, сен, юлдузлар чаманининг ҳукмдори, сен, олам жонзотлари султони, курраи замин ва тавқи лаънат фалакка раҳм айла. Менинг макрларимдан нигоҳингни дариг тутма!»

— Афсунгар сўзлай туриб, фақир кулбасини уч бор гир айланиб чиқди. Кулбанинг даста-даста қуруқшоқ чечаклар чайқалувчи деворларига балиқ ва қушлар тулуми ёпиштириб ташланганди. Кейин жодугар юришдан тўхтаб, қоп-қора юзини уфқ томон бургач, худди парвоз қилмоқчидай оёқлари учида турди-да, баногоҳ баланд овозда фарёд қилди.

Олов тулпор ўйнатади олов чавандоз:

Телпак-олов, камзул-олов

Чолвор, чувак ўт,

Эгар, жилов — ёнар лов-лов,  
 Қамчидан ҳам сачрар олов.  
 У елади ёлқинсимон,  
 Орқасидан олов мисол,  
 Еласан сен ҳам.  
 У сачрайди ёлқинсимон,  
 Орқасидан олов мисол,  
 Сачрайсан сен ҳам.  
 Орта қолгай Асилле ҳам.  
 Мира, Жира ҳам.  
 Ут-қояда ўт-илолни ўлдирдингиз!<sup>1</sup>

Кампир даҳшатли хитобини тугатган ҳамоно уч нафар тенгдошларим дош беролмай ура қочиб қолишди. Улар шу қочганларича қалин буталар, муздек ирмоқлар, қумлоқ, соҳиллар, Понт эвксиннинг мулоғим тўлқинлари, қадрдон Адзюбжа қишлоғига етгунга қадар ҳам тўхташмади! Нима ҳам қилардим Абаш кампир худди қадимдагидай руҳларни аврашини сўраб! Дўстларим ортидан жуфтакни ростлаб қолиш истогимни базўр босиб, қўрқа-писа фалак ва ерни сеҳрловчига жавдирай бошладим.

Шу пайт мўъжиза рўй берди. Қора танли сеҳргар пешонасидаги реза терларни сидириб ташлаб, оппоқ соч толаларини текислагач сўради:

— Нима, қўрқинчлими?

— Жудаям, — тан олдим ҳайратда.

— Ҳали бу ҳеч нарса эмас. Менинг бувим бундан ҳам баттар қўрқитадиган сеҳргар эди. Дарахтларни тоғлар тепасидан худди қушлардек учишга мажбур қилар, ирмоқларни буриб юборар, тоғларни чайқатарди.

— Абаш буви, нега танингиз қоп-қора?

— Чунки ота-оналарим негр бўлишган. Ота-онамнинг ота-оналари ҳам негр эканлар. Азал-азалдан шундай.

— Негрлар қаерда яшашади?

— Африкада.

— Абхазиямизда Адзюбжадан ташқари тагин қаерларда бор негрлар?

— Поквешади, Ачандарада, Члоуда, Тхин, Мирқул, Киндикда бор негрлар.

— Анчадан берими?

— Дунё яралгандан бери.

<sup>1</sup> Раззоқ Абдурашид таржимаси.

Абхаз негрлари ҳақидаги дастлабки ёзма маълумотларни 1913 йилги «Кввказ» газетасидан топдим. Мазкур газетанинг 16 март сонидagi мақолада этнограф В. И. Врадий чалиш негр Ажи-Абдул ўгли билан учрашганини ёзган эди. Олимундан атроф қишлоқлардаги негр болаларни сўраб-суриштирибди, расмга тушишга кўндирибди. Турган гапки, В. И. Врадийнинг мақоласи тарих фани учун кўпда қимматга эга эмас. Лекин худди ўша газетада эълон қилинган фикрлар анчагина мароқлидир. Е. Марков деган кимса тубандагича гувоҳлик беради:

«Адзюбжа жамоасидан илк марта ўтиб бора туриб, айни тропик ландшафтдан ҳайратга тушдим: ям-яшил бокира буталар орасида қамиш томли кулбалар кўзга ташланар, ўша кулбаларда жингалак сочли негр аёл нимадир кўтарган кўйи кетиб борарди. Кўз қамаштирар даражадаги офтоб нури чулган ошпоқ кийимли қора танли одамларга қараб кўз олдимга Африка манзарасини келтирдим... Абхазлар орасида қадимқадим замонлардан бери яшаб келишаётган бу негрлар маҳаллий аҳолидан ҳеч жиҳатлари билан фарқ қилишмас, абхазча сўзлашишар, эътиқодлари ҳам шу ерликлар эътиқодида эди. Уйлашимча, мазкур негрлар бу ерларга тасодифан келиб қолган бўлишлари керак. Уларни хойнаҳой Кавказнинг Қора денгиз соҳилларида пайдо бўлишган турклар келтирган бўлсалар ҳам ажаб эмас. Маълумки, турклар доимо кўплаб негр хизматкорлар сақлашганким, улар Туркиянинг Африкадаги мустамлакаларига мансубдирлар. Мазкур собиқ қулларнинг бир қисми Қора денгиз соҳилларида ўрнашиб қолиб, таналари рангидан ташқари айнан туб аҳолидан фарқ қилмай кўйганларнинг ажабланарли ери йўқ асло».

Кўриб турибмизки, муаллифнинг хулосаси қатъийдир. Негрлар Колхиданинг бир вақтлардаги ҳукмдорларига тобе қуллар авлодидир, дейди Е. Марков.

Шуниси мароқлики, ўтган ярим аср мобайнида тарихчилардан деярли ҳеч ким юқоридаги нуқтаи назарни рад этишга уриниб кўрмаган. Бунинг ҳам тушунарсиз томони йўқ. Абхазияда ёзув Октябрь инқилобидан сая олдингина пайдо бўлганлиги сабабли афсонавий олтин жун ўлкаси тарихини ҳужжатли тарзда тиклаш оғир масаладир. Фақат бой фольклор материаллари, бир пайтлар Колхидага ташриф буюришган муҳожирларнинг бавосита манбалари ёки мазкур ўлка тўғрисида тужжорлар, зиёратчилар, қароқчилар, сайёҳлар оғзидан эшитилган гапларни асос қилиб олишга тўғри келади. Ушбу изланишларда яна шу нарса мураккаблик туғдирадики, Абхазия беҳад узоқ ва ўзига хос тарихга эгадир.

Эрадан олдинги биринчи минг йиллик ўрталарида қудратли Греция давлати Абхазия соҳилларида ўз мустамлакаларини



яратган. Уша замонларда Колхиданинг Қора денгиз соҳиллари каби қадимий грузин ва абхаз қабилалари макони бўлмиш Абхазия ҳам Урта Ер денгиз мамлакатлари билан Осиё, Хитой ва Ҳиндистон ўрталаридаги савдо алоқаларида ўзига хос воситачилик қилган.

Икки минг йилдан зиёдроқ муқаддам мазкур мустамлакалар Митридат Понтийск қўл остида бўлди, кейинчалик Рим томонидан бўйсундирилди. Диоклетиан хукмдорлиги даврида бу ерларга христианлар сургун қилинарди. Абхазия Византия билан иттифоқчиликда Эронга қарши уруш олиб борган. Ниҳоят 1578 йили турклар бўйсундирган бу мамлакат узоқ уч аср мобайнида султонлик истибдоди остида азоб чеккан. Истаган турк нойиби Абхазияга ўзининг жонли мулки — қора танли қуллерини келтириб, уларни маҳаллий тўраларга сотгани ажабланарли ҳол эмас.

Бироқ худди ўша «Кавказ» газетасида тарихчи Е. Лавров бошқароқ, анча оригинал фикр билдираркан, у Қора денгизнинг шарқий соҳилидаги аҳоли тўғрисида тўқилган ривоятларга таянган. Қани, эътибор берайлик-чи, Е. Лавров нималар деганикин?

«Қадимда Қора денгизнинг колхлар яшовчи шарқий соҳили грекларга Колхида номи билан маълум бўлган. Колхларнинг илк номи эрамиздан олдинги У II асрга мансуб дostonларнинг парчаларида учрайди. Бинобарин, греклар ҳали унда Қора денгиз соҳилларини билишмаган, фақат қандайдир ғира-шира хотиралар асосида ўзларидан шарқда, ҳад-ҳудудсиз Понт Эвк ортида жаннатмакон, нур, ҳарорат ва олтинга бой колхлар мамлакати бор деб ҳисоблаганлар. Аргонавтларнинг фантастик юриши тасвирланмиш ривояту қўшиқлар, чамаси, греклар ҳали денгиз орти мамлакатларини мишмишлар орқалигина билишга узоқ ўтмишда пайдо бўлган бўлиши керак.

Аргонавтлар ҳақида қисса тўқилган пайтларда греклар колхларнинг ўзларини кўришмаган бўлиши, уларга исталган фазилатларни нисбат бераверишган. Грекларнинг тасаввурларида колхлар давлат тузуми (подшо Аэте, малика Медея, соқчилар), зироатчилик (ҳўкизлар билан омон), ўқ-ёй ва шамширлар, ярақ-юруқ дубулғалар билан қуролланган лашкарга эга эдилар. Турган гапки, бу тасаввурлар ўта хаёлий бўлиб, колх халқи грекларга маълум эмасди.

Шахсан Колхидада бўлиб, бизга колхлар тўғрисида маълумот берган биринчи грек Геродотдир (эрадан олдинги 484-425 йиллар). Мана у нима дейди:

«Колхлар Мисрдан келиб чиқишган чоғи. Мен бу хусусда бошқалардан эшитишдан аввал шундай тахмин қилардим, аммо тўла ишонч ҳосил қилмоқ учун иккала элдан ҳам сўраб-суриштирдим: колхлар мисрликлар тўғрисида кўпроқ хотира-

лар сақлаб қолишган, мисрликлар бўлса, колхлар ҳақида бундай маълумотга эга эмаслар. Мисрликлар фикрига кўра, колхлар Севострис лашкарлари бир қисмининг авлодларидир. Мен тубандаги белгилар асосида шундай хулосага келдим: биринчидан, улар барзанги ва жингалак сочлидилар» ва ҳоказо.

Юртидаги одамлар қорамтир ва ҳатто анчагина қорамтир танлиликлари одатдаги нарса бўлмиш грециялик Геродот шунчаки бадани қорамағиз, қора соч, ҳозиргачан ҳам Қора денгиз соҳилларида яшашаётган одамларни барзанги деб атаганига ишониш қийин. Шунингдек, жингалак сочилилик хинд-европаликлар учун эмас, негрлар билан ҳабаш қабилалари учун хосдир.

Геродотдан аввал яшаган Пиндар (эрадан олдинги 522-448 йиллар) ҳам колхларни барзангилар деб атаган.

Қора денгизнинг Кавказ соҳиллари ҳақидаги озми-кўпми ишонарли маълумотлар Митридат (эрадан олдинги 132-63 йиллар) замонларига бориб тақаладиким, у пайтлари колхлар қабила сифатида йўқ бўлиб кетгандилар. Ҳатто олдинроқ, Гиппократ (эрадан олдинги 460-377 йиллар) даврида ҳам ҳозирги Мингрелияликлар оқ танлилар сифатида тасвирлангандилар. «Уларнинг ранглари сариқ касали бор одамларни-кига ўхшаш сарғиш-кўкимтирдир...»

Мазкур маълумотлардан келиб чиқадиган хулоса шуки, эрадан олдинги Колхидада кушит (ҳабаш, негр) элати қабиласи яшаган. Мазкур элатнинг қолдиқлари (чамаси) ҳали кўп миқдорда бўлган. Геродот V аср бошларида уларни кўриб, суҳбатлашган. Кейинчалик, ўша асрнинг охирида улар, баъзи оилалар мустасно, бутунлай йўқ бўлиб кетганлар».

Понт Эвк соҳиллари тарихи — бу сон-саноксиз жангу босқинлар, бутун-бутун халқларнинг кўчиб юриши, давлатлар туғилиб, буткул йўқ бўлиб кетишидан иборатдир. Абхаз қабилаларининг пайдо бўлиши муаммоси ҳали ҳанузгача ҳам тўлатўкис ҳал этилмаган. Бу хусусда турли фараз ва назариялар (ҳабаш-миср, Шимолий Кавказ, Кичик Осиё, автохтон ва бошқалар) мавжуд. Автохтон фаразни ҳисобга олинмаса, қолган бошқа фаразу назарияларнинг ҳеч бирини узил-кесил тўғри дея олмаймиз. Зеро, бу хусусда ҳали ишончга молик ва салмоқли исботлар тўпланган эмас. Хуллас, қўлимизда тарихий Колхидада негр аҳолиси яшаганлигини тасдиқловчи рад этиб бўлмас далиллар йўқ. Бинобарин, Геродот айтган маълумотларни Колхида билан алоқадор афсоналар сирасига киритиш тўғрироқ бўлади. Лекин ҳамон гап абхазиялик негрлар хусусида борар экан, ажойиб абхаз олими ва адиби Дмитрий Гулианинг тадқиқотлари устида тўхталиб ўтмоқчиман.

Д. Гулиа «Абхазия тарихи» китобида абхазлар Миср билан Абиссиниядан келиб чиқишган деган тахминга борган эди. Бу ўринда олим колхлар Мисрдан келиб чиққанларини исботлашга ҳаракат қилишган Геродот, Каллимах, Перилгет, Марцеллин, Диодор Сицилийский, Страбон, Дионисий, Евстафий кабиларнинг асарларидан қайта-қайта парчалар келтиради. Лекин парчалар ҳали исбот деган гап эмас. Айни вақтда Д. Гулиа абхазча географик атамалар, маъбудлар, кишилар, нома, расм-русм, урф-одатларни абиссина-мисргача муштараклигини келтирадики, бу анча салмоқли маълумотлардир. Мана ўшалардан айримлари.

### **Минтақалар, қишлоқлар, шаҳарлар**

Абхазияда	Абиссинияда
Гумма	Гумма
Багада	Багад
Самхария	Самхара
Набешь	Хэбеш
Акапа	Акапа
Гоандара	Гондара
Колдахвари	Котлахари
Челоу	Челов

### **Дарёлар**

Абхазияда	Абиссинияда
Табакур	Дабакур
Хоби	Хоби
Гума	Гума
Атбара	Атбара
Абаша	Абаша

### **Исмлар**

Абхазияда	Абиссинияда
Засхан	Засхал
Шабак	Шабаку
Губаз	Губазе
Шардин	Шардан
Салида	Сабита

Бу ўринда Д. Гулианинг барча далилларини келтириб ўтирмайман. Мен учун муҳими бошқа нарса, у ҳам бўлса китобхонларга «абхаз негрлари» деб аталмиш муъжазгина сир — бу жумбоқлар, ноаниқликлар, зиддиятлар тугунидан иборатлигини кўрсатиб беришдир.

Мазкур тугунни ечишда ким кўмаклашиши мумкин? Ҳозиргача Абхазияда яшамиш, ташқи кўринишларидан бўлак ҳамма жиҳатлари билан абхазларга аралашиб, уларга ўхшаб кетишган негрлар цитрус пайкалларида, Ткварчели конларида, Сухуми корхоналарида меҳнат қилмоқдалар. Улар учун Абхазия ватандир. Қадим-қадимдан. Қачонлардир юз ёшли Абаш буви айтганидек Абхазия негрлар учун дунё яралгандан бери ватандир. Мазкур сеҳргар ҳамон кўҳна маталу эртакларни элас-элас эслар, гоҳо фол очиб, инс-жинсларни ҳайдашга ҳам рози бўларди. 1927 йили Максим Горький драматург Самсон Чанбой билан биргаликда Адзюбжа қишлоғидаги Абаш бувининг ҳузурига ташриф буюриб бу аёлнинг беназир маҳорати ва афсунгарлигига қойил қолганди. Мен гоҳо буюк адибнинг асов тоғ дарёси Кодор ёқасидаги гулхан ёнида ўтирган кўйи халқу элатларни турли қитъаларга питратиб юборган жангу жадаллар борасида сархуш ўйга чўмганини тасаввур этаман.



В. АНКВАБ

*СССР Езувчилар Союзининг аъзоси*

---

## АБХАЗ ЖАНГНОМАСИДАН БИР САҲИФА

Нарт баҳодирлари жангномаси Кавказдаги барча халқларда бор, лекин у абхаз, адиг ва осетинларда кўпроқ тарқалган. Нартшунос олимлар (В. Абаев, Ш. Инал-ипа, Ш. Салакана, А. Аншиба ва бошқалар) мана кўп йиллардирки, мазкур жангнома пайдо бўлиши тахмин этилган давр қиёфасини тиклаш ўлида фольклор ҳамда этнографик тадқиқотлар олиб бормоқдалар. Олимларнинг мазкур тадқиқотлари ва мунозаралари ақти келиб ҳақиқатни очиб кўрсатишига ишончимиз комил. Аммо бу ўринда бир нарса: нарт баҳодирлари жангномаси сли Кавказга мансубдир. Санаси бир неча минг йилларни ашқил этади. Жангнома ҳикояларида матриархат, шунингдек,

патриархатга ўтиш даврлари шоирона рамзлар ва куч-қудрат билан суғорилган қаҳрамон образлар орқали чизиб кўрсатилган.

Нарт баҳодирлари жангномасида абхаз негрлари тўғрисида бирор нарса топиш мумкинми? Ҳа, мумкин экан. Қани, нарт жангномасидаги эпизодлардан бирини таҳлил этиб кўрайлик-чи. Шундай қилиб қулоқ беринг:

«Бир кун и юз нафар бари оға-ини нартлар арғумоқ арашчиларини эгарлаши-да, одатдагидай шөн-шухрат қозонмоқ учун узоқ сафарга чиқишди. Улар йўл юрдилар, йўл юрсалар ҳам мўл юрдилар, тун чўкса тунашга ётдилар. Эрталаб арғумоқларини эгарлаб, яна олға кетавердилар. Шу зайл улар бир ярим йил йўл босишди. Бир кун қош қораярга яқин кенг дала ўртасидаги қад кўтарган серсоя, шохдор улкан дарахт остида тўхтаб, сакраб эгардан тушдилар-да, арғумоқларни ўт чимдишга қўйиб юбордилар. Ўзлари бўлса дарахт соясига тўшашган чакмонлари устига чўкишди. Оға-инилар гулхан ёқиб, таом ҳозирлашга унналишди. Гулхanning кўк сари ўрлаган тутунини бу ердан ярим кун юрилувчи жойдаги одамлар кўриб қолишди. Бу одамлар қора танли негрлар эди. Уларнинг таналари шу қадар қоп-қора эдики, бу барзангиларни кўрган ҳар қандай довурак йигитнинг ҳам эҳсониси чиқиб кетарди. Қора танлилар ўз аскарларидан бир нечтасини қуроллантиришиб, кўринган тутун қандай тутун эканлигини аниқлаб келишга жўнатишди. Аскарлар қайтиб келиб, кўрганларини оқизмай-томизмай бошлиқларига сўзлаб беришди.

Қора танлиларнинг аёлу эркак, ёшу қари ҳаммалари тўпланишиб маслаҳатлашишгач, чақирилмаган меҳмонларни муносиб кутиб олишга — сўнгги томчи қонлари қолгунча олишмоққа қарор бердилар. Шундай қилиб, оқ танли баҳодирлар йўлида тўсиқ тиклашга киришилди.

Эртасига эрталаб нартлар одатдагидай йўлга отланишди-да, туш пайти қора танлиларни кўриб қолишиб, бошлари жудаям осмонга етди. Лекин нартлар бундай қарашса қора танлилар уларни найзаю ўқ-ёйлар билан кутиб олишмоқчи. Шунда хунрезликни ёмон кўрувчи нартлар ораларидан қуролсиз бир неча йигитларни ажратишди-да, негрлар ҳузурига юборишди. Улар душман эмас, дўст сифатида келганларини билдирмоқ учун йигитларини қурол-яроқсиз жўнатишганди. Бироқ қора танлилар баҳодирларга қарата камондан ўқ узиб, уларнинг иккитасини яралашгач, нартлар изларига қайтишга мажбур бўлдилар. Оқ танлилар кенгашиб олганларидан сўнг яна яроқсиз икки нафар вакилларини жўнатишди. Лекин бу сафар ҳам олдинги ҳол такрорланди. Шундан сўнг юзта нартларнинг ҳаммалари олов янглиғ арғумоқ-арашчиларида

кутурган зубрлардек қора танлилар устига ташланиб, тўсиқларни ағдардилар, кўплаб барзангиларни отлари туёғи остида топтадилар, лекин ҳозирча ҳали шамширларини ишга солмадилар.

Қора танлилар кимлар билан харифлашаётганлари, нартлар бегуноҳларга тегмасларини тушуниб қолишиб, сулҳ сўрашди ва ўртада яраш тузилди. Шу муносабат билан барзангилар катта зиёфат беришди. Нартлар роппа-роса бир ой қора танлилар қароргоҳида яшаб қолишди. Улар қайта ўз юртига отланишганда барзангилар нартларга кўплаб қора мол совға қилишди. Шунингдек қора танлилардан юз нафар абжир йигитлар машҳур нартларнинг турмуш тарзларини кўрмоқ ниятида оқ танлилар ўлкаси сари йўл олдилар.

Апсна (Абхазия)га юз нафар оғанини нартлар билан бирга олис юртлик юз нафар барзангилар ҳам кириб келишди. Қора танлиларга Апсна жуда ҳам маъқул бўлди. Бир ой ўтиб, қайтар вақт етгач, барзангилардан ярмиси йўлга чиқди, қолган ярмиси эса умрбод нартлар ўлкасида қолиб кетди».

Шуниси мароқлики, юқоридаги тасвир бошдан-оёқ ҳақиқатга тўғри келади. Нартлар бир ярим йил мобайнида Кавказдан жануб томон сафар қилганлар. Бу вақт ичи улар шамолдай елувчи арғумоқларида экваториаль Африкага етган бўлишлари керакким, у ерларда қадим-қадим замонлардан бери негрлар яшаб келишади. Сўнгра нартлар Абхазияга қайтганлар ва улар орасида бир гуруҳ меҳмон негрлар дастаси ҳам бўлган. Ҳақиқатга тўғри келадими бу? Ҳа, албатта! Меҳмон негрларнинг ярмиси ўз ватанига қайтиб кетган. Бу ҳам табиийдир. Қолган негрларга Абхазия маъқул тушган. Африка қитъасининг қора танли аборигенлари Понт Эвксинск соҳилларида абадий қолиб кетишган. Бу ҳам тўла-тўқис бўлиши мумкин.

Абхаз жангномаси мазкур саҳифасини узил-кесил тарихий ҳақиқат деб бўлмайди албатта. Бироқ жангнома коллектив ижоди бўлгани учун ҳатто рамзлар ва тўқималарга бой бўлишига қарамай тарихий ўтмиш ҳақиқатини акс эттирган.



М. БАРИНОВ

журналист

## СЕМЛЕВ КУЛИ ЖУМБОҒИ

Карвон ўрмонда тўхтади. Гилдиракларнинг гирчиллашига туёқларнинг қор ва шилта лойга урилиб чиққан чилп-чилп сизи тинди. Карвонни кўриқлаб келаётган суворийлар эгардаёқ; пинакка кетишди. Карвондаги аскарлар ранго-ранг олақуроқ кийимларига чирманиб олишганди. Лекин нафас ростлаш узоққа чўзилмади. Қисқа буйруқ янграши ҳамано аравлару файтонлар яна турнақатор йўлга тушди. Карвон йўл четидаги шох-шаббалар бошилган хандақдан ўтиб, дарахтлар кесиб очилган камбар йўлга чиқиб олди.

Бу йўл тўппа-тўғри чоққина ўрмон кўлига бориб тақаларди.

Ўрмон билан кўл туташган жойда илдиз ва поялар билан мустаҳкамланган қалқувчи қирғоқ аскарларнинг оёқлари остида лопиллар, кўлнинг қорамтир сатҳида катта-кичик тўлқинлар чайқаларди.

Болталар овози эшитилади. Аскарлар омонат қирғоқ сиртин шох-шабба, дарахт таналари билан текислашмоқда. Сапёрлар сол яёаш билан бандлар. Тайёр бўлган бир жуфт сол сув юзида қалқиб турибди. Солдагилар кўлнинг саёз-чуқур жойларини текширишарди. Соҳилда эса бир гуруҳ катта офицерлар. Уларнинг олдида қора плашли, бадани буғдойранг генерал турибди.

— Менинг генералим! — деди ҳозиргина солдан қирғоққа ҳатлаб ўтиб генералга яқинлашган ёшгина офицер. — Кўлнинг чуқурлиги ўртада эллик фут, қирғоқ ёни ўттиз беш фут экан. Кўлнинг тубини чамаси йигирма фут қалнинликдаги балчиқ қоплаган...

Тўсатдан ўрмон ичида ғала-ғовур кўтарилди. Тор ўрмон йўлидан аравакашларнинг овозио гилдиракларнинг гичирлаши эшитилди. Қирғоқ ёнгинасида турган аравалар четга олинди, Наполеон бошчилигидаги бир гуруҳ суворий офицерлар ўрмон ёқасига чиқиб келишди. Бадани буғдойранг генерал узун оёқлари билан шахдам одимлаб, императорнинг ёнига келди.

— Ҳаммаси бажо этилди, жаноб олийлари.

— Нима бажо этилди? — деярли ҳайқириб юборди император.

— Ҳамма нарса тайёр. Кўлнинг чуқурлиги эллик фут, сув ости сербалчиқ.

— Бошлайверинг. — Шундай дея Наполеон аргимоқи бошини кескин бурди-да, ҳамроҳлари билан ўқдек елиб кетди.

Генерал хириллаган овозда буйруқ берди. Соллар атрофида тўдалашиб турган аскарлар қоқилиб-суқилиб, солларни сув томон судраб кетишди. Тўп кам уловлар омонат қирғоқдан тўппа-тўғри улкан сол устига чиқиб кетди. Аскарлар қопга солинган оғир юкларни сувга улоқтиришди.

Бир соатдан сўнг ҳамма иш ниҳоясига етди. Кўл сатҳи тинди...

### *Қидирув ишлари зарурми?*

...Шундай қилиб, Семлев кўли Наполеон Москвадан олган ўлжаларни ўз қаърида сақлаб ётган бўлиши мумкинми?

1912 йилнинг 19 октябрида Наполеон қўшинлари Москвани ташлаб чиқиб кетмоқда эди. Кўп қисми куйиб кул бўлган ва аксарият аҳолиси қочиб кетган Москва ёв қўшинига туйқус қақшагич зарба берди. Озиқ-овқатсиз, таъминотсиз қолган Наполеон лашкарлари ичкиликка берилиб, шаҳарни талон-торож қиларди. Босқинчиларнинг Москвадан қочиб кетаётган улкан карвони ночор аҳволга тушганди. Карвонда беҳисоб ўлжа — олтин, кумуш буюмлар, зеб-зийнатлар, матолар, мўйналар бор эди. «Кун оққандан кейин, — деб ёзади сержант Бургонь ўз эсдаликларида, — биз йўлга тушдик... Кўп ўтмай, сон-саноқсиз юк аравалари орасида қолиб кетдик. Аравалар уч тўрт қатор бўлиб бир чақиримча масофага чўзилган эди». Сержантнинг ёзишича Москванинг ёниб кетган бинолари тагидаги ертўлаларда топилган қимматбаҳо буюмлардан ташқари, шахсан у ўз халтасида пойтахтнинг машҳур Буюк Иван жомхона хочи қопламасининг бир бўлагини олиб кетаётган экан. Еғочдан ясалган бу хоч олтин суви югуртирилган йўғон занжирларда осифлиқ экан<sup>1</sup>. «Ишчилар командаси, дурадгорлар ва бошқалар шу хочни тушириб олиш учун юборилди. Кейинчалик уни ўлжа сифатида Парижга олиб кетмоқчи эдилар». Кремль буржлари узра қўндирилган ҳалли лочинлар ҳам туширилган эди. Шундай қилиб, аскарларнинг шахсий ўлжаларидан ташқари, чекинаётган қўшин карвонида алоҳида, размиг маъно касб этган ўлжалар ҳам мавжуд эди. Бу сержант ҳамда Россияга қилинган юришнинг кўпгина бошқа

<sup>1</sup> Москва ёнғини ва французларнинг чекиниши. 1812 йил. Сержант Бургоннинг эсдаликлари. А. С. Суворин нашри, 1898 йил, 61-бет.



иштирокчилари ёзишган эсдаликлар 1912 йили Москвадан талай қимматбаҳо буюмлар олиб чиқиб кетилганини тасдиқлайди.

Малоярославц ёнидаги шиддатли жангдан сўнг, яъни 1812 йил 25 октябрь куни чекинаётганлар шу қадар оғир аҳволга тушишиб қолишганки, Вюртемберглик ҳарбий врач Г. Рооснинг гапига қараганда, ҳатто «ташлаб кетилаётган нарсаларни куйдириб, кулини кўкка совориш» ҳақида буйруқ берилган эди.

Шунда ҳатто ўқ-дори ортилган махсус катта аравалар — фуралар ҳам портлатиб юборилган. 1-ноябрда карвон бу гал казаклар ҳужумидан янги талафотлар кўрди. «Казаклар... 1-ноябрда карвонга ҳужум қилиб, бир қадар муваффақият қозонишди», деб тасдиқлайди ўз эсдаликларида Арман де Коленкур. Келаси куни чекинаётган қўшин Вязьма-Семлево районига етганда, унинг аҳволи шу қадар чатоқлашган эдики, ўша Рооснинг гувоҳлик беришига кўра, Вюртемберг корпусида барча байроқларни дастадан ечиб олиб, энг бақувват ва матонатли аскарларга берилсин, деган буйруқ эълон қилинган. Бу аскарлар байроқларини халталарига яшириб ёки баданларига ўраб сақлаб қолишлари керак эди. Наполеонни армия карвонини енгилатишга ундаган бошқа сабаблар ҳам йўқ эмас эди. Силла қуритувчи йўл азоби, рус қўшинлари ва партизанлар билан муттасил тўқнашувлар, шунингдек, ем-хашак таҳчиллиги туфайли отлар кескин камайиб кетди. Бунинг устига, кун сайин кўпайиб бораётган ярадор аскарларни ҳам олиб кетиш керак эди.

Булар барчаси шошилиш чекинишдан, чекинаётганларнинг аҳволи танглигидан, улар машъум аҳволни тушунганидан дарак берар эди. Бундай аҳволда бирдан-бир чора ўлжаларни йўқ қилиш эди.

Ўқ-дорилар портлатилиб, аравалар ёндирилгандан сўнг соғ қолган араваларни ярадорларга беришди. Демак, ўлжаларни Парижга етказишдан умид йўқ эди. Аммо беҳисоб қимматбаҳо буюмлар таъқиб қилиб келаётган душман қўлига тушиб қолмаслиги учун уларни албатта портлатишгина эмас, балки чўктириб юбориш ҳам керак эди. Чўктирганда ҳам чекиниш йўлларида учраган майда, саёз сойларда эмас, суви кўп, чуқур ҳавзаларга чўктириш лозим эди. Семлев кўли худди ана шу мақсад учун мувофиқ жой бўлиб чиққан бўлса ажаб эмас...

Шундай қилиб, Наполеон ва унинг штаби Россияни ошиқич ташлаб кетишига мажбур қилган шароит сингари беҳисоб бойликлар ортилган карвоннинг пойтахтдан чиқиб кетгани ҳам рост гап бўлиши мумкин.

Модомики армия ўз қудратининг таназзулини била туриб ўқ-дориларни портлатиш даражасига тушиб қолган экан,

турган гапки, кучли назорат талаб қилувчи, дардисар юклардан қутулиш оғир муаммо бўлиб қолганлиги ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас.

Ўйлаймизки, Семлев кўлини Наполеоннинг Москвадан ўмарган ўлжалари бекиниб ётган хазина деб ҳисоблашга барча асослар бор ва бу ўлжаларни топиш бўйича олиб бориладиган ҳамма ишлар фаол ёрдамга муҳтождир.



ВЛАДИМИР ПУШКАРЕВ,

геолог

## НИМА БУ — АФСОНАМИ ЕКИ ҲАҚИҚАТМИ?

### *Янги гувоҳликлар*

«Қадим-қадим замонлар, ҳали Печора ва Ижма соҳилларидан ярим ёввойи Чуд қабилалари яшаган даврлари Чуд элатларидан бирини қуршамини қалин ўрмонда ўзгача бир одам пайдо бўлиб қолди. Унинг бўйи нақ қарағай баравар, овози, важоҳати йиртқич ҳайвонни эслатарди. Юзини тўсдай қоп-қора жун босган, қалин қошлари остидаги қон тўла кўзлари ялтирар, баданини жуни пахмоқ, хом айиқ териси билан ўраб юрарди...»

1972 йили Печора дарёси этакларида ишлаб юрган кезларим ҳозиргина парча келтирилмиш ривоят туғилган Ижмада ҳам бўлганманким, мазкур ривоят иттифоқо мени кўп вақт ўзига ром этиб қўйди.

Ривоятимиз қаҳрамони — Яг Морт эртақлардаги алвасти Версадан фарқли ўлароқ, асли бор мавжудот сифатида тасвирланади. Унинг исми ҳам сўзма-сўз таржима қилинса «Ўрмон одами» демақдир.

Мен Яг-морт ҳақидаги ривоят ва афсоналарни тўплаш билан шуғулландим.

Мени мазкур ривоятга афсоналардаги ширадорликкина эмас, айни вақтда Яг-мортнинг ташқи қиёфаси билан юриш-туриши тасвири ҳам ҳайратга солди.

Мана Улуғ Ватан уруши ветерани, миллати рус, Усть-Цильма қишлоқлик Булагин Ефим Ивановичнинг сўзлаб берган ҳикояларидан бири:

«20-йили, 15 ёшимда, бу ердан 10 км нари жойлашган

Цильма дарёсида пичан ўраётгандик. Олтита ўгил бола, мен ва яна икки нафар катта ёшли киши дарёдан 300 метрча масофада пичан ғарамлардик. Ишлаётган жойимизга яқин ерда бостирма бўлиб, биз пичан ўрими вақтлари ўша бостирмада ётиб юрардик.

Банагоҳ нариги соҳилда икки нафар ғалати гавда кўриниб қолди. Бири кичкина, қора тўри, иккинчиси найнов (2 метрдан новчароқ), рангпар, маллатоб. Улар ҳар жиҳатдан одамларга ўхшашса-да, лекин ўша номаълум мавжудотлар одам эмаслигини дарров пайқадик ва жойимиздан жилмасдан уларни кузата бошладик. Сирли гавдалар катта бир тол атрофида гир югура бошлашди. Маллатоби қочар, қора тўриси эса уни қувларди. Назаримда улар қандайдир ўйин ўйнардилар. Югуришлари жуда тез. Устиларида ҳеч қандай кийим-бош кўрмадик. Бу воқеа бир неча дақиқа давом этди, сўнгра нотаниш мавжудотлар дарё томонга ўқдай елиб, бир зумдаёқ кўздан ғойиб бўлишди. Биз ўша заҳоти бостирмамиз сари югуриб, роса бир соатгача у ердан чиқа олмадик. Кейин милтиқларимизу дуч келган нарсалар билан қуроллангач, улар гир айланиб югуришган тол томонга қайиқда сузиб кетдик.

Ётиб боргач, нотаниш гавдаларнинг баҳайбатининг ҳам, ихчамининг ҳам изларини топдик. Излар айниқса тол атрофида жуда кўп эди. Паст бўйлигининг оёқ бармоқлари изи аниқ эсимда йўқ. Лекин найновининг изларини яхшилаб кўздан кечиргандим. Бу излар худди пийма излари каби йирик-йирик эди. Оралари очиқ-очиқ бармоқлар олтита бўлиб, узунлиги тахминан бир хил эди. Излар айни одамникига ўхшаса-да, лекин айиқники каби япалоқ, бармоқлар одамникига ўхшаш зич эмас, айрисимон эди».

Ефим Иванович гўё мен унинг гапларига ишонмайдигандай аста, пича хижолатомуз сўзларди. Унинг рафиқаси Мария Ивановнанинг ҳам ёдида бор экан ўша ҳайратангиз воқеа. Ефим Иванович қувваи ҳофизаси ёрдамида кўрган ғалати изларининг расмини чизаркан, расми ўша излардан сира фарқ қилмаслигига ишончи қомади эди.

Шунга ўхшаш воқеаларни Трусов қишлоқлик Вокуева Мария Николаевна, Медвежка қишлоғидаги Иван Фёдорович ҳамда Ульяна Ивановна Тороповлар ва бошқа кўп одамлардан ҳам эшитдим. Куйбишев областидаги Жигулевск шаҳрилик, саёҳат ишқибозлари, бу ўлкага йўл-йўлакай келиб қолишган эр-хотин Харламовлар ҳам шундайин сирли ўрмон мавжудотларига дуч келиб қолишган эканлар.

Харламовлар 1956 йил сафарларидан бирида Коми АССР даги чоғроқ Айюва дарёси соҳилида одамсимон ғалати мавжудотларни кўрган эдиларким, уларнинг ташқи кўриниши баайни Булигин кўрган мавжудотларни эслатарди. Харламовларнинг

тасвирашлари бўйича ўша ўрмон мавжудотлари чиройли гавдали, барваста, либоссиз, узун сочлари қоп-қора, одамникига ўхшамовчи қаҳқаҳалари жарангдор эди. Мазкур мавжудотлар туйқус пайдо бўлишибди-да, сув остида жадал суза-суза ирмоқнинг нариги қирғоғига чиқишгач, шовқин-сурон кўтаришибди.

### Югорск ўлкасининг сир

1975 йил августида мен Обь дарёсининг қўйи оқимида бўлдим.

Васяковск қишлоқ советининг раиси Евдокия Фёдоровна Костина мени Лука Васильевич Тинзянов билан таништириб қўйди. У ҳар нарса, ҳар қандай вазиятда ҳам панд бермайдиган ишончли ва тадбиркор йўлбошловчи эди. Лука Васильевич мени қадимги Югорск ўлкасининг сирларидан бири билан таништирди. Мана, унинг айнан айтган гаплари: «Олтмишми, олтмиш биринчи йили мен кечқурун Ярасқогортдан Тоғли Обь ёқалаб Васяковога қайтаётган эдим. Енимда иккита ит ҳам бор эди. Итлар қўққис вовуллаб, олдинга ташланишди. Сўнгра қайтиб келиб, яна олдинга чопишди. Итлар шу зайл бир-икки нари бориб-бери келишгач, охири қўрқа-писа менинг пинжимга тикилган кўйи вовулламай ҳам қўйишди. Шу заҳотиёқ ўрмондан икки нафар жонзот чиқиб келди. Уларнинг бири новча, икки метрдан ҳам баландроқ, иккинчиси унга нисбатан пастроқ эди. Менинг ҳам эхсонам чиқиб кетди, чунки қаршидаги жонзотларнинг кўзлари бамисоли қўш фонусдай тўқ қизил рангда лоп-лоп қиларди. Улар мен томон пешвоз юриб, ёнимга етиб келишгач ялтиловчи кўзлари билан шартта менга қарашди. Эгниларида кийим йўқ, баданларини қалин, аммо калта жун қоплаганди. Юзу гавдалари қоп-қора. Жағлари дўнг бу мавжудотлар одамникидан узун қўлларини галати тарзда силкитишарди. Юришлари ҳам одамларникидан фарқли ўлароқ, қандайдир ўзгача бўлиб, юраётганда оёқларини пича майиштириб босардилар. Улар нари кетишгач, итлар қишлоқ сари жуфтакни ростлаб қолишди».

Биз — мен ва Москва инженер-қурилиш институтининг доценти Викторий Пупко воқеани гўё сира ажабланмагандай тингладик.

— Сизнингча улар ким бўлиши мумкин? — сўрадик суҳбат сўнггида.

— Қайдам, — кифтларини қисди йўлбошловчи.

— Ут-эн-ехти-аген — ўрмон дайдис.

Мен уни тўрт марта кўрганман. Икки марта уруш тамом бўлгандаёқ, кейинги икки сафар бундан ўн беш йил муқаддам дуч келганман.

Қуйи Обь, Синя ва Войкар дарёси соҳилларидагиларнинг ҳар бири бундай ҳикояларни билишади, лекин уларнинг ҳаммаси ҳам биринчи учратган одамига сўзлаб бераверишмайди, сирли мавжудот ҳақидаги кўрган-билганларини. Хантисодда, ишонувчан халқ, бу халқ ошкора сўраб-суриштиришлар ва истеҳзоларга эҳтиёткорона, зийрак муносабатда бўлади.

Шуниси диққатга сазоворки, ўрмон одами ҳақида профессиональ эртакчилар эмас балки қадимги ривоятлардан бошқа ҳеч нарса билмайдиган оддий балиқчилар ва буғу овловчилар гапириб беришди.

Салехарда шаҳрида биз ажойиб рус аёли — Шимолда Совет ҳокимиятини ўрнатишда ҳалок бўлган машҳур революционернинг беваси Сенькина Марфа Ефимовна билан танишдик. Собиқ қишлоқ муаллимаси Марфа Ефимовна маҳаллий аҳолининг саводсизлигини тугатишда кўп куч сарфлагани учун ҳам шахсан унинг оғзидан бизни қизиқтирувчи сир ҳақида эшитиш айниқса муҳим эди.

«Революциядан олдин мен ҳар доим отам билан бутун Обь шимоли ва Ямал ярим оролига овга борар эдим. У пайтларда ёшим йигирмада эди. Биз Салехардада яшардик. Пуйко қишлоғи яқинидаги таниш бир хантиникида тез-тез қўноқ бўлиб турардик.

Эсимда, сентябрь бошланган, кечалари узоқ бўлиб, тунда итларимиз тез-тез ҳуригучийди. Бир куни ит ҳуриши айниқса зўрайди. Бу иккинчи кечада ҳам такрорланди. Мен уй эгасидан итларнинг бундай ҳуришлари сабабини сўраганимда, у овозини пастлатиб «Танобчи келди», деди.

— Қанақа Танобчи? — сўрадим тушунмай.

— Бугун тунда сенга кўрсатаман, — ваъда қилди у, — фақат унга панжа орасидан, эҳтиёт бўлиб қарагин.

Ярим тунда биз чодирдан чиқдик. Қонталаш улкан ой баркаши юксала борарди. Бир соатча кутдик чоғи. Ногаҳон яна ит ҳуриши эшитилди. Биздан бир неча ўн метр нарида ғайриодатий найнов одамни кўриб қолдим. Бизнинг чодирни икки метрли толлар қуршаб олганди. Анави одамнинг боши билан кифтлари ўша толлардан ҳам баян эди. У жуда ям тез, йирик-йирик одимлаб, бутазорни тиккасига кесиб келарди. Кўзлари бамисоли қўш фонусдай ёнарди. Мен бундай даҳшатли, бунчалар девқомат одамни ҳеч қачон кўрмагандим. Итлар ириллаб-вовуллаганча ўша одам томон ташланишди. Итларнинг биттаси биз борлигимиз учун дадиллашиб, баҳайбат одамнинг ёнгинасига бориб қолди. Одам энгашиб, итни шартта чангаллади-да, анча нарига улоқтириб юборди. Бизнинг қулгимизга фақат қисқа вангиллаш чалиниб, улоқтирилган итнинг ҳаводаги лип этиб ўтган гавдаси кўринди холос. Баҳай-

бат одам бир марта ҳам орқасига ўгирилиб қарамай, зумда биздан узоқлашиб кетди.

— Нима эди у, алвастими? — сўрадим чолдан.

— Бу сўзни оғзингга ола кўрма! — қўрқиб кетди чол.— Уни чақирган бўласан-а. Оддийгина Танобчи деявер.

Танобчи ҳар йили шу вақтда келади.

Эрталаб итлардан бири ўлганди».

Биз кўриниши одамга ўхшаса-да, ўзини ғалати тутиб, яширин ҳаёт кечирадиган жумбоқли ўрмон мавжудотини турли вақтларда ўз кўзи билан кўрган ўнлаб одамлар билан танишдик.

Уша мавжудот нима бўлсайкин ўзи?

### «Берёзовка мўъжизаси»

«1845 йилнинг кузида ҳайвон оловчилар остяк Фалалей Ликисов билан самоед<sup>1</sup> Обиль ўрмонда ғалати мавжудот ўлдиринди; танаси одамсимон, бўйи уч аршин келади, бир кўзи пешонасида, иккинчи кўзи эса ёноғида жойлашган, терисининг юнги кундуз юнгидан сийрақроқ, чаккалари яроқ, қўлларида бармоқлар ўрнини тирноқлар эгаллаган, оёқ панжалари ҳам йўқ бўлиб, жинси эркак эди.

1845 йилнинг 16 декабрида истеъфодаги урядник Андрей Шахов Берёзовка ўлка судига бу ҳақда маълумот юборди».

*Тобольск губернаси музейининг йиллик тўплами,*

*Тобольск, 1907 йил.*

Чор Россиясининг жиной қидирув тажрибасида очиламай қолган ғалати ишлардан бири ана шундай бошланди. Бу ҳақдаги ҳужжатлар Салехарда шаҳридаги ўлкашунослик музейи архивида сақланиб келди. Воқеа тафсилоти Тобольск губернатори ва губерна бошқармасига хабар қилинган эди. Қолганини воқеа иштирокчиларининг ўзлари гапириб беришган.

Обилнинг тушунтиришича, улар Фалалей билан иккалалари ўрмонда кетаётган пайтлари ҳурувчи итлар қуршовига тушиб қолиб, ўзини қўллари билан ҳимоя қилаётган қандайдир мавжудотга дуч келдилар. Улар ўша нотаниш жонзотга ён томонидан яқинлашиб боришган ва Фалалей ўн беш қадам

<sup>1</sup> Остяк, самоед — Сибирдаги элатлар.

масофадан туриб, милтиқдан унга ўқ узган. Мавжудот шу заҳотиёқ ерга қулаган. Кейин тинтишганда унда ҳеч қандай қурол йўқлиги маълум бўлган. «Унинг бўйи уч аршин бўлиб, танаси қалин жун билан қопланган, фақат бурни ва ёноқлари туксиз, оёқлари бармоқсиз, товонлари камбар, қўл бармоқлари қоқ суяк, танасини кесиб қараб, қонининг ранги худди танаси ранги каби қорамтир эканлигини кўришган. Мавжудотнинг жасадини ўша ернинг ўзида қаровсиз ташлаб кетишган».

Улка полицияси бошлиғига ўша нотаниш жонзотнинг жасадини излаб топиш буюрилган, лекин ерликлар анчагача беўхшов мавжудот ўлдирилган ерни кўрсатишдан бош тортишган ва ниҳоят ҳеч қандай излар йўқ бир ўтлоққа бошлаб боришган. Шундай қилиб «Берёзовка мўъжизаси» деб номланган бу иш очилмай қолган.

Салехардада учта махсус ўрта ўқув билим юрти бор. Уларда ҳад-ҳудудсиз тундрани ота-оналари билан бир неча бор кезган, буғу овловчилар оиласида ўсган Ямал-ненец миллий округининг йигит ва қизлари таълим оладилар. Қуйида бўлажак педагог, зоотехник, фельдшерларнинг анкета саволларига берган жавобларидан намуналар келтираман.

Анкетанинг: «Сизга тундрада ёввойи одам учраганми?» деган биринчи саволига 60 ўқувчидан 48 таси ижобий, қолган 12 ўқувчи «Билмайман», дея жавоб қайтарган.

«Ёввойи одамни ненецлар нима деб аташади?» қабалидаги иккинчи саволга 60 киши бир овоздан: «Тунгу» деб жавоб беришган.

Учинчи савол: «Яқин йилларда (60 — 70-йиллар кўзда тутиляпти) ўзингиз ёки яқин қариндошингиз ёввойи одамни учратганмисизлар?»

Тўрт киши уни қош қорайган маҳалда узоқроқ масофадан ўз кўзи билан кўрган. Лекин умумий кўринишини аниқ таърифлаб беролмаганлар. Яна ўн кишининг отаси, буvasи ёки акаси кўрганлиги маълум бўлди.

Тўртинчи савол: «Тунгуни кўрганлар уни қандай таърифлашади?»

Жавоб: «Баланд бўйли, қотмадан келган. Сержун, балким терига ўраниб олгандир. Қулоқни битирар даражада қаттиқ хуштак чалада ва жуда тез югуради».

Тунгуни шимолнинг ҳамма ерида — Обдан то Енисейгача, Гидан ярим оролининг тундрасида, ҳатто жануброқда, Надим ва Таз ўрмонларида учратишган.

Надим районининг Нида қишлоғидаги тажрибали овчилар билан бўлган савол-жавобларда ҳам тунгунинг борлигини инкор қилувчи бирорта одам топилмади. Бу ердаги барча одамларнинг айтишича, 15-20 йил муқаддам тез-тез учраб

турган тунгу, негадир кейинги ўн йил ичида бирон марта ҳам учрамаган.

«Қаерларгадир кетиб қолган, эҳтимол, жанубдаги ўрмонларгадир», — дейишди қариялар.

Мана тажрибали буғучилик мутахассиси, пенсионер Евгений Григорьевич Тогнинг тунгу ҳақидаги умумий хулосаси:

«Тунгу — ёввойи одам, тундрада куз оқшомларида учрайди. Бўйи жуда баланд — чамаси икки метр келади. Ўрмондаги дарахт тўнкалари тагида яшайди. Гапиролмайди, фақат ҳуштак чалади ва «Ру-ру-ру» деб қичқиради. Баъзан қиз ўғирлаш учун чайлаларга яқинлашади. 62-йилда бизнинг чайламинизга яқинлашиб, қум сочган ва ҳуштак чалган. Лекин ҳеч ким унинг олдига чиқмаган. Ҳаммамиз кўрққан эдик. Ундан ҳам аввал, 29-йилнинг август ойида Тунгунинг изларини кўрган эдим. Улар узун ва энсиз эди. Тунгу буғудан ҳам тез чопади».

Шуниси диққатга сазоворки, ненецлар ҳеч қачон тунгус (эвенк) халқи билан ёввойи тунгуни аралаштириб юбормайдилар.

Надим районининг тажрибали буғучилик мутахассислари ва Салехарда ўқувчиларининг жавобларидан шу нарса маълум бўлдики, ёввойи тунгуга дуч келиш ҳатто 60-йилларнинг бошида ҳам тез-тез бўлиб турган.

Агар тунгу ҳақидаги ҳикояларни ҳақиқат деб билсак, ўлканинг геологлар ва бинокорлар томонидан ялпи ўзлаштирилиши бу дуч келишларга чек қўйди. Ёввойи одам — тунгунинг ташқи кўринишини таърифлаш, Шимолнинг бирон-бир аҳолисига сира ўхшамаслигини кўрсатади. Ғайри одатий, лекин ўзига хос хулқ-атворли, нутқи суст, қаттиқ ҳуштак чаладиган, ҳайратангиз тез югурувчи, шимол ва қутб табиатига тез мослашувчан янги, ўзига хос, нимаси биландир одамга ўхшаши ва айни вақтда ундан фарқ ҳам қиладиган мавжудот борлигини айтиб турибди.

Хўш, бу номаълум ёввойи одам Шимолнинг иқлими қаттиқ ўлкаларига қаердан ва қачон келиб қолган? Бу қандай содир бўлган?

### *Ёқутлар ҳикояси*

Объ кенгликларидан беш минг километр нарига, Ёкутистон кенгликлари сари йўл оламиз. Бу ерда юқоридагидек кузаттишларни 1977 йил ёзида давом эттирдик, ана шунда ёввойи ўрмон одами ҳақида анча мароқли ҳикоялар эшитдик. Ёввойи одамни бу ерда чучунаа деб атар эканлар.

Ёкутистонда ёввойи одамлар учровчи районлар яққол ажралиб туради. Бу — Ленадан шарқдаги Яна билан Инди-



гирка дарёлари оралигида жойлашган тоғли минтақалар ва айниқса Верхоянь ва Полоуст тизмаларидир.

Қуйида жанубий Верхоянь учун типик бўлган ҳикоя келтирилади. Мазкур ҳикоя Хобойотту дарёси ёқасидаги буғучилик бригадаларидан бирида эллик беш ёшли Эвенк аёл Татьяна Ильянична Захарова оғзидан ёзиб олинган:

«Революциядан сўнг, 20-йилларда ҳамқишлоқларимиз мева териб юриб чучунаани учратиб қолишган. У ҳам мева териб юрар ва терган меваларини икки қўллаб апил-тапил оғзига тикарди. Чучунаа одамларни кўрган ҳамоно рўйрост қаддини ростлади. Айтишларича, у асли озгин бўлса-да, бўйи бениҳоя дароз, икки метрдан ҳам зиёд новча, устига буғу териси ёпинган, оёқяланг эди. Қўллари узун-узун, сочлари эса ҳурпайган экан. Юзи одамникидек катта, лекин қопқора. Тор пешонаси кўзлари узра бир парчагина бўлиб кўринарди. Даҳани одамникига нисбатан бесўнақай ва япаски, бўйининг баландлиги ҳисобга олинмаса чучунаа одамдан кам фарқ қиларди. У одамларни кўрган заҳоти қоча бошларкан, ҳар уч қадам баланд сакраган кўйи шамолдек елиб кетаркан».

Марказий ва Ғарбий Ёқутистонда чучунаа ҳақида аксари, умуман ҳеч нарса билишмайди, бир-ярим билганлар эса зўр бериб ғалати мавжудотнинг маскари олис Верхоянь эканлигини исботлай бошлайдилар. Биз Сайди-Верховьянь районининг Хайсардах қишлоғига боргач, тоғ яйловларидаги буғучилар ҳузурига йўл олдик. Бу ерда чучунаа ҳақида сўзловчиларнинг сон-саноғи йўқ эди. Уша мўл-кўл ҳикояларни тинглар эканмиз, кўз ўнгимизда чучунаанинг қиёфаси ғайритабиий эмас, балки мавжуд жонзот сифатида гавдалана бошлади...

Бир хиллар чучунаани баҳайбат, забардаст, бўйи икки метрдан зиёда, даҳшатли ва одам учун хавфли деб тасвирлашса, бошқалар уни найнов ҳамда чўпдай озгин — «эҳтимол касалдир» — тарзида таърифлардилар.

Чучунаанинг айни муайян бир вақтда-кўриниши ҳайратомузидир. Барча ҳикояларда айтилишича, чучунаани асосан ўтган аср охирларида ва асримиз бошларида тез-тез учратиб туришган. Асримизнинг 20-30 йилларида уни хийла камроқ учратишган, 50-йилларда эса фақатгина Адича дарёси районида икки марта учрагани қайд этилган. Мазкур район чучунаа ҳақидаги ҳикояларга «маҳсулдор» лигини қандай тушуниш керак? Бу ерда чучунаалар кўпроқ тарқалган. Шу ерлик буғучиларнинг бобокалонлари айтишларича, чучунаанинг болалари ҳатто оқар музлар устида сузиб келиб, уларнинг емишларини ўғирлаб кетар эканлар.

Ҳамма жойлардаги эшитган барча ҳикояларимизнинг ҳайрон қолдирадигани шуки, у ҳикояларда ниҳоятда абжир,

бақувват, Шимолнинг қаттиқ иқлимли шароитига мослашиб олган одамсимон мавжудотнинг ташқи қиёфаси анатомик тарзда тасвирлаб бериледи.

Машҳур совет тарихчиси ва этнографи Г. В. Ксенофонтон «Уранхай Сахалар» асарида чучунаа ҳақида шундай деб ёзади: «Чучунаа — одам. Ёввойи буғулар гўштини еб яшайди. Гўштни хомлигича истеъмол қилади. Айтишларича, биз қутб тулкисининг терисини шилгандек, у ҳам ёввойи буғунинг терисини бутунича шилиб олади. Ўша терини либос ўрнида ёпиниб юради. Айиқ каби горда яшайдиганга ўхшайди. Овози ёқимсиз, хирқироқ ва қаттиқ. Ҳуштак чалиб, одамлар билан буғуларни қўрқитади. Одамлар уни кам учратишади, кўпинча қочиб кетаётгандагина кўриб қолишади... Юзи қора бўлиб, бурун ва кўзларини яққол кўриш қийин. Уни фақат ёз чоғларидагина учратиш мумкин, қишда кўринмайди ҳисоб».

Хоҳ биз тўплаган ҳикояларда, хоҳ машҳур совет олимнинг тасвирида бўлсин, чучунаа ҳеч қандай фантастик хусусиятларга эга эмас, ерда яшовчи одатдаги мавжудотдир. Ушбуларга қўшимча қилиб, чучунаа ҳақидаги ҳикоялар билан бирга Верхоянда беадад улкан одамнинг скелети топилганлиги тўғрисида ҳам ҳикоялар тарқалганини айтиб ўтиш керак. Мазкур топилмани аксари Адича дарёси ҳавзасига мансуб дейишади.

Ҳўш, бу барча айтиб ўтилганлардан қай бирини факт дейиш мумкин?

Ўзаро минглаб километр масофадаги, ораларида улкан дарёлару тоғлар каби табиий тўсиқлар мавжуд тўртта мутлақо турли кенг-мўл районларда одамсимон нотаниш ёввойи ўрмон мавжудоти хусусида яп-янги ишонарли ҳикоялар тарқалишининг ўзи фактдир.

Шунингдек, мазкур ҳикоялар буткул турли этник гуруҳларга мансуб, тиллари билан маданиятлари бутунлай бошқа-бошқа халқларда борлиги ҳам фактдир.

Ҳамма тўртта райондаги мавжуд ҳикояларда сирли ўрмон мавжудотининг фақат ташқи қиёфасигина ўхшаш бўлиб қолмаган. Бошқа муштарак томонлар ҳам бор. Чунончи, ёввойи одамнинг қилиқлари, яшаш тарзини айтиш мумкин. Чучунаа гапиролмайди, аммо гувоҳларнинг айтишларича, у ҳуштак чалади, қаттиқ хоҳолаб кулади, маъносиз қичқиради. Айниқса фақат муайян маълум бир жойлардагина пайдо бўлиши диққатга сазовордир.

Шундай жойлар Коми АССРда Усть-Цилем райони, Пижма ва Цильма дарёларининг бошланиши; Ғарбий Сибирда Қутб Урали билан Обь оралиғидаги бокира кенгликлар, кейин Ямало-Ненец миллий округининг Надим ва Тазов районлари;

Еқутистонда Верхоаянь тоғи билан унинг шарқ томон чўзилган этакларидир.

Қўшни областларда худди ўша миллатдаги, худди ўша жойликлар каби меҳнат қилувчи, ўшалар даражасидаги маълумотли кишилар яшашса ҳам улар юқоридагига ўхшаш ҳикояларни эшитишмаган, эшитганлари эса мазкур ҳикоялар жойи қилиб зикр этилган районларни кўрсатишади.

Печорада, айниқса Зауралъеда «ўрмон паҳлавони» ни қишининг энг совуқ ойларида ташқари йил бўйи учратиш мумкин. Шуниси ажабланарлики, Обь ва Урал оралигида яшовчи халқлар номаълум мавжудотни даврий, яъни 1951—1953 йилларда, 1959—1962 ҳамда 1967 йилдан 1968 йилгача учратганлар. Биз Виктория Пупко билан тўплаган 50 та ҳикояни таққослаганимизда бу даврийлик яққол кўзга ташланди.

Ҳали аниқ бир хуласага келиб бўлмайти, лекин хотимада шуниси айтишни хоҳлардикки, иқлими қаттиқ бепоён Шимолимиз асрий қорлар билан қопланган Ҳимолай тоғларига нисбатан кам жумбоғу сирларга эга эмас.



АЛЕКСАНДРА БУРЦЕВА,

*инженер*

---

## ЧУКОТКАДАГИ ОЛТИН ИЗ

Мана ўн йилдирки, мен Дарвин музейи қошидаги семинар составида қадимги гоминид муаммоси билан шуғулланиб келман.

1971 йили Узоқ Шарқда бўлишим гоминидлар ҳақидаги янги материалларни тўплашимга катта ёрдам берди. Мен турли ёшдаги, ҳар хил касб эгалари, турли миллат вакиллари билан суҳбатда бўлдим. Булар асосан Чукотка миллий округининг Марков районида яшаб, буғучилик совхозида ишловчи ламутлар эди.

Мана ўша суҳбатлардан айримлари:

«Нақл қилишларича, қачонлардир одамсимон мавжудот яшаган экан.

У баҳайбат, бўйни йўқ бўлган.

Хилватнишин ўша мавжудотнинг ҳаммаёғи жун билан қопланган экан. Ламутлар бу жонзотни Миригди (елкадор) деб аташади. Овчи ўлдирган буғусининг нимтасини кейинроқ

олиб кетиш учун шикоргоҳда қолдиради. Эртасига у нимтани тополмайди, ёнвериди эса катта-катта, узун одимлар изини кўради. Миригди одатда хом гўшт ейди. Гўштни бўрига ўхшаб нажр қилмай, уни лаҳим-лаҳим узиб олиб, оғзига солади-да, устихонини улоқтириб юборади. «Одамлар Миригдини ов қилишмайди, қиш пайти уни ҳеч қачон кўришмаган»,— деди Дьячков Семён Герасимович.

«1939 йили вафот этган менинг бувам қачонлардир килтаня (Ламутчасига чақчайма кўз) яшлаган дегувчийди. Ўша мавжудотнинг қаншари тор, кўзлари йирик-йирик, излари тирсак ҳажмида узун. Товони энсиз, бормоқлари эса ўртача. Тоғларда гўшт еб яшайди. Овчилар ўлдирган буғунинг курақларини ўмариб кетади, лекин одамларга таҳдид қилмайди»,— деб қисқача сўзлаб берди буvasи айтганларини Берёзкин Андрей Егорович.

Урта ёшлардаги, миллати ламут, милиционер П. Морозов қуйидагиларни ҳикоя қилди:

«Айтишларича, кейинги урушдан сал олдин, мана бундай воқеа содир бўлган экан. Майна дарёсининг юқори қисмида бир чол-кампир яшар эканлар. Ноябрь ёки декабрь ойларида бўлса керак, икки кун кечаси итлар қандайдир шарпадан қаттиқ ҳуришибди. Қоронғи бўлгани учун нима гаплигини била олмабдилар, лекин ўша икки оқшом жуда кўп балиқлар ўғирлаб кетилгани маълум бўлибди. Уй атрофида эса тирсак узунлигидаги оёқ изларини кўришибди.»

Бу мавжудотни бутун Чукоткада ҳар хил номлашади: тэрэж (қуёш чиққанда пайдо бўлувчи одам), гиркичавильин (тезюгурар), миригди (елкадор), килтаня (чақчайма кўз), аринк, ариса (далачи), рэккем жулин (чўққибош) ва ҳоказолар. Кўриниб турибдики, номлар беҳад турли-туман, аксари кўп маънога эга.

Буларни аниқлашда XIX ва XX аср сарҳадларидаги этнография, дин тарихи ва фольклор бўйича жуда бой ва аниқ маълумотлар тўплаган машҳур Шимол тадқиқотчиси В. Богоразнинг асарлари катта ёрдам беради. Олим ўзининг «Чукчи» номли монографиясида эртак ва афсоналарда ҳикоя қилинадиган руҳлар (келет)ни уч тоифага бўлади.

«Биринчи тоифага ёввуз руҳлар киради. Улар борлиқда ғойибона кезиб одамларнинг жони ва ўзларини таъқиб этадилар. Иккинчи тоифани қонхўр хунрезлар ташкил қилиб, улар қаердадир, олис қирғоқда яшаганлар, ҳозир ҳам яшашптилар. Булар қўшнилари билан доимо адоватда бўлиб келганлар. Учинчи тоифадагилар эса азайимхон даъвати билан учиб келиб, унинг куф-суфи, қақрим қилиб шифолашида ёрдам берувчи «руҳлар»дир».

Богораз давом этиб ёзади:

«Чукоткаликлар, шунингдек, келетлардан фарқли ўлароқ, одамларга таҳдид қилмовчи паҳлавонлар қабиласи бўлганлиги ҳақида ҳам гапиришади. Улар логлий деб аталадилар. Мазкур қабила тўғрисидаги эртақлар эскимосларнинг худди шундай эртақларига кўп жиҳатдан ўхшашдир. Мазкур эртақларга безак сифатида чизилган расмлардан бири «Морж гўшти ёпинган паҳлавон» деб номланган. Бу паҳлавон коряклар элатига денгиз ортидан келиб қолган. У нечоғли баҳайбат ва зилзамбил бўлгани учун ҳамма ерда изларини кўриш мумкин... Бир куни мазкур паҳлавон очиқ жойда ухлагани ётади. Уни учта овчи кўриб қолишиб, банди этишади-да, ерга қоқиқли қозиққа арқонлагач, найза санчи ўлдирадилар...» Бошқа бир Чукотка расмида икки сержун қонхўр мавжудот одам боласини ейишаётгани тасвирланган.

Богоразнинг ёзишича, расмнинг абкоридаги юқори қисмда мазкур фожиани даҳшат ичра кузатаётган ота-онанинг қиёфалари ифодаланган экан.

Морж тишидан тайёрланган турли буюмлар орасида паҳлавонларнинг сиймоси ишланган мароқли тасвирларни ҳам кўриш мумкин.

Мен тилга олган барча материаллар биологик нуқтаи назардан тадқиқ этишга лойиқдир.

Профессор Б. Поршневнинг «Қадимий гаминоидларга доир масаланинг ҳозирги аҳволи» номли йирик монографиясида худди шунга уриниб кўрилган.

Олим кўпгина ҳикояларни келтирар экан, уларда гап Чукотка ярим ороли ва Беринг бўғозидан беридаги гоминоидларнинг шимолий-шарққа кўчиб ўтишлари тўғрисида бораётганини фараз қилади.



ДМИТРИЙ БАЯНОВ, ИГОРЬ БУРЦЕВ

---

## БИГФУТ КАДРГА ТУШИБ ҚОЛДИ

1967 йилнинг 20 октябрида америкалик тадқиқотчи Рожер Паттерсон ва унинг ёрдамчиси Роберт Гимлин Шимолий Калифорниянинг ўрмон билан қопланган Блафор Крик дараси бўйлаб отда кетишарди. Баногоҳ тадқиқодчилар ирмоқ ёқасида чўк тушиб ўтирган ғалати мавжудотни кўриб қолдилар. Уша мавжудот одамларни кўргач, ўрнидан туриб, даранинг тик

қиргоғи бўйлаб ўрмон ичкараси сари йўнала бошлади. Паттерсон отдан сакраб тушиб, унинг йўлини кесиб чиқди-да, мавжудотнинг юришини кинокамерага тушира бошлади. У гоминоидга тахминан 40 метрча яқин бориб қолди. Шундан сўнг Паттерсон шу ердаги ағанаган дарахт панасига ётиб олиб, плёнка тугагунча суратга олишни давом эттириверди.

Америкалик олимлар бу фильмни чуқур таҳлил қилмадилар, антропологларнинг кўплари эса фильмни қалбакига йўйдилар.

Америкада фильмга эътиборсизлик билан қараб, қўллаб-қувватлашмаганларидан сўнг, Паттерсоннинг ҳамкасби Рена Дахинден Европа ва совет мутахассисларининг фикр-мулоҳазаларини билиш мақсадида 1971 йили Лондон ва Москва шаҳарларига йўл олди. У Москвага келиб, фильмни Дарвин семинари аъзолари ҳукмига ҳавола қилди. (Бу вақт ичида Паттерсоннинг ўзи оғир бетоб бўлиб қолади ва бирмунча вақтдан сўнг 39 ёшида вафот этади.)

Фильм таҳлилига турли соҳадаги бир қанча москвалик мутахассислар: криминалистлар, ортопед-протезистлар, ҳайкалтарош ва биомеханиклар жалб қилинди.

Мавжудотнинг ҳаракатини Марказий физкультура институти биомеханика кафедрасининг мудири, профессор Д. Донский аниқ баҳолади. Мана унинг қисқача хулосаси:

«Икки оёқли мавжудотнинг қадам ташлаши ва киноплёнкага туширилган гавда ҳаракатини батафсил текширишлардан сўнг, унинг ҳаракатлари яхши ривожланган, мукамал системада эканлиги ҳақида таассурот қолади. Барча ҳаракатлари бир системада бўлиб, аниқ ва равшандир...

Мавжудотнинг қадам ташлаши дадил, катта-катта, кенг-кенг одимлайди.

Қўлларининг ўктам олдинга бориб келишига қараганда, бу қўллар залворли ва мушаклари қурчдир.

Ҳаракатининг бир маромда, қадам-бақадам такрорланишидан барча мушак аъзолари ўзаро узвий боғланган бўлиши керак.

Ниҳоят, ақл бовар қилмайдиган ҳаракатлар яққоллигини алоҳида қайд этмок даркор...

Хуллас, юқорида айтиб ўтилган барча хусусиятлар ўзаро зиддиятда эмаслиги алоҳида аҳамиятга моликдир. Улар биргаликда ҳаракатланибгина қолмай, балки бир-бирига боғлиқ ва мувофиқдир. Юқоридагилардан келиб чиқиб, сирли мавжудотнинг қадам ташлашлари олдиндан мўлжалланган эмас, балки ҳозирги вазият тақозоси дейиш мумкин. Бундай одимлаш одамларда учрамайди».

Д. Донский номаълум мавжудот ҳаракатини сифат жиҳатдан таҳлил қилиб берган бўлса, инглиз биомеханиги, доктор

Д. Грив ҳозирги замон одамининг одимлашидан олинган формулаларни қўллаган. У қадимги гоминондлар масаласига шубҳа билан ёндошиб, суратга олиш тезлиги асосида фильмнинг ёки қалбаки эмаълиги ҳақида хулоса чиқарди.

«Агар суратга олиш тезлиги секундига 16 ёки 18 кадр бўлса, у ўз ўзидан қалбаки эмас. Бундай шароитда росмана одам фильмдагидек ҳаракатлар қилолмайди ва бинобарин бигфут («катта оёқ») одамдан фарқли ўлароқ аъло даражадаги локомотор системага эгадир. Сирли жонзотнинг табиий ҳаракати суратга олиш ва қайта ишлаш тезлигига тенг келган вақтдагина барча гумонлардан холис бўлиш мумкин».

Бироқ муаммо шундаки, Паттерсоннинг кинокамераси тўртта тезликка эга бўлган: яъни секундига 12, 16, 24 ва 32 та кадр.

Паттерсон шошилинича кадрлар частотасига эътибор бермаганини таъ олди.

Биз экрандаги у ёки бу воқеалар аро вақт улушини топиб, улар оралигидаги кадрлар миқдори асосида суратга олиш тезлигини аниқлашимиз керак эди. Лекин экранда табиати номаълум бигфут ҳаракат қилади. Хўш, борди-ю, кадр ортидаги вақт эталони топилса-чи?

Камера тебранишини аниқлаш учун фильм экранга туширилганди, унда ҳар бир кадрнинг олдинги пландаги шахобчалари ёки стволининг жойлашиши кўринди. Предметларнинг жой ўзгартириш графиги тузилгандан сўнг, улар икки даврда (4 ва 7 кадр) тебранганлари маълум бўлди.

Шунга асосланиб, дамо-дамги тебранишларнинг кўпчилиги Паттерсоннинг югуришига, камлари унинг юришига мосдир деган хулосага келинди. Лента охирида тебранишлар йўқлиги Паттерсон фильмнинг мазкур қисмини тўхтаб туриб суратга олганини кўрсатади.

Агар Паттерсон секундига 16 кадр тезликда суратга олган бўлса (физика қонунларига биноан агар фильм бундан кам тезликда суратга олинса мавжудот ҳаракат қилмаган бўларди, югуришда у секундига тўрт қадам ташлаган (16:4), бу спринтер натижасидан пича камроқ (секундига 4,3 қадам). Юрганда эса секундига икки қадамдан сал зиёдроқ (16:7). Агар фильм секундига 24 кадр тезликда суратга олинган деб фараз қилинса, Паттерсон югуришда ҳар қандай спринтердан устун келиб, секундига олти қадамдан силжиган бўлиб чиқади (24:4). Фильм дарҳақиқат секундига 16 кадр тезликда суратга олинганлиги шу зайил исботлангач, доктор Гривнинг гумони фильмнинг ҳақиқийлигини кўрсатувчи яна бир далилга айланди.

Фильм кадрлари ва фильм муаллифларининг гувоҳликлари асосида биз плёнкага аёл жинси туширилганига амин бўлдик. Бироқ Паттерсон ўша аёл жинсли мавжудотни ўрмонда

таъқиб этишга журъат қилмаган.. Паттерсоннинг ўзи эътироф этишича, у номаълум мавжудот бениҳоя баҳайбат бўлгани учун шундай қилган экан. Аммо буни аниқлаш керак эди.

Паттерсон билан Дахинден буни икки усулда амалга оширишди: панжа изининг узунлиги (38 см.га яқин) асосида ва одамни худди ўшандай вазиятда суратга олиш орқали. Иккала усул ҳам номаълум мавжудотнинг бўйи икки метрга яқинлигини исботлади.

Мазкур мақоланинг муаллифларидан бири кинокамера объективининг маълум фокус масофаси ҳамда канадалик тадқиқотчи томонидан бажарилган жойни ўлчаш асосида сирли мавжудотнинг бўй-бастаи ҳажмини ҳисоблаб чиқди. Бунда фильм кадри асос қилиб олинди.

Рене Дахинден А ва Б тўнқалари ёнидаги фақат уч бурчак унсурлари, уларнинг ўзаро масофасини ҳамда кинокамерадан олислашганини анча аниқ ўлчади.— Табиийки, бу ўлчашлар камлик қилди, дарҳақиқат, қолган барча масофаларни аниқлаш учун базис ҳам ниҳоятда етарли эмасди. Шунинг учун схемани изчил яқинлаштириш методи асосида қуришга тўғри келди: жойнинг плани тузилиб, кадрга мос эмас унсурлар аниқланади, хато бартараф этилиб, янги план тузилади. Бу бир неча бор такрорланади.

Ниҳоят план тузилди, унда ғалати мавжудотнинг ҳаракати траекторияси белгиланди. Р. Дахинден схема билан танишиб, уни реалъ шароитга нечоғли мос келишини қайд этди.

Мазкур схемага кўра, мавжудотгачан бўлган масофа 40-43 метр, унинг бўйи 180—210 сантиметрни ташкил этди. Шундай қилиб, геометрик ҳисоб-китоб ҳам америкалик тадқиқодчиларнинг ўлчашларига зид келмайдиган натижа берди.



СЕРГЕЙ КЛУМОВ,

*биология фанлари кандидати*

---

## УЧРАШУВ БУЛАРМИКИН?

Бу воқеа қандай бошланганлиги эсимда... Ҳаммаси кўз олдимда содир бўлди. 50-йилларнинг бошларида Ҳимолайда излари топилган номаълум мавжудот — «қор одам» ҳақида биринчи марта хабар эълон қилинди. Кўпчиликнинг эътиборини жалб қилган «қор одам» ҳақидаги баҳслар қизиб кетди. Ҳар доимгидек шубҳачилар эъти-



роз билдиришар, ташаббускорлар эса ўз фикрларини маъқуллардилар.

1958 йили «Бутуниттифоқ географик жамият ахбороти» да менга яхши таниш йирик совет географ-олими, СССР Фанлар Академиясининг мухбир аъзоси С. Обручевнинг жиддий фикрлари биринчи марта эълон қилинди.

Музокарада профессорлардан Б. Поршнев, А. Машковцев, Н. Ладигина-Котс, М. Неструх ва кўплаб бошқалар фаол иштирок этишди. Ҳаммани қизиқтирган «Қор одам мавжудми ёки йўқми» деган саволга Поршнев анча жонли ва ишонарли жавоб қайтарган, бу, албатта, кузатувчиларнинг катта баҳсига сабаб бўлган эди.

1958 йилнинг январида СССР Фанлар Академияси президиумининг навбатдаги мажлиси бўлди, «қор одам»ни ўрганиш юзасидан С. Обручев раислигида алоҳида комиссия тузилди. Раиснинг биринчи ўринбосари қилиб Б. Поршнев тайинланди. Президиум мажлисида сўзга чиққан академик И. Тамм комиссия тузилганини қўллаб-қувватлаб ўзи ҳам мазкур комиссия ҳайъатига киритилди.

Комиссия газета ва журнал редакцияларига, СССР Фанлар Академиясининг илмий муассасаларига, тегишли институтларга, радио ва телевидениега келган кўплаб материаллар, хатлар, ахборотларни жамлаб тўплай бошлади.

1958 йили чет тилидан таржима қилинган илк китоблар чиқа бошлади. Хуллас ўша йил совет олимларининг «қор одам» ҳақидаги расмий изланишларининг бошланиш йили бўлди.

Бироқ, комиссия узоқ ишламади. 1959 йилдаёқ Ленинградда яшаётган С. Обручев комиссия раислигидан воз кечди ва бутун ишларни профессор Поршневга топширди, СССР Фанлар Академияси президиуми эса Помирга қилган муваффақиятсиз экспедициядан сўнг бу борадаги фаолиятини тугатмоқни лозим кўрди. Шунга қарамай, 1958-59 йилларда «Информацион материаллар»нинг тўртта мароқли ва ноёб сонлари чоп этилди. Профессор Поршнев гуруҳидаги олимлар сони асосан кўплаб ёшларнинг оқиб келиши билан кўпайиб борди.

1961 йилнинг охирида АҚШда таниқли америкалик зоолог, профессор Айвен Сэндерсоннинг «Ярамас қор одам. Афсона воқеий ҳикоя бўлиб чиқди» номли монографияси нашр этилди. Агар мен совет олимларининг тадқиқотлари билан мукамал танишиб чиқмаганимда, мазкур монографияни яратмаган бўлар эдим, деб ёзганди муаллиф. Олим Б. Поршнев ва у билан бирга иш олиб боришган бошқа олимларнинг «қор одам» ҳақидаги тадқиқотларини жуда юқори баҳолади.

«Шу пайтгача муаммо бўлиб келган бу масалага совет олимларининг ғайрати туфайли мутлақо янгича ёндошилади»

ган бўлиди. Мазкур масала яхлит тарзда шу даража юқори кўтарилдики, ғарбдаги илм аҳли бу борадаги муносабатларида ўз позицияларини тубдан ўзгартиришга мажбур бўлдилар...»

Сендерсоннинг китоби бизга 1962 йил апрель ойининг охирларидагина етиб келди. Бу вақтда Б. Поршнев шу масалага бағишланган монографиясини (қўлёзмасини) ёзиб тугатган эди. 1963 йили мазкур монография... 180 нусхада нашрдан чиқди ва муаллиф бутун тиражни сотиб олди. Бу китобларни Б. Поршнев ўз ҳамфикрлари — Совет ва хорижий олимларга дастхат битиб тарқатди. Менинг кутубхонамда ҳам Б. Поршневнинг ҳаяжонлатирувчи сўзлари битилган монографияси сақланади.

Мазкур улкан илмий ишнинг муқаддимасида қуйидаги сўзларни ўқиш мумкин: «Қор одам» деганимиз ўрганилаётган мавжудотга мутлақо тўғри келмайди. Кўрганимиздек, биз ўрганаётган мавжудот умум истеъмолдаги «қор» ҳам, «одам» ҳам эмас. Агар сўзларга талабчанлик билан қаралса «қор одам» мавжуд эмас».

Хўш, унда монография кимга бағишланган?

Муаллиф комиссия тўплаган, олимлардан олинган, архивлардан топилган, Совет Иттифоқининг ҳамма еридан кўплаб мухбирлар жўнатишган, дунёнинг қатор мамлакатлари олимлари юборишган материалларга таяниб, сирли «қор одам» умуман «одам» эмас, қадимги гоминоид эканини исботлайди. Бу ном изоҳга муҳтож.

«Одамсимон маймунларга антропоидлар, яъни одамга ўхшаш ҳайвонлар деб ном берилган. Хўш, бу ҳолда антропоидлардан «ажраб» бўлган мавжудотларни нима деб атамоқ керак? Улар энди маймунлар ҳам эмас, айни вақтда ҳозир одам ҳам деб бўлмайди-ку. Улар таъбир жоиз бўлса, одамсимон маймунлар билан келгуси одамлар оралиғидаги мавжудотлар дейиш мумкин. Мен қадимий маймунсифат одамлар ёки питекантроплар, синантроплар ва ниҳоят мазкур тараққиёт йўлида яна ҳам олға силжишган неандерталлар тўғрисида сўз юритаётирман. Ушбу икки оёқда юра бошланган қадимги ҳамма маймунсифат одамларни Б. Поршнев «қадимги гоминоидлар» деб атаган. У «қор одам» дея аталмишларни ҳам шу «компания»га қўшган.— Олимларнинг фикрлари айри чиқиб қолди. Айримлар мазкур қадимий одамзот аждодларини қадим-қадим гоминоидлар сирасига киритишса, бошқалар уларни бир қанча жиҳат ва одатларини йўқотишган неандерталлар дея атамоқдалар. Мазкур масала ҳозирда ҳам катта мунозараларга сабаб бўлаётир.

Қадимий гоминоидлар (ҳозирдан эътиборон «қор одам»ни шу ном билан атай бошлаймиз) билан қизиққан совет китобхонлари, чамаси, америкалик ва канадалик олимларнинг ишларидан яхши хабардор бўлсалар керак. Чунки матбуотимиз

ўша олимларнинг хулосалари ҳақида мухтасар маълумотларни бирмунча мунтазам эълон қилиб келган эди. Юқорида айтилган олимлар «саскватч» (Ҳиндулар «қор одам»ни шундай аташган) юзасидан бир неча минг визуаль кузатишлар тўплашган, мазкур жонзотнинг изларини турли усуллар билан қайд этишган. Кўп миқдордаги ганч қолиплар, расмлар, фотосуратлар шулар жумласидандир.

Р. Паттерсон билан Р. Гимлин Калифорния шимолидаги зим-зиё қалин ўрмонларда баҳайбат оёқни суратга туширишган.

Мазкур фильм кўплаб турли экспертизалар туркумларида текириқувдан ўтди. Олимлар лентанинг (лента объектини ҳам) ҳақиқийлигини ёки сохталлик бўлса, уни ҳам аниқлашга уришиб кўришди. Д. Баянов билан И. Бурцев «Бигфут кадрга тушиб қолди!» сарлавҳали мақолада совет экспертларининг фаолиятлари хусусида ҳикоя қилар эканлар, асосли равишда ижобий хулосага келдилар.

Саскватчининг мавжудлиги Америкада ҳам шубҳа уйғотмаётир. Мана неча йиллардирки, мазкур муаммо юзасидан Америка ва Канаданнинг қатор йирик антрополог олимлари жиддий иш олиб бормоқдалар. Ҳолбуки ҳозирга қадар ҳам бу борада шубҳаланувчилар анчагина топилади. Юқоридаги олимлардан бири, Вашингтон штати университети антропология кафедрасининг профессори, доктор Гровер Кренц бир неча бор матбуотда қадимий гоминоидлар мавжудлигига бағишланган жиддий илмий мақолалар эълон қилди.

Утган йигирма йилдан зиёд вақт асносида кўплаб янги материаллар пайдо бўлди: Европа, Осиё, Шимолий Америка, Австралия ва бошқа жойларда янги кузатишлар олиб борилди, яъни қадимий гоминоидлар тарқалган жойлар анчагина кенгайди. Икки марта Шимолий Америкада кинофильм суратга олинди, Ҳимолайда янги кузатишлар ўтказилди, олимлар қайд этишган янги излар топилди, илмий мақолалар, китоблар, монографияларда янги маълумотлар чоп этилди... Бизда Д. Баянов, И. Бурцев, А. Козлов ва кўплаб бошқалар фаол иш олиб боряптилар, АҚШ билан Канадада вафот этиб кетган олимлар ўрнини ёш истеъдодлар эгаллашди. Улар ўтмишдошлари бошлашган ишни давом эттирмоқдалар ва тўла ишонч билан айтиш мумкинки, улар янги кашфиётлар яратишади, янги жиддий илмий-тадқиқод ишлари олиб боришади.

Хўш, кенг тадқиқод ишлари олиб боришни ташкил этиш масаласи нечун бунчалар долзарб ҳисобланади? Шунини айтиб ўтиш керакки, йил сайин қадимий гоминоидлар миқдори ва уларнинг масканлар сони камайиб бораётир. Йигирма-ўттиз йил муқаддам улар ҳозиргига қараганда тез-тез учраб тургувчиди. А. Бурцева билан В. Пушкарёвлар ҳам шунга алоҳида

аҳамият беришган. Айрим жойларда эса «саскватч» қараб туриб йўқолиб кетди! Шундай вақтлар ҳам келарки, тузатиб бўлмас хатога йўл қўйганимиз, мазкур муҳим илмий муаммога менсимай қараганимиз учун аччиқ надомат чекишимиз ҳам мумкин.

Эҳтимол бир неча юз йил ўтгач, келгуси авлодларимиз ҳозир биз билан ёнма-ён яшаётган қадимий гоминоидлар қолдиқларини топишиб, бизнинг тадбиркорсизлигимиз ва жоҳиллигимиздан бениҳоя таажжубга тушажақлар...

Тасаввур қилайлик, жиддий экспедиция ташкил этилган. Аммо... шубҳачилар ҳақ бўлиб чиқишади. Хўш, нима қилибди?! Агар биз излаган саскватч умуман мавжуд бўлмаган бўлса, бу мағлубият эмас, балки фаннинг ютуғига айланажак, зеро, яна бир баҳсли масала ҳал этилади.

Олимларнинг фан ва жамоатчилик кўтариб чиққан саволларга жавоб қайтармасликка ҳақлари йўқ.

Аммо улар ишонарли, аниқ фактларга эга бўлмай туриб «ҳа» ёки «йўқ» дейишга ҳам ҳақли эмаслар. Олимлар фақат «Билмаймиз... Ҳозирча билмаймиз...» дея оладилар холос. Мана шунинг учун ҳам саскватчларни ҳар қандай кузатиш ёки гувоҳлар ҳикояси асосида номаълум мавжудотлар қиёфасини чизиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Э.М. Э.М. Э.М.  
Э.М. Э.М. Э.М.

**ТАТЬЯНА БОЛЬШАКОВА,**

*инженер*

**ВЛАДИМИР ПСАЛОМШЧИКОВ,**

*аспирант*

---

## **ЗИЛЗИЛАНING ЕЛҚИНЛИ АЛАНГАЛАРИ**

Поездга тушгандан кейин киши атрофдаги одамлар билан дарров танишиб олади. «Красная стрела» Москва вокзали перронидан қўзгалмасданоқ купеда суҳбат бошланиб кетди. Суҳбат яқинда Тошкентда бўлиб ўтган зилзила тўғрисида борар эди. Суҳбатдошлардан бири, бақувват, серсоқол киши чамадонини очиб, ундан «Правда» газетасини олди. Ўзбекистон пойтахтидан берилган навбатдаги репортажда ер қаттиқ сил-

кирган пайтда уфқ ғайриоддий равишда ярақлаб кетгани тўғрисида ҳикоя қилинарди. Бу худди ерни ўраб олган қутб шафагини эслатар эди... Биз геофизик Владимир Петрович Савченко билан мана шундай танишиб олдик.

— Биласизми, жуда қизиқ,— деди у.— Мен ҳам шунга ўхшаган нарсани кўрганман. Лекин ўша вақтда бунга аҳамият бермагандим. Балки қўрқиб кетганимдандир. Бу 1948 йилнинг кузида Ашхободда бўлган эди...

### *Геофизик ҳикояси*

Ўша вақтда мен эндигина мактабни битиргандим. Тоғ институтига кириш имтиҳонларидан йиқилиб, ҳафа бўлганимдан геология қидирув партиясига коллектор бўлиб ишга кириб кетдим. Шуниси ҳам борки, бу — коллектор, партия дегани фақат ҳаётни севадиган, лекин ялқов, ишەқмаслар учун мафтункор жаранглайди. Аслини олганда бизнинг партиямиз ҳаммаси бўлиб икки кишидан: мен билан раҳбаримдан иборат эди. Раҳбарим болғачаси билан тошларни иштиёқсиз уриб майдалар, уларни у ёқ-буёғини синчиклаб кўздан кечиргандан кейин ташлаб юборарди. Бирорта тош нимаси биландир уни қизиқтириб қолса, уни қоғозга ўраб, устига ниманидир қайд этгач, менинг юк халтамга солиб қўярди. Мен ўша халтани унинг орқасидан кўтариб юрар эдим. Мен раҳбаримдан бирор нарсани сўраганимда у истар-истамас жавоб қайтарар, лекин жавоби жуда муфассал бўларди. Лекин ўрта маълумотлигига бўлганим учун раҳбаримнинг ҳамма гапини ҳам тушунавермасдим. Бинобарин, Ашхободга келганимдан кейин мутахассисликни танлашда тўғри йўл тутганимга шубҳаланиб қолдим...

— Шаҳарга кечга яқин етиб келдик. Қаттиқ чарчаган, ҳам-маёғимиз чанг-чунг, соқолларимиз ўсиб кетган эди. Меҳмонхонага жойлашдик. Раҳбарим шу заҳоти уйқуга кетди. Мен бўлсам, ёшлигимга бориб, чарчаган бўлсам ҳам кўча айлангани чиқиб кетдим.

Кўп ўтмай пахса деворли уйчалар ўртасига тушиб қолдим. Бу уйлар бир-бирига шунчалик яқин қурилган эдики, тор кўчада эшак минган кишининг оёғи икки томондаги деворга тегиб кетгудек бўлар эди. Кўча қоронғи, ҳеч қаерда милтиллаган чироқ йўқ. Агар қўлимда фонус бўлмаганда, мана шу қадимий, хилват кўчаларда юришга журъат қилмаган бўлардим.

Ҳаммаси бехосдан бошланди. Секин, салобатли гулдиран эшитилди, бирданига ер оёғим остидан чиқиб кетгандек бўлди. Олдингидан қаттиқроқ иккинчи силкиниш мени ерга улоқтирди. Атрофдаги одамларнинг ваҳимали товушлари эшитилди.

Фокусимнинг хира шуъласида яқинимдаги уй чанг-тўзонга кўмилиб, вайрон бўлганини кўрдим.

Шу пайт қандайдир вақимали ҳолат содир бўлди — уфқ ёлқинлана бошлади. Сиз фантастик романларда инсон ўзига нотаниш дунёга тушиб қолишдан илгари «Мурдаларникидек яшил туман» орасида қолгани ёки «ярқироқ зангори нур» ичига кириб кетгани ёки бўлмаса, бундан ҳам даҳшатли ҳодисаларни бошидан кечиргани тўғрисида ўқигансиз. Бу жойда мана шу фантастикани ўз кўзим билан кўрдим. Устига-устак даҳшатли гулдираш, қаттиқ шамолда кўкат каби силкинаётган дарахтлар жуда вақимали эди.

Бу фалокатдан тамом ўзимни йўқотиб, кўзимни юмдим, тўп ўқлари орасида қолган ёш аскардек дағ-дағ титрар эдим. Кейин мана шу ярақлаган туман, осмондаги яшил рангли чақмоқларни жуда кўп кишилар кўрганликларини эшитдим. Лекин ўша пайтда бу ҳолатни кузатиш ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмаганди. Одамлар аввал ўзлари офатдан қутулишга уринар, кейин эса бошқаларга кўмакка шошилардилар. Энди мана шунга ўхшаган ҳодиса Тошкентда...

### *Ёлқинли мўъжизалар хроникаси*

Геофизик Савченконинг айтганлари бизни шунчалик қизиқтириб қўйдик, биз бундай ҳодисалар тўғрисида муфассалроқ эшитишга қарор қилдик.

Мана шундай бемисл фалокат тўғрисидаги дастлабки маълумот оз эмас, кўп эмас, Қадимги Рим даврига — эраמידан олдинги 373 йилга тааллуқли экан! Миср ва Ҳиндистонда, Жанубий Америка ва Европада — қаерда бўлмасин, она-Еримизнинг силкиниши билан бир вақтда содир бўладиган бундай ёлқинли мўъжизалар кишиларни даҳшатга солган. Китобхонларга яна ҳам ишонарли бўлсин учун уларни шу асрдаги фалокатлар билан таништирамиз. Шундай қилиб...

1941 йили Германияда бўлган зилзила пайтида булутли осмонда олов шарлар пайдо бўлган.

1923 йили Токиодаги зилзила пайти ер остидан ёлқинли туман кўтарилган.

Машҳур Қрим зилзиласи (1927 й.) шоҳидларининг айтишларича, денгиз узра ёлқинли устунлар ҳосил бўлган. Лукулл буруни қаршисида бундай устунларнинг баландлиги 500 метрга етган.

1930 йили Идзу (Япония) ярим оролидаги зилзила пайтида ҳосил бўлган ёруғлик ҳодисаси улкан чақмоқнинг аста-секин чақнашига ўхшар эди. Энг кўп вайронагарчилик содир бўлган

жойда оловли шарлар ва қутб шафағи янглиф узун-узун ёғдулар кўринган.

1940 йили Карпатда тўққиз балли зилзила пайти осмонда гайриоддий ёруғлик ёлқинланган.

1948 йил. Ашхобод. Мана зилзила шоҳиди бўлмиш метеорологнинг ҳикояси: «Етиб ухлашдан олдин соф ҳавода айлангани ташқарига чиқдим. Бирданига кўзни қамаштирадиган электр чақмоқлари ҳосил бўлди. У ёй шаклида тоғдан паст томонга силжиб, мендан 30—40 метр наридаги сув чиқаргич минора яқинида ерга сингиди. Кейин қаттиқ шамол эсди. Шамол тўхташи билан ер қаттиқ силкинди».

Ашхобод фожиасининг бошқа бир шоҳиди геолог олим шундай эслайди: «Мен меҳмонхонага анча кеч қайтдим ва энди ўринга ётмоқчи бўлиб турган эдим, деразадан уфқни ёритган чақмоққа кўзим тушди... Мен буни момақалдироқ чақмоғи деб ўйладим ва бундан кейинги гумбирлаш ва силкинишни момақалдироқнинг кечиккан товуши деб гумон қилдим...»

1960 йил Чилидаги зилзила. Эпицентр яқинидаги тоғ чўққилари аланга ичида қолгандек бўлган.

1966 йил. Тошкент. Нурли чақинларнинг шоҳиди бўлган кўпгина кишилар, бир-бирлари билан келишиб олгандек, бир хил гапирадилар: «Мен гўё ўзимни улкан газли лампа трубкаси ичига тушиб қолгандек ҳис қилдим». «...бу ҳолат бузилиб қолган кўкимтир неон лампаси рекламасининг липиллашига ўхшар эди», «...тепа сочим тикка бўлди, шифтдаги ўчириб қўйилган лампочка липиллаб ёна бошлади...»

Мана энг охири маълумотлардан бири: «1971 йилнинг 13 сентябрида соат 20-ю 30 минут Грозний шаҳрида гайриоддий ҳодиса юз берди. Булутсиз осмонда товушсиз чақмоқ пайдо бўлди. Бу осмонда узлуксиз чақинган оқ ва қизғиш ўт эди. Эртасига соат 20-ю 10 минутларда 5—6 балли... зилзила бўлди. Мана шундай товушсиз чақмоқ 1972 йилнинг 27 сентябрида Грознийда 6 баллик зилзиладан олдин ҳам содир бўлган эди», — хабар беради география фанлари кандидати Н. Прибитков «Природа» журналида.

Сухбатимиз якунида америкалик геофизик Э. Робертснинг «Ер қимирлаганда» китобидан бир абзац келтирамиз: «Зилзила пайтида кўпинча нур устунлари: айрим пайтда оловли шарлар, ҳатто ер ва булутлар қизғиш инъикосга ўхшаган номаълум нурланишни кузатадилар... Айниқса Нью-Мадрид шаҳрида зилзиладан кейин содир бўлган нурланиш тўғрисида кўп гапирилди. Айрим ерли аҳоли ҳатто буни вулқон отилиши нишонаси деб ҳам ўйлаганлар».

Мана шундай кузатишларда ҳамиша ҳам бу ҳодисанинг бевосита ўзини, унинг «соф» кўринишида аниқлаш, у билан

бирга бўладиган ва ҳатто шунчаки ўткинчи факторларни ажратиш мумкин бўлавермайди. Табиий офатга тасодифан учраб қолган кишидан ўз таассуротларини таҳлил қилишни талаб қилиш мумкин бўлармикин? Лекин шуниси аниқ-қи, минг-мингларча одамлар бир неча асрлар давомида бу сирли табиат ҳодисаси тўғрисида бир хил гапирадилар. Бу гапларнинг маъноси нимада? Бу тўғрида фан нима дейди?

Мазкур нодир ҳодисани изоҳлаш учун ўтган асрдаёқ пайдо бўлган оддий уйдирмалардан тортиб (ўша вақтда назариётчи-олимлар осмонда пайдо бўлган бу нурлар ер қимираш пайтида ер қобиғидаги тубсиз ёриқлардан кўринган ер бағрининг аксидан бошқа нарса эмас, деб ўйлаганлар) то энг замонавий фикрларигача (масалан, зилзила манбаини ўзига хос табиий лазер деб қараш мумкин) жуда кўп гипотезалар мавжуд.

Пессимистларнинг фикрлари ҳам ўзига яраша мароқли. Улар табиатда ҳеч қандай ҳодиса йўқ, бўлса, улар юқори вольтли электр симлари ва ер ости кабелларининг узилиб кетишидан чиққан учқундан бошқа нарса эмас, деб ўйлайдилар. Пессимистларга нима дейиш мумкин? Биринчидан, қадимги римликлар ва осийликлар ўз юртларига юқори вольтли электр симлари тортганликларига ишониш қийин. Иккинчидан, жиддий айтадиган бўлсак, бундай ёрқин оловлар, одатда ер қимирашдан олдин содир бўлади.

### *Фалокатнинг электр даракчиси*

Шуниси қизиққи, зилзила содир бўлишидан олдин ёрқин чамоқ, шарлар ва олов ҳосил бўлиши билан бирга, атмосферада электр майдонининг қувватти кескин равишда ортиб кетади. Бу ҳодисани биринчи марта профессор Н. Чернявский кузатган эди. У 1924 йилнинг август ойида Жалолобод (Қирғизистон) атрофида дала шароитида атмосферадаги электр қувватини ўрганган эди. Мана олимнинг айтганлари: «Уша куни ҳаво очиқ эди. Аммо асбобларнинг одатдан ташқари ҳолати бизни ҳайратга соларди. Аппаратлар атмосферада жуда юқори потенциалда «электр бўрони» бошланганини кўрсатарди. Унинг қуввати қанча эканини аниқлаш мўмкин эмасди, чунки, асбобнинг стрелкаси шкаладан ташқарига чиқиб кетган эди. Орадан икки соат ўтгандан кейин ер ларзага келди... Шунда мен балки зилзила атмосферадаги электр майдонининг ғайриоддий ҳолатига сабаб бўлгандир деб ўйладим».

Тошкетда ҳам мана шундай ҳодиса такрорланди. Бош



геофизик обсерваторияда бизга аниқ маълумот беришларига қараганда, Тошкентда zilzila бошланмасдан бир неча соат олдин атмосферанинг электр майдони кескин ўзгариб кетган. Бу пайтда момақалди роқ ёки чанг бўрони каби метеорологик ходисалар кузатилмаган.

Бу жуда оддий нарса экан-ку, сейсмик хавфли районларга, масалан, Ашхободга аппаратлар ўрнатинг, асбоблар кўрсатишига қараб одамларга бўлғуси фалокат ҳақида хабар беринг, дейишлари мумкин. Ҳа, бу оддийгина бўлиб кўринади. Лекин аслини олганда жуда мураккаб. Мана шу Ашхободнинг ўзида zilzila 1985 йилда ҳам, 3048 йилда ҳам бўлиши мумкин. Балки асбоблар ўрнатилган куннинг эртасига бўлиши, лекин... бу шаҳардан юз километрча нарида, асбобларнинг қуввати етмай диган жойда рўй берса ҳам ажаб эмас.

Қандай чора қўллаш мумкин? Бунинг чораси шуки, мамлакатимизнинг zilzila бўлиб турадиган районларида атмосферани «қўриқлаб туриш» лозим. Ҳозир мана шундай электр хавфсизлиги хизмати учун яроқли станциялар бармоқ билан санарли даражада оз, тўғрироғи, ўнтагина. Мана шулардан фақат биттаси (эътибор беринг, биттаси!), Тошкентдагиси узоқ муддатли кузатиш ишларини олиб боради. Мана шу станция 1966 йил, 26 апрелда ернинг силкинишидан беш соат (!) олдин электр майдонининг тўлқинланишини кўрсатганди.

### *Табиий офатга қарши уруш очамиз!*

Бу товушсиз чақмоқларни ҳосил қилувчи улкан электр майдонлари олов шарлар ва ҳатто қутб шафақлари қаерда ва нима сабабдан, қандай жараёнлар ҳисобига ҳосил бўлади? Бу табиатнинг бирорта ҳам асбоб тутиб ололмаётган ва математик формулаларга туширилмаган навбатдаги сири. Бу сири билиш учун жуда кўп станцияларда доимий равишда текшириш ишлари олиб бориш керак бўлади. Чунки айрим пунктларда олиб борилаётган кузатишлар яхши натижа беришига умид қилиб бўлмайди. Лекин бу кузатишлар шунчалик уюшмаган ҳолда олиб борилаётирки, уни бир нуқтадан силжитиш учун йиллар ўтиши мумкин. Ҳозир биринчи галда... радиоҳаваскорларга ёрдам қўлини чўзиш мумкин.

Тарихда мингларча радиоҳаваскорлар йўқолган экспедицияни қидириб, биринчи бўлиб топганликлари тўғрисида юзларча маълумотлар мавжуд. Яқиндагина мана шу радиоҳаваскорлар ҳар қандай министрликнинг ҳам қўлидан келмайдиган жуда улкан ишни амалга оширдилар. Улар тупроқнинг электр ўтказувчанлик умумиттифоқ харитасини тузишда

иштирок этдилар. Физик факторларни — зилзила даракчиларини қидириб топиш муаммосида ҳам мактабларда, ДОСААФ радио тўгаракларида, табиатшунослик секцияларида махсус кузатиш пунктларини ташкил қилиш ғайриоддий жумбоқнинг ҳал қилиш вақтини бир неча йилларга қисқартириши, ва ким билади дейсиз, яна ҳам мароқли кашфиётлар бўлиши мумкин. Нимани кузатиш керак деган масалага келсак, текширишлар шуни кўрсатадики, зилзила манбаи фақат электр майдонинигина эмас, шунингдек, инфра товуш ва радио тўлқинларини ҳам генерация қилади. Кузатиш ишлари олиб бориладиган майдон исталгандан ҳам кўп — Совет Иттифоқининг бешдан бир қисми зилзила бўлиб турадиган жойлардир.



НИКОЛАЙ ДУБРОВИЧ

*физика-математика фанлари кандидати.*

---

## ЕРДАН ОСМОНГАЧА БЎЛГАН КОНДЕНСАТОР

Олдиндан айтиб қўяйлик, сиз юқорида ўқиб чиққан мақолада олдинга сурилган барча масалаларга жавоб бериш анча оғир. «Зилзиланинг хаёлий оловлари» жуда кўп, турли хил сабаблар билан ҳосил бўлиши мумкин. Лекин фан ютуқлари — атмосферанинг юқори қатламларини текшириш, сунъий йўлдошлардан фотосурат олиш, океанлар суви остини тадқиқ этиш — Ер-атмосфера системасини яхлит организм сифатида кузатиш имконини яратди.

Биз ҳам ер юзасидан бирмунча узоқлашиб, ўша ердан, юқоридан туриб сейсмик муаммоларнинг моҳиятига назар ташлашга уриниб кўрамиз.

Қуйидаги манзарани тасаввур қилиб кўрайлик. Маълумки, ионосфера билан ер юзаси оралиғида потенциалларнинг жуда катта тафовути мавжуд. (250 минг вольтга яқин!) Ҳаво электр ўтказувчанлик хусусиятига эга бўлганлиги учун ер билан осмон оралиғида ток оқими мавжуд (бу токнинг кучи 2 минг амперга яқин). Шундай қилиб, атмосферада ярим миллион киловаттга яқин қувватли электростанция доимий равишда ишлаб туради. Лекин атмосфера токи ер юзасида туташмай-

ди. Атмосфера-электр ҳолатларининг шаклланишида ер ости жараёнлари ҳам роль ўйнайди. Шундай қилиб, табиатда иккита кетма-кет уланган глобалъ конденсатор — «ионосфера ер юзаси» ва «ер юзаси қобиқ» мавжуд. Конденсаторнинг юқори қопламаси планетамиз юзасидан 8-10 километр юқорида жойлашган. Ҳаво биринчи конденсаторда изолятор вазифасини бажаради. Иккинчисига эса ер қобиғининг қалинлиги унчалик катта бўлмаган (5—8 км) токни кам ўтказувчи жинслар изолятор ҳисобланади. Уларнинг ҳарорати чуқурликка тушган сари ортиб боради. Шунинг учун анча чуқур қатламлардаги жинсларнинг (асосан базальтлар) қаршилиги бирмунча оз бўлади.

Шундай қилиб, агар зилзила манбаи 5—8 километр чуқурликда бўлса, (бу Тошкент зилзиласи эпицентри чуқурлиги билан баробар) шу зонада ҳосил бўладиган синиш, ёрилиш ва силжишларни конденсаторларнинг биридаги диэлектрикнинг ёрилиши деб тасаввур қилиш мумкин. Табиийки, шундан кейин «ионосфера-ер» конденсаторида қувват кескин ортади, шунинг учун зилзила пайтида кузатиладиган электр ҳодисасини атмосфера-электр генератори ишидаги ўзига хос қисқа уланиш деб қараш мумкин. Бахтимизга, ионосфера яхлит ўтказувчан муҳит эмас, йўқса, ярим миллион қувватга эга бўлган разряд бир нуқтада бўлар эди. Реаль ионосферада зарядларнинг тақсимланиш жараёни зилзила бевосита содир бўлган район билан кифояланади, кейин бу тўлқинланиш бутун ионосферага тарқалади.

Метеорологлар мароқли фактнинг шоҳидидирлар. Электр майдонининг ер шари бўйлаб бир кеча-кундузлик силжиши ягона бир вақтга бўйсунди («унитар вариация»), ундаги бутун ўзгариш синхрон равишда ҳосил бўлади, яъни ер электр генераторининг механизми глобалъ характерга эга бўлади. Модомики шундай экан, ер остидаги ҳар қандай ўзгариш шу заҳоти ионосферага таъсир кўрсатиши керак. Тошкентдаги зилзиладан олдин ионосферада мана шундай тўлқинланиш ҳосил бўлгани тўғрисида сейсмик станциянинг раҳбари В. Улсмов хабар берган эди.

Яна бир фактга олимларнинг эътиборини жалб қилиш лозим. Тошкент, Ашхободда бўлган зилзила пайтида (бошқа жойлардаги зилзила пайтида бўлганидек рўй берган электр ҳодисаси қуёш фаоллиги максималъ равишда ошган йиллари содир бўлади. Сирасини айтганда, шундай бўлиши керак, чунки атмосфера — электр генераторининг иш унуми Қуёшнинг ҳолатига боғлиқдир.



## ВАЛЕНТИН АККУРАТОВ

*СССРда хизмат кўрсатган штурман*

---

### Оловли шар билан учрашув

Бу воқеа 1946 йили Вологда областининг Няндома ўрмон массиви узра содир бўлган эди. Биз катта тўрт моторли Пе-8 самолётида Арктика ҳавзасида муз устида ўтказилган разведкадан қайтиб келар эдик. Ҳаво кемасининг уч томонидаги навигаторнинг кабинасида Совет Иттифоқи Қаҳрамони, биринчи класс штурмани Н. Зубов навбатчилик қиларди. Мен шимол авиациясининг бош штурмани сифатида Зубовнинг олий класс учувчилик гувоҳномаси муддатини узайтириш учун унинг ишини текшириб, ундан уч метрча орқада чап томонда ўтирар эдим. Учувчилар кабинаси штурманлар хонасидан анча узоқда, иккинчи қаватда жойлашган эди. У ерда самолёт командири, Совет Иттифоқи Қаҳрамони В. Задков билан иккинчи учувчи Н. Самохин ўтиришган эди. Уларнинг ҳар иккиси ажойиб учинг усталари, ҳар қандай об-ҳаво шароитида ҳам самолётни яхши бошқарардилар. Уларнинг тагида, бизнинг кабинага кираверишда бортрадист, ҳақиқий эфир снайпери, Совет Иттифоқи Қаҳрамони О. Куксин ўтирар эди.

Бир минг икки юз метр баландликда, булутлар орасида силкинмай, тебранмай осойишта учиб борар эдик. Ҳаво 14 даража совуқ. Самолётнинг қаттиқ антенаси ҳамда ён қисмларини юпқа муз қоплади.

— Эшелонни алмаштирайми? — сўради Зубов.

— Муз юпқа, бир соатдан кейин визуаль учишга ўтиш тўғрисида команда беришади. Булутдан чиқишимизга «ўзимизники» деган сигнал мушагини ҳозирлаб қўй. Айтгандай, ҳозир мушак қанақа рангда бўлиши керак?

— Оқ, ўртоқ бошлиқ, — кесатганнамо жавоб қайтарди у.

Шу пайт бирданига Зубовнинг боши устида кўзни қамаштирадиган оқ шар пайдо бўлди, тебраниб осилиб қолгандек бўлди.

— Штурман! Нима бўлди? Ракетницани ишлатишни билмайсанми? — бақирдим ва ракета отилмагани хаёлимга келиб қолди. Чақмоқ шар, — ўйладим. Лекин қаердан келиб қолди? У қандай қилиб самолётнинг кабинасига кириб қолди? Қизиқ, синоптикларнинг хабар беришича ҳам, об-

ҳавонинг ҳозирги авзойидан ҳам момақалдиروقдан нишона йўқ.

Бу пайт олов шар самолётнинг чап девори бўйлаб мен томонга оҳиста силжиб кела бошлади. Мен ёрқин нурдан кўзимни қисиб, навигация линейкасини маҳкам ушлаган ҳолда самолёт деворига сиқилдим. «Линейка билан уриш керак,— деган фикр келди хаёлимга.— Ахир у целлулоиддан, изолятор...»

Даҳшатли шар нақ юзим рўпарасида тебранган кўйи туриб қолди. Мен билан шар оралиғида масофа 30-40 сантиметр келар эди. Иссиқни сезмадим, аммо бошимнинг тепа қисми бир оз жимирларди. Тўсатдан озон иси келди. Урайми, урмайми? Урсам, Узоқ Шарқда, Могочада бўлганидек портлаб кетса. У жойда воқеа ер юзасида бўлган эди. Шар ҳам тўрт метрча нарида эди. Мускулларим таранглашган, орқам музлаб кетган эди. Шу пайт шар кўкимтир тус олиб, мендан узоқлаша бошлади. Мен қимирламай, ундан кўз узмай кузатиб турдим. Шар пастлашиб, штурман хонасидан радиорубка томон силжий бошлади. У жойда бортрадист ишлар, паст ва тор йўлакдан жун этик кийган оёқлари кўриниб турарди.

— Олег! Передатчикни уз! — ларингофонга бақирдим ўзимга келиб. Ишлаб турган радиостанцияларга чақмоқ тушишини билар эдим. Лекин шу пайт шар радистнинг ўриндиги остига кириб, қаттиқ портлаб кетди. Олов учқунлари Олегни қамраб олди. Кабинани қора, аччиқ тутун босиб кетди, телефон алоқаси узилди ва менга ҳеч ким жавоб бермади. Шундан кейин, мен тутун орасидан иккинчи қаватга, учувчилар кабинасига ўтдим.

— Зудлик билан пастга! Булутлар остида тўсиқлар баландлиги 240 метр.

— Нима бўлди? Нега ўт чиқди? — сўради тутундан нафаси тиқилган Задков очиқ ён иллюминатордан нафас олиб.

— Чақмоқ шар!

— Қиш-ку, ўн тўрт даража совуқ... — Задков машинани кескин пасайтирди: самолётда парашют йўқ эди. Ер бўлса ҳозир бизга ҳам дўст, ҳам душман эди.

Пастда ички қопламани тутиб кетган алангани ўчиришарди. Мен ўша томонга ўтдим.

— Олег, тирикмисан?

— Қандайдир кутилмаган уланиш, асосий рация билан ички алоқа ишдан чиқди,— шошиб гапирди у. Кейин иккимиз ўтни ўчира бошладик. Ниҳоят ўчирдик, тутун тарқади.

— Буни қара, ўриндигим ҳам расво бўлибди,— деди Олег рацияни тузатишга унаб,— оёғи эриб кетибди! Билмадим, нима бўлди?

— Сенинг остингда чақмоқ шар портлади. Ички алоқа предохранителларини текшириб кўр.

— Чақмоқ? Қаерда экан? Эфир тинч, наушникдан ҳеч қанақа момақалди роқ даракчиси — қалдираш эшитилмади.— У электр анжоми тақсимлаш қалқонидаги куйган предохранителларни алмаштирди.— Алоқа бор. Гапиришингиз мумкин.

Мен штурман хонасига кириб, гаплашиш қурилмаси розеткасини уладим.

— Командир, ўт ўчирилди, баландлик тўрт юз, ер кўринмаяпти.

— Тушундим,— деди Задков.

Самолёт ичи тинчиди, тўртта мотор бир маромда гувилларди.

Зубов ўз ўрнини эгаллади. Ракетничи олиб, ундан отилмаган мушакни чиқарди.

— Кечир, Николай, мана шу осмон меҳмонидан кўра сен отганингда яхши бўларди.

Кўп ўтмай Ер нима учун пастлашганимиз сабабини сўради. Штурман кабинасига чақмоқ шар тушгани, бортрадист рубкасидан ўт чиқиб, асосий рацияни ишдан чиқарганини, экипаж шикастланмагани, ўт ўчирилгани, самолётда ҳаммаси жойида эканини айтди. Бир оздан кейин Ердан буйруқ олди:

— Ўз жойингизга чиқиб олинг, ўз аэродромингизга боринг... Эҳтиёт бўлинг.

Баландлик 1100 метр бўлганида булут тарқалди, совуқ қиш қуёшининг нурлари штурман кабинасини ёритди. Мен уни синчиклаб кўздан кечирдим. Барча иллюминатор ва люклар зич ёпилган, бирорта ёриқ жойи йўқ. Ҳатто ракетничи стволи қўйиладиган тешик ҳам бекитилган. Учувчилар билан алоқа боғладим.

— Чақмоқ портлашдан олдин ҳеч нарса кўрдингларми?

— Машинани тусмоллаб, асбобларга қараб ҳайдадим,— деди Зудков.— Бошқа нарсага чалғимадим.

— Сен-чи? — сўрадим иккинчи учувчидан.

— Унг қанот консолида ёрқин оқ шар кўринди. Электр лампанинг қисқа уланиши деб ўйладим, лекин шар ўчмади. Яссиликнинг рўпара, сиртидан сирпаниб, машинанинг бурун қисмида кўздан ғойиб бўлди. Ҳеч нарса дейишга улгурмадим, бирданига портлаб кетди ва бизнинг кабинамизни тутун қоплаб олди, телефон алоқаси узилди.

— Николай, балки чақмоқнинг қаердан пайдо бўлиб қолганини сен сезгандирсан?

— Мушакнинг рангини билиш учун ракетничи олдим, уни очишга улгурмасимдан бошим баландлигида кўзни қамаштирадиган оқ шар пайдо бўлди. У худди шайтон қараш қилган-

дек юзимнинг тўғрисида турди, кейин сен томонга силжиб кетди. Қолганларини ўзинг кўрдинг. Олдинига мушак ўз-ўзидан отилиб кетди деб ўйладим. Ўзинг биласан, ўттиз йилдан бери учаман, бунақасини биринчи кўришим.

Чақмоқ шарни ерда кўрганман, лекин учиб кетаётганда, самолётнинг ёпиқ кабинасида сира кўрмаганман! Бу шар ёрилмасдан олди ҳаммасини яхшилаб кузатган ва бир оздан кейин радист томонга, тўғрироғи, чиқарувчи антенна томон йўналган, деган таассурот қолди менда. Лекин нега бирдангина ўша томонга бормади? Нега қўзғалмас антенна ёнидан ўтди? Бу ҳодисанинг ўзида талайгина ноаниқликлар! Олимлар бўлса, ҳалигача шар чақмоқнинг ҳосил бўлишини ишонч билан айтиб беролмаётирлар. Фақат гипотезалар...

Москвагача яна бир соатча учишимиз керак. Йўлда оралиқ аэродромлар ҳам бор эди, лекин улар бизнинг гигантга кичкиналик қилар эди, бунинг устига, барча агрегатлар кўнгидагидай ишлаётган эди. Ишдан чиққан узун тўлқинли передатчикни қисқа тўлқинлиги билан алмаштирдик. Шундай бўлса ҳам чўчирдик. Биз яна шундай воқеа бўлишидан хавотирланиб, ёпиқ иллюминаторларга қарар, самолётнинг сиртига, қаттиқ антеннага кўз югуртирар эдик. Каллага ҳар хил бемани ҳаёллар келар, лекин энг асосийси, бу олов шар кабинага қандай кириб қолганини сира тушуна олмас эдик. Ўша вақтларда «учувчи тарелкалар» ёки ҳозир НУО деб аталган буюмлар тўғрисида гап йўқ, биз албатта ўзга планета келгиндилари тўғрисида ўйламас ҳам эдик. Лекин бир нарсани аниқ: ёрқин нури коптокнинг ҳосил бўлиши ва ҳаракати ноаниқ ва тушунтириб бўлмайдиган ҳодиса, унда қандайдир даҳшатли, ерга хос бўлмаган, инсон мантиқига бўйсунмайдиган ҳолат мавжуд.

Чақмоқ шарларни илгари ҳам кузатганман. Ерда улар одатда момақалдиروқдан олдин ёки ички момақалдироқ зоналарида (бу оз миқдорда) ҳосил бўлар эди. Бир куни Могоча аэродромининг команда пунктида ўтирардик. Қаттиқ жала қуйиб, чақмоқ чақиб ўтгандан кейин қуёш чиқди. Биз деразаларни очдик. Шу пайт деразанинг тепа томонидан кўзни қамаштирадиган оқ шар хонага учиб кирди. Бир муддат у дераза рафи устида тўхтаб, кейин чапдан ўнгга тебраниб, ёғоч филофли икки қўнғироқли телефон томон суза бошлади. Аппарат деразадан уч-тўрт метр нарида деворга осилган эди. Бизнинг группа ҳам, Р-5 аэрофотосъёмка самолётининг экипажи, телефондан шунча узоқликда ўтирар эдик. Шар телефонга сузиб келиб, устидаги никелланган қўнғироғи тепасида тўхтади. У гоҳ қўнғироқ устига тегиб кетгудек бўлар, гоҳ 10-15 сантиметр юқорига кўтарилар эди. Бу пайтда унинг ранги ҳам оч ҳаворанг тусга кирар эди.

— Чақмоқ шар! — бақирди аэрофотосъёмшчик К. Констан-

тинов ва каттагина китобни олиб, ярқироқ шарга улоқтирди. Қаттиқ портлаш бўлди. Хона қуюқ тутун, қуюнди ва озон ҳиди билан тўлди. Биз эшикка отилдик ва шу заҳоти қайтиб келдик. Хонага ўт тушмаганди. Деврдаги телефон ҳам йўқ эди. Стол, табуреткалар ва узун скамейка ағдарилиб ётарди, ерда телефоннинг куйган қисмлари ва куйган ғилоф индуктор сочилиб ётарди. Ҳеч ким шикастланмаганди.

— Уртоқ бош штурман,— хотираларимни тарқатиб юборди Зубов— йигирма минутдан кейин Москва. Ерга қўнганимиздан кейин, аэровокзалга боришимизни илтимос қилишди.

Ерда мен синоптикдан Няндома районида момақалдироқ ҳолатини сезган-сезмаганлигини сўрадим.

— Ҳеч қандай аломат сезмадим. Оддий очиқ ҳаво. Момақалдироқ ҳодисаси мамлакат жанубида ҳам бўлмаган. Ахир февраль,— деди синоптик.

Шундан бери мен чақмоқ шар муаммосига доир барча ҳодисалар билан қизиқиб қолдим ва жуда кўп ҳодисалар билан танишиб чиқдим. Улардан бири 1978 йил 17 августда, Ғарбий Кавказ тоғларида альпинистларимиз дуч келишган ҳодиса жуда сирли ва даҳшатли эди. Беш кишидан иборат альпинистлар Трапезия тоғи чўққисидан тушиб, 3900 метр баландликда тунаб қолишди. Альпинизм бўйича халқаро классдаги спорт мастери В. Кавуненкони госпиталга кўргани борганимда, у қуйидагиларни гапириб берди:

«Палаткага бегона одам кириб қолганини сезгандек уйғониб кетдим. Қопдан бошимни чиқариб, қотиб қолдим. Ердан бир метрча баландда теннис коптогидек ним сариқ рангдаги шар сузиб юрар эди. «Бу нимаси?»— деб ўйладим. Шу пайт шар Коровин ётган қопнинг ичига кириб кетди. Қаттиқ қичқириб эшитилди. «Копток» унинг қопидан чиқиб, бошқалар устида гоҳ у, гоҳ бошқа бир қопга шўнғиб айланиб юрди. Шар менинг қопимга кирганида, баданим худди бир неча пайвандлаш аппаратларининг олови куйдиргандек қаттиқ оғриди. Ҳушимдан кетиб қолдим.

Бир оз муддатдан кейин, ўзимга келиб, яна ўша сариқ шарнинг фақат ўзигагина маълум навбатга риоя қилган ҳолда қопларга кириб чиқаётганини кўрдим. Шарнинг ҳар гал қопга кириши қаттиқ азоб берар эди. Бу ҳолат бир неча марта такрорланди. Мен яна ўзимга келганимда — билмадим бешинчи ёки олтинчи марта бўлганими — палаткада шар йўқ эди. Мен оёқ-қўлларимни қимирлатолмасдим. Баданим оловнинг ичида қолгандек ёнар эди. Мен яна ҳушимдан кетдим. Шарнинг қаёққа ғойиб бўлганини ҳеч ким кўрмади.

Касалхонага вертолётда олиб келишди. Менинг етти жойимда яра бор эди. Баданим куйган эмасди: мускуллар суяккача юлиб олингандек эди. Менинг дўстларим Шигин, Капров,



Башкировларнинг бадани ҳам шундай эди. Олег Коробин ўлган эди. Унинг қопи резинка матрац устига ёзилгани ва ердан изоляция қилинганидан шундай бўлган бўлса керак.

Палатамизда — унинг ҳамма томони ёпиқ эди — радиостанция, карабин ва альпеншток ётар эди. Лекин шар чақмоқ бирорта металл буюмга тегмай, фақат одамларни шикастлантирди. Шар жуда ғалати эди. У худди ҳақиқий жабрловчи каби бизларни куйдириб, қаттиқ қийноққа солди. Олегни эса ҳалок қилди. Нима учун баданимиз тиртиқ бўлиб қолмади? Қопдаги тешиклар теннис коптогидек келарди. Яраларимиз эса 15-18 сантиметр эди.

Мен Кавуненкодан момақалдироқ белгиларини, шуълани кўрган-кўрмаганлигини сўрадим.

— Йўқ, ҳаво булут эди, лекин момақалдироқ ва шуъла белгилари йўқ эди. Бу чақмоқ шар эмасди, — деди у.

— Унда нима?

— Қайдам. Қандайдир бошқа бир нарса. Чақмоқ шарни мен ҳам бир неча марта кўрганман. У бир зумда пайдо бўлиб, тезда ғойиб бўларди. Бу оловли ҳайвон узоқ вақт бизни қийнади. Биз ўрнимизда ётиб, ўзимизни ҳимоя қила олмасдик, шол бўлиб қолгандек эдик.

Чақмоқ шар тўғрисида қанча-қанча илмий гипотезаларни ўқиб чиқдим, лекин уларнинг ҳеч қайсиси ишонарли тушунтириш бермасди.



В. РОДИКОВ

*техника фанлари кандидати*

---

## РАДИОЛОКАЦИОН АРВОҲЛАР—

### АФСОНАМИ ЕКИ ҲАҚИҚАТМИ?

Уларни анчадан бери кузатишади. Улар радар конструкторлари ва навбатчи операторларнинг бошини қотириб, ишдан чалғитар, ҳар хил хатоликлар келтириб чиқарар эди. Хатолар радар экранларида пайдо бўладиган бегона белгилар туфайли содир бўлар эди. Баъзан бу бегона белгилар самолётлар туфайли пайдо бўладиган сигналларга ўхшарди, баъзан эса ялтироқ доирачалар шаклида экранни бир зум ёритиб юборарди.

Баъзан бу «арвоҳлар» бутунлай ваҳимага айланиб кетарди. Масалан, 1952 йил июлда Америка газеталари Вашингтон осмонида радарлар пайқаб қолган бир гала «учувчи тарелкалар» пайдо бўлди, деган сарлавҳалар остида жар солишди. Реактив қирувчи самолётларнинг гумбури Вашингтон осмонини ларзага келтирди. Аммо учувчилар «қуруқ қўл» билан қайтиб тушишди.

Бир неча учувчи тез кўздан ғойиб бўлган ёруғ нуқталар кўрганларини айтишди.

Индианаполис шаҳар радиостанцияси махсус радио эшитириш билан «тарелка»ларга мурожаат этиб, уларга дўстона муносабат билдирди, тўлиқ эркинлик бериш кафолати билан штат аэродромларидан бирортасига қўнишни таклиф этди.

...Иккинчи жаҳон уруши борарди. Иттифоқо Урта денгизда сузиб юрган крейсерлардан бирининг радиолокатор экранида тўп ўқи етар масофада бир нишон пайдо бўлди.

Унинг қайси давлатга қарашли эканлиги сўралганда ҳеч қандай жавоб олинмади. Крейсер қалитгани номаълум кемага қарата ўт очишни буюрди. Тўпчилар нишонни урдик деб ўйлашарди. Аммо нишон экрандан ғойиб бўлмади. Крейсердагилар жавоб зарбани кутишган эди, аммо бу ҳол содир бўлмади. Нишон ҳамон ҳаракатсиз эди, крейсерда эса барча ўқ-дори тугаб бўлганди. Қизиқиш туйғуси аҳтиёткорликдан устун келди: крейсер бу ғалати нишон сари аста-секин яқинлаша бошлади. Кузатувчилар кўз ўнгида ҳад-ҳудудсиз денгиздан бошқа ҳеч вақо йўқ эди. Крейсер, ниҳоят айнан ўша сеҳрли «учувчи голландлик» туриши керак бўлган жойга етган эди ҳамки, радар экранидаги ҳалиги нишон тўсатдан йўқ бўлиб қолди.

1944 йили Америка сувости кемалари япон сувларида жанговар операциялар олиб борарди. Одатда ҳужум учун нишон танлаш мақсадида сувости кемаси сув сатҳига анча кўтарилиб, антеннани чиқарар ва радиолокацион разведка ўтказарди. Кўпинча индикатор экранида кеманинг йўлини кесиб, гўё уни таранг қилмоқчи бўлгандек, ёп-ёруғ нуқталар пайдо бўлиб қоларди.

Одатда сувости кемаси уни таъқиб қилаётган душман кемасидан қочишга улгурмай қоларди. Тўқнашув муқаррар бўлиб, таъқиб қилувчини эндигина перископда кўрамиз деганда, экрандаги белги ҳе йўқ-бе йўқ ғойиб бўларди қўярди. Бундай ҳодисага «Нансай-Шотонинг чопқир арвоҳи» деб ном қўйиб олишди.

Доплер принципида ишловчи ва ҳаракатдаги нишонларни кўрсатувчи радиолокацион асбобларнинг ҳам «арвоҳлар»га тиши ўтмади. Бу асбоблар «арвоҳлар»ни гўё ҳаракатда нишондан акс этган белгилардай уларни индикатор экранига

ўтқазиб юборарди. Турли «арвоҳлар» ва уларнинг пайдо бўлиш сабабларини ўрганиш иккинчи жаҳон уруши даврида бошланганди. Аммо ўша вақтда радиолокацион станцияларга алоқадор барча маълумотлар, хусусан, тушуниб бўлмайдиган ҳодисалар ниҳоятда пинҳон сақланарди. Чунки, душман улардан усталик билан фойдаланиб, учиб юрган ўз самолётларининг рақиблари томонидан топиб олинishi йўлларини қийинлаштириб қўярди.

Бу ҳодисаларнинг баъзилари атмосферанинг зичлигига боғлиқлиги мустаҳассисларга аён эди.

Америкаликлар «арвоҳлар»ни ўрганиш учун АҚШнинг жануби ғарбидаги саҳрода махсус полигон ҳам очилди. Бу жойнинг танлагини бежиз эмас эди. Полигоннинг иқлим шароити Шимолий Африка саҳролари шароитига жуда мос келарди. Худди шу саҳроларда 1943—1944 йиллари «арвоҳлар» кўпинча операторларни чалғитиб, иттифоқчилар қўмондонлигини шошириб қўяр эди.

Ерда турган одамга кўринмайдиган қуюнларни аэролотлар «очиқ осмон турбулентности» деб аташади. Улар самолёт учун ўта хатарли ҳисобланадилар. 1963 йилнинг 12 феввалида Флоридадан Чикагога учиб кетаётган Боинг-720 реактив самолёти тикка кўтарилган турбулент оқимида дуч келиб, ҳалокатга учради. Елдаги радар оператори экранда самолёт оқ доғ шаклдаги «фаришта»га яқинлашаётганини яққол кўриб турган. Учувчи эса осмон мусаффо деб радиодан хабар берган.

50-йилларда «арвоҳлар» радиолокацион орнитология фани ривожига туртки бўлди. Ҳозирги пайтда эса радар энтомологларга ёрдам бермоқда.

Атмосферада радар ёрдамида ҳавонинг циркуляциясини ўрганиш учун ҳашаротлар жуда қўл келди. Шамолсиз кунлари ҳавода муаллақ турган беҳисоб ҳашаротлар номаълум объект нишониси деб нотўғри хулосага олиб келиши мумкин.

Аммо аксарият «арвоҳлар», шу жумладан, 1952 йили Вашингтон осмонида пайдо бўлган «учувчи тарелкалар» бошдан-оёқ жумбоқдир. Бу хусусда мутахассислар яққил фикрда эмаслар. Турболен атмосфера билан радио тўлқинлар орасидаги ўзаро алоқадор ва ҳақиқатни юзага келтирувчи бир қатор жумбоқлар ҳали ҳам ечилмагандай...

Радар ноёб ҳодисалар ва объектларни тўғри тадқиқ қилиш ҳамда уларни асосли тарзда қайд этиб бориш учун кенг имкониятлар яратди. Турли-туман электромагнит ҳамда турбулен ҳодисалар қаторида реал физик табиатнинг объектларини топиш хусусияти радар таъсир жиҳатидан кучли бўлган НУО<sup>1</sup> тажрибасини амалда татбиқ этиш учун ғоят қимматли қурол


<sup>1</sup> НУО — Номаълум учар объект.

ҳисобланади. Барча ғаройиб парвоз қилувчи нишонлар ҳақидаги хабарлар илгарилари ҳам учувчилар оғзидан эшитилиб турса-да, чинакам муаммо сингари мана шу радарлар пайдо бўлгандан кейин юзага келди. Бу объектларнинг учиш баландлиги ўнлаб километр, суръат диапозони секундига холдан бир неча ўнлаб километрни ташкил этар эди.

Бундай объектлар сунъий плазма ичида учиб юради деган тахминлар ҳақиқатга яқин кўринади. Агар плазма қобигида учиб юрвчи аппаратлар бор бўлса, улар албатта, кўзга кўринмайди. Аммо плазма радио тўлқинларини идеал даражада қайтариш хусусиятига эгадир. 1959 йилдаёқ қуёш тождидан қайтиб келган радиолокацион шарпалар олинган эди. Радар плазмали объектларни ғолт аниқ сезувчи воситадир, сезгирликда у ҳатто радиотелескопдан ҳам қолишмайди.

Балки баъзи бир НУОларни, масалан, фазодан келган зондлар деб қараш мақсадга мувофиқдир?

Радиотелескоплар миллиард нур йили узоқликдаги галактикалардан сигналлар қабул қиладилар. 1965 йили бир илмий кўрғазмада томошабинларга столда ётган парча-парча оқ қоғозлардан бирини олиш таклиф этиларди. Қоғознинг орқасида қуйидагидек ёзув бор эди: «Столдан бу қоғозни олиб, сиз бутун радиоастрономия тарихи мобайнида дунёдаги барча радиолескоплар қабул қилган кучдан кўп куч сарф қилдингиз». Аммо узоқ фазони ўрганиш бўйича масалаларнинг барчасини радиотелескоплар ёрдами билангина ҳал қилиб бўлмайди. «Арвоҳлар»га алоқадор муаммоларни ўзга сайёралардан келган зондлар деб фараз қилинса бўлмасмикин?



В. Шчербаков,

журналист

---

## РАДИОЛОКАЦИОН ҚИДИРУВ: ЯНГИ УФҚЛАР

Бюрокан шаҳрида ўзга сайёрлардаги ҳаёт билан алоқа ўрнатиш бўйича Биринчи халқаро конференция ўтганига беш йил бўлди. Бу анжуманда машҳур олимлар шу вақтга қадар фақат фантаст ёзувчиларгагина дастур бўлиб келган масалалар устида бош қотиришди. Баъзан шундай гаплар қулоққа

чалиниб қоларди: модомики, биз ўзга сайёралардаги ҳаётдан ҳеч қандай сигнал олмаган эканмиз, демак, ҳар қандай цивилизация ўз-ўзини йўқ қилишга маҳкумдир. Космик ҳақиқатга нисбатан бу — нотўғри, ҳеч бир асосланмаган нуқтаи назарга нисбатан тўғри. Хўш, материалистик нуқтаи назардан қараганда аҳвол қандай? Бизнинг давримиз инсоннинг юлдузлар оламига кириб бориши учун йўл очиб берди. Англаш жараёни ҳаётимизда кундан-кунга кўпроқ аҳамият касб этмоқда. Вақтлар ўтиши билан инсоният ҳаётни ўрганишда тирикчиликни эмас, балки англашни асосий мақсад қилиб олса ҳам ажаб эмас. Бу шиор хусусан Бюроканда ўтказилган конференцияда яққол сезилди. Фазони тадқиқ этиш бўйича ишлар кўлами ва шиддати тобора ўсиб бормоқда: радиокузатиш шу билан бир қаторда радиолокация тадбир-усуллари кенг қўлланилмоқда.

Радиолокаторларнинг ихтиро этилиши ҳозирги замон космик фазони тадқиқ қилишнинг янги-янги уфқларини очиб берди.

Радиолокацион станция XX асрда яратилган энг ноёб қуролдир, у кузатилаётган уфқни беқнёс даражада катталаштириб кўрсатиши билан фазони холисанилло ўрганишда олимларнинг яқин ёрдамчиси бўлиб қолмоқда.

Ғоят узоқдаги осмон жисмларини ҳам кўра олиш хусусияти туфайли радиолокацион станция астрономия фани учун ҳам қиммат касб этади. 60-70-йилларда Ой, Венера, Марс ва Меркурий сайёраларининг радиолокацион харитасини тузишга муваффақ бўлинган эди. Венера юлдузини оптик кузатувларидан бекитиб турган ҳамда кўринмас ультра нофармон ва инфра қизил нурларидан иборат қалин булут пардаси электромагнит тўлқинлари учун ғов бўлолмади.

1964 йили Меркурийни радиолокацион кузатиш ёрдамида унинг тун ва кун ҳақида олинган сўнгги аниқ маълумотлар қарийб уч авлод астрономларининг фикрини пучга чиқарди. Венера сайёрасини тадқиқ этиш ақлли лол қилувчи кашфиётлар очди: Венера қуёш системасидаги ўз ака-укаларига нисбатан «тескари» айланар экан, кеча билан кундузи эса унинг йилидан узунроқ экан! 1973 йили Сатурн белбоғларидан қайтган радиолокацион сигналлар олинди. Бу улкан масофани радиотўлқин икки ярим соатдагина «босиб» ўтади.

Муттасил синусундал сигнал тарқатиб турувчи радиолокатор радиотўлқин босиб ўтган масофани ўлчай олмаса-да, унинг тезлигини яхшигина аниқлаб беради.

(Частота филтрлари билан қайд этилувчи Доплер эффекти) — импульсли тўлқин тарқатувчи радиолокатор эса масофа ва координатлар ҳақида дурустгина маълумот бера олишига қарамай, суръатни ўлчаш масаласига келганда, бу унинг учун хийла қийинчилик туғдиради.

Физика фанида ноаниқлик принципи лўнда қилиб шундай ифодаланган: координат маъносидаги ноаниқликнинг зарра импульси таркибий қисмига тенг маъносидаги ноаниқликка кўпайтмаси Планк тартибидаги ўзгармас миқдоридан кам бўла олмайди. Радиолокаторнинг сигнал шаклшамо йилини ўзгартира туриб, суръат ҳамда координатларнинг ниҳоятда аниқ маълумотларини олиш мумкин эмас.

Ўзгалмас объектларни кузатиш учун анча мўл вақт сарф қилинади: бошқа тенг шароитлар орасида қидириб топиш характеристикасига худди шу вақтнинг таъсири бор. Қисқа вақт ичида кузатилган объектнинг қидириб топиш аниқлиги ва эҳтимоллиги жуда кам, ундан ҳам кам вақт объект умуман радиолокатор экранидан ғойиб бўлади. Ракета ва самолётларни топиш учун радиолокаторларнинг вақти ниҳоят даражада кам бўлади.

Кузатиш жараёнида қуюнлар (шу қаторда реактив оқимлар) қушлар, ҳатто ҳашаротлар халал бериши мумкин. Масалан, кузатиш зонасининг бир квадрат километрга учта қуш кириб қолса, шунинг ўзи локаторни «кар ва кўр» қилиб қўйиши ҳеч гап эмас. Турналар ёки ғозлар галаси бутун бошли улкан реактив самолётни пана қила олади. Гарчи қушларда радио аск-садо қайтариш хусусияти борлиги олдиндан маълум бўлса-да, аксарият «арвоҳлар»нинг қушлар билан бевосита алоқадор эканлиги олтмишинчи йиллар охирида узил-кесил тасдиқ этилганди. Ута сезгир радар искабтопарни икки километр наридан «пайқайди».. Буларнинг барчаси якка учувчи объектларнинг нафақат суръатини ва координатларини ўлчаш, балки уларнинг ўзини қидириб топиш ҳам ғоят мураккаб иш эканлигидан далолат бериб турибди. Сигналларнинг ўзаро маскировка этилиши тасодиф, бунинг устига номаълум объектларнинг қайд этилишида «доғлар» — очик жойлар пайдо бўлишига олиб келади.

Радиолокацион сароблар кўнгилсиз ҳодисалар рўй беришига сабаб бўладилар. Айнан шу сароблар Ўрта денгизга кетаётган крейсердаги воқеа ёки «сакровчи арвоҳ» каби ҳодисаларда намоён бўлган. Дарвоқе, «сакровчи арвоҳ Нансай-Шото» ҳодисасининг рўй бериши тагин ўша атмосфера волноводи туфайлидандир деб талқин этувчилар ҳам учрайди. Улар тўлқинлар сувости ҳамда одатдаги кемалар туфайли ўшандай куч билан такрорий акс этади, дейдилар.

Иккинчи жаҳон уруши охирлаб қолган бир пайтда америкаликлар Тинч океанда Киска оролини босиб олишга тайёрланаётган эдилар. Орол японлар қўлида эди. Америка флоти 600 миль нарида сузиб келаётган бир пайтда тўсатдан радар операторлари номаълум бир эскадрани пайқаб қоладилар. Бу сирли эскадра бор-йўғи 40-50 миль узоқликдаги масофада худди қаршидан келаётган эди. Жанговар тревога сигнали

берилиши билан кемаларнинг командирлари мудофаага ҳозирлик кўра бошладилар. Аммо бир оздан кейин номаълум эскадра тўсатдан ғойиб бўлди. Бир неча кундан кейин Америка флоти Киска оролига етиб келди. Оролда душман йўқ эди. Кейин маълум бўлишича, сирли эскадра япон гарнизонини оролдан олиб кетган экан.

Радиосароб туфайли операторлар оз эмас, кўп эмас, 550 миль масофага янглишишган экан. Агар улар радиотўлқинларнинг мўъжизали тусда тарқалишини билганларида эди, ким билади, балки операция кўнгилдагидек ўтармиди.

Нега осмоннинг ранги ложувард. Буни ёш бола ҳам билади. Қуёш нури ранг-баранг атмосфера қатламларига ёйилади. Ранг-баранг деганимизда атмосферада учиб юрувчи чанг-ғуборларнигина эмас, балки ҳавонинг зичлиги ҳамда сийраклигини ҳам англаймиз. Мана шу омиллар биргаликда нурнинг сингдирилиш коэффициентини кескин ўзгартириб юборади. Натижада бундай мўъжизавий ҳодисалар кўпинча «арвоқлар»нинг пайдо бўлишига олиб келади. Шунингдек, радиотўлқинлар атмосферанинг турли қатламларига таралади, уларнинг бир қисмини радар антеннаси тутиб қолади. Аммо атмосферанинг хилма-хил зичликка эга бўлган қатламининг ҳамжи нур ёйилган пайтидаги ҳажмидан анча катта бўлиши лозим, чунки радиотўлқинлар узунлиги ундан қисқа эмас. Атмосферанинг нур таралувчи эни кам даражадаги хилма-хил зичликка эга бўлган қатламларидан фарқли ўлароқ радиотўлқинлар таралувчи эни кўп даражадаги хилма-хил зичликка эга бўлган ҳамда оддий кўз билан кўриб бўлмайдиган қатламлар доим мавжуд бўлмаса-да, тез-тез пайдо бўлиб туради ва улар турли-туман шаклларда намоён бўлиши мумкин. Радар экрандаги «шарпалар» аслида ўша жимжимадор шаклларнинг акс этишидир. Булар баландлиги бир неча километр келадиган устунлар ҳам, ёйиқ чизиқлар ҳам, синусоид шакллар ҳам, қутурган денгиз тўлқинларининг кўндаланг кўриниши ҳам, бир-бирининг ичида жойлашган турли доиралар ҳам, хуллас, атмосфера зичлигининг ўзгаришларидан пайдо бўлувчи яна минг хил «мақомлар» бўлиши мумкин. «Устунлар» кўкка ўрлаётган ёки ерга инаётган ҳаво оқимида қайтган радиотўлқинларнинг аксидир. Бу «устунлар» ичида гирдобод ҳосил бўлиб, ҳаво оқимининг суръати соатига бир неча юз километрга етади.

Барибир радар — топиш ва кузатиш учун самарадор воситалардан биридир. Радиотўлқинлар, албатта, реал ҳодисалардан аксланади, чунки локатор аслан моддий бўлмаган нур доғлари ва шуълаларга эътибор бермайди. Шунинг учун радиолокацион ва визуал (кўз ёки дурбин билан) кузатувлар туфайли олинган маълумотлар бир-бирига мос келиб қолса,

бунга ижобий натижа деб қараш лозим. Ҳз кўзим билан кўрдим деган одамларнинг даъволари номаълум сайёр объектлар ҳақиқатан ҳам мавжуд эканлигидан далолат бермайди. Бундай одамларнинг гаплари одатда қуруқ сафсатадан бошқа нарса эмас.

Далил сифатида келтирилган фотосуратлар ҳам аксарият ҳолларда исботталаб бўлади. Бироқ радар экранини автоматик камералар ёрдамида суратга олинса ёки магнит ёрдамида қайд этилса — бу бутунлай бошқа гап.

Космик зондлар, плазма капсуллар ҳақидаги фаразлар асло ғайритабиий ҳодисалар эмас, уларда илм-фанга зид келгувчи ҳеч нарса йўқ. Аммо бундай илмий фаразлар ақлга сиғмайдиган ҳар қандай воқеа-ҳодиса сингари, иши васвасаю бидъат тарқатишдан иборат идеализм маддоҳларининг тегирмонига сув қуйиши мумкин холос. Айнан шу сабаблар туфайли радиолокацион аппаратларнинг операторлари келажакда дуч келиши мумкин бўлган факт ва кузатувларга материалистик нуқтаи назардан тўғри изох берилиши талаб этилади.

Кўриниб турибдики, боши-кети йўқ фикр-мулоҳазалар билан шундай капсуллар ҳақиқатда борми-йўқлиги ҳақидаги муаммоларни ҳал этиш амримаҳол. Фақат илмий кузатишлар натижасида бунга аниқ-равшан жавоб бериш мумкин. Акс ҳолда, тажриба, тадқиқотларнинг аҳамиятини пучга чиқариш уни инкор қилиш демакдир.

1894 йилнинг ўзидаёқ Фридрих Энгельс «Умуман олганда борлиқ бизнинг кўзимиз етмайдиган жойидан бошлаб муаммога айланади» дея дохиёна башорат қилган эди. Мабодо номаълум учар объект кузатувчини ташкил қилишнинг асосий принципларини тартибга солишга уриниб кўрилса ёмон бўлмас эди. Энг аввало турли даражадаги воситалар билан радиолокаторлар ишининг умумлашуви олинадиган маълумотларнинг яна ҳам ишончлироқ бўлишини таъминлайди.

Объектнинг ҳаракати, унинг қайси тарафга учиб кетаётгани ҳақидаги маълумотни назардан қочирмаслик керак. Шунда номаълум учар объектдан келган тўлқинлар ва инфро қизил нурлар кузатув ишларига катта ёрдам берган бўларди.

Аммо барча кузатув каналларини ишга солган ҳолда ҳам тез ва аниқ жавоб олишга умид қилиш қийин: масала биз ўйлаганчалик осон бўлмадлиги ҳам мумкин. Номаълум учар объектнинг пайдо бўлишига олиб келувчи омиллар беҳисоб, шу боисдан кузатув ишларини имкони борича синчковлик билан олиб борилмоғи тақозо этилади.



## «БАЙТУЛ ҲИКМАТ» ХАЗИНАЛАРИ

Ҳалифа Мансур вазирнинг гапларига кулоқ солиб ўтирарди. У, ҳалифанинг қароргоҳи учун Дажла дарёсининг соҳилидан бошқа муносиб жой топилмайди, деб тилидан бол томар эди. Мансур вазирининг фикрини маъқуллаб, «Тўғри, денгиздан неки бор бизга Дажладан келади, Бобил, Арманистон ва бошқа вилоятлардан мева-чева, ўзга емишлар келади,— деди.— Фрот сувидан эса Сурия, Раққа ва бошқа юртлардан ҳар хил буюмлар келади».

Ушбу суҳбат 862 йилда бўлган эди. Арабистон ярим оролида араблар давлати барпо этилганига юз йилдан сал зиёдроқ вақт ўтди холос. Аммо, шу вақт мобайнида араблар Мисрни, Сурияни, Фаластинни, Марокашни, Эронни эгалладилар, Европага босиб кириб, Испания ва Португалияни забт этдилар. Араблар ҳамма ерда осонлик билан ғолиб келишар, чунки жуда тарқоқ ва заифлашган давлатлар уларга жиддий қаршилик кўрсатолмасдилар.

Мусулмонлар давлатининг чегараси Ҳиндистондан то Осиё ва Африка орқали Атлантика океанигача бориб етди. Биринчи халифалар даврида ислом оламининг пойтахти Ясриб шаҳри эди.

... Шу тариқа Мансур мазкур ҳушманзара жойда чодир тикиб, ҳалифаликнинг пойтахтини барпо этишга қарор қилди. Иш қизиб кетди.

Янги пойтахт қурилишига турли юртлардан юз минг уста ва қоронда чақириб олинди. Бағдод кун сайин эмас, соат сайин ўса бошлади. Қалъа икки қават девор билан ўраб олинди. Ўртада — ҳалифа саройи қад кўтарди. Саройнинг тахти равон ўрнатилган зали узра феруза мармар билан қопланган гумбаз қурилди. Шунинг учун уни «Зангор гумбаз» деб аташди. Сарой атрофига вазиру вузароларнинг қасрлари ва ҳукумат бинолари қурила бошланди. Шаҳар қарвон йўллари кесишган жойда вужудга келгани учун савдогар-тожирларга қўплаб қарвонсаройлар бино қилинди... Кўчалар четига буталар, дарахтлар экилди, гулзорлар барпо этилди. Хиёбон ва майдонларда фаввораларнинг мармар косаларидан инжу зарралар атрофга салқинлик таратарди...

Обод шаҳар қад кўтарди. Ўша вақтдаги арабларнинг фикрича, агар мачити, шоҳ саройи, ҳаммоми, мактаби, меҳмонхо-

наси, шифохонаси ва боғ майдони бўлмаган жойни шаҳар деб аташмасди. Бағдодда эса чамаси, икки миллионга яқин аҳоли, икки мингта уй, олтмиш мингта ҳаммом, ўттиз мингтача мачит-мадраса бор эди. Мачит ва мадрасаларнинг кўпчилиги ўша вақтда клуб ўрнига ўтар, у ерларда ҳар куни шеърхонлик, сатранжбозлик авж оларди... Бандаргоҳларда юзлаб кемалар лангар ташлаб турар, Дажлада минглаб қайиқлар сузиб юрар эди. Карвонсаройларда савдогарлар молини хиллаш билан оворайди.

Араб олимлари Бағдодни ажойиб-ғаройиб, кўзни қамаштирувчи мафтункор шаҳар деб таърифлашарди, у «Алиф лайло» «Минг бир кеча» эртақларида ҳам шундай тавсифланади. Шоирлар шаҳарни Мадинатус-салом деб улуғлаб, кўкларга кўтаришди.

Табиийки, IX асрдаёқ халқаро ҳунармандчилик ва савдо маркази бўлган бу шаҳар ўрта аср араб маданиятининг йирик марказига айланди. Маданий марказ эса китобат санъатисиз, кутубхоналарсиз, ўқув юртларисиз бўлмайди.

Ҳунармандчиликнинг ривожланиши туфайли қоғоз, бўёқ, зарҳалнинг олий навлари пайдо бўлди. Тўғри, илгари пергамент ва папирусдан фойдаланишарди. Хитойда кашф этилган қоғоз тайёрлашнинг сири узоқ асрларгача бошқа мамлакатларга маълум бўлмай келди. Аммо 751 йилда Бағдод ҳалифасининг Самарқанддаги ноиб қўзғолон вақтида иккита қоғоз тайёрловчи ҳунарманд-хитой фуқаросини асир қилиб олди. Шу йил Самарқандда биринчи қоғоз тайёрлаш устахонаси пайдо бўлди. Сўнг Бағдод ва Дамашқда ҳам шундай устахоналар қурилди. Араб ҳунармандлари эски, увада пахта ва латта-путтадан қоғоз тайёрлашни ўрганиб олишди.

Исломдан аввал ҳам арабларнинг ёзувлари бор эди. Араб рапсодлари — ровийлари ранго-ранг ёзаки шеърят намуналарини авлоддан-авлодга етказиб келишарди. Шеърят ҳаммани қизиқтирарди. Ровийлар ҳар бир араб учун азиз ва қадрли бўлган илдам йўл босувчи туяни, учқур тулпорни, ов-шикорни, дашт шамолини, қизларнинг ҳусну камолини васф этишарди. Араблар прозани насрни ҳам севишарди. «Аловиддин ва сеҳрли шамчироғ»ни, «Синдбод — бахрийни», «Али бобо ва қирқ қароқчи»ни ким билмайди дейсиз?

Наққош-хаттотлар ҳунари Шарқда жуда эъзозланарди. Мусаввир ибн Мақла араб хаттотлигининг асосчиси ҳисобланади (886—940 йиллар).

У вазир эди ва сарой фитналари вақтида қўлга тушиб қолди. Ибн Мақла машҳур хаттот, узоқ асрларгача қўлланилган араб дастхатининг асосчиси бўлса ҳам, халифа унинг қўли чопилсин деб буйруқ берди. Шунга қарамай, мусаввир каллакланган ўнг қўлига қаламни боғлаб олиб, ёзишда давом этди. Бошқа ривоятга кўра, у чап қўлида ҳам жуда чиройли, ҳусни хат билан ёзган.

Араблар китобат санъатини юксакликка кўтариб, кўнгилларга марғуб ва маҳбуб мўъжизатга етказишди. Усталар китобат санъатида баркамоллик чўққиларига интилар эдилар.

Миниатюрачи мусаввир сувли бўёқ билан қоғозга нафис гул соларди. Қоғоз варақлари ағат — ақиқ ёки биллур тухум билан ялтирагунича силлиқланарди. Сўнг мусаввир қалин бўёқ суртарди.

Ҳашаматли китобларда миниатюра суратлар алоҳида варақларга ёпиштирилади. Рассомлар турли муқаддима нақшлари, хотима нақшлари ёхуд ҳошияларга нақшлар ишлашарди. Айрим қўлёзмалар тўла суви билан ёзилар, қимматбахо саҳтиён, парча ёки шойи билан муқоваланарди.

Араб оламида китоб нақадар қадрланганини Ал Ҳаририйнинг (1054—1122) «Мақомат» номли насрий ва назмий ҳикоятлар тўпламига безак бўлган мўъжаз суратлардан кўриш мумкин.

XIII аср бошида мазкур тўплам хаттот ва мусаввир, биринчи араб ранг тасвирчиси Ал-Воситий томонидан қайта кўчирилиб, мўъжаз расмлар билан безалган. Мўъжаз расмда китоб ишқибози бўлмиш икки талаба тасвирини кўрамиз.

Бағдод ҳалифаси турли мамлакатларнинг энг кучли донишмандларини ўз ҳузурига чақириб оларди. Хоразмда туғилиб ўсган, ҳисоб, алжабр ва илми ҳайъат — астрономия асосларини ишлаб чиққан математик олим Ал Хоразмий (алгоритм термини унинг исмидан олинган), фарғоналик астроном олим Ал-Фарғоний, Туркистонда туғилиб ўсган ва Бағдодда таҳсил кўрган машҳур файласуф Ал-Форобий, Харрон вилоятидан келган, илк марта тригонометрик функциялар ҳақида маълумот берган Ал-Баттоний ва бошқалар Бағдодда яшаб ижод қилдилар. Муаррих Ал-Бағдодий қадрдон шаҳри ҳақида: «дунёнинг ҳеч бир шаҳри гўзалликда ва улўғликда бу шаҳарга тенг келолмайди, чунки ҳеч қаерда бу ердагидай кўп машҳур ва номашҳур улўғ олимлар йўқ...» деб бежиз айтмаганди.

Араб олимлари қадимги юнон математиклари, астрономлари ва файласуфларининг асарларини авайлаб тўплашар, ўрганишар ва ўз тилларига таржима қилишарди. Ҳалифа Язид I нинг ўғли Ҳолид юнон фанининг шайдоси эди. Астрономия, тиббиёт ва кимиёга оид юнон китобларининг кўпчилигини Ҳолид таржима қилган, дейишади.

Сарой мунажжими Теофил Эдессий эса «Илиада» ва «Одиссея»ни суриёний тилига таржима қилган.

Таржимачилик санъат айниқса ҳалифа Мансур даврида айниқса кенг авж олди. Унинг Византия императоридан математикага оид қандайдир қўлёзмани сўраб хат ёзгани аниқлаган.

Таржимонлик ишлари яхши йўлга қўйилгани туфайли арабийнавис олимлар қадимги юнон ва эллин фанига доир жуда

кўп буюк асарлар билан танишганлар. Шу туфайли Эрон ва Ҳиндистон маданиятининг олий ютуқлари яхши ўрганиб, ўзлаштирилган. Юнон ва Румо авторларининг жуда кўп асарлари арабча таржималар туфайлигина бизнинг давримизгача етиб келган.

Албатта араб олимлари <sup>1</sup> юнон, форс, ҳинд олимларига шогирд бўлибгина қолмаган. Уларнинг ўзлари ҳам гоят кўп кашфиётлар қилганки, булар тарихда яхши сақланиб қолган.

Араб маданияти юксалган даврда жуда кўп бадиий ва илмий асарлар вужудга келди. Араблар жаҳонга поэзия ва прозанинг ажойиб намуналарини беришди, теран фалсафий асарлар, гуманитар ва аниқ фанларга доир ажойиб асарлар ҳадея этишди. Узоқ асрлар давомида нуфузли кишиларнинг коллекцияларида, мактаб, мадрасаларнинг кутубхоналарида қалинқалин пергамент китоблар билан бирга нозик-нафис, шойи қоғоздан ишланган китоблар ўрин олиб келди. Олий мансабдорлар, вазир-вузаролар кўпинча олим ва шоирларнинг анжуманларини ўтказиб туришарди. Вазирлардан бири (X аср) ҳафтанинг бир кунинда санои нафиса билимдонларини, бошқа кунинда — диний билимларнинг вакилларини, учинчи кунинда файласуфларни ва бошқа кунларда бошқа олимларни чақирар эди.

Айрим ҳалифалар, айниқса Маъмун (813—833) маданият арбобларига жуда катта ҳомийлик қилган, атрофига олимлар, шоирлар, мусиқачилар, китобдорлар, хаттотларни тўплаган. Бу маърифатли ҳукмдорнинг фаолиятига Н.В. Гоголь юксак баҳо берган, у 1834 йилнинг октябрида Петербург университети талабалари ўртасида Маъмун ҳаёти ҳақида ажойиб лекциясини ўқиганди. Мана шу дарс вақтида А.С.Пушкин ва А.В.Жуковский ҳам Гоголь лекциясини тинглашган. Мазкур лекция кейинроқ «Арабескалар» китобида босилган.)

Маъмун айниқса басралик шоир Ал-Жоҳизни жуда қадрлаган. У ҳозирги тил билан айтганда илмий билимларни оммалаштирувчи ҳам эди. У, бугдой ва хурмо, металллар, оқ ва қора танли одамлар, қароқчилар ва тимсоқлар ҳақида ёзган...

Бағдод, Қоҳира, Қурдоба ҳукмдорларининг кўпчилиги ашаддий китоб ишқивозлари эдилар. Ҷамоат кутубхоналари эса асосан мачитларда жойлашганди. Ҳар бир йирик мачитнинг кутубхонаси бўларди. Эгалари қазо қилганда китобларини мачитларга мерос қолдиришарди.


Чунончи, Марвдаги йирик кутубхонага Яздигард III асос солганди. Бу ерда уч йил яшаган жуғрофиюн олим Ёқутнинг ёзишича ўша вақтда Марвда 12 та жамоат кутубхонаси бўлиб, уларнинг бирида 10 мингдан зиёд китоб сақланаркан. Ёқутнинг

---

<sup>1</sup> Бу ерда араб тилида асар ёзган Ўрта Осиёлик олимлар ҳам назарда тутилади — А. Ҳ.

таъкидлашича, унга ҳеч қандай гаровсиз уйга олиб кетиб фойдаланишга бир йўла 200 тача китоб беришган экан. Ҳар бир китоб хазинасида муайян тартиб сақланганлиги турган гап.

Султон Аъдуд-ад-Давланинг йирик кутубхонасини замондошларидан бири бундай тасвирлайди: «Кутубхона махсус бинода жойлашган бўлиб, унда доруға, кутубхоначи ва тафтишчи ишларди. Аъдуд-ад-Давла бу ерда турли соҳаларга доир китобларни тўплаганди. Кутубхона биносига жуда катта вестибюл — пешайвондан кирилар, узун, гумбазли залнинг икки томонларида китоб хазиналари жойлашганди. Ҳар бир жавон бўйига ва энига уч қулоч келар, эшиклари баланддан пастга очиларди. Китоблар жавон токчаларида қатма-қат терилганди. Ҳар бир фан соҳаси айрим жавонда сақланар, каталогда шу ердаги китоблар рўйхати бор эди». Аммо, шуниси бор, бу кутубхоналардан асосан атоқли, машҳур кишилар фойдаланарди...



## МУНДАРИЖА

Фазтоннинг оловли йўллари. <i>Г. Мирзааҳмедова таржимаси</i> .....	3
Улкан харсангларнинг кўз ёши. <i>Г. Мирзааҳмедова таржимаси</i> .....	12
Гипотеза қўллаб-қувватланмоқда. <i>Г. Мирзааҳмедова таржимаси</i> .....	18
Калаванинг учи. <i>Г. Мирзааҳмедова таржимаси</i> .....	20
Тунгуска узра манёвр бўлганми? <i>Г. Мирзааҳмедова таржимаси</i> .....	22
Асад юлдузлар туркумидан дарақлар. <i>Г. Мирзааҳмедова таржимаси</i> .....	26
Айтмоққа онсон. <i>Г. Мирзааҳмедова таржимаси</i> .....	27
Амалга ошмаган парадокс. <i>Г. Мирзааҳмедова таржимаси</i> .....	34
«Қора шаҳзода»нинг олтинлари қаерда? <i>Д. Зоҳидова таржимаси</i> .....	40
Миллион сўм афсонаси <i>Д. Зоҳидова таржимаси</i> .....	48
Мескаламдуг шоҳнинг олтин дубулгаси. <i>О. Турдубекова таржимаси</i> .....	50
Етти иқлимни кўриб келганлар... <i>О. Турдубекова таржимаси</i> .....	55
Астравидья: афсонами ёки ҳақиқатми? <i>Ш. Соатова таржимаси</i> .....	60
Баальбекни ким, қачон ва нима учун қурган? <i>А. Мақсудов таржимаси</i> .....	69
Баальбек «гов тоши». <i>А. Мақсудов таржимаси</i> .....	80
Кўҳна «Канар сирлари» <i>А. Мақсудов таржимаси</i> .....	82
Сирли ороллар. <i>А. Мақсудов таржимаси</i> .....	89
Чўғ устидаги рақслар. <i>С. Халифаев таржимаси</i> .....	95
Чўғ устида юриш ҳақиқатми ёки уйдирмами? <i>С. Халифаев таржимаси</i> .....	100
Олтин барра ўлкаси негрлари. <i>С. Халифаев таржимаси</i> .....	102
Абхаз жангномасидан бир саҳифа. <i>С. Халифаев таржимаси</i> .....	108
Симлев кўли жумбоғи. <i>М. Турсунов таржимаси</i> .....	111
Нима бу — афсонами ёки ҳақиқатми? <i>Д. Ҳожиева таржимаси</i> .....	117
Чукоткадаги олтин из. <i>Д. Ҳожиева таржимаси</i> .....	123
Вигфут кадрга гушиб қолди <i>Д. Ҳожиева таржимаси</i> .....	125
Учрашув бўлармикин? <i>Д. Ҳожиева таржимаси</i> .....	128
Зилзиланинг ёлқинли алаңгалари. <i>В. Йўлдошев таржимаси</i> .....	132
Ердан осмонгача бўлган конденсатор. <i>В. Йўлдошев таржимаси</i> .....	138
Оловли шар билан учрашув. <i>В. Йўлдошев таржимаси</i> .....	140
радиолокацион арвоҳлар — афсонами ёки ҳақиқатми? <i>М. Турсунов таржимаси</i> .....	145
Радиолокацион қидирув: янги уфқлар. <i>М. Турсунов таржимаси</i> .....	148
«Байтул ҳикмат» хазиналари... <i>А. Ҳамроева таржимаси</i> .....	153

*Для среднего и старшего школьного возраста*

*На узбекском языке*

## **ТАИНЫ ВЕКОВ**

**Чудеса, загадки**

Перевод с издания издательства «Молодая гвардия», 1977 г.

Редактор **Х. Эргашев**

Рассом **Л. Даватц**

Расмлар редактори **М. Карпузас**

Тех. редактор **М. Мирражабов**

Корректор **М. Абдусаломова**

**ИБ 2478**

Босмахонага берилди 11. 03. 84. Босишга рухсат этилди 23. 08. 84. Формати 60×90<sup>1</sup>/<sub>16</sub>. Босмахона қозғоғи № 2. Мактаб гарнитураси. Юқори босма. Шартли босма л. 9,30. Шартли кр.—оттиск 9,53. Нашр л. 11,5. Тиражи 60000. Заказ 1660. Баҳоси 35 т.

Гафур Гулом номдаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 700129. Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари бўйича ЎзССР Давлат комитети Тошкент «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмасининг Бош Корхонаси, Тошкент — 700129. Навоий кўчаси, 30.

**Сирли мўъжизалар: Ажойботлар, муаммолар. [Тўплам].—  
Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1984.— 160 б.**

Исоҳият тарихида бутун-бутун кемаларнинг сирли тарада ғойиб бўлиши, йирик фазо жисмлари катта куч билан Ерга кулаши, ўзга сайёралардан қандайдир онгли мавжудотлариникига ўхшаш сигналлар эштилиши каби мўъжизавий ҳодисалар кўп мартаба рўй берган. Мазкур китобга аини мана шундай хайратомуз ҳодисалар ҳақидаги илмий-оммабоп мақолалар жамланди

**Тайны веков: Чудеса, загадки. Сборник.**

**ББК 72.3 г  
001**